ҒАЙРИТАБИИЙ:
Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

ОЛТИНЧИ КИТОБ:

ПАЙҒАМБАР
ВА УНИНГ
ВАҲИЙСИ

(1960 — 1965)

Оуэн Жоргенсен

Мундарижа

Пайғамбар ва унинг ваҳийси (1960-1965)
Сўз боши

82. **Исо Масиҳнинг ваҳийси**
83. **Худонинг тушунтирилган Моҳияти**
84. **Ёввойи жойлар ваҳийси амалга ошди**
85. **Ўша куни унинг милтиғи портлади**
86. **Фаришталар ваҳийси**
87. **Шоҳ қиличи**
88. **7 муҳрнинг очилиши**
89. **Унинг сўнгги васвасаси**
90. **Момоқалдироқ сингари ваъзлар**
91. **Колорадода бўронни тўхтатиб**
92. **Зилзила**
93. **Елиезар таклифни топширади**
94. **Кабутар бургутни бошлаб юради**
95. **Охирги кунлар**
96. **Муаллиф хотимаси**

Муаллиф хотимаси
Қўшимча: Уилльям Бранхам Мактубининг Моҳияти

Миннатдорчилик

Бундай катта меҳнатда, табиийки, мен кўплаб одамлардан уларнинг ёрдамлари учун миннатдор бўлишим керак. Аввало, мен Перри Гринга унинг ваҳийси, бу китобларни босиб чиқариш ва тарқатишдаги берган далдаси-ю, куч-ғайрати учун ташаккур демоқчиман. Мен шу билан бирга Сондра Майлс, Дэвид Бакли, Джей Веберлар ва яна бошқа одамларга бу олтита қўлёзма таҳрирлаб корректуралашда кўп вақтларини берганлари учун миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Уилльям Бранхам ҳаётини яхши ва анча аниқ тасвирловчи китоб қилишда уларнинг таклифлари ёрдам берди. Мен Стивен ва Кэти Струларга ҳам ташаккуримни билдирмоқчиман. Улар ўқишдан кўра эшитишни афзал кўрадиганлар учун бу китобларни овозли форматга ўгирдилар. Мен, албатта, бу китобларни ўз она тиллари: испан, португал, француз, немис, рус, норвег, ҳинду ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилганларга ҳам ташаккур айтишим керак.

*Ғайритабиийлик: Уилльям Бранхам ҳаёти*ни якунлашим учун, менга 17 йил керак бўлди. Бошлаган пайтларимда мен 34 ёшда эдим, ва 51 ёшимда уни мен ёзиб бўлдим. Бошқача айтганда, бу биографияни ёза бошлаганимда, менинг тўртта фарзандим бошланғич мактабда ўқир эди. Бу биографияни якунлаганим вақтида болаларимдан учтаси уйланган ва невараларим тўққизта бўлди. 17 йил мобайнида мен бу лойиҳа устида ишларканман, ҳаётимда парвозлар ҳам, йиғилишлар ҳам бўлди. Мен бу 17 йил мобайнида мен учун ибодат қилганларнинг барчасига миннатдорчилигимни айтмоқчиман.

Ниҳоят, мен тўртта фарзандим — Бенайах, Бетси, Шайлох ва Ханналарга, уларнинг сабри, тушунишлари, далдалари ва сусаймайдиган муҳаббатлари учун миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Энди Худога шукур! У бизни доимо Масиҳнинг тантанали юришида олиб бораётир ва биз орқали ҳар ерда Ўзи ҳақидаги билимнинг хуш бўйларини тарқатаётир.

— 2-Коринфликларга 2:14 (Қирол Иаковнинг янги таржимаси)

Сўз боши

Уилльям Бранхам — Фаришта билан гаплашган деб айтиш мумкин бўлган тарихдаги биринчи одам эмас; аммо, фикрларини ҳақиқат эканида ундан кўра кўпроқ исбот, далил кўрсатадиганлари, агар улар бўлганида ҳам, ундай одамлар жуда кам. 1946 – 1954 йиллар орасида у миллионлаб одамларга Исо Масиҳнинг ғайритабиий Хушхабарини радио ёки теледастур орқали эмас, балки, бевосита, Америкада, Европада, Африка ва Ҳиндистондаги йирик хушхабарчилик кампаниялари вақтида кўрсатди. Унинг имон билан шифоланиш кампанияларида бўлган одамлар, у билан бирга бўлган, ундаги фарқлай билиш, башоратлар ва мўъжизалар инъомидан ҳайрон қолишар эди. Бу саккиз йил мобайнида у 500 000дан кўп одамни Масиҳга имонга олиб келди. Унинг ибодатлари орқали миллиондан кўп одам жисмонан шифоландилар. Бундан ташқари, унинг хизмати юзлаб одамларни ўзларининг имон билан шифолаш хизматларини бошлашида руҳлантирди.

Ғалати томони шу эдики, Уилльям Бранхам 1954 йил охирига келганида қониқмаган эди. У ўзидаги ғайритабиий инъом христиан дунёсида тубдан ўзгартириш қилиши, деноминацияларарo тўсиқларни синдириши ва барча Христианларни руҳ, мақсад ва таълимот бирлигига олиб келиши керак деб ўйлар эди. Бундай бўлмади. Унинг муваффақиятсизлигининг сабаби, кўпчилик Христианлар ўзлари сиғинмоқчи бўлган Худога тушунмаслигида, деб хулосага келди. Бу аҳволни тузатиш учун, Билли хушхабарчилик кампанияларида Христианлик имонининг асосий қоидаларини тушунтириб, кўпроқ таълим беришликка ўзида ҳоҳиш сезди. Бу қарор кутилмаган натижаларни келтириб чиқарди. 1955 йил ичида унинг имон билан шифолаш кампанияларида иштирок этувчилар давомати кескин пасайди. Афтидан, одамлар мўъжизалардан, токи уларнинг Худо тўғрисидаги фикрлари ўзгаришига тўғри келгунчагина қувонишар, уларни олқишлардилар. Баъзи одамлар, у Илоҳий шифолашга эътибор бериши ва таълим беришни, маълумоти уникидан кўпроқ бўлган пастор ва ўқитувчиларга қўйиши керак, деб ҳисоблашардилар. 1955 йил охирида

Калифорниядаги бир кампанияда давомат шунчалик пасайдики, Уилльям Бранхам хушхабарчилик хизматини чинданам қолдиришга қарор қилди. Аммо Худо унга унинг олдинги ва келгусида бўладиган хизмати ҳақида ваҳий кўрсатиб, унинг фикрини ўзгартирди.

Бу ваҳийда Билли кўл соҳилида балиқ овлар эди. Фаришта унга чуқурда сузаётган катта балиқни қандай тутишни ўргатди *(қайсики ўша учун мукофот тайинланган эди)*. Қармоқни ташлаганидан кейин Билли аста тортиши керак эди. Кейин у озгина қаттиқ силташи ва майда балиқни чўчитиб юбориши керак эди. Бу катта балиқни ўзига қаратар эди. Унинг учинчи силташи қармоқ катта балиқни жағида яхши кириб олиши учун кескин ва кучли бўлиши керак. Бу унинг хизматини тимсоли эди. Фаришта, Билли одамларни қўлини ушлаб ва микроорганизмлар чиқарадиган титроқдан ҳар қандай касалликни билиб олган вақтида, биринчи силташ 1946 йил бошланган эди, деб тушунтирди. Иккинчи силтов 1959 йилда, қачонки у ваҳийда касалликлар ва бошқа муаммоларнинг бўлиб ўтаётганини кузата туриб, уларни билиб олган вақтида бошлаган эди. Унинг хизматида учинчи силташ яқинлашаётган эди. Кейин воқеалар манзараси ўзгарди. Энди Билли ҳавода турар ва пастга, улкан чодир ёки кафедрал собор ичида тўпланган халққа қараб турар эди. Бу унинг кампанияларидан бирига ўхшар эди-ю, фақат анча катта эди. Кафедранинг ўнг томонида, платформада унча катта бўлмаган ёғоч уй (хона) турган эди. Олов Устуни мана шу кичик уйга тушди ва Раббий Фариштаси: *“Мен сени ўша ерда кутаман. Бу — учинчи силтов. Биринчи иккита силташлардан фарқ қилиб, учинчи силташ барчанинг кўз ўнгида бўлмайди”,* — деди.

1958 йил январь ойи мобайнидаУилльям Бранхам Айова штати, Уотерлуда имон билан шифоланиш кампаниясини ўтказди. Хизматчилар учун берилаётган нонушта пайтида у 1933 йилдаги ўша кун ҳақида, қачонки уни устида ғайритабиий Нур пайдо бўлгани ва Овоз унга: *“Яхё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар қилгани каби, сен Унинг Иккинчи Келишини хабар қиласан”*, — дегани ҳақида гапирди. Кейин у хизматчиларга 1946 йилдаги ўша оқшом ҳақида, Фаришта олдида пайдо бўлгани ва Худо уни ер юзи одамларига шифолаш инъомини келтириши учун тайин этганини айтгани ҳақида гапириб берди. Ҳаворий Павел сўзларини келтириб, Билли: “Мен кўкдан юборилган ушбу ваҳийга монелик қилмадим”,[1] — деб хитоб қилди. Ҳали у гапини тугатмай, хизматчилар столларидан тура бошладилар, пальтоларини олдилар ва қишнинг совуқ кунида ташқарига чиқдилар. Бу воқеа унинг бутун мамлакат бўйлаб кўплаб кампанияларда бўлиб ўтган нарсаларни акс эттирди.

[1] Ҳаворийлар 26:13-19

У Уотерлудан уйига қайтаётганида, Жефферсонвиллидаги уйи қаршисидаги ерда ер ўлчовчининг устунчалари қоқиб қўйилгани ҳақида ваҳий кўрди. Ваҳийда у уни ҳовлиси бўйлаб бульдозер ҳайдаётган ёш йигитни кўрди. Билли ундан, нима учун уни ҳовлисини пайхон қилаяпсан деб сўради. Йигит уни урмоқчи бўлган эди, у чап берди ва уни қорнига бир мушт туширди. Раббий Фариштаси: *“Бунга эътибор берма. Ҳовлинг олдида бу таёқча қоқилганини кўрганингда, ғарбга кетгин”,* — деди. Кейин Билли оиласини отлар қўшилган соябонли аравада ўтирганини кўрди. У аравакаш жойига ўтириб жиловни олганида, соябонли арава унинг машинасига — “универсал” кузовли замонавий автомобилига айланди. Шу ерда ваҳий тугади.

82 БОБ
ИСО МАСИҲНИНГ ВАҲИЙСИ
1960 – 1961

1960 ЙИЛ 8 МАЙ, якшанба эрталаб Уилльям Бранхам ваҳий кўрди (агар уни шундай деб аташ мумкин бўлса), ваҳийда у бир юпқа материядан одимлаб ўтди, қайсики ўша материя бу дунёни у дунёдан ажратиб турар эди.[2] Ваҳийда у жаннатни кўрди, у ерда уни юз минглаб одамлар ўраб олиб, ҳаммалари: "Бизнинг қадрдон биродаримиз!" деб хитоб қилишардилар. Бу барча ёш одамлар у имонга келтирганлари эканини билиб, қайсики улар Масиҳда ўлган эдилар, ҳайрон бўлди. Улар Исо уларни яна ер юзига — бироқ ором ва эзгулик бошқарадиган баркамол ерга қайтаришини кутаётгандилар. Билли жаннатни тарк этишни ва ўзини эски уйига қайтишни истамас эди, бироқ Худода у учун ҳали юмуши бор бўлиб, уни тугатиш керак эди.

[2] Ўша вақтда Уилльям Бранхам бу ваҳий эдими, ёки ҳақиқатдан ҳам ўша ерда эдими, аниқ бир нима деёлмас эди. Бутун ҳаёти давомида у юз минглаб ваҳий кўрди ва ушбу ваҳий у кўрган ҳар бир ваҳийларидан фарқ қилади, деди.

Бошидан ўтган бу кечинмадан икки ҳафта ўтиб, у черковида бу иккита дунё орасидаги тафовут ҳақида гапирди. У шундай деди: "Ўша жой кўп яхши. Ҳақиқатдан ҳам (мен буни гувоҳи бўлганим учун айтаяпман), бу ҳаёт тугаши биланоқ, биз ҳар қандай инсон тасаввури чегараларидан ташқарида бўлган бир мамлакатга кирамиз. Агар бу ерда бегоналар бор бўлса Худодан сўрайман, сизлар мени фанатик ўйламанглар деб. Мен ҳалол бўлишни ва сизларга ҳақиқатни айтишни истайман. Мен агар сизларга ҳақиқат бўлмаган бирор нарса десам, ундан нима фойда менга? Павел учинчи осмонга қадар кўтарилган эди ва у шундай нарсаларни кўрдики, у ҳақида гапириши ўринсиз эди.[3] Аммо у фақат: *"Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган",*[4] — деди.

[3] 2-Коринфликларга 12:2-4

[4] 1-Коринфликларга 2:9 (Қирол Иаков янги таржимаси).

"Ўша жаннат билан таққосласа, бизлар чириётган чиқиндилардан тўлиб кетган ахлатхонада, ахлат тўдасида яшаяпмиз. Ҳаттоки агар бизни ўзимиз унга беланмаган бўлсакда, чириётган гуноҳдан чиқаётган тутундан нафас олиб, ўшанда яшаяпмиз. Мен ҳали ёш пайтларим, электр энергияси етказиб берадиган кампанияда ишлаганимда, менга баъзан шаҳар ахлатхонаси атрофларида ҳисоблагичлар кўрсатгичларини ёзиб олишимга тўғри келар эди. Мен бу йўналишдан жуда қўрқар эдим, айниқса ахлатхона ёниб турган пайтлари. Мен кўрган жаннат билан таққослаганда, бу ҳаётимиз ҳам худди эски ахлатхонага ўхшаб, қўланса ҳид билан сасийди. Руҳий жиҳатдан олганда, гуноҳ ҳамма томондан сасийди. Аммо у ерда, ўша ўзга оламда, мусаффо шабада эсиб, ва ҳамма жойда севги, ором, қувонч, абадий ҳаёт, тўппа-тўғри нариги соҳилда ҳукм суради, худди ўша нариги соҳилда".

"Аммо ҳозир биз жанг ҳолатидамиз. Келинглар: "Мен ўша ёққа тушишга шошиляпман", — демайлик ва кутиб турмайдик. Келинглар, ўзимиз билан кимни олиб келиб билсак, ҳар бирини олиб келайлик". Шу ҳаётдан ташқарида бўлиб, илҳомланганидан, Билли Христиан меросига тааллуқли бўлган тўртта: "Эфесликларга Исо Навин китобига параллел мактуб", "Худо ўғилларининг намоён бўлиши", "Масиҳдаги позиция" ва "Ўғил қилиб олиш ёки ўғилларни жойлаштириш" деган ваъзларини бирин-кетин айтди. У урғуни келажакка қўймади. У Худо Ўз болаларига ҳозирги дунёда, уларни келажакдаги уйларига тайёрлаши учун, мурод-мақсадига етиши учун берган ўша воситаларига алоҳида аҳамият берди. Шунингдек, у имонлилар Масиҳда эга бўлган хавфсизлиги ва ишнчлилиги дадиллигини таъкидлаб ўтди. У ушбу тўртала мактубини, Христианлик таълимотининг анча чуқур мавзуларини ўқитишда ўзини эркин ҳис этолган ягона жой — Жефферсонвиллидаги Бранхам Чодирида, 1960 йил май ойида айтди. У шундай деди: "Мен бу плёнка (тасма)ларни эшитаётган одамлар, бу — менинг черковим учун эканлигини унутмасликларини истайман. Мен ҳар хил одамлар орасида Хушхабарни ваъз қилган вақтимда, мен яхши тарбия кўрган одамдай бўлишга ҳаракат қиламан-да, мен улар билан худди заиф тушунчага эга болалар

билан бўлгандек муомалада бўламан. Аммо, қачонки ҳақиқатни чинакамига айтишга келганда, бу ерда мен уни тасдиқлайман”.

1960 йил июлида у Тинч океани Шимоли-ғарбида у бир қатор узоқ давом этадиган кампанияларини бошлаб юборди. У Орегон штати, Кламат Фоллсда ваъз қилиб, ўн оқшомни ўтказди; Калифорния штати, Лэйкпортда тўрт оқшомни, ундан кейин у Вашингтон штати, Якима шаҳрида ўн кунлик кампания ўтказиш учун 400 мил шимолга кетди. Ўзидаги инъом таъсирида бўлиши учун, Худо энди унга кўпроқ куч берган экан, у ҳар оқшом ибодат навбатидаги янада кўпроқ одамлардаги *юрак сирларини* билиб олар эди.

Шундай экан, у кўп йиллар мобайнида қилганидан ҳам кўра кўпроқ зўр берар эди. Ҳар оқшом у борган сари кўпроқ чарчай бошлади. Баъзан у ҳаттоки қайси шаҳарда хизмат қилиб турганини ҳам эслолмасди. Жуда кўп куч талаб қилган ушбу Шимоли-ғарбий штатлар бўйлаб бўлган сафари охирида, у шунчалар ҳолдан қолган эдики, у бу ҳолатидан умуман чиқа олармикинман, деб ўйлаб қолар эди.

Унинг йиғилишларини тасмага ёзиш учун бирга юрган Джин Роуд ва Лео Мерсер, уйга кетишда йўлга шунақа бурдиларки, Билли ухлай олсин дедилар. Аммо уни уйқусида қийинчилиги бор эди. Вашингтон штатининг кун чиқаридаги қандайдир бир ерида у Леодан йўл чекасига чиқиб, тўхташини сўради. Автомобилдан чиқиб, Билли шосседан кичикроқ сўқмоқча бўйлаб узоқлашди, дарахт тагида тиз чўкди ва ибодат қилди: “Раббий, агар Сен менга бир силкиниб, ўзимга келишимга, яна соғ-саломат ва бақувват бўлишимга йўл очсанг, мен ўз хизматимни қайта кўриб чиқаман, деб ваъда бераман. Мени одамларга нисбатан топшириғимни тузата олишим учун, ҳақиқат нима эканини билишимга ёрдам бер”.

Ҳар доимгидек, у ибодат қилишини истаган одамлар туфайли, уйда дам ололмас эди. Шу учун Билли кейинги куни дўстлари Чарли ва Нелли Кокс билан бир неча кун бўлиши учун Кентукки штати, Элкхорн Ситига қараб, жануби-шарққа 200 милга жўнади. Чарли Кокс Бэнкс Вуднинг қайнағаси, Руби Вуд Чарлининг опаси эди. Кокслар оиласи Виржиния ва Кентукки штатлари чегараларидан бор-йўғи бир неча мил масофадаги манзилда яшар эди. Билли бир неча кунни Аппалачи тоғ ёнбағирларида олмахон овлаб, тинчланиб, фикр юритиб ва ибодат қилиб ўтказди. У ўша 1946 йил оқшоми ҳақида ўйлади. Ўшанда Раббий Фариштаси у билан биринчи марта юзма-юз учрашди ва унга бутун дунёга Илоҳий шифоланиш неъматини етказиш тақдир этилганини айтди. Фаришта у Худо томонидан юборилганнини тасдиқлаш учун унга иккита аломат берилади, деди. Тез орада унинг вужудида биринчи аломат нималигини очди. Тез орада у касалларни қўлини ушлаганида — уларнинг шифоланмаётган касалликлари титрашини ўзини қўли бўйлаб юрагига кўтарилаётганини сезиб, — жисмонан ҳис қилиб, ундаги биринчи аломатни нима эканини тушуниб етди. Ўша биринчи кунлар бир оқшомни ўзида ҳолдан кетиб қолишига сал қолиб, токи боши айланаётганини сезмагунигача, юзлаб одамлар учун ибодатлар қилди. Аммо иккинчи аломат биринчисига қараганда анча машаққатли, тинка-мадорни қуритадиган экан. Қачонки Муқаддас Руҳ мойланиши одамлардаги касалликларни аниқлай бошлаганида, ҳар бир ваҳий унинг шунчалик қувватини олар эдики, шу учун у бир оқшом давомида фақат 15-20 киши учун ибодат қила олар эди. Кўп йиллар давомида у кўп марта Худодан бу тўсиқни олишини ва унга шифоланиш кампанияларида ҳар оқшом кўпчилик одамлар учун ибодат қилишида куч-қувват беришини сўраган эди. 1955 йил январида Худо унга ваҳийда жигарранг кўйлакдаги, қўлида ўлим ёқасидаги бола ушлаган аёлни кўрсатди. Ваҳийда унга боланинг шифоланиши кўрсатилган эди. Кейин Раббий Фариштаси унга: *“Сен буни бўлиб ўтишини кўрганингда, сенинг хизматинг ўзгаради”,* — деди.

1959 йил сенябрида Чикагодаги кампания вақтида, жигарранг кўйлакда аёл, худди ваҳийда айтиб ўтилгандек тарзда, ибодат навбати орқали ўтди. Унинг боласи шифоланган ҳам эдики, Билли кучига куч қўшилганини сезди. Кейинги ваҳий унинг ҳаётий куч-қувват кўламини олдингидай қуритмади ва у шу вақтдан бошлаб йиғилишларида ҳар оқшом кўплаб одамлар учун ибодат қила оладиган бўлди. Бу инъом у кутганидек эмас экан. Чинданам, ўзида катта куч-қувват запасига эга бўлганидан, у кўп одамлар учун ибодат қилишга қодир эди. Аммо ҳамишагидек ибодат қилишини истаган беҳад кўп одамлар қолиб кетар эди.

Қандайдир бир момент, ҳар бир йиғилишида унинг жисмоний қуввати заифлашди. Якимадаги охирги кампаниясида у бир оқшомни ўзида элликта ваҳий кўрди! Элликта ғайритабиий фикрлай олиш — ва уларнинг ҳар бири мутлақо аниқ. Ахир ўн бештадан кўра элликта мўъжиза инсонлардаги Худо берган ваъдаларига ишончини кўпроқ кўтарадими? Йўқ, улар буни қилмайди. У Якимадаги ибодат навбатини давом эттиришга мадори қолмаган маҳалда, у ерда ҳали ҳам бундан ҳам кўпроқ ғайритабиий фарқлашни сўраб турган юзлаб одамлар қолишган эди.

Энди, ҳозир у Аппалачи тоғлари устида тонг отишини кузатиб, Кентукки тепаликлари ён бағирларида ўтирганида, у ўзининг ҳақиқий топшириғи хусусида хато қилганини англаб етди. Худо аввал бошидан унга касаллар учун ибодат қилишни топширган эди. Фаришта унга, агар у одамларни ўзига ишонтира билса, унинг ибодатига битта ҳам касаллик тура олмайди, деди. Одамлар унга, уни жамиятда тутган паст ўрни туфайли ишонишмайди деб эътироз билдирганида, *шунда* Худо *унга* уни топшириғини тасдиқлаш учун иккита аломат берди. Аммо бу аломат — белги *охирги* тайин этилган жой эмас; бу фақат тайин этилган жойни кўрсатувчи пунктлардир. Энди у ўз хатосини кўра билди. У топшириқни ўрнига, уни кўрсатиб турувчи устунчага алоҳида эътибор қаратган эди. Ўз хизмати йўналишини ўзгартириш учун вақт етиб келди. Билли ибодат қилди: “Худойим, мени кечир. Менга бу одамларни етаклашга ва уларни Каломга шу қадар мустаҳкамлашимга ёрдам бергинки, шунда бизлар Иордандан Ваҳда этилган Ерга ўта билайлик, қайсики у ерда Худонинг сотиб олинган Черкови қутқарилади ва бошқа гуноҳ қилмайди”.

Билли кунинг қолганини ям-яшил тепаликлар ва чакалакзорларда сайр қилиб ўтказди. У юрди, кейин ўтирди, яна юрди, кейин яна ўтирди, ибодат қилди, ўйланди, тинчланди. У Чарлини уйига, тахминан, Келли кечки овқатни столга қўйган пайтларда қайтди. Билли кейинги кун уйига қайтишни режалаштирди.

Шу кеча у ётиши билан ухлаб қололмади. Тахминан тонгги соат учларда у ибодат қилиш учун уйғонди. Электр чироғининг мўътадил ёруғида, хонада аста-аста у ёқдан – бу ёққа юрди. Бирдан сесканиб кетди. Юқорига қараб, олдида турган, қоп-қоронғи бўлган қўрқинчли одамни кўриб, қўрқиб кетди. Бу одам африкалик ёки ҳинду каби қоп-қора эмасди; унинг териси ёғоч кўмирига ўхшаб қорамтир-кулранг эди ва у Шарқий Осиё тимсоҳининг қаттиқ терисига ўхшаш, бурушган эди. У одамни уни катта-катта қўллари билан томоғига чанг солиб, Биллига ташланди. Билли бундай қаттиқ олишувга қарши турди-ю, аммо ундан қутила олмади. У аста-секин бўғаётганларини сезди. Шунда у бир қўлида пичоғи борлигини англади. Чорасизликдан, у қоронғи одамни қорнига пичоқ санчди, аммо унинг кичкинагина дами унинг қаттиқ терисини тешиб ўтолмади. Яшашига бор-йўғи бир неча сония қолган хонада, қоронғи одамни йўқолишига мажбур этган ёрқин нур порлади. Шу алфозда — Билли билолмадиям — Раббий уни қандай қилиб қутқарганини.

Тўлқинланганидан, ҳали ҳам юраги қаттиқ урганича, Билли кровати четига ўтирди ва ваҳий тўғрисида ўйланиб қолди. У ўйлади, қоронғи, қаттиқ терили одам Қўшма Штатлар ҳукуматининг унга қарши, қарийб беш йил чўзилган солиқ судининг ишини билдирди. Унга қарши федерал тергов олиб борилганлиги туфайли, у давлатдан чиқиши қийин эди. Руҳий томондан айтганда, солиқ иши уни хизматини бўғаётган эди. Энди у билар эдики, Раббий қандайдир тарзда ҳукуматнинг бўғаётган олишувидан озод қилади.

Ёз ўрнини кузга бўшатиб берган, аммо сентябрь август ойи жазирамаларини қўйиб юборгиси келмаётгандай эди. Шундай жазирама ва нам оқшомларнинг бирида бир неча соатлаб Билли кроватида у ёқ – бу ёққа ағдарилиб, ухлаб қололмади. 1960 йил 6 сентябри, пайшанба, эрталабки соат учлар, у кроватидан турди ва ошхонага сув ичиш учун чиқди. Кейин у ибодат қилганича, оёғи остига қараганича, аста-секин залида юра бошлади. Ҳаётида тез-тез бўлиб тургани каби, у ғайритабиий нимадир ҳали кўришидан олдинроқ хонага кирганини ҳис этди. Орқаси сесканиб кетди. Шу вақт юқорига қаради ва жуда ёрқин оқ ёруғликка ўхшаш нурланаётган Одамни кўрди. Бу, одатда у ибодат қилгани вақтида келадиган Раббий Фариштаси эмас эди. Бу Одамни ким эканини Билли билмасди-ю, аммо уни шу ердалигини ўзи худди икки ҳафталар олдин уни қора одам қўрқитиб юборганидай

бўлди — фақат бу бошқачасига эди. Бу Одамнинг ҳузурида ўзида хавф-хатар сезмади. Бу Илоҳий Зот гапирганида хона қалтираб кетди. Билли шунчалик довдираб қолганидан, сўзларининг аниқ маъносини англамай қолди. Ўша Одам, *“Етти кундан кейин сен Мусо тургандай турасан”*, дедими, ёки бўлмаса У, *“Сен ҳам худди Мусодек бўласан”*, ёки Мусога тааллуқли нимадир деди.

Кейинги якшанбада (1960 йил 11 сентябрь) Билли “Мен Мусо билан бўлганимдай” деган ваъзини айтди. У ушбу ваъзни 1952 йилдан бери ваъз қилишни хохлаган эди. Ўшанда у ваҳий кўрган эди, унда танадан ажралган бир қўл унинг хонасига пасайиб келган, унинг Библияси саҳифаларини Ёшуа китобининг 1-бобида очиб ва 2-дан 9-оятигача кўрсатган эди. Кейинги йиллар Билли бу оятларни унинг хизмати учун алоҳида аҳамияти бор деб ҳисоблаб, тез-тез ўқиган эди. Аммо бу якшанбада биринчи марта уларни мавзу сифатида ваъзида фойдаланди. У ўқиди: *Менинг қулим Мусо вафот этди; энди ҳаммангиз — бутун Исроил халқи Мен сизларга бераётган юртга киришингиз учун Иордан дарёсидан ўтишга тайёрланинглар... Эй, Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас кела олмайди. Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан; сени тарк этмайман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман. Дадил ва ботир бўл, Исроил халқининг ота-боболарига, сизларга мана шу юртни бераман, деб ваъда қилганман, улар бу ерларни олиб, эга бўлишига сен бош бўласан.*

Билли деди: “Ёшуа буйруқни ўта муҳимлигини билар эди, лекин бундай ишончга эга бўлиб токи тўғри йўлда турган экан, у жасур бўла олар эди (бизлар буни бемулоҳазалик деб атар эдик). Худди шунга ўхшаб Тирик Худонинг Черкови ҳам бу дунё учун мулоҳазасиз бўлиши мумкин ва агар биз тўғри йўлда турсак, имонда жасур бўлишимиз мумкин. Худо деди: “Мен Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан. Сени тарк этмайман, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман”. У Мусони ҳам, Ёшуани ҳам ташлаб кетмайди. У бизларни ҳам панд бермайди. У бизлар билан бўлади”.

Билли, Ёшуага ҳақиқатдан ҳам Мусодан кўра кўпроқ иш қилиши керак эди, деб ўргатар эди. Ёшуага Ваъда Этилган Ерни қадамба-қадам ишғол қилиши ва шу вақтнинг ўзида ўз халқи ўртасида адолат билан тақсимлаб бериши лозим эди. Мусо Исроилликларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққанида, у ўз болаларини гуноҳга қуллик қарамидан озод қилган Исо Масиҳнинг тимсоли эди. Ёшуа Исроилликларни Иордан дарёси орқали Ваъда Этилган Ерга олиб ўтганида у Христианларни Руҳга тўлган Ҳаётга элтувчи Муқаддас Руҳ тимсоли бўлиб, қайсики у ерда улар иблиснинг уларга шикаст етказиш учун барча урунишларига қарамай, Худо Каломига асосан ғолибона яшай оладилар. Ёшуа кирган Ваъда Этилган Ер осмоннинг рамзи ва Масиҳнинг Минг йиллик шоҳлиги рамзи ҳам эмас эди; у ундай бўлолмас эди, чунки Исроилликларга у ер учун қадамба-қадам жанг қилишлари керак эди. Ваъда Этилган Ерга эга бўлиш, Худонинг — Муқаддас Руҳга чўмдирилишдан бошлаб то Исо Масиҳ Келишини кўтарилишига қадар, барча ваъдаларига эга бўлиш учун курашувчи Христианлар тимсоли эди.

Билли Мусонинг қилган хатосини эслатди, бироқ Худо уни ҳали ҳам ишлатганини, чунки у ўз вазифасини бажариши учун мўлжалланган эди. Шунда Билли ўз йиғилишига Раббий қандай қилиб уни кўрсатувчи устунчаларга, белгиланган, тайин этилган жойдан кўра кўпроқ аҳамият берганлигини очгани ҳақида сўзлаб бериб, ўз хатосини тан олди. Худо унга Хушхабарчилик хизматининг кўп йиллари давомида учта алоҳида топшириқ берди. Биринчиси, дунё одамларига Илоҳий шифоланиш инъомини олиб келиш эди. Унинг иккинчи топшириғи — ҳақиқий таълимотга алоҳида эътибор бериб, хушхабарчилик меҳнатини бажариши эди. Унинг учинчи топшириғи — черковга унинг руҳий меросини кўрсатиши эди. Бу учинчи топшириқ бошқа иккитасини бекор қилмас эди. Қандайдир тарзда касаллар учун ибодат қилиши бўлган ўзининг дастлабки топшириғидан у озроқ оғишган, оддийгина ибодат қилишдан четлашган эди. Билли деди: “Худо ҳеч қачон Ўз топшириғидан четга чиқолмайди. Ҳозир мен бутун дунё бўйлаб 14-йиллик узлуксиз равишда фарқлай олиш тажрибасига эгаман, мен ўн минглаб ваҳий кўрдим, эҳтимол, миллион марта бўлгандир; ва мен сизлардан сўрайман, буни бирор марта хато бўлганини сиз қачон бўлса ҳам кўрдингизми? Йўқ, жаноб. Ва агар кўрсатувчи устун панд бермаса, топшириқ нақадар кўп панд бермайди. Аломат — бу

кичкина қисм. Шундай қилиб, агар шаҳарни аниқ кўрсатадиган белги, ҳеч қачон панд бермаган бўлса, агар сиз ўша ёққа қараб борсангиз, унда шаҳар айнан ўша ерда бўлади. Мана *у топшириқ!”*

“Энди менинг хизматим ўзгаради. У ўзгарди ҳам. Мен Худонинг раҳбарлигини сезсам, мен аввалгидек билиб олишни ишлатаман, аммо борган сари кўпроқ касалларга қўл қўяман ва ибодат қиламан. Мен ўз топшириғимни бажаришни истайман. Мен узоқ вақт буни кутдим, аммо энди бизлар Ваъда Этилган Ерга эгалик қилишга тайёрмиз, деб ўйлайман”.

“Бунга ишонинглар ва яшанглар! Бунга ишонинглар ва шифоланинглар! Сиз ўзингиз бунга ишонишингиз лозим. Мен сизларга ҳақиқатни айтдим. Бу ҳақиқат эканига 14 йил давомида Ўзининг мўъжиза ва аломатлари билан, Ўз Фариштаси билан, Ўз Сўзи билан шаҳодат берди. Агар бошқалар ҳозирнинг ўзида бунга ишонишни истамаса, улар ҳеч қачон бунга ишонишмайди. Аммо вақти келди, мен бу тоғда қолаверишдан чарчадим. Мен Иордан дарёсидан ўтишни истайман. Мен Худонинг барча ваъдаларига киришни хохлайман”.

Шу кузда, сал кейинроқ Уилльям Бранхам ва Бэнкс Вуд Кентукки штати, Элкхорнга жўнашди. Чарли Кокс уларни уйида бўлишлари учун таклиф қилди. 1960 йил ов мавсуми ҳали тугаб қолмай, Билли яна бир неча кун олмахон овламоқчи бўлди. Бир куни эрталаб Бэнкс уни Чарлининг уйидан тўрт милга яқин масофадаги ўрмон участкасига қолдирди. Бэнкс машинасида жўнаб кетгач, Билли ўрмоннинг узоқларида ўзидан узоқлашиб бораётган итнинг ҳуришини эшитиб қолди; дақиқалар ўтиб, дарғазаб акиллаган товуш базўр эшитиладиган бўлди.

“Агар бу ерда биров ити билан юрган бўлса, — ўйлади у, — бир неча вақт мени ов қилишимни ҳожати йўқ. Ҳамма олмахонлар инларига яширириб олишган. Мен фақат ўтираманда, ҳали уларни ўзи чиққунича кутаман.”

У ов халтасидан Библиясини чиқарди ва орқаси билан девор устунига суянганча қуруқ хашак устига ўтирди. У Библиясини очишга улгурмай, Овознинг: *“Ўрнингдан тур ва ўзинг тартибли одам Сойлиги деб атаган жойга бор. Ўша ерда Мен сен билан гаплашаман”,* — деганини эшитди.

У бўйсуниб турди ва тахминан бир мил масофаларда жойлашган, тартибли одам Сойлиги томон кетди. У жой бирор бир харитада тиртибли одам Сойлиги деб номланмаган эди. Уни ўзи ўша ерни шундай деб номлаган эди. Бир куни, у ўша ерда ов қилганида, у ўша ерда, битта дарахтда ўн олтита олмахонни кўрди. У қонун рухсат берган миқдордаги олмахонни отди-да, қолганини тинч қўйди, мана шу қилгани, тартибли одамнинг иши эди.

Шу куни у тартибли одам Сойлигига етиб борганида, у битта ҳам олмахон кўрмади. Билли эман дарахти тагида Раббий у билан ҳозирни ўзида гаплашади деб, кута бошлади. Дақиқалар ўтаверди, аммо у ялонғоч новдаларда ҳуштак чалаётган ва қуриган баргларни тўзитаётган шамолдан бошқа ҳеч қандай товушни эшитмади. Совуқ қулоқларини жизиллатди. Гиламдай барглар устига ўзини ташлаб, ибодат қила бошлади. Ярим соатдан сўнг, у эман дарахтига суяниб ерга ўтириш учун қўлларига таяниб, бироз бурилиб олди. Ён-атрофларда дарахтлар бир ғалати эртакнамо осуда эди. У масофадан туриб, Муқаддас Руҳнинг, худди мутлоқ тенглик ҳисобланган: икки... карра... икки... тўрт(яқинлашавериб;) деб эшитилаётгандай табиатга уйғун равишда келаётганини ҳис эта билди. Икки... Карра... Икки... Баробар... Тўрт (кучаявериб;) икки... карра... икки... баробар... тўрт; икки... карра... икки... баробар... тўрт. Билли яна ўша Овозни, худди атрофидаги дарахтларда сайраётган малиновка ва ўтлоқ сўфитўрғайларни эшитаётгандай, аниқ эшитди. Бу бир ўзининг мукаммал эшитилишида теран, жиддий Овоз эди. У деди: *“Малахиянинг тўртинчи бобини ўқи”.*

Билли Библиясини Малахиянинг тўртинчи бобида очди, эсаётган салқин шамолдан очилиб кетмасин учун саҳифани бармоқлари билан маҳкам сиқди. Бу бор-йўғи олти оятдан иборат қисқагина боб эди. У олтинчи оятни баланд овозда ўқиди: *“Мана, Мен Илёс пайғамбарни Раббийнинг буюк ва даҳшатли куни олдидан сизларга юбораман: Ва у, Мен*

келиб ва ерни лаънат билан нобуд қилмаслигим учун оталар дилини фарзандларга ва фарзандлар дилини оталарга қайтаради".

— Ҳа, — ўйлади у, — мен бунга ишонаман. Аммо, бу оталар дилини фарзандларга ва фарзандлар дилини уларнинг оталарига қайтаради, деган икки ибора нимани англатади экан?"

У Луқо баён этган Инжилдан 1:17га қаради ва Фариштанинг Яҳё Чўмдирувчи ҳақидаги башоратини ўқиди: *"Ва у* (Яҳё) *оталар дилини фарзандларга қайтариш учун ва...* ва... (У ичида ҳаяжон тўлаётганини сезди) *ва осий бандаларнинг фикрини солиҳлар томон мойил қилиб..."* ҳозирланиш бир халқни Раббимизга тақдим этиш учун, Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудрати ила Уни (Исони) олдида юриб келади..." Унинг жавоби шу ерда! Гуллар ўз гўзаллигини кўрсатиш учун ўз гулбаргларини очганига ўхшаб, бу оятлар ҳақиқатни очиб юборди. Яҳё Чўмдирувчи оталар дилини фарзандларига қаратди — ҳа ана, у Яҳудийлар диққат-эътиборини оталари имонидан ҳам узоққа — Худонинг Ўғли Исо Масиҳдаги янги, озод қилувчи имонга қаратди. Аммо Луқо баён этган Инжил 1:17да, Фариштa Малахиё 4:6ни келтирганида, у, Фариштa оятнинг ўртасида тўхтади. У оятни тугатмади, чунки Малахиё 4:6нинг иккинчи қисми Яҳё хизматига тегишли эмас эди. У *келажак* Илёсга қолдирилган эди, қайсики фарзандлар дилини *орқага*, уларнинг оталарига қаратади, — ана, охирги куннинг ушбу Илёси охирги давр Христианларини ортга, уларнинг эътиборини Ҳаворий оталар Янги Аҳд черковида ўрнатган ўша имонга қаратади.

Бу, Яҳёдан Фарзийлар у Илёсми эканини сўрашганда, Яҳё у эмаслигини айтган фактни тушунтириб берди.[5] Яҳё Малахиё 4:6нинг икинчи қисмидан эмаслигини кўзда тутган эди. У Масиҳнинг Иккинчи Келишини хабар берувчи Илёс эмас эди. Бу Илёс тўппа-тўғри, Раббийнинг буюк ва даҳшатли куни олдидан келадики, ундан кейин ер юзи печь каби ёнади.

[5] Юҳанно 1:19-23

Исо ҳам Илёснинг бу алоҳида икки марта келиши ҳақида айтган эди. *"Шогирдлари Ундан сўрадилар: нега уламолар, олдин Илёс пайғамбар келиши керак, деб айтадилар? Исо уларга жавоб бериб деди: Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. Лекин Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, у билан истаганларини қилишди. Худди шунга ўхшаб, Инсон Ўғли ҳам одамлар қўлида азоб чекиши муқаррардир. Шунда шогирдлар Исо уларга Яҳё пайғамбар ҳақида гапирганлигини англадилар".*[6] Исо буни айтган пайтда, Яҳё аллақачон ўлдирилган эди. Шу учун, Исо, *"Олдин Илёс келади ва ҳамма нарсани йўлга қўяди"*, деганида, У бўлажак воқеалар ҳақида гапирган эди. Бундан ташқари, Яҳё ҳаммасини йўлга қўймади. У Мессиянинг келиши ҳақида хабар берувчи элчи эди. Бу келажакдаги Илёсда бевосита Масиҳнинг Иккинчи Келиши олдидан қайта тиклаш хизмати бўлади.

[6] Матто 17:9-13 (Қирол Ёқубнинг янги таржимаси)

Мана шу куни сойлик ҳақида *гапираётган* ўзига хос Овознинг акс-садосини яна эшитди. У деди: *"Ваҳийнинг биринчи, иккинчи ва учинчи бобларини ўқи".* Библиянинг охирги китобига мурожаат қилиб, Билли унга айтилган жойни ўқиди. Ўша ерда, Аппалачилар сойлигида Ваҳийнинг биринчи учта боби хушбўй ҳидлар гўзал бўстонини ва ҳақиқатини кўз-кўз қилиб, ўз гулбаргчаларини очиб юборди. У декабрни бошида бир ҳафталик махсус йиғилишларни режалаштирди. Раббий унга кўрсатганларини айтиб беролиши учун Жефферсонвиллига қайтиб келиб, қолган ҳафта давомида, Иосиф Флавий ва Броадбенднинг ишларини кўриб чиқди, ҳамда Хислоупнинг "Икки Вавилон", Фокснинг "Жафокашлар китоби", Хазелтайннинг черков тарихи, "Бу қандай бўлиб ўтди?" ва "Никейгача бўлган оталар, Никей ва Никейдан кейинги оталар" ва "Бизнинг имонимиз фактлари" деган Католик трактатлари каби Христианлик тарихи бўйича бошқа кўплаб китобларни қараб чиқиб, у тарихни тушунишини мустаҳкамлади. 1960 йил 4 декабрь, якшанба эрталаби, у Бранхам Чодирида Ваҳийнинг биринчи боби бўйича ваъз қилиб, Юҳанно ваҳийсига дастлабки маълумотлар, режалар ва мақсадини тузиб, у ушбу қатор *ваъзларини* бошлаб юборди. Ҳафтанинг қолган вақтида у ҳар оқшом биттадан черков даврини тушунтирганича, Ваҳийнинг 2-чи ва 3-чи бобларини ваъз қилди.

Билли Ваҳий китобининг муаллифи Исо Масиҳ эди, деб таълим берди. Юҳанно бор-йўғи, эрамизнинг 95-96 йиллари давомидаги қатор ваҳийларда кўрганларини ёзиб олди. Шу пайтда Юҳанно ҳозирги Греция ва Туркия чегараларидан унча узоқ бўлмаган, Эгей денгизидаги кичкина оролча — Патмосдаги зиндонда ҳибс қилинган эди. Юҳанно деди: *"Раббимиз Исонинг тирилиши қутланадиган кунда мен Илоҳий Руҳнинг таъсирида қолдим..."*[7] Билли ушбу парчада Раббийнинг тирилиши қутланадиган кун, ҳафтанинг еттинчи кунига тааллқли эмас, деб тушунтирди. Раббий куни — бу Ваҳий 11:15 — *"Бу дунёнинг ҳукмронлиги Худовандимизга ва Унинг Масиҳига ўтди энди. У абадул-абад ҳукмронлик қилади"*ни амалга ошириб, бажариб, Исо Масиҳ келиб, бу дунё устидан ҳукмронликни ўз қўлига оладиган инсоният тарихидаги лаҳзадир.

[7] Ваҳий 1:10

Ўзининг биринчи ваҳийсида Исонинг шогирди Юҳанно Исо Масиҳни кўрганида, олдин ҳеч қачон Уни бундай кўрмаган эди. Юҳанно Исо Масиҳни етти шамдон ўртасида ва У ўнг қўлида етти юлдузни тутиб турганини кўрди. Унинг оқ сочлари ва қуёшдай балқиган юзи Унинг поклигини акс этар, ва Унинг тили қиличга ўхшаб кўринар, Унинг кўзлари оташ алангасидай чақнарди. Унинг кўринишидан Юҳанно қўрқиб *ерга* йиқилди.

Якшанба куни оқшомда Билли деди: " Бугун эрталаб биз Исо Масиҳ Ваҳийси мавзусини олдикки, Қайсиники бизларга Худо абадул-абад бор бўлиб турган "Мен Борман"ни, Олий Илоҳийликни очиб берди. Биз бунга Ваҳийнинг биринчи бобида эътибор бердик. Кимнинг Ваҳийси? Исо Масиҳнинг. У Ўзи ҳақида биринчи нимани очаяпти? У Осмон Худоси эканини — уч қисмдан иборат худо эмас, балки битта Худо эканини очаяпти. У буни хатолик бўлмаслиги учун биринчи бобда тўрт марта айтаяпти. Сизнинг биринчи билиб олишингиз кераги, мана нима: Исо — оддий Пайғамбар эмас; У — кичкина худо эмас; У — иккинчи даражали худо эмас — У Худодир! Шу учун очиқлик келди, ва бизлар бугун кечқурун, қачонки биз Унинг Борлигини етти карра мужассамлашгани тимсолини ўрганар эканмиз, бу ҳақида гапиришда давом этамиз. Буни биз ўрганаётганда Худо бизларга ёрдам берсин. Мен буни тарих нуқтаи-назаридан ўрганиб чиқдим, аммо қараб туринг, қачонки мен бу ёқда, кафедрага мойланиш остида тураман".

"Барча ваҳийлардан энг Буюги — бу Раббий Исо Масиҳнинг Олий Худолигидир. Токи бунга ишонмас экансиз, сиз биринчи пиллапояга чиқолмайсиз. Пётр деди: "Тавба қилинглар, ва ўшанда Илоҳийликни кўрасиз. Исо Масиҳ номидан гуноҳларингиз кечирилиши учун, имон келтиринглар ва ўшанда сиз Руҳга киришга тайёр бўласиз".[8] Биринчи, сиз билишингиз керак бўлгани, — бу Масиҳнинг Худолиги. Исо деди: Мен — Ибтидо ва Интиҳодирман. Мен А дан Ягача борман. Мендан ташқари ҳеч ким бор бўлиб турмайди. Мен азалда бор эдим; Мен охирида бўламан. Мен бор бўлган, ҳозир бор ва келадиганнинг Ўзи — Сарвари коинотдирман.[9] Буни ўйлаб кўринг! Бу ўша, карнай нима деган бўлса, шу. Юҳанно, ҳушёр бўл. Сен Руҳга кирдинг. Сенга нимадир очилиши лозим. Бу нимади? Барча очиқликлардан биринчиси — Мен Ибтидо ва Интиҳодирман. (О, гуноҳкор, бошингни эг, ҳали жуда ҳам кеч бўлмай туриб, тавба қил.) Аввало У Юҳаннога Ким яқинлашаётганини билишига йўл берди. Бу Подшоҳ Исоми? Подшоҳ Худоми? Подшоҳ Муқаддас Руҳми? У деди: Бу ҳаммаси Мен. Мен А дан Я гача борман. Ибтидо ва Интиҳо. Мен Абадий Боқийдирман! Ҳозир бир неча дақақадан кейин биз Уни Унинг етти карра мужассамлашганида кузатамиз. Унда кузатиб туринг, У Ким экан".

[8] Ҳаворийлар фаолияти 2:38

[9] Ваҳий 1:8

Исо Ўзининг Олий Худолигини очгандан сўнг, У Юҳаннога етти шамдон етти жамоа эканини, Унинг қўлидаги етти юлдуз эса, бу жамоаларга (элчи) фаришталар, деди. Шунда У ҳар бир жамоатга мактуб айтиб турди. Булар Кичик Осиёдаги мажусий черковлар эди.[10] Ушба ҳар бир алоҳида черковлардаги ҳолат еттита даврнинг ҳолатига мос келар ва Христианлик охири етгунича улар орқали ўтиб боради. Шу туфайли бу мактублар мажусийлар черкови учун еттита давр келиши ҳақида эълон қилди. Исо Ўз издошларига ҳар бир даврда, бу нарса зарур бўлганида, далда ва танбеҳлар берди. У шу билар бирга, ҳар бир

даврдаги сохта черковдаги одамларга, ўша, қайсики улар ўзларини Христианлармиз дейдию, аммо аслида ундай бўлмаганларга ҳам мурожаат қилди.
[10] "Мажусий" сўзининг маъноси "Яҳудий бўлмаган" деганини билдиради.

"Эфес жамоаси фариштасига ёз..." — деб, Исо айтиб турди. Бу дегани, ҳар бир черковда фариштa бор эди. *Фаришта* деган сўз *элчини* англатади. Бу самовий элчилар эмас эди. Юҳанно пайғамбар самовий фариштага мактуб ёзишига зарурат йўқ эди. Аслида бу фаришталар одамлар эди, ҳар бир давр учун биттадан элчи. Билли черков даврларини ва элчиларни тарихий тартибда жойлаштирди:

1.	*Ваҳий 2:1-7*	Эфес	*эрамизнинг 53 – 170й.й.*	Павел
2.	*Ваҳий 2:8-11*	Измир	*эрамизнинг 170 – 312й.й.*	Ириней
3.	*Ваҳий 2:12-17*	Пергам	*эрамизнинг 312 – 606й.й.*	Мартин
4.	*Ваҳий 2:18-29*	Тиятира	*эрамизнинг 606 – 1520й.й.*	Колумба
5.	*Ваҳий 3:1-6*	Сардис	*эрамизнинг 1520 – 1750й.й.*	Лютер
6.	*Ваҳий 3:7-13*	Филадельфия	*эрамизнинг 1750 – 1906й.й.*	Уэсли
7.	*Ваҳий 3:14-22*	Лаодикия	*эрамизнинг 1906 - ?й.й.*	"Илёс"

Биринчи черков даврига Павел элчи эди. У Христианликни қабул қилиши билан, Раббий Павел ҳақида шундай деган эди: *"Мана бу одам Менинг Исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган қуролимдир".*[11] Дастлаб Павел Яҳудийларга ваъз қилди. Улар унинг мактубини, номасини инкор этган эдилар, у шундай деди: *"Худонинг Каломини биринчи навбатда сиз, яҳудийларга тарғиб қилмоқ керак эди. Аммо сизлар Уни рад қилиб, ўзларингизни абадий ҳаётга нолойиқ қилдингизлар. Шундан буён биз бошқа халқ вакилларига мурожаат қиламиз. Чунки Худованд Тавротда бизга васият қилиб деган: Сени турли халқларга нур беришга қўйдим, Замин четларига қадар нажот келтиргин дея".*[12] Павел бутун Кичик Осиё бўйлаб мажусийлар орасида черковларга асос солди. Шу билан бирга, у ўз мактубларида Христианлик эътиқодига таъриф берди. У ўзининг Римликларга мактубида шундай деди: *"Энди дунё халқларидан бўлган сизларга хитоб қиламан: мен ғайрияҳудийларнинг ҳаворийси бўлиб, бу хизматимни фахрли деб биламан".*[13]
[11] Ҳаворийлар 9:15
[12] Ҳаворийлар 13:46-47
[13] Римликларга 11:13

Биринчи давр эрамизнинг 53 йилларига яқин, Павел Эфесда черковни ўн иккита имонга кирганларни Христианлик таълимоти, асосларига ўргатиши билан бошлаб тузилди. У уларга Исо Масиҳ Исми ҳақи сувда чўмилиб имонга келиш ва Муқаддас Руҳдан руҳий чўмдирилишдан бошлаб таълим берди.[14] Эфес деган ном "тинчланиш ва бўшаб кетиш" маъносини билдиради. Биринчи давр, бошида Павел Исо Масиҳдан ваҳий бўйича қабул қилган Хушхабарга эргашди; аммо кейинроқ Христианлар бошқа Хушхабарни ваъз қилган ўзга ўқитувчиларни эшитиб, йўлдан оздилар.[15] Мана нима учун Исо биринчи черков даврига: *"Бироқ сенга бир эътирозим борки, сен илк муҳаббатингдан айнидинг"*[16] — деган эди. У ундаги баъзи хислатларни мақтайди: *"Лекин сендаги яхши фазилат шуки, сен николайчиларнинг ишидан нафратланасан. Мен ҳам улардан нафратланаман"*[17]
[14] Ҳаворийлар 19:1-2
[15] Галатияликларга 1:6-24; 2:1-10
[16] Ваҳий 2:4
[17] Ваҳий 2:6

Николайчи иккита юнонча сўздан иборат: бўйсундириш, енгиш деган маънони билдирувчи — *Никао;* ва кишилар (яъни оддий Христианлар) деган маънони англатувчи — *Лаос*. Бу Николайчилар аста-секин Муқаддас Руҳ раҳбарлигини одамлар раҳбарлигига

алмаштириб, одамларни бўйсундириб олдилар. Қандай қилиб Худонинг Ўзи тузган ўша черковда бундай ўзгариш бўла олади? Мана шу саволга жавоб бериш учун Билли Худонинг ҳар бир ишини бошида турлича ниятлар билан, — худди Қобил ва Ҳобил, Эсов ва Ёқуб, Исҳоқ ва Исмоил каби турлича ниятли иккита биродарни юзага келтирганини кўрсатиш мақсадида Ибтидо китобидан фойдаланди. Ҳар сафар шундай бўлганида, битта биродар Худонинг ҳақиқий уруғи бўлса, иккинчиси худди шу вақтда шундай бўлмас эди, аммо иккала биродар ҳам Худони севаман дейишар эди.

Исо Масиҳ хизмати Симон Пётр ва Искариотлик Яҳудони юзага келтирди. Шунга ўхшаб, биринчи черков даври ҳам ниятлари фарқ қиладиган биродарларнинг кўплаб йиғилишларини юзага келтирди. Сиз уларни “имонли ва сохта муғомбир” дейсизми, “руҳий ва танавий Христианлар” дейсизми, “ҳақиқий ва ёлғон новда” дейсизми, “буғдой ва бегона ўтлар” дейсизми, “эс-ҳушли ва овсар қизлар” деб атайсизми, — буларнинг барчаси биргина нарсага бориб тақалади: бир биродар руҳий чекинма орқали янгидан туғилган, бошқаси эса ақлий тушунчаси билан ишонади. Буни бошқача айтса, бир биродар Муқаддас Руҳга тўлган, бошқа биродар эса тўлмаган. Мана шу тарзда Николайчилар руҳи черковга билдирмай кириб келди. Руҳий кечинма олиш ўрнига, баъзи бир хил одамлар ақлий истаклари ва ёки сиёсий манфаатлари сабабидан Христиан бўлиб олдилар. Улардан айримлари ўз биродарларини бошқариб туриш мақсадида, раҳбарлик иерархиясини ўрнатдилар. Иблис черковга суқулиб кириш учун, ушбу дунёвий Христианлар ва уларнинг сиёсий системасидан фойдаланди.

Билли тарихни ибодатлар қилганича ўргана туриб, у бошқа олтита черков даврига элчиларни билиб олди. Павел уни библиявий намунаси эди. Павел черковнинг биринчи даврига элчи эди. Чунки унинг хизмати таълимотида ҳам, амалда ҳам энг кўп мос келар эди. Шу учун у ўзи яшаган ўша черков даври учун фаришта бўлиши керак. Мана шу белгиси бўйича Лион Епископи, Ириней, шубҳасиз, черковнинг иккинчи даврига элчи эди. Ириней Павелнинг шогирди эди. Унинг “Бидъатга қарши” деган китоби ўша вақтдаги кўпчилик Христианлар ўзбошимча ўқитувчилар изидан кетиб қолмай, Павел таълимотига содиқ қолишлари учун жуда катта таъсир қилди.

Измир даври мобайнида (эрамизнинг 170 – 312 й.) иблис Христиан черковини икки йўналишда — ташқи томондан таъқиб қилиш билан ва ичкаридан алдов билан ҳужум қилди. Алдамчилик унинг энг кучли қуроли эди. Ириней ва бошқаларнинг урунишларига қарамай, ёлғон новда токи у ниҳоят, император Константин *бошқаришида* ғалаба қилмагунича, кучайгандан-кучайди. Константин Христианликни сиёсий манфаатлар мақсадида, уни давлат динига айлантириб, Христианликни қабул қилди.

Биринчи даврда Николайчилар иши кўринишида бошланган ўша нарса, учинчи ёки Пергам даврида яхши шаклланган таълимот бўлди.[18] Энди давлат черкови руҳонийлар иерархиясига айланиб, ташкиллашган эди: папа, кардиналлар, епископлар ва руҳонийлар. Константин ушбу давлат черковини Католик Черкови деб атади. 325 йил Никей Соборидан бошлаб, черков таълимоти юқоридан қуйи поғонагача, уни қонун сифатида тасдиқлаш учун давлат ҳокимиятидан бутунлай фойдаланиб, уни яъни таълимотни қонун каби қабул қилинган эди. Ҳаммасидан ҳам ёмони шу эдики, Константин ўзининг империясида барчага ёқадиган, маъқул бўладиган динни тузишга уриниб, Христианликни мажусийлар билан аралаштириш, қўшиш мақсадида, черковга таъсирини ўтказди. Католицизм ҳақиқатан ҳам Христианликни мажусийлик формасидир. Тур шаҳрилик Мартин, қайсики Пергам даврига элчи эди, черковнинг бундай чатиштирилишига жасорат билан қарши турди. Католик черкови таълим бериш марказларини назорат қилиб турганлиги сабабидан, ҳақиқий новдага Ҳаворийлар таълимотини асраш, ушлаб туриши борган сари қийинлашаверди. Қоронғу ўрта аср учун барча шарт-шароит тайёрланган эди.

[18] Ҳаворийлар 2:15

Тиятира черкови даври 606 йил бошланди ва 900 йилдан кўпроқ давом этди. Тарихчилар бу даврни шунга мос равишда Қоронғи Ўрта асрлар даври деб аташди, чунки Худони Каломини нури пасайиб, шунчалик камайдики, ҳаттоки қарийб бутунлай ўчаёзди. Рим католик черкови махкам тўқилган ташкилот бўлиб равнақ топди ва қудратли бўлиб, оддий халқдан Худо Каломини яшириб, одамларни бошқариш учун догмаларни, диний

хурофот ва қўрқитиш йўлини ишлатиб, Европа устидан ҳукмини ўтказди. Бироқ, ҳатто бу қоронғулик Худонинг умумий режасига мувофиқ келди. Исо деди: *“Агар буғдой дони ерга тушиб ўлмаса, у бир донлигича қолади. Агарда ўлса, кўп ҳосил беради”*[19]. Биринчи черков даврида экилган Худонинг Каломи Уруғи энди ўлди ва чириди, аммо, ушбу дастлабки уруғдан яширин черков куртаклади ва томир ёйди. Шотландияда бўлган Колумба, бу тўртинчи даврга бўлган элчи, ҳаттоки қоп-қоронғуда ҳам барча келишмовчиликларга қарамай, ҳақиқий черков, Худонинг ҳақиқий уруғи жон-жаҳди билан матонат билан ривожланади ва ғалаба қилади, деб айтди.

[19] Юҳанно 12:24

Ниҳоят, ерга дафн бўлган ҳақиқий куртак ер юзига нозик ям-яшил ўсимта чиқарди. Сардис даври 1517 йилга яқин бошланди, қачонки унинг элчиси — Мартин Лютер деган ёш католик руҳонийси Рим Католик Черковига қарши ўзининг протестларини ёзиб, уларни Германиянинг Виттенбургдаги барча черковлари деворларига михлаган эди. Бунинг кетидан бўлган жамоатчилик мунозаралари, христианлар дунёсини ларзага келтирди. Кўп асрлар давомида католик черкови одамларни улар ўз қутқарилишларига маълум бир амалларни бажариб, эришсинлар деб ўргатиб келган эди. Лютер бунга қарши норозилик билдирди. У муқаддас Певел мактубларидан ўқиб берди: *“Ҳа, сизлар Худодан иноят топиб, имонингиз туфайли қутулгансизлар. Бу — Худонинг инъоми, сизнинг ютуғингиз эмас. Яна ҳеч ким: Мен савоб ишларим туфайли қутулганман, деб мақтанмасин”.*[20] Лютер Павел билан қутқарилиш фақат Исо Масиҳга ишониш орқали келади, деганида рози эди.[21] Афсуски, Лютернинг издошлари ҳам католик черковини ўлимга олиб келган худди ўшани такрорладилар: улар Муқаддас Руҳни сиқиб чиқарган раҳбарлик қилиш системасини туздилар. Шу учун Исо Сардис даврига шундай деди: *“Сенинг ишларингни биламан. Сенинг гўё тирик деган номинг бор, аммо ўликсан*”.[22] Натижада Лютеран черков даври ҳам худди рим-католик черкови каби сиёсат оқлайдиган одамлар тазйиқи остида, ўликка айланиб қолди.

[20] Эфесликларга 2:8-9

[21] Римликларга 1:17; Галатияликларга 3:11; Ибронийларга 10:38

[22] Ваҳий 3:1

Филоделфия церкови даври 1750 йилларга яқин бошланди. Унинг элчиси Жон Уэсли эди. У Англиядаги черковда хизматчи эди. Уэсли кимнингдир Мартин Лютерни Павелнинг Римликларга мактубига муқаддимасини ўқиганида, эшитиб қолди. Павел ва Лютер Уэслини Исо Масиҳга “қутқарадиган имон”ини қабул қилишига илҳомлантирди. Уэсли Англияда ва миссионерлик программалари орқали дунёнинг бошқа қисмларидаги минглаб одамларга ушбу “қутқарадиган имонни” узатиб, қолган умрини шунга бағишлади. Мана нима учун Исо Филоделфия даврига шундай деди: *“Сенинг ишларингни биламан. Мана, олдингдаги эшикни очдим, уни ҳеч ким бекита олмайди”.*[23] Лекин Уэсли Лютернинг мактубига яна бир томонини қўшди. Уэсли нажот топишдан кейин, қайсики одамга Исо Масиҳга ишонганидан келади, одам муқаддасланишга қараб ҳаракат қилиши керак деб ваъз қилар эди. Бошқа сўз билан айтганда, одамлар, қайсики, ҳақиқатдан ҳам Исо Масиҳни ўз Қутқарувчиси деб қабул қиладилар, улар муқаддас яшайдилар, муқаддас умр кечирадилар.[24] Уэслининг Художўйликка бундай методик муомаласи туфайли, унинг издошлари ўзларини Методистлар деб атадилар. Охир-оқибат, улар ҳам Худо Руҳини қисиб қўйиб, черков бошқаришида рим-католик черковининг бир тури бўлиб қолдилар.

[23] Ваҳий 3:8

[24] Юҳанно 17:17; 1-Солоникаликларга 4:3-4; 5:23; 2-Солоникаликларга 2:13; 1-Пётр 1:2; Ёкубнинг 2:17-20

Лаодикия черкови даври 1906 йилда бошланди. Ўша йили Худо Калифорния штати, Лос-Анжелесдаги Азус Стрит Миссияда бир гуруҳ одамларида Муқаддас Руҳ инъомларини тиклади.[25] Мана шу кичкинагина Христианлар гуруҳидан бошлаб, Руҳнинг инъомлари бутун дунёни уйғотиб, черковдан-черковга тез тарқалиб, ҳозирги замон элликчилар ҳаракатига айланди. Афсус, кўп нарсани ваъда бериб бошлаган нарса, охир-оқибат олдинги даврлар сўқмоқларидан эргашиб, деноминацияга айланди. Элликчилар ўз ҳаракатларини ташкил қилдилар, таълимотга эга бўлган ўз деворларини қад кўтардилар, тўсиқлар ўрнатдилар, чеклайдиган бетон устунчаларини мустаҳкамладилар ва эшикларини шундай ёпиб олдиларки, шундан Муқаддас Руҳ улар янада кўпроқ юқори асосларга элта олмади. Исо

Лаодикия даври черковини шундай деб айблади: *“Сен иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун сени оғзимдан чиқариб юбораман. Сен: “Бойман, бойиб кетдим, ҳеч нарсадан камим йўқ”,— дейсан-у, аммо аянчли, ачинарли, қашшоқ, кўр ва ялангоч эканлигингни билмайсан!”*[26] Еттинчи черков даври шунчалик ташкиллашиб кетганидан, Исо ичкарига киришни истаб, Ўзининг ташқарида эканини кўрсатади. *“Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб, эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман. Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз”.*[27]

[25] Ҳаворийлар 2:3; 19:6; 1-Коринфликларга 12:10
[26] Ваҳий 3:16-17
[27] Ваҳий 3:20

Лаодикия — Исо Масиҳ ерга қайтиши олдидан энг охирги черков даври бўлиб, бу сафар ҳукм учун келади. Худо Малакиё орқали шундай деди: *“Мана, Мен сизларга Раббийнинг буюк ва даҳшатли кунлари олдидан Илёс пайғамбарни юбораман: ва у фарзандлар дилини оталари имонига қайтаради...”* Шундай қилиб, еттинчи черков даври элчисида ҳам худди Яхё Чўмдирувчида бўлганидек, Илёснинг руҳи бўлади.

Билли шундай ўқитар эди, “Қачонки бу буюк Илёс шу давр охирида келганида, у Элликчилар мактубини фарзандлар дилини оталар имонига қайтариш учун олади. У Лаодикия Христианларига танбеҳ беради, чунки улар аввал бошдаги имонни сақламадилар”.

“Мен ўзимга ўзим кўп марта савол берганман: Унда бу одам оддийгина ваъзхон бўладими? Илёс ваъз қилмаган, балки мўъжизалар қилганди. Аммо, қачонки унинг руҳи Яхёда бўлганида, у ваъз қилган эди ва лекин ҳеч қандай мўъжиза бўлиб ўтмаган эди. Нима учун? Исо унинг ортидан келди ва У мўъжизалар қилиши лозим эди. Малакиёда айтилади; *“Чунки сизларга, Менинг Исмимдан қўрқувчиларга, солиҳлик Қуёши Унинг этакларидан шифолар бўлиб порлайди”.* Яхёга мўъжизалар қилишнинг зарурати йўқ эди; у фақат Масиҳ келишидан дарак берди”.

Яхёга ўхшаб, бу охирги вақт Илёси тушунарсиз бўлади. У Раббий олдида шундай буюк, кучли одам бўладики, баъзи одамлар адашиб уни Мессия деб қабул қилади.[28] Илёсда қанақа феъл-атвор бўлади? Биринчидан, у кучли пайғамбар бўлади, қайсики Худо Каломига нисбатан содиқ қолади, чунки Илёс ҳамда Яхё содиқ бўлган эди. Аломат ва мўъжизалар қилиб, у фарзандлар дилини Элликчи оталар имонига қаратади. У замонавий модали аёллардан нафратланади. Илёс Изабелдан нафратланганди. Яхё Иродиадани ёмон кўрган эди. Бу иккала одам ҳам — ўша руҳдаги пайғамбарлар мана шу христиан деноминацияларига ўхшаган, ташкил этилган динни ёмон кўришарди. Уларнинг Руҳида нимадир бунга норозилик қилар эди”.

[28] Луқо 3:15; Юҳанно 1:19-20; 3:28

“Илёс ҳамда Яхёга ўхшаб охирги вақтнинг бу пайғамбари одам оёғи етмаган жойлар табиатининг ҳаваскори бўлади. У одам томонидан ўргатилган бўлмайди. Фесвитялик Илёс ўргатилган одам эмас эди; худди шундай Яхё Чўмдирувчи ҳам.”[29]

[29] Луқо 1:80

“Бу пайғамбар ҳам кайфияти ўзгаришига осон кўнадиган одам бўлади. Илёсда ҳам, Яхёда ҳам кайфиятида ўзгаришлар бўлган эди: “Илёс Изабелдан қочганида ўзини ғамгин ҳис қилган эди. Яхё Ҳирод зиндонига тушганида ғамгинликка, ташвишга тушган эди.”[30]

[30] (Юҳанно 1:29-36) Яхёда турмада шубҳа пайдо бўлишидан олдидан, у олдинроқ, Исо Худонинг гуноғни сотиб оладиган Қўзиси деб эълон қилган эди.

“Биринчи Илёс Исроилнинг мажусийлар бошқаришидан қутулишига тайёр бир пайтда келган эди. Яхё ҳам Исроилнинг озод бўлиши арафасида келди. Яхё деди: *Мен — Масиҳ эмасман, аммо мен Унинг олдидан юборилганман. Келин кимга тегишли бўлса, куёв ўшадир; лекин куёвнинг ёнида туриб унга қулоқ солган дўсти куёвнинг овозини эшитибоқ, севиниб қувонади. Худди шундай менинг қувончим энди комил бўлди. Масиҳ улғайиши, мен эса пасайишим керак.”*[31] Яхё ўзи ҳақида тўппа-тўғри Раббий келиши арафасида, Раббийнинг *Исроил олдида* намоён бўлиши вақтида эълон қилиб, ваъз қилди.

[31] Юҳанно 3:22-30

Шу ҳафта давомида Билли мактаб доскаси ва оқ бўрдан ёруғлик миқдорини (руҳий ҳақиқатни) ҳар бир черков даври учун кўрсатди. Доскада бирин-кетин еттита айлана чизиб, у

ҳар бир айланани чизиқ билан иккига бўлди ва ва юқори қисмини бўр билан штрихлади, у штрихлаб ҳар бир даврдаги нур миқдорини билдирар эди. Биринчи черков даврини билдирадиган биринчи айлананинг тўртдан уч қисми ёруғ ва тўртдан бири қоронғи эди. Иккинчи айланачада ёруғлик ва қоронғулик тахминан баробар эди. Учинчи айланада тўртдан бир қисми ёруғ, тўртдан уч қисми қоронғи эди. Тўртинчи черков даврида айлана юқорисида нурнинг юпқагина тасмачасидан ташқари қарийб ҳамма жойи бутунлай қоронғи эди. Бешинчи даврда нур миқдори озроқ кўпайди ва олтинчи даврда яна бироз кўпайди, аммо еттинчи черков даврида у яна камайдики, айлана чегараси бутунлай қоронғи бўлди.

1961 йил, 8 январ, якшанба эрталаби Билли Ваҳийнинг Тўртинчи боби бўйича ўзининг учинчи ваъзини қилди, у ваъзини “Раҳм-шафқат ва Ҳукм тахти” деб атади. У эндигина ваъзини тугатган ва касаллар учун ибодат қилмоқ бўлаётган эди, шу пайт хонанинг охирида Олов Устуни пайдо бўлди ва у худди кичикроқ қуёш кўринишидаги нур таратаётган шар ўлчамига қадар кичрайди. Билли уни биринчи бўлиб кўрди, чунки у одамларга қараб турган эди. Ўриндиқларда тахминан 350 одам ўтирган эди. Улар ғайритабиий Ниманидир шу ердалигини ҳис қилиб ҳаяжонландилар ва безовталаниб пичирлай бошладилар. Кейин улардан баъзилари кафедра ортида деворда пайдо бўлган Нурни кўрдилар. Глэдис Даух қичқириб юборди. Билли ўгирилиб қаради. Унинг орқасида девордаги бу Нур, хона охиридаги Нур каби унчалик кучли эмас эди, аммо у ҳам худди шундай хос характердаги эди, шубҳасиз. Билли ўша ерда ўтирганларга орқасидаги девордаги Нур хона охиридаги ғайритабиий Нурнинг акси эканини тушунтирди. “Сизлар биттани, мен эса иккитани кўряпман”, — деди.

Бир қатор ваҳийлар кела бошлади. Бу пайтда Билли ваҳий воқеаларни қандай очишини айтиб берар эди. У деди: “Бу ерда, мана бу линия остида, бу Нурга қараб бир одам ўтирибди. У унга жуда қаттиқ таассурот қолдирди. У Индиана штати, Сеймур шаҳридан ва унда инсульт бўлиб ўтган эди. Жаноб, агар сиз ишонсангиз, Худо сизни ушбу иньсултдан шифолайди. Омин! Энди ишонинг.”

“Хоним, сиз бутун юрагингиз билан ишонасизми? Агар Раббий Худо, ер-осмон Тангриси сизга Худо шу ерда ҳозирлигини исботлаш учун менга нимадир қилишимга йўл берса, ўшанда сиз бутун қалбингиз билан ишонасизми? Сизда, менопауза билан боғлиқ асабий ҳолат. Исо сизни шифолайди.”

“У билан уни ёнида аёл ўтирибди... сиз ҳам бу ёқлардан эмас; сиз Кентукки штати, Сомерсет шаҳридансиз. Мен сизга нотаниш бўлишимга қарамай, сиз эмас, шифоланишни истаган — бу сизни ўғлингиз эканини биламан. У Виржиния штатида. Унда яралари бор, ва у билан яна бир нарса жойида эмас — у қутқарилмаган. Сиз ҳозир у учун ибодат қилаяпсиз. Бейкер хоним, Сомерсетга қайтинг, ва бутун қалбингиз билан ишонинг, ва Исо Масиҳ ўғлингизни соғайтиради”.

У шу алпозда тахминан ўн беш дақиқалар узлуксиз ваҳийга кириб-чиқиб гапиришда давом этди. Ваҳийлар орасида у бу ғайритабиий Нур шари бинонинг охирида қандай ўзгаришини кузатиб турди. У аста-секин қуёш тутилганида бўладигандек қоронғуланди. Орқасида уни аксида ой тутилганидагига ўхшаш худди шундай ўзгариш бўлди. Ҳар сафар, Билли ваҳийдан чиққанида доиранинг катта қисми қоронғилашганини кўраверди. У учинчи ваҳийдан чиққан пайтида, хонанинг охиридаги бу “кичкина қуёш” қарийб бутунлай соя билан ёпилган эди, у фақат озгина қисмидагина ўша аввал бошдаги каби нур сочар эди. Яна иккита ваҳийдан кейин у озгина ёрқинроқ порлади, аммо кейинги ваҳийдан кейин у қоронғилашди ва тўлиқ ғойиб бўлди. Бу Нурнинг етти стадиясининг ҳар бири Билли доскада чизган черков даврлари айланачаларига мутлақо ўхшаб кўринди.

Йиғилишдаги кўпчилик кишилар, Глэдис Даух ҳам, кафедра ортида девордаги бу нурнинг қоронғулашганини кузатиб турдилар. Улар барча етти стадияни кўрдилар, охирги стадия тўлиқ тутилган қоронғулик эди. Билли бу нарсани тимсол қилиб тушунтирди: қуёш Масиҳни ифодалайди, ой бўлса черковни ифода қилади. Ой ўз нурига эга эмас; у бор-йўғи қуёш нурини акс этади. Шунга ўхшаб Черков бор-йўғи Масиҳ нурини акс этади.

83 БОБ
ХУДОНИНГ ТУШУНТИРИЛГАН МОҲИЯТИ
1961

1961 ЙИЛ ЯНВАРИ ўрталаридан бошлаб, Уилльям Бранхам Техас штати, Бомонт шаҳрида бир ҳафта ваъз қилди; ундан кейин Аризона штати, Финикс ва Тусонда иккита оқшом; ундан кейин Калифорния штати, Лонг-Бичда икки ҳафта, Худо черковлари Биринчи йиғилишларида ваъз қилди. Шанба оқшомида, 1961 йил 11 февралида у Лос-Анжелосдаги Клифтон кафесида ўтказган Тўлиқ инжилчи ишбилармонлар Жамиятининг нонуштаси вақтида бир неча юз одамга мурожаат қилди. Унинг мактуби кейинги кечқурун уни телевидения орқали кўрсатиш учун, киноплеёнкага ёзиб олинган эди.

У бутун мамлакатга мурожаат қилишини билиб, бу имкониятдан ўзи 7 черков даврларидан билиб олганларини озроқ баҳам кўриш мақсадида фойдаланди. У бу деноминация ва ҳақиқий Христианлик ўртасидаги фарқни тушунтирди ва иблиснинг черковга бирлаштириш ва уни, яъни черковни ўз ичидан алдаш йўли билан Масиҳни мағлуб қилишга ҳаракат қилганини кўрсатди. Билли мавзу сифатида Юҳанно баён этган Инжилнинг 15 бобидан 4-чи ва 5-чи оятларидан фойдаланди, у ерда Исо шундай деган эди: *“Мен билан алоқада бўлинглар, шунда Мен сизлар билан алоқада бўламан. Токда қолмаган новда ўз-ўзидан ҳосил беролмайди: шу сингари, агар сизлар Мен билан алоқада қолмасангизлар, ҳосил беролмайсизлар. Мен — ток, сизлар — новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар”.* Одатда ушбу Ёзув жойи алоҳида Христианлар учун ва уларнинг Масиҳ билан ўзаро алоқаси ҳақида ишлатилар эди. Бугун Билли буни черков даврлари давомидаги черковларга ва уларнинг Масиҳ билан ўзаро муносабатларига нисбатан қўллаб, у олдинга бир қадам қўйди. Қачонки одамлар бир гуруҳларга тўплансалар ва биргаликда кимни ортидан боришни танласалар, унда бу гуруҳлар ўз ниятларини акс этадиган мевалар келтиришади.

Мана шу нуқтаи-назарни изоҳлаш учун, Финиксда ўтган ҳафта жаноб Шэрритнинг уйида кўрган ғалати дарахт ҳақида гапириб берди. Бу дарахтнинг ҳар битта шоҳи ҳар хил турдаги цитрус меваси келтирган эди. Билли жаноби Шэрритдан, бу қанақа дарахт эканини сўраганида, у апельсин дарахти деди. Аммо унинг танасига кўплаб бошқа цитрус шохлари пайванд қилинган ва ҳар бир шох қайси дарахтдан олинган бўлса, ўшанга хос мева келтирган эди. Билли сўради, ҳар бир шох кейинги йилда апельсин келтирадими? Тана апельсин дарахти бўлишига қарамай, ҳар бир пайванд қилинган шох алоҳида ўзига хос мева: апельсин, мандарин, грейпфрут, лимон ва лайма меваларини беради, деди жаноб Шэррит. Бироқ қачонки апельсин дарахти янги шох чиқарса, бу шох апельсинлар беради.

Ундан кейин Билли Лос-Анжелосдаги аудиториясида ҳам шу ҳақида параллел гапирди. У деди: “Исо Масиҳ — бу Ҳаёт Дарахти. Қачонки бу Дарахт Ҳаворийлар Китобида бошланганида, барча шохлар айнан ўша мевани юзага келтирди, — яъни улар Библияга ишонадиган, Муқаддас Руҳга тўлган Христианларни келтирди. Шундан кейин иблис черковга суқулиб кирди ва танага бошқа шохларни пайванд қилиш учун ўз таъсирини ўтказди. Охир-оқибатда бу шохлар қуйидагича номларни олишди: католиклар, лютеранлар, методистлар, баптистлар, пресвитерлар ва бошқалар. Улар лимонлар, грейфрутлар ва барча, нима тўғри келса ўшани юзага келтирдилар. Кўряпсизми, улар Христианлар деб аталади ва ўзлари туғилган Дарахт ҳаётидан дабдаба билан ўсиб, катталашиб кетадилар, аммо улар ўз деноминацияси мевасини келтиради. Аммо, агар бу апельсин дарахти қачондир яна битта шох чиқарса, у аввал бошда мева келтирганига ўхшаб апельсинлар беради”.

Ваъзини тугатиб, у яқинроқдагиларни қўлини қисиш учун микрофондан кетди. Микрофонда турган одам, Худо черкови бош назоратчиси баланд овозда: “Ўйламанки, Бранхам ака ҳақиқатан ҳам шуни назарда тутмагандир. Ахир Павел, биз барчамиз дарахтга пайвандмиз демаганмиди?” — деди.

Билли назоратчига бурилди ва деди: “Мен айнан шуни назарда тутяпман, жаноб. Бу “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ”. Павел, бизлар яхши зайтун дарахтига пайванд бўлган ёввойи зайтун новдаларимиз, деди.[32] Аммо зайтун у зайтундир, шу учун мен гапирётганим бу ҳақда эмас. Худо ҳали ҳам апельсин дарахтида лимон, лайм ёки грейфрутлар мевалари эмас, балки апельсинлар ўсишини истайди. Мен сизларга матал қилиб айтдим”.

[32] Римликларга 11:17-24

Худди шу маҳал унга қараб ёшгина одам келди ва Биллини қўлини сиқди. “Бранхам ака, — деди у, — мени исмим — Дэнни Генри, ва мен фақат сизга қўшиламан демоқчиман. Бу нарса куфрликдай эшитилмас деб умид қиламан, аммо сизнинг ваъзингиз Ваҳий китобининг йигирма учинчи боби бўла олар эди”.

Билли ёш одамга мақтов гаплари учун, гарчи бу нарса уни озроқ уялтирган бўлса-да, миннатдорчилигини айтди, чунки Ваҳий китобида фақат 22 та боб бўлиб, Худо эса ҳеч нарса унга қўшилмаслиги ва ундан олинмаслиги лозим деган эди. Дэнни Генри костюмда ва оқ кўйлакда эди. У капалакнусха галстук таққан эди. Унинг қора сочлари, квадрат чакаги ва чиройли юз тузилиши уни кино-юлдуз каби етарлича чиройли қилган эди. У бир қўлини Биллининг елкасига қўйди ва сўради: “Бранхам ака, мен сиз учун ибодат қилсам бўладими?”

“Албатта, биродарим”. Дэнни тилидан ғалати товушлар чиқиб кетиши олдидан инглиз тилида фақат битта ёки иккита гап билан ибодат қилди. У микрофонга етарлича яқин турган эди, шу учун залда бўлган барча одам бу оҳангдор тилни эшитдилар. Бу нима бўлганида ҳам, бу инглиз тили эмас эди. Ўттиз сония ўтиб, Дэнни гапиришни тўхтатди ва худди нимадандир уялгандай, зални тикилиб қараб чиқди. Кимдир сўради: “Бу қанақа тил экан-а?” Дэнни деди: “Мен билмайман”. Кимдир яна айтди: “У ўзга тилда гапирди”. Қўшни столда ўтирган йирик аёл турди ва шундай деди: “Бу ўзга тил эмас эди; бу француз тили эди. Мен буни биламан, чунки мен Швейцариянинг Люцернида туғилганман ва француз тили менинг она тилим. Менинг исмим Аннета Лонг, ва энди, ҳозир мен Луизианада яшайман. Йигит, қаерда сиз бундай ғалати французча шевани ўргангансиз?”

“Мен ҳеч қанақа французчани билмайман, — озроқ тортиниб деди Дэнни Генри, — аммо худди шу нарса ўтган ҳафта Финиксда, Тадбиркорлар съездида ҳам бўлиб ўтган эди. Баптистлар черковида менга бу нарсаларни ўргатишмаган”.

Бошқа бир столчадан кўзойнакли одам турди ва: “У аёл тўғри айтяпти; бу одам французча шевада гапирди. Менинг исмим — Джон Вилдрианн ва мен Бельгияда, Лигада туғилганман; шу учун француз тили менинг ҳам она тилим”, — деди.

Хонанинг охиридан яна бир келишган одам турди ва ўзини Виктор ЛеДо, француз, Нью-Йоркда, БМТ биносида француз тили таржимони сифатида ишлайман деб таништирди. У ҳам ўша одамнинг сўзларини тушунганини айтди.

“Шошманглар, — деди Билли. — Бирор киши бирор нарса демай туриб, мен истардимки, сизлар, француз тилини билувчилар, бу башоратни қоғозга ёзсангиз. Шунда биз, сизларни ҳар бирингизни ёзганларингизни таққослаймиз”. Кимдир қоғоз ва ручка олиб келди ва уч киши столда ўтириб, нимани эшитишган бўлса, ёздилар. Учала фикр ҳам, тиниш белгиларигача мос келди. Башорат шундай эди:

Сен тор йўлни, анчайин оғир йўлни танлаганинг туфайли, қайсики бу йўл билан сен ўз қароринг бўйича бординг, сен тўғри ва аниқ қарор қилдинг, ва бу — Менинг йўлим. Мана шу муҳим қароринг туфайли сени осмоннинг йирик қисми кутмоқда. Қанчалик шонли қарорни қабул қилдинг. Бу нарса Илоҳий севгида ғоят зўр ғалабани бағш этадиганни ўзидир.

Уилльям Бранхам 1961 йил апрелини кўпроқ қисмини Иллинойсда ўтказди. У Иллинойснинг Уэслиан университетида бир ҳафта ваъз қилди. Шанба куни, 22 апрелда, у Чикагода Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамияти ҳомийлигидаги бир ҳафталик шифоланиш кампаниясини бошлаш учун келди. Биринчи йиғилишидан кейин меҳмонхонадаги хонасига у кечки соат бирларга яқин қайтди. Шаҳар устида момоқалдироқ гумбурлар эди. Вақти-вақти билан яшин чақнар, унинг ортидан момоқалдироқнинг кучли гумбурлаши бутун осмонда акс-садо берар эди. Билли пижамасини олиш учун чемадонини очди. Кутилмаганда хона

қандайдир ғайритабиийликнинг бирор ўзгаришдан дарак берувчи мавжудлиги билан тўлди. Кейинроқ ҳавода нур пайдо бўлди ва Раббий Фариштаси хонага тушди.

Қўлларини кўксида қовуштирганча, Фаришта деди: *“Бориб дераза олдида тур!”* Билли деразага бориб қаради. Дераза шишалари қорайтирилгани сабабли у ойнага ўхшар, шу учун у бир вақтнинг ўзида ташқаридаги момоқалдироқни ҳам, Фариштани аксини ҳам кўра олар эди.

“Чикаго Хизматчилар Ассоциацияси сен учун тузоқ қўйди, — деди Фаришта. — Кейинги сешанба улар сени нонушта пайтида сўзга чиқишга таклиф қиладилар, у ерда улар чўқинтириш таълимотинг бўйича сенга қарши чиқмоқчилар. Улар сенга бехосдан ҳужум қилиб, уялтириб, ҳижолат қилиш умидида. Сен у ёққа ҳеч шубҳаланмай боравер,чунки Мен сен билан бўламан. Эрта эрталаб Генри Карлсон сени нонуштага олиб боради, у ерда сен Томми Хикс билан ўтирасан. Мен сени уларга мана буларни айтишингни хохлайман...”

Деразадан кўриниб турган қалин ёмғир туманлашди ва шунчалик чуқурлашавериб у бошқа оламга тонниел бўлиб қолди — у олам, бошқа оламда у келажакни кўра олар эди. Кейинки эрталаб Генри Карлсон, ТИТЖ Чикаго бўлими бошлиғи унга қўнғироқ қилиб сўради: “Бранхам ака, сизни нонуштага этсам майлими?” “Ҳа, Карлсон ака. Нима бўлганида ҳам мен Томми Хикс билан гаплашмоқчиман”. “Бранхам ака, у ерда Хикс ака бўладими, йўқми, билмайман”. “О, у ўша ерда бўлади, ўтган кечаси ваҳийда буни кўрсатди ва ундан ҳам кўпроқ бир нималарни кўрсатди. Мен буларни нонушта вақтида айтиб бераман”.

Улар ресторанга кирганларида, у ерда Томми Хикс ўтирган эди. Улар унинг столига бориб қўшилдилар. Нонушта буюриб, Карлсон деди: “Бранхам ака, кейинги сешанба эрталаб Чикаго хизматчиларининг катта ассоциацияси олдида, нонушта вақтида сизнинг чиқишингиз режалаштирилган. У ерда 350дан кам хизматчи бўлмайди. Улар учун сизни яқинроқ билиб олишларида катта имконият бўлади”.

Билли тушунарли дегандай бош силкиди: “Ҳа, бу ажойиб имкониятга ўхшайди. Хикс ака, сиз ўша эрталаб мени ўрнимда чиқишни хохлармидингиз?” Оғзидаги гречкадан Томми Хикс тиқилиб қолишига сал қолди: “О, Бранхам ака, мен буни қилолмайман”.

“Нимага йўқ? Мен сизни неча марталаб ҳожатингизни чиқарганман. Сиз — Илоҳиёт илмлари олими. Мен қандай қилиб етти синф маълумотим билан бу барча маълумотли одамларга гапираман?” Генри Карлсон қизариб кетди: “Ҳм... Бранхам ака...ҳм...Хикс ака бундай қилолмайди”. “Нима учун?” Билли эзди. Жавоб беришмади. “Сизлар биласиз, нима учун, аммо сизлар буни менга айтишни истамайсиз. Бу шу учунки, ўша хизматчилар мен учун тузоқ-саволларни тайёрлаб қўйишибди. Улар менинг сувга чўмдирилиш, илон уруғи, ва менинг ўзга тилларда сўзлаш — Муқаддас Руҳга тўлишнинг далил-исботи эмасдир, деган позициям бўйича, менга қарши турмоқчилар. Карлсон ака, сиз ўша нонушта учун яшил деворли меҳмонхона банкет залини ижарага олдингиз, ахир шундай эмасми?”

“Бу тўғри”.

“Сиз бу жойни олмайсиз”.

“Лекин мен у учун закалат бериб қўйганман”.

“Буниси мени қизиқтирмайди. Бу “Раббий Шундай Дейди”. Биз бошқа бинода бўламиз, деворлари жигарранг бинода. Мен бурчакдаги столда ўтираман. Доктор Мид менинг ўнг қўлимда ўтиради, уни ёнида эса будда руҳонийси ўтиради. Доктор Нидл мендан чап томонда ўтиради, уни ёнида қора танли кекса хизматчи хотини билан ўтиради”. Билли бошқа хизматчилар ва уларнинг хотинлари қаерда ўтиришларини айтишда давом этаверди. “Худованд раҳм-шафқати!” — деди Томми Хикс. — Мен у ерга умуман бормасам керак, деб ўйлайман”. “Ҳа, майли, Раббийни сен шифоланишда кўрган эдинг; энди Уни олишувда кўр”.

Шундай бўлдики, Карлсондан жой пули олиб қўйган ходим, меҳмонхона банкет залини ўша сешанба эрталабига оркестр маъмурияти аллақачон банд қилиб қўйганидан бехабар экан. Шу учун Карлсонга пулини қайтардилар ва унга хизматчилар нонуштасини “Шаҳар ва Қишлоқ” деган ресторанга кўчиришига тўғри келди. Билли келган вақтида бино деворлари жигарранг эканига ҳайрон бўлмади.

Генри Карлсон бунга ҳайрон бўлди. Нонуштадан сўнг у микрофонга келди ва шундай деди: “Жаноблар, Бранхам акани таништириш менга ҳузур бағишлайди. Сиз унинг таълимотига қўшилмаслигингиз мумкин, аммо-лекин мен у ҳақида бир нарса айтай, у ўз қарашларида қўрқмас. Уч кун бурун у менга шу эрталаб шу ерда бўлиб ўтган ҳамма нарсани, шу жумладан, сизларнинг кўпларингизни қаерда ўтиришигача айтиб берган эди. Энди, Бранхам ака, мен сўзни сизга бераман”.

Билли Ҳаворийлар 26:13-19дан ўқиш билан бошлади. У ерда Павел, “Мен кўкдан юборилган ваҳийга монелик қилмадим” деган эди. У кейин мулойимлик билан, аммо кескин равишда деди, “Мен сизларни менинг маълумотим хусусида қарши саволлар бермоқчи бўлаётганингизни биламан. Жуда яхши, келинглар, Раббий Исо Масиҳ Исмидан сувга чўмдирилишдан бошлайлик. Мен истардимки, бирор киши Библиядан бирор одамни Исо Масиҳ Исмидан бошқачасига сувдан чўмдирилганини кўрсатса. Библиянгизни олинг, менинг ёнимда туринг ва мени чўмдирилиш бўйича ўргатганларимни инкор қилинг”.

Зал жим бўлиб қолди; вилкани тарелкага урилиши ҳам эшитилмади. “Унда, агар сиз буни инкор этолмасангиз, бунга ишонсангиз бўлмайдими? Ёки ҳеч бўлмаса чиқинг ва бу ҳақида айтиб олинг, лекин мени орқамдан гапирманг!”

Билли бир соат модайнида Худонинг моҳиятидан бошлаб, сувда чўмдирилиш бўйича ўз фикрларини баён қилди. “Мен “Фақат Исо” деган ташкилотга тегишли эмасман ва мен уч бирлик (троица) тарафдорларига ҳам тегишли эмасман; мен — Христианман. Библияда *учлик* деган сўз йўқ. Мен учта алоҳида Худо борлигига ишонмайман. Мен битта Худо учта функцияда борлигига ишонаман — Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ — битта Худодирки, одамларга тушиб келган”.

“Эски Аҳдда Худо Исроилга Олов Устуни кўринишида зоҳир бўлган эди, У Аҳднинг Фариштаси, *Логос* эди; қайсики Масиҳ эди, чунки Юҳанно 8:59да Исо деди: *“Иброҳим вужудга келмасидан олдин Мен бор эдим”*. Ўшанда қонун остида У шунчалик муқаддас эдики, агар ҳар қандай одам, У Мусо билан сўзлашган тоққа тегиб кетса, бу одам ҳалок бўлар эди[33]. Худди Ўша Худо Ўз яратганларига Ўзи ҳақида билим юборишни истади. У уларга яқинлаша олмас эди, чунки улар гуноҳкор эдилар, ва буқа ва такаларнинг қони гуноҳни йўқотоламас эди; у – қон фақат гуноҳни ёпар эди.[34] Шу учун Ўша Худо, қайсики Олов Устуни эди, Ўз Ўғли орқали тана бўлди, ва Исо Масиҳ деган танада, вужудда яшади. Колосаликларга мактуб 2:10да шундай дейилади: *“Унда, Масиҳ вужудида, Худонинг бутун борлиғи тўла-тўкис мавжуддир”*. Тимофейга 1-мактуб 3:16да шундай дейилади: *“Эътиқодимизнинг сири эътироз қилиб бўлмайдиган даражада буюк: Масиҳ вужудда зоҳир бўлди...”* Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 14-бобида Исо Филиппга деди: *“Мени кўрган, Отамни кўрган бўлади”*. 2-Коринфликлар 5:19да: *“Худо Масиҳ вужудида бўлиб, дунёни ўзи билан яраштирди”*, дейилган.

[33] Чиқиш 19:10-25; Ибронийларга 12:18-21

[34] Ибронийларга 9:6-9

“Худо бир *вақтнинг ўзида* учта шахс бўлолмайди; худди шундай Исо Ўз Отаси ҳам бўлолмайди. Бу иккала ҳолат ҳам нотўғридир. Ишайё деди: *“Раббийнинг Ўзи сизларга аломат беради: Мана қиз ҳомила олади ва Ўғил туғади ва уни Эммануил деб атайдилар”*, яъни “Худо биз билан”[35] демакдир. Шундай қилиб, Масиҳ Худо бўлади. Буларнинг барчаси Ишайё башорат қилганидай ижобат бўлди: буюк Иегова аёлни қоплади, унда тухумдон ва Қон ҳужайра яратди, ва шу ҳужайра орқали Масиҳ танаси вужутга келди. Исо Яҳудий ҳам, Мажусий ҳам эмас эди. Бизлар Худонинг Қони билан қутқарилганмиз. Шу учун, биз меҳробга келганимизда ва имон билан қўлларимизни Унинг бошига қўямиз, ва Унинг Гўлготадаги азоблари, даҳшатларини ҳис этамиз, ноҳақ эканимиз ва У бизнинг ўрнимизда ўлганига ишониб, ўз гуноҳларимизни эътироф этамиз — шунда Унинг Ҳаёти бизларга қайтади. Ҳаёт қонда бўлади, дейди Библия.[36] Исо ўлган вақтда ва Унинг қони ҳужайралари емирилганида, оддийгина инсоний қон тўкилмади; Худонинг Ҳаёти озодликка чиқарилган эди. Сиғинадиган киши имон билан Худо Ўғлига қўлларини қўйгани ва ўз гуноҳларини эътироф қилган вақтида, Худонинг Ҳаёти (бошқа одамнинг ҳаёти эмас) ишонадиган кишига қайтади. Бу Ушбу Ҳаёт учун грекчадаги *Зоуи* сўзи ишлатилади, қайсики *Абадий Ҳаёт* деб

таржима қилинади, аммо сўзма-сўз *Худонинг Ўзини Ҳаёти* маъносини беради. Ўшанда бизлар ўзимизни Худонинг ўғиллари, қизлари деб тан ололамиз.

[35] Ишайё 7:14; Матто 1:23

[36] Левитлар 17:11; Юҳанно 6:53

Худо — Руҳ... Ва У кичкинагина Иеговани яратди. У катта Одамдай кела биларди, аммо буни ўрнига У гўдак каби келди. Иегова болакайдек ўйнаб юрди. Иегова дурадгор бўлиб ишлади. Иегова Ўз болаларини гуноҳлари учун тўлов тўлаб, уларни сотиб олиш учун ер билан осмон орасида осилди. Бошқа шахс эмас, балки Худонинг Ўзи Ўғлини хизматида. Кейин У бизларга Худо бўлди. Бизлар Унинг қисмидирмиз. Эллигинчилар кунида Олов Устуни Ўз Черкови орасида бўлинди"[37]. Исо Юҳанно баён этган Инжил 14:20да деди: *"Мен Отамда, сизлар Менда ва Мен сизларда ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар".*

37 Ҳаворийларга 2:1-4

"Энди сиз Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳни тушуна биласизми? Худо марҳамат қилаяпти... Унда Иегова Худо Ўзининг муқаддаслиги қонуни туфайли инсониятга тега олмас эди. Шу тарзда Иегова Худо бизлар учун гуноҳ бўлди ва худди ўша Иегова Худо кела олиши ва бизларга яшай олиши учун тўлов тўлади. Бу Худо бизнинг устимизда, Худо биз билан, Худо бизларда — учта худо эмас, балки битта Худо. Буни тушуниб етиш учун профессорлар ақлдан озади, аслида бу нарса — очиқлик. Бу сизларга очиқ бўлиши керак".

Энди келинг, сувда чўмдирилишни кўриб чиқамиз. Матто баён этган Инжил 28:19да Исо деди: *"Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд ортиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан чўмилтириб, имонга келтиринглар".* Ўн кундан сўнг Пётр Ҳаворийлар Фаолияти 2:38да шундай деди: *"Тавба қилинглар, ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб имон келтиринглар".* Наҳотки бу қарама-қаршилик бўлса? Мен шу ерда буни, тескариликни борлигига ишонмайман. Эътибор беринг, Маттонинг 16-бобида Исо шогирдларидан сўради: уларнинг фикрича У Ким эди. Пётр деди: "Сен барҳаёт Худонинг Ўғли — Масиҳсан". Исо Пётрга жавобан деди: сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симон! Бу сирни сен ўз уқув-идрокинг (асли бўйича: "эт ва қон" яъни инсоний куч ва идрок) билан уққанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган. Сенда Менинг Отамдан очиқлик бор. Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида (қандай тош устида? — очиқликда) бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас". Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан бориб чўмдиринг, деб Исо айтганида, ўша ерда Пётр турган эди. Ўн кундан сўнг у Исо нима деган бўлса, айнан шундай қилди. Унда Худонинг очиқлиги ва Осмон Шоҳлиги очқичлари бор эди. У билар эди; Ота — бу исм эмас, Ўғил — бу исм эмас, Муқаддас Руҳ — бу исм эмас; Уни Ким эканлигини кўрсатадиган унвонлари эди. У Ота ҳамдир, У Ўғил ҳамдир, У Муқаддас Руҳ ҳамдир. Исо И-С-Мига чўмдиринглар деди (бирликда), Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ *исмига.* Бу Исм — Раббий Исо Масиҳ.

Шундай қилиб, мен чўмдирган пайтимда, мен икки қисмини ҳам тан оламан: Унинг унвонлари ва Унинг очилган исми. Мен дейман, "Ота, Сен бизга бутун дунё бўйлаб боришга ва уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ исмига чўмдириб, барча халқлардан шогирдлар орттиришни буюрдинг, ҳозир мен бу одамни Раббий Исо Масиҳ Исмида чўмдираман". Бу мунозаранинг иккала томонини ҳам эгаллаб олади ва менга сизларнинг барчангиз билан мулоқот қилишимга йўл очади.

Худонинг сирини хулоса қилиб туриб, мен ишонаман, Отамиз Худо Маръям исмли қизни қоплади ва унда Қон ҳужайрасини яратди ва ўша қон ҳужайраси Исо Масиҳни етказиб берди. У Худонинг Ўғли эди, ораларимизда Ўзини намоён қилиб, Худо танада яширинган маъбад эди. Худо Ўзини дунё билан яраштириб, Масиҳ вужудида эди. Бу Қон ҳужайраси Гўлготада бизнинг гуноҳларимизни кечирилиши учун бузилган эди, ва Ундан Руҳ чиқди ва Черковга қайтди. Муқаддас Руҳ (Масиҳ Логос) Муқаддас Руҳга тўлиш воситасида бизларда турибди — бизлар Худонинг Черкови — Уммати бўла олишимиз учун, бизнинг ҳар биримизга Ўз Ҳаётини бера туриб, Масиҳ Ўзини бўлиб берди.

1959 йил кузида Уилльям Бранхам Канада, Доусон Крик шаҳридан, муҳтарам Эд Бискалдан, уни шимолий Британия Колумбиясида овга таклиф қилган мактуб олди. Ўн саккиз ойдан кейин Билли Поль Бранхам, унинг отаси дам олмоқчилигини айтиб, Эд Бискалга хат ёзди. У Эд Бискалга 1961 йилнинг маълум бир вақтида, Альберта провинциясининг Гранд Прери шаҳрида кичикроқ, имон билан шифоланиш кампаниясини ва худди шундай кампанияни Британия Колумбияси провинциясидаги Доусон Крик шаҳрида ҳам тайёрлашини таклиф қилди. Шундай кейин улар Эд Бискал қаерга этишни истаса, ўша томонга овга бориш истагини билдирдилар.

Доусон Крик ва Гранд Прери — булар иккита кичкина шаҳар бўлиб, улар АҚШ ва Канада чегараларидан 500 миль масофада ва Альберта ва Британия Колумбияси чегараларидан 75 миль масофада жойлашган. (Бу шаҳарлар Канада прериясининг ғарбий сарҳадларида, Қояли Тоғларнинг шарқий сарҳадларидан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган) 1961 йил, 14 майда Билли ва Билли Поль Гранд Прери шаҳрига етиб келиб, у ердаги икки қаватли меҳмонхонада рўйхатдан ўтишди. Кейин Билли келганини билдириб қўйиш учун муҳтарам Бискалга қўнғироқ қилди. Сал кечроқ у эшигини қоққанларини эшитди.

Эшикдан кирган одам жуда ёш кўринар эди. У ориқ кўринар ва унинг сочлари қалин ва қоп-қора эди. Унинг болаларга хос юзи жилмайиб турар эди. Билли Поль уни таништирди. “Дада, бу киши Бискал ака”. Кровати четида ўтирганча, Билли ўнг қўли кўрсатгич бармоғини юқорига кўтарди ва деди: “Сен – Бискал акамисан? Мен эллик яшарлардаги одамни кутгандим. Сен ёш боласанку”. Бискал қизарди. “Майли, мен 27даман”.

Гарчи Эд Бискал ўз хизматида ёш бўлса-да, бироқ у тажрибали овчи ва ўрмончи эди. У шимолий Британия Колумбияда ўсиб-улғайди ва болалигининг кўп қисмини атрофларида жойлашган қийин ўтиладиган ёввойи жойларни ўрганиш, текшириш билан ўтказди. У бир неча йилни индеецлар орасида хушхабарчилик ишига бағишлади ва уч ярим йил Доусон шаҳридаги кичикроқ элликчилар черковида пастор бўлиб хизмат қилди. Унинг йиғилиши аъзоларидан бири Харви “Бад” Саусвик Даусон Крик шаҳридан шимолга томон тахминан 400 милда жойлашган кенг ёввойи жойларда яқиндагина дипломли йўл бошловчи бўлганди. Эд Бискал ҳам худди ўша ёққа Биллини, қачонки Гранд Прери ва Даусон Крикдаги йиғилишлар тугаши билан этмоқчи эди.

1961 йил 19 май, жума куни, Билли бир неча юз одам сиғдира оладиган Бирлашган Черковлар биносида ваъз қилиб, у Даусон Крик шаҳрида уч кунлик кампаниясини бошлади. Шу кечқурун ибодат навбатидаги биринчи одам — ёши ўтган аёл эди. Билли у билан, Исо самариялик аёл билан Ёқубнинг қудуғи олдида гаплашганига ўхшаб, бир неча дақиқа сўзлашди. Ваҳий келганидан кейин, у шундай деди: “Сиз бу ерда ўзингиз учун турганингиз йўқ. Сиз ўлим шарпаси остидаги одам учун ибодат қиляпсиз. У рак бўлган. Бу одам шу шаҳардан эмас. У бу ёқдан шимолда, Авлиё Юҳанно Форт шаҳрида яшайди”. Кўзларини катта-катта очиб, аёл бош ирғаб, бу тўғрилигини тасдиқлади. Билли давом этди, “Ўз йўлингизга боринг ва ишонинг”.

Шанба куни кечқурун Билли ваъз қилишдан тезда хизматнинг ибодат қисмига ўтди. Ушбу оқшом у ибодат навбатини чақирмади. Ваҳийлар бошлангач, у базўр бири кетидан бошқасини кўрсатишга улгурар эди, уларга, улар нима ҳақида ибодат қилганларини ва уларнинг муҳтожлари қанақалигини — бир, икки, уч, тўртинчи сафар мутлақо аниқ айтиб бера бошлади. Қачонки у биринчи одамга етиб борганида, у деди: “Шу ерда, ўнг томонда аёл ўтирибди. Наҳотки сиз бу аёлни устида Нурни кўрмаяпсиз? Унда прогрессивлашган деформациялашган артрит ва кўкрагида ўсмаси бор. У Авлиё Юҳанно Форт шаҳридан. Унинг исми — Агнесс. Мен сизни танимайман. Ҳозиргача мен сизни ҳеч қачон кўрмаганман. Агар, барча мен сиз ҳақингизда айтганларим тўғри бўлса, унда ўрнингиздан туринг”. Агнесс турди ва Билли деди: “Сизнинг илтимосингиз ижобат бўлди”.

Яна иккита ваҳийдан сўнг Билли ҳаммасини, ким касал бўлса, Исо Исми ҳақи ўз шифосини олишга ва Раббий Исони улуғлашга ундади. Маъбад юзлаб одамларнинг: “Мен Уни севаман, мен Уни севаман, чунки У олдин мени севди; ва менинг нажотимни Гўлгота

дарахтида сотиб олди”, — деб куйлаётган одамларнинг овозларига тўлиб кетди. Кутилмаганда Билли яна бир ваҳий кўрди. Унинг овози оҳанглар орасидан эшитилиб қолди: “Солдат, нима гап ўзи? Сен ахир ўз жонингга қасд қилмоқчимассанку”. Уни эшитиб, зал жим бўлиб қолди. Билли давом этди: “Эй, йигит, иблис сенга ёлғон айтаяпти. Сенда бор-йўғи қўрқинчдан асабийлик холос. У сени алдаяпти. Агар сен унга ишонсанг, у сени ақлдан оздиради. Исо Масиҳ Исми ҳақи мен сенга иблисни инкор қил деб ва Исо Масиҳни ўз шифокоринг деб қабул қилишингни буюраман. Сен соппа-соғ одамга қайтасан”.

У ушбу билиб олишини қайси одамга мўлжалланганлигини аниқламади. У ваҳийдан чиққанидан сўнг, йиғилишни яна бир неча қўшиқда бошқарди, ундан кейин эса йиғилишни ёпди. Бу тушуниш икки кундан кейингина энг кутилмаган тарзда келди. Аляска шоссеси Даусон Крик шаҳридан бошланади ва шимоли-ғарбга қараб 1500 милга ёввойи жойлардан Аляска штатининг Фэйрбэнкс шаҳригача боради. У ҳарбий кучларни таъминлаб туриш учун йўл сифатида Иккинчи Жаҳон уруши вақтида қурилган эди. Гарчи у Аляска шоссеси деб аталса-да, унинг катта қисми Британия Колумбиясида жойлашган. Душанба эрталаб, соат бешда Эд Бискал, Крис Берг, Билли ва Билли Поль Бранхам Аляска шоссеси бўйлаб шимоли-ғарбга, 400 миль масофада жойлашган ов қилиш жойига қараб жўнадилар.

Улар 40 милга яқин юрдилар ва Билли: “Жума куни кечқурун ибодат навбатидаги аёл Форт Муқаддас Юҳаннода яшаётган одам учун ибодат қилган эди”, — деган вақтда Форт Муқаддас Юҳанно деган кичкина шаҳарчага етиб келдилар.

Эд Бискал деди: «Бранхам ака, бу аёл менинг ота-онам билан дўст эди. Мен уни кичкина болакайлигимдан бери биламан. Унинг исми – Клант опа».

Уларнинг машиналари соатига 55 миль тезликда ҳаракатланиб, Муқаддас Юҳанно Фортдан ҳали чорак милда эди. Билли ўзларидан ўнг томонда турган фермадаги одамлар яшайдиган ката оқ уйни кўрсатди. «Ўша аёл ибодат қилган одам манна шу уйда яшайди». Ҳайрон бўлиб қолган Эд Бискал жавоб беролмай қолди. Чунки у бу нарсани билмас эди. Гранд Прери ва Доусон Крикдаги сирларни билиб олишларда юқори аниқликни кўрганидан, унда ҳозирги фикрга шубҳа қилишига сабаб йўқ эди. Уни текшириб кўриш кейинроқ жуда осон эди.

Туш вақтида ёввойи табиат кўринишида кўзга ташланиб турган, кичкинагина шаҳарча бўлган, Форт Нельсонда тушлик учун тўхтадилар. Улар меҳмонхонада жойлашган кафега кирдилар. Ҳали ўз шўрваларини кутиб ўтиришар экан, улар 1938 йилда ишлаб чиқарилган Форд пикапнинг кафе олдига келиб тўхтаганини кўришди. Пикапдан иккита эркак — қора сочли баланд бўйли ёш одам ва пастроқ бўйли, сочлари қумрангли ёши бир ерга борган одам чиқиб келди. Улар кафега киришди. Ёши каттароғи қаерга ўтирсам экан деб, жой танлаб, у ёқ – бу ёққа қараб олди. У Биллига кўзи тушгач, жилмайди. Солдат эшик ёнидаги столга ўтирган пайтида, гражданча кийинган одам Биллининг столи томон одимлади, унга қўлини узатди ва ҳаяжонда: “Салом, Бранхам ака”, — деди.

Билли жуда ҳайрон бўлганча, уни қўлини сиқди. “Мен сизни танийманми?” “Йўқ, лекин мен сизни биламан. Мен сизни Доусон Крикдаги йиғилишингизда бўлгандим. Сиз ўша оқшом мана бу солдатга мурожаат қилганингизни эслайсизми?” Билли боши қотиб, столидагиларга қаради. “Эд ака, сен буни эслайсанми?” “Ҳа, мен эслайман. Сиз: “Сен, солдат, жонингга қасд қилмайсан. Буни сенга иблис айтаяпти”, — дедингиз”.

“Тўғри”, — очиш ранг сочли одам бунга қўшилди. — “Улар уни менинг ҳомийлигимга топширдилар, ва мен Фэйрбэнксдан у сизни йиғилишингизга туша олиши учун бутун йўл босиб келдим, аммо у ибодат навбатига кира олмади. Бранхам ака, сиз у учун шу ерда ибодат қиласизми?” Бош бармоғи билан елкаси ортидагини кескин кўрсатиб, қўшиб қўйди: “Мана ўша солдат. Охирги 14 ой мобайнида у уч марта жонига қасд қилмоқчи бўлди. Армия врачлари, унга ўзи нима бўлганини тополмаяптилар”.

“Албатта”, — деди Билли, официант уларнинг овқатларини олиб келиб қолган лаҳзада. — “Балки сизлар кутиб турарсиз, биз овқатланиб олсак?”

“Албатта. Бизлар ҳам овқатланиб олишимиз керак”. У ўз столига қайтди ва ўзлари учун тушлик буюрди. Иккала гуруҳ ҳам овқатланиб бўлишгач, солдат Биллининг кетидан кўчага чиқди. Улар биргаликда ёғоч йўлакдан меҳмонхона бурчагигача бордилар. Билли унинг руҳи билан контактга кириш учун, бир неча дақиқа гаплашди. “Ўғлим, доим эсингда бўлсинки, Исо Масиҳ сени гуноҳларингдан қутқариш учун ўлган”. Солдат эшитишни жуда хохлайдигандай кўринар эди-ю, шу билан бирга, шу вақтни ўзида жуда ғалати бир аҳволда бепарво, эътиборсиз эди. Тез орада Билли ўнг томонида Раббий Фариштаси ҳозир бўлганини ҳис қилди. Билли ўзининг титилиб қолган ковбойлар шляпасини ечди-да, уни кўк рангли пахтали кўйлагига босди. Зоҳир бўлган ваҳий тезда солдатнинг муаммоси нимадалигини кўрсатиб берди. “Мен сизнинг ажойиб Христианка-хотинингиз ва иккита ёш болангиз борлигини кўраяпман; аммо сизда шикастлайдиган психик комплекс пайдо бўлганки, у сизни ёш одамлар билан гомосексуал муносабатда бўлишга мажбур қилган”. Солдатнинг юзи ёқимли жилмайди. Муштини уч марта ҳавода силкиб, у қичқирди: “Мен озодман! Мен озодман! Мен озодман!” Улар ўз автомобилларига қайтдилар ва шунда солдат бошқа эркакларга деди: “Бутун дунёда фақат менинг хотиним билар эди, бу одам айтган нарсани. У менинг сиримни очиши билан, мен билдимки, мен ўз гуноҳларимдан озод бўлдим”.

Шу куни кечроқ улар Манчо кўли яқинларидаги асосий қароргоҳга етиб келишди. Уларни Бад Саусвик кутаётган эди. Бад қирқ ёшда эди. У 1961 йилгача Даусон Крикдан унча узоқ бўлмайдиган жойда йирик шохли ҳайвонлари бор ранчонинг хўжайини эди. Ўша ерда у Эд Бискалнинг ваъзини эшитиб, бир кун кечаси ўз ҳаётини Масиҳга бағишлади. Яқинда Канада ҳукумати унга Британия Колумбиясидаги ёввойи жойларнинг катта қисмида овчиларга йўл бошловчилик махсус ваколатини берди. Энди у хотини Лела ва бешала ўғли билан автомагистрал қурувчилардан қолган ёғоч баракда яшар эди. Билли Бранхам унинг биринчи мижози эди.

Ўша оқшом Эд Бискал Гранд Прери ва Доусон Крикда ўзи кўрган фикрларини фарқлаш ва мўъжизалари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Қачонки у уларга рак билан оғриган одам учун ибодат қилган Клант хоним ҳақида гапирганида, қайсики у касал Авлиё Юҳанно Фортдан жануб томонда чорак миль масофадаги фермернинг оқ уйида яшар эди, ўшанда Бад Саусвик деди: “Мен ўша уйда яшайдиган одамни биламан. Мен уни кўп йиллар билар эдим. Унинг исми — Эд Томсон, ва мен уни ракдан ўлаётганини ҳам биламан”.

Эд Бискалнинг гувоҳликларини бир соат давомида эшитиб, Саусвик Биллидан укасига фойда қиладиган ваҳий кўра биладими, деб сўради. Уни укаси тутқаноқдан жуда ҳам қийналар, у ҳар куни уч ёки тўрт марталаб хуруж қилар эди. Билли уларга, мен ваҳийни келтиролмайман, деди; Худо уни Ўзининг Олий Иродаси бўйича юборади. Билли Бадга бу тўғрисида ибодат қилишини ваъда берди.

Кейинги эрталаб олтовлон — Бад Саусвик ва унинг ўн саккиз ёшли ўғли, Блэйн, Эд Бискал, Крис Берг, Билли ва Билли Поль отларига миниб олиб, қадам етмас ёввойи жойлардан чоптириб кетишди. Уларни орасида 16 та юк ортмоқланган отлар занжири борар эди. Олдинига сўқмоқ қуруқ бўлиб ва ундан осонгина юрса бўлар эди. Улар тоғтераклар ўсган водийлар ва сариқ қора қарағай ва эгик оққарағайлар билан қопланган тоғ ён бағирларидан юрдилар. Гарчи бу паст жойлар яшнаб турган баҳорий гулларга ястаниб ётса-да, лекин баланд-баланд чўққиларда ҳали-бери қорли қоялар кўзга ташланиб турар эди. Баланд тоғли жойлар – мана улар қаерда ов қилишмоқчи эдилар. Бахтга қарши, уч кун давомида уларнинг сафарига гармсел *(Қояли тоғларнинг кун чиқар томонидан эсган қуруқ иссиқ шамол)* эсди, шу тафайли баланд чўққилардаги қорларни иситиб, ўз навбатида, пастдаги дарёчалардаги сув сатҳини кўтарилишидан , улардан ўтиб бўлмай қолди. Хафа бўлганча, Билли Бад Саусвикнинг орқага қайтишга тўғри келади деганига кўнди.

Дарёлардаги сувнинг кўтарилиши ва сув оқимлари сўқмоқларнинг айрим жойларини ботқоққа айлантириб юборди ва юк ортилган отлардан бири ботқоққа кириб, ботиб қолди. Билли отдан тушиб, лой кечиб отгача борди-да, унинг юкини боғичидан кесди, арқондан халқа қилиб уни бўйнига ташлади. Бошқа учини эгарининг олдинги қошига боғлади, отининг ёнида туриб олиб, уни “гу-гу”лаб, ботиб қолган отни ботқоқдан тортиб чиқара бошлади.

Билли кийимларидан лойни қўлидан келганча артиб ташлади, кейин отига мингашди ва юк ортилган отни қайтариб сўқмоққа олиб чиқди. Шу пайт ўзига қараб ҳаводан юриб келаётган одамни кўрди. Жиловни тортиб, Билли эгарда ўзини орқага ташлаб, кузатиб турди. Ўша одамни тутқаноғи тутди, оёқ уриб, борган сари баттар тўлғана бошлади. Уни тутқаноғи тугаганида, Билли печда ёнаётган тарашани ва у ерда ёнаётган кўйлакни кўрди. Бошқа икир-чикир тафсилотлар воқеани тугатди. Ундан кейин ваҳий тугади ва у яна лой сўқмоқнинг икки тарафида турган қарағайларга қаради.

Билли юк ортилган отлардан қувиб ўтиб, то Бад Саусвикка етиб олгунича отини ниқталаб елдириб кетди. Кейин от одимларини секинлатди ва у Бад билан ёнма-ён кетди, отини қадами Баднинг отини секин қадамларига тўғри кела бошлади. Намгарчилик, канада ажириғи, игнабаргли дарахтлар ва отларнинг териси ҳидлари қоришиб, ҳаво ёқимли эди. Иккала эркак ёнма-ён кета бошлагач, Билли деди: “Бад, мен ҳозиргина билиб олдим, уканг ўттиз ёшларда ва унинг бўйи қарийб олти фут келади (180 сантиметр). Унда уч ёшидан бери тутқаноғи бор. Бу наслдан-наслга ўтадиган касаллик. Тутқаноқ сени бобонгда ҳам бўлган”.

“Билли ака, тўппа-тўғри. Сен ваҳий кўрдингми?” “Ҳа, Бад, ва менда сен учун “Раббий Шундай Дейди” бор. Укангдан у сени кулбангга келишини сўра. Унда биринчи тутқаноқ бўлиши билан, уни кийиб юрган кўйлагини ол, уни печингга ташла ва: “Мен буни Исо Масиҳ Исми ҳақи қиламан” – деган. “Токи у ишонар экан,унда бошқа тутқаноқ бўлмайди. Мана шуни қилиш учун менга бутунлай ишонасанми?” “Ҳа, мен шундай қиламан”.

Улар кечқурун соат тўққизларга яқин лагер қурдилар. Осмон ҳали ҳам худди кундузгидагидек ёруғ эди. Мана шу кенгликда май ойида қуёш ботмайди. Кечқурун соат ўн бирларда, токи қуёш горизонт чизиғидан ҳаракатланиб ва яна йўлида давом этар экан, осмон бир соатлар ғира-шира бўлиб туради. Кечки овқатдан кейин Билли Эддан бирга айланишни истайсанми, деб сўради. Улар қуролларини ҳам, агар қуёнми ёки какликними кўриб қолсалар, деб олиб олишди.

Мана шу сафар бошланганидан бери Эд Бискал таълимот хусусида унга учта савол бериш учун Билли билан якка қолиш умидида юрган эди. Энди, бу имконият туғилган пайтида, бу мавзуларга қандай ўтишни ўйлаб, тараддудланиб қолди. У 14 ёшда бўлганида, у Биллининг йиғилишларини бирида биринчи қаторга яқин ўтирган ва кўплаб мўъжизаларни, шу жумладан кўзлари жуда ақий қизчанинг яхши кўра бошлаганини гувоҳи бўлган эди. Шундан бери у бу йиғилишларга ҳурмат билан қарар ва ҳар хил христиан журналларидаги мақолаларни ўқиб, унинг қандай боришини кузатиб борар эди. Лекин кейинчалик у Биллини ҳаммага расм бўлмаган таълимотни ўргатаётгани ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб, ташвишга тушган эди. Эд тушунолмас эди, қандай қилиб Худо Уилльям Бранхамни имон билан шифоланиш хизматида шунчалик кучли дуо қилади-да, ва ундан кейин ушбу саволларда уни ташлаб қўяди. Улар ўрмон манзараларинива товушларидан ҳузур қилиб, кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашганича,сўқмоқ бўйлаб сайр қилдилар. Бир неча вақтдан кейин дам олиш учун улар ёғочга ўтириб олишди. Билли деди: “Эдди ака бугун мен отда келаётган пайтимда, у ерда, сўқмоқда У менга келувди. Мен ўйлайман, сени менга бермоқчи бўлган учта саволинг бор. Биринчи савол Исо Исмида сувда чўмдирилиш ҳақида; иккинчиси — Худо ҳақида; ва сенинг учинчи саволинг илон уруғи ҳақида”.

Эд Бискал қотди-қолди, сал қолди ходадан йиқилишига. У ўзини Худонинг ҳукми олдида тургандек ҳис қилди ва ҳеч нарса яширин қололмас эди. “Бранхам ака, бу тўғри. Мен узоқ вақт сизга бу учала саволни бермоқчи эдим”. Билли унинг биринчи, иккинчи саволига қониқарли жавоб бергач, уларнинг суҳбати учинчи саволга ўтди. “Бранхам ака, сиз қандай қилиб Қобил Одамнинг ўғли эмас эди, дейсиз? Ибтидо 4:1 да дейиладики: “Одам хотини Ҳавога яқинлашгач, у ҳомиладор бўлиб, Қобилни туғди. Ҳаво: “Худованд берган қобиллик билан бир кишини қўлга киритдим”, — деди” ”.

“Эдди ака, бу мутлақо тўғри; ҳар қандай ҳаёт Худованддан келади. Аммо сен кейинги оятни ўқишинг керак: кейинроқ уни укаси Ҳобилни туғди...” Қобил ва Ҳобил эгиз болалар эди. Улар бир онадан эдилар, аммо оталари битта эмас эди. Одам ўз хотинига бир марта яқинлашди, бироқ иккита бола туғилди, дея туриб, Библия аниқ, тўғри. Эсингда бўлсин,

аввалида илон судралиб юрувчи эмас эди. Олдинига у сут эмизувчи жонивор бўлиб, одамзодга шунчалик яқин эдики, унинг уруғи инсон уруғи билан чатиша олар, қўшила билар эди. Одам билан Ҳаво гуноҳ қилганларидан кейин, Худо илонни судралиб юрувчига айлантирди. Ибтидо 3:15 да Худо илонга деди: *"Мен сен билан хотин орасида, сенинг зотинг билан унинг зоти орасида адоват соламан..."* Энди эътибор бер, Библияда биринчи адоват Қобил ва унинг укаси Ҳобил ўртасида бўлган эди. Сенинг бор-йўқ қилишинг лозим бўлган нарса — бу, ким Одам уруғи-ю, ким илон уруғи эканини кўриш учун уларнинг характерига назар солиш. Шу тарзда, энг бошида илон ўз генини инсон зотига жойлаштирди ва бу инсониятга ҳайвон табиатини, феъл-атворини киритган генларнинг аралашиши эди. Мана нима учун одам янгидан Худо Руҳига туғилиши лозим. Бизлар Христианлар бўлганимизда, Худо бизга янги табиат, янги хулқ-атвор беради, чунки бизнинг эски табиатимиз бузуқ, ахлоқсиз.[38] Эдди ака, бу нарсалар Илоҳий очиқликлар орқали келади. Сен самимий бўл ва бу ҳақда ибодат қил ва мен ишонаман, бу нарсани У сенга очади".

[38] Римликларга 6:6; 2-Коринфликларга 5:16; Эфесликларга 4:22; Колосликларга 3:10

Кейинги кун тушдан сўнг улар Бад Саусвикнинг кулбасига етиб келдилар. Ундан кейинги эрталабида улар машиналарига юкларини солиб, жанубга қараб жўнаб кетдилар. Бад уларга Авлиё Юҳанно Фортгача эргашди, ўзи билан укасини олди ва уни кулбасига олиб келди. Ундан кейинги кун эрталаб Бад отларга хўрак бериб, фермада бўлганида, укасини тутқаноғи тутиб, уни уйининг полига шафқатсиз равишда отди. Лела Саусвик биринчи пайт яқинроқдаги деразадан ташлаб қочмоқчи бўлди. Кейин у Биллини уни эрига деганларини эслади. Гарчи уни жуссаси кичик бўлса-да, Лела қайнукаси устидан ҳатлаб ўтиб, уни кўйлагини тугмаларини узилмагунича тортаверди. Қачонки у охири ундан кўйлагини чиқариб олган эди, уни, "Мен буни Исо Масиҳ Исми ҳақи қиламан" — дея оловга отди. У шу заҳоти оёқ урушдан ва тўлғанишдан тўхтади. Кейинги бир неча дақиқадан сўнг у янгаси билан гаплашиб ўтирди.

84 БОБ
ЁВВОЙИ ЖОЙЛАР ВАҲИЙСИ АМАЛГА ОШДИ
1961

БИЛЛИ ЖЕФФЕРСОНВИЛЛИГА 1961 ЙИЛ биринчи июнда қайтди. Одатда, одам қадами етмаган ёввойи жойлардаги саргузаштлар уни тетиклаштирар, аммо охирги, Британия Колумбиясига бўлган баҳорги ов сафаридан кўнгли вайрон бўлиб қайтди. Бундай бўлишининг бир неча сабаби бор эди. Чикаго хизматчилар ассоциацияси олдига аудиторияга чиққанида ҳаяжонлантирадиган камтарлик ва муҳаббат руҳи тўлдирган эди. Чикагодан етмишта хизматчи Биллига Жефферсонвиллига келмоқчи ва Исо Масиҳ Исмига янгидан чўмилишмоқчиликларини айтишган эди. Ҳозир эса ўша кундан бир ойдан ҳам кўпроқ вақт ўтиб кетди, аммо хизматчилардан ҳеч ким келмади; улардан ҳеч ким нима учун келмаганликлари сабабини айтиб на қўнғироқ қилди ва на тушунтирди. У фақат, улар ниятидан қайтган бўлса керак, деб тахмин қилар эди.

Чикаго хизматчилар ассоциацияси уни дили вайронлигининг сабабларидан фақат биттаси эди. Уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташвишлантиргани, уни Исо Масиҳ деб ишонадиган одамлар ҳақидаги миш-мишлар эди. У бу муаммо билан биринчи бор бир йил бурун, қачонки у айнан Христианлар билан балиқ овлаган пайтида дуч келганди. Улар ундан у мойланган Мессия, Масиҳ эмасми деб сўраб, уни ҳайрон қилишган эди. Шак-шубҳасиз, уларга у йўқ деди, ва уларни, агар улар бундай ёлғонни тарқатишса, унинг хизматини бузилиши мумкин деб огоҳлантирди. У шу билан бу саволни ечдим, ҳал қилдим деб умид қилган эди, аммо миш-мишлар худди шу ғоя билан бошқа одамлар орасида тарқалди. У ушбу муаммо учун ибодат қилганида, Худо уни Луқо баён этган Инжилнинг 3:15 га йўллади, у ерда шундай дейилган эди: “Халойиқ умидвор бўлиб, Яхё ҳақида: “Бу Масиҳ эмасмикин?” — деб кўнгилдан ўтказиб турар эди”. Билли ўхшашликни кўрди. Бу миш-мишлар ҳали бери уни безовта қилар, чунки у бунақа адашишни тарқалишини қандай тўхтатишни билмас эди.

Бир кун кечқурун Доусон Крикда Билли одамлар билан хизмат тугаганидан кейин суҳбатлашаётган пайтида, уни ёнига бир одам келди ва ўз гуноҳларини эътироф қилмоқчи бўлди. У нимани кўзда тутаётганини Билли тушунмади, шунда ўша одам кармонини очиб, унда “Уилльям Бранхам — менинг Раббим”, деб ёзилган откриткани кўрсатди. Ҳайратда қолган Билли бу одамга токи у бу нарса ҳазил эмас эканига ишончи комил бўлгунича, саволлар бераверди. Бу воқеа уни шунчалик хафа қилдики, у бир неча кун безиллаб юрди. Ўйлаб қолди, агар у Исо Масиҳ шарафи учун меҳнат қилиб бутун онгли ҳаётини бағишлаётганидан кейин, уни дажжол сифатида эслаб юрсалар қанчалик фожеали бўлади. У ҳатто бундай қўрқинчли нарсани йўл қўйиши ҳақидаги фикрни ҳам кўтаролмас эди. Бунақа бидъатни тарқалишига йўқ қўйишдан кўра, унга ҳозирни ўзида ўлиб қўяқолиши яхшироқ бўлмайдими? Бад Саусвикнинг кулбасига етиб келганида, у “ов вақтидаги бахтсиз ҳодиса” ҳақида фикрлаб кўрди. Кейин у олти яшар ўғли ҳақида ўйлаб кўрди ва фикридан қайтди.

Энди, уйида бўлганида, унинг руҳий азоблари янада кучайди. Доусон Крикда алданган ўша одам каби, Бранхам Чодирига келадиган икки одам ҳам шундай деганини билиб олди. Қаранг-а, — унинг йиғилишидан иккита одам, уни Масиҳ деб ҳисоблайдиган! Бу қандай бўлиши мумкин? Шубҳасиз, улар унинг Исо Масиҳ Олий Худо эди, деб ваъз қилганларини эшитишган. Улар хатога йўл қўйиб, элчини мактуб, нома ўрнида қабул қилишган; ёки аникроғи, улар хатога йўл бериб одам ўғлини Инсон Ўғли деб қабул қилишган. Уларнинг эҳтиёткор бўлмаслиги Биллининг юрагига у чидаб биладиганидан ҳам чуқурроқ суқилди. Қандайдир бир тубдан ўзгариш қилиш керак, ҳаттоки бу уни ўз хизматини бутунлай қўяди деганини билдирса ҳам агар. У офисини ёпди ва уйини сотувга қўйди ва йилнинг охиригача ваъз қилишига таклифларини бекор қилди. Кейин у барчага, ундан узоқроқ юришларини ва уни тинч қўйишларини айтди.

Ҳафта давомида у асабий бўлиб юрди ва руҳи қийналганидан, қичқирганидан, ақлдан озмаяпманмиканман деб ўйлаб қолди. Унинг бирдан-бир юпанчи ваҳий бўлди, қайсики уни

Худо унга жума куни, 1961 йилнинг 9 июнида кўрсатди. У черковидан бўлган ўша иккита одамни ҳавзада турганини ва ерда турган кичикроқ қора-сарғиш илон билан ўйнаётганларини кўрди. Билли бу одамларга келиб, илон заҳарлилигини айтиб огоҳлантирди. Кутилмаганда кичкинагина илон унга ташланди ва уни оёғини чақди. У шошилиб, шикастланган жойини қараш учун, орқага шошилинч сакради. Оёғини очиб, илоннинг заҳарли тишлари қолдирган кетма-кет иккита тишланган жароҳатдан қон оқаётганини кўрди. Олдинига у ташвишга тушди. Кейин қараса, уни қони шунчалар қуюқлигидан, заҳар унга ҳеч қандай зиён қилмади. Қуролини олиб, у илонни ўртасига отди ва шунда илон жазава билан биланглай бошлади. Билли жуда қийналиб, уни ўлдириш учун илоннинг биланглаётган кичкина бошчасини мўлжалга олишга уринди.

Одамлардан бири: “Қуролни ишлатиш керак эмас, мана бу таёқдан фойдалан”, — деди.

Билли таёққа узалган вақтда, илон судралиб сувга кирди ва ҳовуз қамишлари орасида йўқолди. Билли деди: “Энди бу биродарлар бу илон қанчалик хавфли эканини англади; аммо у энди бошқа зарар қилолмайди, у ўлар даражада жарохатланди”.

Якшанба куни эрталаб у бу ваҳий ҳақида йиғилишида гапирди. Кейин у деди: “Мен ҳар доим Раббим ва Нажоткорим, Исо Масиҳнинг ҳақиқий хизматкори бўлишни истаганман. Мен хатолар қилишимга қарамай, юрагимда мен Уни севаман. Мен ҳамма вақт хизматим тоза бўлишлигини истаганман. Аммо энди ораларингизда бидъат пайдо бўлдики, у нарса мени хизматимни қолдиришга мажбур қилади. Сизлардан баъзиларингиз менинг хизматчи ёки биродар жойимдан олиб ва мени Исо Масиҳ деб атай бошладилар. Бу нарса мени дажжол сифатида лаънатлашини сиз наҳотки билмайсиз! Мен Худо билан дажжол сифатида учрашганимдан кўра, яхшиси мен У билан бошлаган ишини била-кўра ташлаб кетган одам каби учрашаман! Мен мактублар ва турли жойлардан мендан мен Масиҳ эканимга ишонасизми деб сўрайдиган телефон қўнғироқлари олдим. Биродарлар, бу иблиснинг даҳшатли, виждонсиз, ўта кетган ёлғони! Мен сизнинг биродарингиз!”

« Мен ишонаманки, бугун бу адашиш ҳалокатли жароҳат олди ваш у билан мен ўз хизматимга қайтишим учун у тезда ўлади. Ўшангача мен ҳаммадан мен учун ибодат қилишингизни сўрайман. Агар сизлар қачондир менга ишонган бўлсангиз, мен Масиҳнинг хизматкориэканлигимга, эсингизда бўлсин: “Раббий Шундай Дейди: “бу – ёлғон”. Бу нотўғри. Бунга ҳеч қандай алоқадор бўлманг. мен – биродарингизман”.

Душанба эрталабида ўша икки одам Биллининг уйига келиб, кечирим сўрадилар. У ўзини хотиржам ҳис қилди ва офисини қайтадан очиш ва уйини сотувдан олиш учун бир қадар овунгандай бўлди. Аммо у ваъз қилиш учун таклифларини бошқа муддатларга тайин этмай, яхшиси Раббий уни қандай етаклашини кутишга ва қарашга қарор қилди.

Бир неча ҳафта ўтиб, Худо унга яна бир ваҳий кўрсатди. Бу ваҳийда у ўрмон сарҳадлари устида, тоғ ён бағридан, чуқур водийлар ва баланд чўққилар панарамасига қараб турар эди. У сланец лойи билан қопланган қияликда турган буғуга ўхшаш йирик ҳайвонни кўрди. Бу ҳайвон кўпроқ лосга ёки, агар унда жигарранг-шоколад рангли кўриниши бўлмаганида, карибга (шимолий канада буғуси) ўхшаб кетар эди. У кўрган барча кариблар металсимон рангда бўлар эди. Бу ҳайвоннинг буғуга хос шохи ҳам ғалати эди. Лоснинг шохи асосидан бошлаб учигача кўплаб шохчаларга бўлинган эди. Карибнинг ёки шимолий буғунинг шохчалари кам бўлар ва улар одатда асосидан баландроқда бошланар эди. Карибнинг шохи майда шохланиш ўрнига учларида қалинлашган бўлади ва баъзи шохчалар юқорисида бир-бирига туташиб кетадики, у хусусан олдинги пешона шохчаларида пластинкага ўхшаб, кўзга ташланиб туради. Бу ваҳийдаги ҳайвонда лоснинг шохига ўхшаб шохнинг учларида шохланган эди-ю, аммо карибунинг шохига ўхшаб майда шохчаланган эди. Билли ҳеч қачон бунга ўхшаш биронта ҳайвонни кўрмаган эди. Ваҳийда у бу тўқ-жигарранг жониворни яқин масофадан отди. Ундан кейин биноклдан ўзидан пастда турган ўрмон линияси қараб туриб, у яшил-сарғиш чормоки кўйлакдаги одамни пайқади, аммо уни ким эканлигини аниқлаш учун ораларидаги масофа жуда ҳам катта эди. Тоғ ён бағри бўйлаб тушаётиб, у бошини учи кумушрангли йирик шимолий-америка йиртқич айиғини кўрди.

Айиқ унга ҳужум қилди ва у кичик калибрли қуролдан унинг тўппа-тўғри юрагига отиб, уни ўлдирди. Ундан кейин ваҳий яна ўша буғуга ўхшаган ғалати шохли жониворга қайтди. Билли бош суяги асосидан шохнинг асосий шохи бўйлаб уни учигача тортилган рулеткани кўрди. Кейин у рулеткани шу ҳолатда тутиб туриш учун чўзилиб турган иккита кичикроқ қўлни кўрди. Қачонки ваҳий тугагач, у Раббий Фариштасининг: *"Ушбу шохларнинг узунлиги 42 дюм (105 сантиметр), бу айиқнинг бўйи эса тўққиз фут (274 сантиметр) бўлади", — деганини эшитди.*

Бир ҳафта ўтиб, Майнер Арганбрайт қўнғироқ қилди ва Биллидан ўзи билан август ойида Аляскага боришни истамасмикин, ва унга Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамиятининг иккита бўлимини, бирини Фейрбэнкс шахрида, бошқасини эса Анкоридж шахрида ташкил қилишида ёрдам бермасмикин, дея сўради Арганбрайт Биллининг сафарини барча ҳаражатларини тўлашини айтди, ва унга сафарнинг расмий қисми тамом бўлгач, уни йиртқич айиқ овига таклиф қилди. Бу унинг охирги ваҳийсини ҳисобга олса, идеал имкониятга ўхшаб кетди; аммо у бу ҳақида ибодат қилганида, у ўзида бундан тийилиб туришликни ҳис қилди. Икки кундан кейин у Майнер Арганбрайтга қўнғироқ қилди ва унга, Муқаддас Руҳ бундай қилишга йўл бермаганини, ҳеч бўлмаганда, ҳозирги пайтда йўл бермаётганини айтди.

Шу йил ёзнинг охирларида, Дониёрнинг Жаброил фариштa билан учрашуви ҳақида учта ваъз қилди, қайсики у Дониёр китобининг 9:20-27 сида тасвирланган. 1961 йил 30 июли, якшанба эрталабида у "Жаброилнинг Дониёрга насиҳати"ни ва ўша оқшомни ўзида у "Жаброилни ташрифини олти каррали мақсади" деган ваъзини қилди. Бир ҳафтадан сўнг у бу қатор ваъзларини "Дониёрнинг етмиш ҳафтаси" билан якунлади. Унда у Жаброилнинг Дониёрга айтган сўзлари ҳозир ҳам ҳақиқатлигича қолаётганини ва Масиҳнинг Иккинчи Келишига тўғридан-тўғри муносабати борлигини кўрсатиб берди.

1961 йил, 25 августи, Билли ва Билли Поль, Бэнкс ва Дэвид Вуд билан Индиана штати, Салем шахри яқинларида олмахон овига жўнаб кетдилар. Тонг отиши олдидан Билли ҳамроҳларини бир жойга қолдирди, ўзи эса йўл бўйлаб ўзининг севимли жойига... агар унга умуман ов қилишига тўғри келса, якка ўзи ов қилиш учун жўнаб кетди. Ҳеч нарса омадли овни ваъда бермас эди. Осмон кулранг булутга қопланган ва майдалаётган ёмғир бутун кунни барбод қилгундай эди. Тонгга яқинлашгач, у яйлов ортидаги ўзига таниш сўқмоқчадан юриб кетди. Сўқмоқнинг охири уни L ҳарфи формасидаги ўрмон участкасига олиб келди-ки, бу жойда у тез-тез ов қилар эди. У тепалик ён бағри бўйлаб ғарб томонга юра бошлади ва ёғоч олдида тўхтаган ҳам эди-ки, шу пайт кўзини қири билан олдинига тонг пайтидаги қуёш нуридек кўринган бир нарсани пайқади. Бирдан у қуёш бўлиши мумкин эмаслигини англади, чунки ёруғлик нури жануб томондан пайдо бўлди-да. У жанубга қараб ҳавода алангаланаётган олов шарни кўрди. У бу ғайритабиий Нурни кўп марталаб кўрганди, аммо у ҳеч қачон уни остида нима турганини кўрмаган эди.

Тепаликни юқорисида улкан бир коса бордай ва ундан иккита камалак чиқиб турган эди. Камалаклар баландлиги ўттиз футга яқин (9 метр) ва бири иккинчиси яқинида иккиланма ёйни ташкил қилиб, бунинг устига камалакларнинг ҳар бирини учи ҳавзада ғойиб бўлар эди. Шляпасини ечиб ва қуролини ерга қўйиб, Билли қўлларини кўтарди ва ушбу ҳодиса томон юрди. Тез орада у ҳақиқатда бу иккиланма камалак эмас, учталик камалак эканини кўрди; учинчи камалак ҳавзадан бошқаларига 120º остида чиқиб турган эди.

У ўттиз фут масофада (9метр) тўхтади. Камалаклар тирикка ўхшаб туманда йириклашди, кенгайдилар ва тобландилар. Билли қичқириб юборди: "О Худованд, Сенинг қулинг билиши учун, Сен нима истайсан?"

Момоқалдироқ ғулдурашига ўхшаб, Овоз жавоб берди: *"Эски Аҳднинг Иеговаси — бу Янги Аҳднинг Исоси. У Ўз маскасини Руҳдан Одамга алмаштирди, холос. Содиқ қол".* У шунчалик донг қотиб қолганидан, ҳатто гапиролмай ҳам қолди, ва шу вақтнинг ўзида ўзини қониққан ҳис этган ҳолда, Билли яна бир неча қадам яқинлашди. Ҳавзадаги учала камалак ҳам ғойиб бўлди ва Билли уни Худо Марк 11:23 нинг маъносини ўргатган айнан ўша жой

эканлигига эътибор бериши учун етарлича узоқ қолиб турган Олов Устунидан ташқари бу ғалати ҳодисот ғойиб бўлди.

Шляпаси ва қуролини ердан олиб, Билли ўрмон бўйлаб, токи 40 дақиқалардан кейин ўша заранг дарахтига яқинлашгунигача кетаверди. Бу дарахтнинг тўртта асосий шохлари шимол, жануб, ғарб ва шарқни кўрсатиб турар эди. Дарахтга чиқволиб, бу тўртта шохдан ҳосил бўлган беланчакка ўтиргандай ўрнашиб олди ва ўйлаб қолди: "Икки йил муқаддам худди мана шу ерда Худо менга Марк 11:23 ни: "Агар сен бу тоққа "кўтарил" десанг-у, ўз қалбингда шубҳаланмасанг, айтганинг бўлади"нинг ҳақиқат эканини кўрсатиб туриб, У менга бу олмахонлар юзага келиши учун сўз айтишимга йўл берган эди. Шляпасини ечиб, у шундай деди: "Раббий Худо, Сен — ҳали ҳам Ўша Исонинг Ўзи. Сен — ҳали ҳам Худосан".

Майдалаётган ёмғир каби сокин Овоз ўрмонни тўлдирди: *"Сенга бу сафар нечта олмахон керак?"*

"Худди олдинги сафаргидек; бугун соат ўнларда менда қонун рухсат этган миқдор олмахон бўлсин". Соатига караб у тонги олтиларга якинлашганини кўрди. У кўзи якинидан чаккан пашшани шапатлаб тушурди. Бу жойларда пашшалар айникса ёмон бўлиб, у бўлса пашшага қарши воситани олишни унитганди. У яна қўшиб деди; "Бундан ташқари, 30 дақиқадан кейин қуёш чарақлаб чиқади, ва бутун кун бўйи мени битта ҳам пашша безовта қилмайди". Орқа томонида олмахон чиғиллади. Билли ўзидан 75 чақримга яқин (68 метр) масофада шохчада ўтирган малла олмохонни топгунича, дарахтларга термулди. Бу уни кўзидан отиш учун жуда узоқ эди, шунда у отиш мулжалини озгина кутди ва ўқ узди, олмахон қулади. Уни олиш учун келганида, уни кўзига текканига Билли ҳайрон бўлмади, худди шундай тарзда у икки йил бурун юзага келган, яратилган олмахонни ҳам отган эди. Ўттиз дақиқадан сўнг қуёш булутларни ёзиб юборди, ва соат 10гача уч дақиқа қолган эди, у ўзининг учинчи олмахонини отди. Шунча вақт давомида пашшанинг ҳатто минғиллаши ҳам эшитилмади.

Кейинроқ Билли ўйлади; Эски Аҳднинг Иеговаси – бу Янги Аҳднинг Исоси. Кўраяпсанми ? У фақат Ўз формасини ўзгартирган, худди Ўша Худонинг Ўзидир. Бир куни баптистлар хизматчиси менга шундай деган эди: "Сен қандай қилиб Исо билан Худо битта Шахсдир, деб ўйлай оласан?" Мен дедим: "Яхши, агар сиз ўз фикрлашингизни озод қилсангиз ва Библиявий тушунчалар билан ўйлаб кўрсангиз, у жуда ҳам оддийгина. Улар Битта ва Ўша Зотнинг Ўзидир. Худо бу Рух; Исо бу тана, қайсики Унда Худо яширинган эди". Кўраяпсанми? Мен дедим: худди ўйимдагига ўхшаб, мен хотиним учун эр ҳисобланаман; қизим учун ота ҳисобланаман; ва неварам учун бобо ҳисобланаман. Шундай қилиб; мен – эр, ота ва бобо, хаммаси биттада. Хотиним ўз ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан менга отага ёки бобога бўлгандай муносабатда бўлмайди; у ўз ҳуқуқлари юзасидан менга фақат эри каби муносабатда бўлади. Ва қизим ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан менга эрига ёки бобосига бўлгандай муносабатда бўлмайди; у – менинг фарзандим. Бироқ барча бу учала функция битта ва ўша одамни ўзида турибди. Бу нарса худди Худо – Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ бор-йўғи функцияларнинг, вазифаларнинг тақсимланишига ўхшайди. Худо – худди Ўшанинг Ўзи. У факат Ўз ташқи кўринишини ўзгартиради холос.

"Павел Филиппликларга мактубининг 2-бобида шундай дейди: Қул қиёфасига кирди У. Кўринишида инсонлар сингари бўлди". Бу нарсани ифода этадиган –эн морфе,[39] юнонча фраза, У ўзгарди. У ўз ниқобини ўзгартирди, деган маънони англатади. Кўраяпсизми ? Кўриш мумкин бўлмаган Ўша ўзгаради ва инсон кўзлари уни кўради. Дофан Элишай билан бўлгандагидек. Элишайнинг хизматкори пайғамбар атрофидаги барча ўша фаришталарни кўриб билмайди, ва шунда Худо (фаришталарни ерга туширмади) балки хизматкор уларни кўра билиши учун фаришталарнинг формасини ўзгартирди."[40]

[39] Стронгнинг Юнонча луғати "морфе"ни худди одам ёки бирор нарса назарда тутиш воситаси каби формада тушунтиради; ташқи кўриниш мосламаси.

[40] 2 Шохлар 6:1-17.

"Мана эн морфега яна бир мисол. Шекспир ўзининг буюк «Макбет» драммасини ёзганида, унда бир одам бир нечта ролларни ижро этган эди. Бундай қилиш учун актёрга бутун спектакл давомида ниқобини ва кийимларини ўзгартиришга туғри келган эди. Бир

сафар у сахнага бир персонаж каби чиқди, а бошқа сафар эса бошқа бўлиб чиқди; аммо ҳар сафар бу битта одамнинг ўзи эди. Бу нарса Худо қилган нарсага ўхшаб кетар эди. У Олов Устунидан Инсон бўлиши учун Ўзини ўзгартирди; Кейин одамларда бўла олиш учун Инсондан Руҳга ўзгарди; Худо, инсонда амал қилаётган ва У ҳақиқатда Ким эканини намоён этадиган Худо. Исо Масиҳ Инсонда амал қилган (намоён бўлган) Худо эди.”

1961 йил сентябрида Билли Канаданинг Чўққили тоғларида яна бир бор ов қилишга уриниб кўриш учун, Британия Колумбиясига қайтди. Даусон Крик шаҳрида у Эд Бискални кутиб олди ва Билли Поль билан улар шимолга 400 миль, Бад Саусвикнинг кулбасига жўнадилар. Бад укасининг шифоланганлигини Биллига айтиб беришни жуда истар эди. “Бранхам ака, ўша кун, хотиним унинг кўйлагини оловга ташлаганидан бери, унда битта ҳам тутқаноқ бўлиб ўтмади”.

“Унда, токи у бунга ишонар экан, битта ҳам бўлиб ўтмайдиям”, — деди Билли. “Энди мен сизларга августда кўрган ваҳийни айтиб бераман”. У буғига ўхшаган шохлари нақд 42 дюйм (105 сантиметр) бўлган жонивор ҳақида гапириб берди ва у уларга у бош учи кумушсимон ва бўйи 9 фут келадиган йиртқич айиқни отишидан сал олдин оч-яшил сарғиш чармоки кўйлакда кимнидир кўргани ҳақида ҳам айтиб берди.

Бад Саусвик ўйланқираб, чакагини силаб қўйди. “Бу ҳаммаси мана шу сафаримиз вақтида бўлиб ўтишига ишонқирамай турибман. Энг аввало шуки, бизлар айиқлар кезадиган жойларга бормаймиз; бизлар қўйлар бор бўлган ўрмонлардан анча баланд жойларга борамиз. Ва энди бундай йирик буғу ҳақида гап борар экан, сиз таърифлайдиган бунга ўхшаган жониворни мен ҳеч қачон кўрмаганман”.

“Буни аҳамияти йўқ, — деди Билли, — чунки Худо хохлаган нарсани ярата билади. Биродарлар, сўрасам майлими сизлардан, қайсингизда яшил чармоки кўйлак бор?”

“Менда йўқ”, — деди Бад.

“Менда битта бор эди, — деди Бискал, — лекин у тўзиб қолган, шу учун уни ташлаб юборганман”.

“Демак бу айиқни мен бошқа ов сафаримда отаман, лекин бу нарса албатта бўлиб ўтади; фақат кутинг ва сизлар кўрасизлар. Бу “Раббий Шундай Дейди””.

Уларга анча баландроқ жойга етиб бориш учун ва ўрмон четларига яқин жойда асосий лагер ўрнатишлари учун икки кун керак бўлди. Кейинги куни улар баланд тоғ чўққиларида ов қилишди. Ўша куни кечроқ улар лагердан олти милларга яқин масофада шохлари шунчалик ўралиб, тўла айланадек кўринадиган учта қўйни ва урғочи қўйлар подасини пайқадилар. Буни кетидан тушиш учун жуда кеч бўлган эди, шу учун овчилар эрталаб барвақт чиқиб, ўша жойга қайтиб келиб, қўйлар уйқудалигида дуч бўламиз деган фикр билан лагерга қайтишди.

Эрталаб барвақт Эд Бискал иссиқина ухлаш халтасидан совуқ ҳавога чиқди. У керосин лампасини ёқди ва кийим халтасини, энг иссиқ кийим топиш илинжида обдон титкилай бошлади. У ўзининг эски яшил- оч сариқ чармоки кўйлагини кўриб ҳайрон бўлди. Ҳайрон бўлгани, у хотинига бу кўйлакни ташлаб юбор дегандида. Лекин хотини унинг ёнидаги катта тешикни ямаган ва уни ушбу сафарга солиб юборган эди. Эд уни кийди ва устидан тўқ сариқ курткасини кийиб олди, эанжирсимон ёпқичини кўтариб ёпди ва гулхан ёқиш ва нонушта тайёрлаш учун ташқарига чиқди. У ҳатто Билли айтиб берган ваҳийни эсламадиям.

Соат тўққизларда овчилар қўчқор ва урғочи қўй подасини кўрган ўша жойга, тоғ ўркачига кўтарилдилар. Энди улар бинoклда эркак карибуни кўришди. Эд билан Блэйн уларнинг ортидан кетган бир вақтда, Билли ва Бад ўша қўйлар подасини топиш учун тоғ бўйлаб юқориладилар. Бироздан кейин Билли водийда узилган ўқ акс садосини эшитди. У бинoклни олди-да, токи эркак карибу устида эгилиб турган Эднинг тўқ сариқ ранг курткасини кўриб қолмагунича, диққат билан кузатаверди.

Ўзида қониқиш сезганидан, Билли дам ола билиши учун ва кузнинг гўзал кўринишидан маза қилиш учун жойлашиб олиб, чўққига ёнбошлади. Унинг пастида тилоғоч,

тоғ-терак, оқ ва қора қарағайларнинг қизил, сариқ ва яшилга бўялган кенг водийлар чўзилиб кетган эди. Ўрмон четларидан юқорида эса қияликлар буталар ва сариқ юнгин билан қопланган бўлиб, улар бор-йўғи бир неча дюймга кўтарилиб турганди. Ундан кейин қияликлар улуғвор гранит чўққилар остида лой йўлчаларга ўтар эди. Тоғларда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда музлаб қолган кўз ёшга ўхшаб, музликлари бор эди. Бу манзарини биноклида яхшилаб ўргана туриб, Билли ўзидан бор-йўғи бир неча мил нарида йирик ҳайвонни кўриб қолди. “Бад, ана у ердаги нима?”

Бад ўзини биноклига қаради. “Бранхам ака, бу карибу, аммо-лекин у мен ҳозиргача кўрганларимдан шак-шубҳасиз фарқ қилади. Унинг шохларини қалинлашганига қаранг”.

“Карибу а? Яхши, бу ўша ҳайвон, мен ўтган ойда ваҳийда кўргандим. Кетдик, уни отиб оламиз”.

“Қандай энди борамиз ва уни отамиз? У бизлардан қарийб икки мил нарида лойлик ён бағир томонда турибди”.

У ҳатто биздан 20 миль нарида турган бўлса ҳам, мени ташвишлантирмайди. У – меники. Раббим уни менга берди”.

Олдин улар ўша ёққа, ўша Эд отган ҳайвонни Эд билан Блэйн терисини шилиб, нимталаётган жойга, пастга тушишди. Улар билан ёшлар Биллини карибуси турган жойга, улардан пастга, ўрмон четидаги жарликка юк отларини олиб келишларини келишиб олдилар. Кейин Билли билан Бад яна ён бағирга чиқиб олдилар. Ниҳоят улар текис йўлчага чиқиб олишди ва улар шовқин қилмайгина лойли тепаликлар ён бағирларидан одимладилар. Бу вақтга келиб, улар етарлича қизиб кетиб, курткаларини ечиб олишди. Бу эркак карибу сентябрнинг иссиқ қуёши остида ухлаётган кўринади, чунки Билли унга 30 ярдлар (27 метр) масофада яқинлаша олди ва унга биргина ўқ узиш етарли бўлди.

Бад иягидаги дағал соқолини қиртишлади. “Сиз бу шохларнинг узунлигини 42 дюйм дейсизми?”

“Баб-баравар 42 дюйм”.

“Мени эгаримдаги сумкамда рулеткам бор, шу учун ҳозир билиб оламиз. Энди, пешонаси кумушранг йиртқич айиқ хусусида нима дейсиз?”

“У қаердадир шу яқинда. Мени ўйлантираётгани, бу — қаерда ўша у яшил чормоки кўйлакли йигит?”

Бад биноклни кўзларига этди. “Яхши, мен қарай... Билли ака, қаранг”.

Билли ўзини биноклида тепалик бўйлаб бир неча миль масофадаги жарликка қаради, у ерда Эд билан Блэйн уларни юк отлари билан кутиб туришар эди. Эд курткасини ечган бўлиб, ва эрталаб кийган ўша яшил-оч сариқ чормоки кўйлагида эди. Билли деди: “ Ҳаммаси ўз жойида. Шу ер билан ва ўша яшил чормоки кўйлак орасида, қаердадир биз кумушранг бошли йиртқични кўрамиз”.

Бад ҳали ҳам биноклини тепаликлар ва жарликларни диққат билан кузатиб, кўзи олдида тутиб турар эди. “Мен сизга шубҳа қилмоқни истамайман-у, аммо мен бу тепаликларни ҳар бир дюймини кўраяпман, ва мен уни кўрмаяпман”.

“У қаердадир, шу ерларда. Сен уни кўрасан”.

Кейинги кун улар карибу гўшти учун қайтиб келишлари керак. Бугун қиладиган биргина ишлари, бу — унинг бошини саранжом қиладилар, ва уни олиб келадилар, қайсики ундан Билли тулум қилишни ва уни ўлжа сифатида деворга осиб қўйишни режалаштирди. Билли карибунинг бошини елкасига ўрнаштириб олди-да, тоғдан туша бошлади. Бад иккита қуролни кўтарволиб, унинг орқасидан эргашди. Бир неча вақтдан кейин улар юкларини алмашдилар. Карибунинг боши бир юз қирқ беш фут (65 685 грамм) келар, шу учун уни кўтариб юрганда чарчаб қолиш учун жуда кўп вақт керак бўлмасди. Улар кичикроқ музликни кесиб ўтиб,муз эриганидан пайдо бўлган сувдан ичиш учун тўхтадилар.

“Ана у жарликдаги нима?” — сўради Билли.

Бад биноклини қиялик бўйлаб тўғрилади. “Хўш, ушла мени, бу — кумушранг бошли йиртқич”. Билли бош ирғади. “Бу ўша. Кетдик, уни ўлдирамиз”.

“Сиз уни мана шу кичик калибрли милтиқдан отмоқчимисиз?” — ишонқирамай, Биллининг 721 моделли 0,27 калибрли Ремингтонини кўрсатиб, Бад сўради. “Эҳтимол, сиз менинг қуролимдан фойдаланарсиз”.

“Ваҳийда мен шу қуролдан фойдалангандим, ва ваҳийда мен уни бир ўқ билан ўлдирганман”.

“Мен сизни олдин айиқларни отганингизни биламан, аммо у қора айиқлар бу йиртқич олдида — ҳеч нарса. Сиз бунақа йиртқични отган пайтингизда, у кўпчилик жониворлар каби йиқилмайди; у олдинга қараб юраверади. Сиз яхшиси уни кўкрагига отинг. Чунки уни юрагига теголмасангиз ҳам, сиз уни умуртқа поғонасини шикастлайсиз”.

Айиқ икки милча масофада эди. Сездирмай яқинроқ бора олиш учун, икки овчи уларни ораларидаги масофанинг кўпроқ қисмида, уларни пана қиладиган жарликка тушиб олдилар. Улар жарликдан чиққанларида, улардан юз ярдлар (91 метр) масофада, юқорида, қулоғи динг бўлиб, уларни кузатганча, ўша йиртқич ётган эди. У худди улкан сомон тўдасига ўхшаб кўринар эди. Унинг юнглари тўқ-жигарранг эди, аммо жунини учлари кумушранг-оқиш эди, шу учун уни кумушранг бошли деб аталарди. Билли уни кўкрагини мўлжаллаб отди. Ваҳшиёна бўкириб, ҳарбий танк каби қияликдан пастга қараб шовқин билан ташланиб ва бурдалаб ташлашга тайёр бўлиб, оғзини очганча йиртқич олдинга чопди. Ҳали Билли патронникни яна битта патронни зарядлаб улгурмай, йиртқич улардан бор-йўғи йигирма ярдлар масофада (18 метрлар) қулади.

Баднинг юзи оқариб кетди. У енгил тортиб, тин олди ва ғўлдиради: “Унинг чангалига тушиб қолишни истамас эдим”.

Улар айиқни терисини шилиб, калла-пойча қилиб, нимталадилар, аммо, албатта, уларни ўзлари терини олиб кетишга имконлари йўқ эди. Айиқнинг фақат терисини ўзи 300 фут (135 900 грамм) келар эди. Кейин уларга юк отларини келтиришлари ва терини олиб кетишлари керак эди. Улар карубунинг калласини қолдирган жойга қайтиб, уни олволишди ва тоғдан пастга, уларни юк отлари билан кутаётган Эд билан Блэйн турган жойга тушдилар.

Билли уларга иккита отган ҳайвон ҳақида завқланиб гапириб берди. Кейин у деди: “Эд ака, сен менга яшил чармоки кўйлагим йўқ дегандинг”.

“Бранхам ака, мен сизга нотўғри айтганим учун узр сўрайман. Хотиним уни солган экан, мен эса уни у ерда борлигини билмовдим”.

Эгардаги сумкасидан рулеткани олиб, Бад карибунинг калласи олдида тиззасига турди. У битта шохнинг тагидан учигача рулеткани чўзди, бироқ шох қайрилганлиги учун рулетка сирпаниб кетди. У иккинчи марта ўлчамоқчи бўлганида, Блэйн икки қўлини чўзди ва рулеткани ўртасидан ушлаб турди. Билли Эднинг биқинига билаги билан туртиб, шивирлади: “Кўряпсанми, мана бу иккита кичикроқ қўлни мен ваҳийда кўрган эдим”. Рулетка билан ўлчаш охирлаганида, тўрттала эркак унинг рақамига қараш учун эгилдилар. Шохнинг учи баб-баробар 42 дюймни (105 сантиметр) кўрсатиб турар эди.

Уилльям Бранхам учун шу ов сафари йилнинг асосий воқеаси бўлди. Британия Колумбиясида Худо унга берган ваҳий, уни кутиб турган бир неча ойлар мобайнида унинг учун овуниш манбаи бўлди. У Жефферсонвиллига қайтганиданбир неча вақт кейин онаси бетоб бўлди. Билли уни кўргани келганида, Элла Бранхам унга: Билли, мен уйга, отанг билан кўришиш учун кетаман”, — деди. Чарльз Бранхам 1936 йилда вафот этган эди, шундай қилиб, ҳозирга келиб, Элла Бранхам 25 йил бева қолган эди.

“Онажон, бундай дема. Сен ҳали етмишга ҳам кирмадинг. Сен ҳали узоқ яшайсан”.

У онаси учун ибодат қилди, аммо Раббий унга ташвишдан озод қиладиган бирор нима кўрсатмади. Бир неча ҳафта ўтди, унинг аҳволи оғирлашди. Биллида мана шу кузда яна бир неча сафар режалаштирилган эди, аммо у онасига керак бўлиб қолганида уйига яқинроқ бўлиши учун, уларни бекор қилди. Кейин, чоршанба куни Элла касалхонага боришга мажбур бўлди. Уни текшириб, врач унинг қанақа касаллигини аниқлай олмади, шу учун Билли унинг шифоланиши учун ибодат қилишда давом этаверди. Шанба куни уни кўришга касалхонага

борганида, у онасини тўшакда ётганини эмас, балки дераза олдида туриб, булутларга қараб турганини кўрди. Бурилмай туриб, у деди: “Билли, мен сени кўряпман”.

“Албатта, она; мен шу ердаман”.

Унинг кўзлари булутларга қараган эди ва унинг овози лоқайд эшитилди. “Сен қарисан, Билли, — шундай ҳам қариб қолган. Сочларинг оппоқ, соқолинг ҳам жуда узун. Бир қўлинг хочни қучоқлаб, иккинчиси менга чўзилган”.

Билли ўша кунни, ўзи Христиан бўлганидан кейин, кўп ўтмай онасини Исо Масиҳ Исмидан сувда чўмдирган кун ҳақида ўйлаб қолди. “Она, — сўради у, — сен учун Исо нимани билдиради?”

“Билли, мен учун у ҳаётимдан ҳам афзал”.

Элланинг сирли ваҳийси Биллини уни ўлаётганига ишонтирди. Кейинги сешанбада у охирги нафасига келди. Унинг болалари, Жефферсонвиллида яшаётганлари, ўша куни у билан бирга бўлишлари учун, касалхонада тўпланишди. Билли унинг кровати ёнида ўтирди ва бир неча соат давомида унинг қўлини тутиб турди. Баъзан у гапирар, онаси унга жавоб қайтарар эди, бироқ, ниҳоят, унинг ҳаёт кучи шунчалик тугадики, у бошқа гапиролмади. Билли онасининг мижжа қоқиш учун ҳали мадори етарлилигини билиб, унга деди: “Она, энди сен бу дунёдан ўтаяпсан, мен сенга охирги битта саволни бермоқчиман. Сен учун Исо, сен уни Муқаддас Руҳ кўринишида қабул қилган кунингда қадрдон бўлганидай, ҳозир ҳам қадрдонми? Агар шундай бўлса, унда тезда кўзларингни қимирлатгин”.

У шундай тез ва тиришиб қимирлатдики, унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг Элла Бранхам анча юқори ўлчовга ўтди. Ич-ичидан қайғуриб, Билли онасининг ҳаёти қанчалик машаққатли бўлгани ҳақида ўйлади. У ёш эди ва Буюк Инқироз олдидан ва ўшани йилларида ўнта боласини вояга етказиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиб, ёшлигидан машаққатли, оғир ҳаёт кечирди. Энди унинг *ердаги* узоқ кураши тугади. Унинг учун чексиз янги ва бахтли кун бошланди.

У синглиси ва укаларига деди: “Энди, онамиз ўлди, оиламиз олдингидай бўлмайди. У бизнинг боғлаб турувчи устунимиз эди. Мен олдингидай тез-тез йиғилиб туришимизга унча ишонмайман”.

Куннинг қолган қисмини дафн маросими ташвишлари ва оилавий муаммолар билан банд қилди. Қачонки у, ва ниҳоят, шу оқшом уйига қайтганида, унда онасини йўқотганидан мусибати бисёр эди. Хонасида ўтириб, янги Библияни олди. Уни Чикагодан бир аёл совға сифатида юборган эди. Қирол Иаков Библиясининг бу нашрида Исонинг барча сўзлари қизил рангда босилган эди. Билли ибодат қилди: “Самовий Ота, менга Ўз Каломингдан бирор бир юпанч бермайсанми?” Библиясини таваккалига очиб, у шу заҳотиёқ ярқироқ—қизил ҳарфларда босилган жавобга кўзи тушди: *“Йиғламанглар, у улган эмас, фақат ухлаб ётибди”.*[41]

[41] Луқо 8:52

Бу сўзлар уни ухлаб қолишига ёрдам берди. Эртаси эрталаб 8ларга яқин уйғонди ва Меда нонушта тайёрлаётган пайт ошхонада бўлди. Реббека, Иосиф аллақачон стол атрофида ўтирган эди. Шу орада уларга Сарра ҳам келиб қўшилди. Улар ғамгин кайфиятда овқатландилар.

“Ҳозир бибим қаерда?” — сўради Иосиф.

Олти яшар болакайга қандай қилиб ўлим нималигини тушунтирасиз? “Унинг танаси дафн этиш хизмати бюросида турибди, — тушунтрди Билли, — аммо унинг жони осмонга кўтарилди”.

“У бугун кечқурун тушадими? Мен уни соғиндим”.

“Йўқ, Иосиф, у қачон қайтади, билмайман. Қачонки Исо қайтади, у ҳам Исо билан қайтади”.

Билли ошхона столидан турди-да, ўзининг меҳмонхонасига кетди. Бирдан унинг меҳмонхонаси ғойиб бўлди; аслида унинг бутун уйи ғойиб бўлди. Гўё у очиқ ҳавода улкан амфитеатр яқинида, ҳавода турган эди. Ярим айлана бўлиб, кейин марказий саҳнагача тушиб борган қаторларда жуда кўп одамлар ўтирганди. Саҳна олдида жойлашган учта қатор олиб ташланган ва бу жойда юзлаб касал болалар ва ногирон болалар тўпланган ва гўё улар

ибодат қилишлари учун ўз навбатларини кутаётганга ўхшарди. Билли саҳнада туриб, йиғилишда Христиан мадҳларини куйлашда олиб бораётган қора костюмдаги одамни кўрди. Бу киши, ашулани бошқарувчи унга жуда танишдек эди, гўё. Бир лаҳзада Биллининг истиқболи ўзгариб, энди уни ўзи ўша одам, ашулада етакчи бўлди-қолди. Мадҳ тугаган пайт эди, у амфитеатрнинг юқори қисмида пайдо бўлган ва йўлакдан саҳнага тушиб келаётган аёлга эътиборини қаратди. У машҳур аёл бўлса керак деб ўйлади, чунки у ўтиб борар экан, одамлар ўрнидан туришар ва унга хурматларини билдиришар эди. Унинг кийимлари йигирманчи аср бошидаги аёллар кийими фасонига ўхшаш эди. Унинг устида узун оппоқ юбка ва юмшоқ енг ва тик ёқали кофтаси бор эди. Унинг чарм туфлиси баландигача боғланган ва узун сочлари йиғиштирилиб, кенг айвонли шляпа остига тўғналган эди.

Билли ваъзини бошланишидан олдин бу аёл келиб ўтиришига имконият бериш учун ҳаммани хор ашуласида бошқариб турди. У шундай деди: “Олиб кел, олиб кел; уларни гуноҳ майдонларидан олиб кел. Олиб кел, олиб кел, кичикларни Исога олиб кел”. Бу машҳур аёл олдинга келиб, саҳнага кўтарилди ва платформа ёнига келиб турди. Кутилмаганда томошабинлар қарсаклар чалдилар. Билли уни олқишлаш учун бурилди. Унинг боши эгик ва шляпасининг айвони юзини пана қилиб турган эди. У бошини кўтарганида, Билли гўзал ва ёш онасини ўзига қараб турганини кўриб, анграйиб қолди.

“Она?” — сўради у.

Элла жилмайди ва бош ирғади. — “Ҳа, Билли”.

У бир сўз айтишга ҳам улгурмай, амфитеатрни яшинни ва момоқалдироқни бира-тўла гулдираши ларзага келтирди. Бу акс-садо охирида у Овознинг бундай деганини эшитди: *“Онанг учун сен қайғурма. Ҳозир у 1906 йилда қандай бўлса, худди ўшандай кўринади”.*

Билли шу дунёга қайтаётиб, акс-садо каби гапириб юборди: “1906 йил?”

Ошхона эшигида турганча, Меда сўради: “Билли, сенга нима бўлди?”

“Азизам, мен ҳозиргина онамни ваҳийда, худди шу ерда кўрдим. Мен аниқлашим керак, нима бўлган ўзи 1906 йилда?”

Кейинроқ ўша куни у онасининг Библиясининг форзацини очди, у ерда онаси оиланинг муҳим воқеаларини ёзиб қўйганди. У ўша йилни, Элла Харви Чарльз Бранхамга турмушга чиққа йилини топди. 1906 йил онаси унинг отаси учун келин бўлди. Энди у бошқа турдаги келин бўлди, Раббий Исо Масиҳнинг бутун келинининг бир қисми бўлди. Билли уни энг яхши жойда яна кўришини билар эди.

Гарчи ҳали қор ёғмаган бўлса-да, ўша пайтда, ноябрда Индианада совуқ эди. Йилнинг охиригача Билли барча кампанияларни бекор қилгани учун, унинг 1962 йилдаги хизмати қайси йўналишда кетишини билиш учун, кейинги ойда рўза тутишга ва ибодатлар қилишга қарор қилди. 1961 йилнинг 21 ноябри, сешанба эрталаб саҳар соат учларга яқин у тўшакдан турди, меҳмонхонага ўтди, чироқни ёқди ва ибодат қилиш учун стул ёнига тиз чўкди. Бир неча дақиқадан сўнг у қараса, гўё унинг танаси ҳаракат қилаётгандай бўлди. Кўзини очиб, ўзини Ўрта Шарқнинг улкан картаси устидан юриб бораётганини кўриб, ҳайрон бўлди. Гўё у ғарбга қараб, маълум бир масофада унинг йўлини кесиб ўтадиган кўм-кўк узун чизиққа томон борар эди. У кимнингдир орқа томонларда куйлаганини эшитди: “Мен Иордан дарёсига тушаман”. У мана шу кўм-кўк чизиққача бўлган масофанинг учдан икки қисмига яқинини ўтганида, у деди: “Худога шукур, бу дарёнинг у томонида ваъда этилган ер, барча ваъдалар бор бўлган Фалестин жойлашган”.

Кутилмаганда у яна меҳмонхосида, стул ёнида ибодатда тиз чўкканча, туриб қолди: “Мен ухлаб қолишим ва буни тушимда кўришим мумкинми?” — ўйлади у. “Қолаверса, ҳозир кечаси”. Худо, гўё уни саволига жавоб бергандай эди, чунки у ўзини танасини яна ҳаракатга келганини ҳис қилди, полдан кўтарилди ва у хонадан чиқиб кетмади. Бу сафар ваҳий уни тўппа-тўғри тор шоссега этиб қўйди, қайсики бу шоссе ўт босиб кетган водий орқали ўтар эди. У Христиан-биродари билан бирга борар, уни танимас эди. Бу шоссе бўйлаб бошқа одамлар борар ва гўё, ҳаммалари нимадандир қўрқишарди. Билли деди: “Энди мен буни ваҳий эканига ишонаман ва шу ерда Раббий Худованд. Аммо нимадан ҳамма қўрқаяпти?”

Чуқур, жарангдор Овоз деди: *“Шу кунларда бу ерда катта хавф-хатар бор бўлади. У ерда даҳшатли илон борки, у ҳамла қилган пайтда сизни ўлдиради”.*

Айнан шу пайт Билли ўсиб кетган ўтлар оралаб ниманидир яқинлашаётганини эшитиб қолди. Нима эканини кўриш учун тўхтади ва шу лаҳзада улкан бир қора илон шоссега унинг олдидан судралиб чиқди. Билли уни африка мамбаси — дунёдаги энг хавфли ўлдирадиган илонлардан бирилигини таниди. Мамбалар – таналарини ердан кўтариб биладиган ва ўлжаларини ердан маълум масофадаги танасини ёки бошини чақиб биладиган – чаққон ва тажавузкор илонлардир. Уларнинг заҳри шундай кучлив ва тез таъсир этувчики, мамбалар чаққан одамларнинг қарийб 100 фоизи ўладилар, фақат агар уларга илон чаққандан кейин жуда тезликда заҳарга қарши дори бермасалар *(зардоб – антижисм, организмда илон заҳридан пайдо бўладиган антигенларни йўқотадиган модда.)* Шу учун африкаликлар мамбалардан ваҳимали қўрқадилар. Бир куни, у Африкада ов қилиб юрган вақтида, юк ташувчи “Мамба!” – деб бақирган эди. Шунда Билли мана шу ерли одамларнинг юкларини ташлаб ва у ердан қўрқувдан тумтарақай қочганларини кўрган эди.

Ваҳийда бу мамба унга ёвуз ният билан қараб турар, унинг тили тез пайдо бўлар ва яна оғзига кириб ғойиб бўлар эди. Христиан-биродар Биллини ўлим хавфи билан бир ўзини қолдириб, сакраб қочди. Мамба ҳужум қилди, аммо у яқинлашган сайин, токи ундан бир неча футларда нимадир тўхтатиб қолмагунича секинлашиб-секинлашиб қолар эди. Унинг оғзи очиқ эди, ва заҳарли тишли жағлари қимирлар эди. Аммо у қанчалик ҳаракат қилмасин, илон уни чақиб ололмади. Шу учун илон уни атрофидан судралиб ўтиб, унга бошқа томондан ҳужум қилишга ҳаракат қилди. Худди ўшандай бўлиб ўтди. Илон унга бир неча футлар яқин келди, аммо ундан кейин қандайдир бир сирли нарса унга кўпроқ яқинлашишга қўймас, уни ушлаб қолар эди. Ниҳоят, у орқага кетди ва Биллининг дўстига ҳужум қилиб, бошқа ўлжани танлади. Нотаниш биродар ундан ўзини отди, ва базўр ундан қочиб қолди. Мамба такрор-такрор шу одамга ҳужум қилар, у одам эса ундан сакраб қочар ва чап берар эди.

Билли ўйлаб қолди: “Шу шосседаги барча одамлар шундай қўрқиб кетгани тўғри экан”. Қўлларини кўтариб, у ибодат қилди: “О Худойим, биродаримга раҳминг келсин. Агар у илон уни чақса, у ҳалок бўлади”. Шу сўзларни айтиши билан мамба яна Биллига ўхталиб яқинлашди. Қаердандир юқоридан Овоз келди: *“Мард бўл. Сенга уни боғлаш қудрати берилган”.*

“Яхши, Худовандим, мен нима қилишим керак?”

“Бундай қилишинг учун, сен янада кўпроқ самимий бўлишинг керак”.

Мамба яна у томонга судралди.

“Худойим, менинг самимий бўлмаганлигимни кечир ва менга кўпроқ самимий бўлишимга ёрдам бер”. Кутилмаганда у орқали уни ўзи сезган энергия билан тўлдириб, мойланиш ўтди. Мамбани кўрсатиб, у шундай деди: “Иблис, мен сени Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи боғлайман”.

Илон ўша заҳоти “саккиз” ясаб ўралдики, унинг думи уни бўйнига ҳалқа каби ўралди ва уни бўғиб қўйди. Совуган танасидан кўк тутун чиқиб, тана энди пиширилган кулча нонга ўхшаб қолган ва хавфсиз эди.

Устидан Овоз деди: *“Сен худди шундай уни озод қилишинг ҳам мумкин”.*

“Энди, иблис, мен ўз қудратимни билиб олишим учун, мен сени озод қиламан”. Кўк тутун қайтди; илоннинг танаси юмшади ва у эшила бошлади. “Мен сени яна боғлайман, иблис, Исо Масиҳ Исмида”. Тутун яна чиқди ва мамба яна совиб қолган кулча нонга ўхшаб ўралиб қолди.

Шу пайт ётоқхонасида будильникни чалинганини эшитди. Тез орада Медани залга кириб Сарра билан Ревеккани туриш вақти бўлганини айтганини эшитди. Уй ҳар доимгидай мактабга ҳозирланаётган болаларининг одатдаги товушларига тўлиб кетди. Билли ваҳийни ўйлаб кўриш учун хонасига кетди. Равшанки, мамба гуноҳнинг энг ёмон кўриниши, намоён бўлишини англатади. Иблисни боғлаш қудрати унга берилган эди. Бу яна нимани билдирса экан? Билли ибодат қилди: “Самовий Ота, Сенинг Руҳингни илҳоми ҳали мени қолдириб

кетгунича ва мен болаларимни мактабга этишимга тўғри келгунича, менга тушунтирмайсанми, Сен менга бу ваҳийда нимани кўрсатганингни, менга буни Сенинг Каломингдан кўрсат?”

У Библиясини очганида, унинг бош бармоғи тўппа-тўғри Коринфликларга 1-мактубнинг 5:8 ни кўрсатиб турган эди: *“Шунинг учун биз эски ёмонлик ва бузуқлик хамиртуруши билан эмас, балки софлик ва самимийлик бўлган хамиртурушсиз нон билан байрам қиламиз”.* Энди тушунди у. У ўз келажаги ҳақида рўза тутмоқчи ва ибодат қилмоқчи эди. Руҳий тил билан айтганда, танадаги рўза — бу Раббий билан байрам.[42] Худо унга, мана шу рўза вақтида у олдингидан ҳам кўпроқ самимий бўлиши лозимлигини айтди. Бу унинг қандайдир муҳим бир нимага етиб келаётганлигини билдирар эди. Харитадаги ўша дарёга қараб юриш унга Наби Ясуни Исроилликларни Иордан дарёсига қандай етаклаб келганини ва қандай қилиб дарё ортидаги Ваъда Этилган Ерга қарагани, қаердаки у Худо халқи учун меросни бўлиб ва тақсимлаб беришини эслатди. Ўша вақтда Худо Наби Ясуга шундай деган эди: *“Бугундан бошлаб сени бутун Исроил халқи олдида кўкка кўтараман, шунда улар Мен Мусо билан бўлганимдек, сен билан бирга бўлишимни билишади”.*[43] Билли ўша кунни унутолмас эди, қачонки хонасида қўл пайдо бўлган ва у Библияси саҳифаларини очган ва Наби Ясу Китобининг биринчи тўққизта оятни кўрсатган эди. Қандай унутолади у буни? У ушбу ваҳийни Библиясининг форзацида ёзиб қўйди. Бу ўша Скоуфилд иловалари билан бўлган Библияси бўлиб, у доимо уйда ва сафарлар қилганидан ундан фойдаланар эди. У ўша 1952 йилнинг ўша кунидан бошлаб унинг хизмати Наби Ясунинг хизматига қандайдир ўхшаш бўлишини билар эди.

[42] Эҳтимол, у буни 2-Коринфликларга 5:6-9 дан олгандир

[43] Ёшуа 3:7

Кейинги куни эрталаб, 22 ноябрь, чоршанба, Билли будильник жиринглашидан олдин уйғонди. Ётоқхонаси бурчагидан унга бир нима гапираётгандай эди. Бурилиб қараб, бурчакда жуда хунук иблисни кўриб, сапчиб тушди. У бошларидан шохлари чиқиб турган неандерталь одамга ўхшар (қадимги ва ўрта палеолит даврларида яшаган одам) ва ҳозиргина тухум туққан товуққа ўхшаб қу-қулар эди. Бу уни қўрқитмади, балки уни хушчақчақ қилди. Иблис газетанинг юмор бўлимида кўрган, ғор одамга, “Але-хоп”га ўхшаб кўринар эди. “Меда”, деди у, қўлини чўзиб хотинини елкасига қўйганча. “Меда, азизам, бунга қара”. Аммо уни “Уни бу нарса ўлгидай қўрқитиб юборади”, деб ўйлаб, уни уйғотмасликка қарор қилди.

У иблиснинг лақиллашини эшитган сайин, унинг сўзларини аниқроқ тушуна бошлади. У, шубҳасиз, у билан гаплашар, уни айблар ва шунга ўхшаш гапирар эди: “Худони олдида сени ҳеч қандай кучинг йўқ. Сен ёлғон-яшиқ, блефсан, холос. Сенда умуман ҳеч қандай куч-қудрат йўқ”.

Билли деди: “Иблис, сен — мен учун тўсиқ тошисан. Исо Масиҳ Исми ҳақи менинг йўлимдан қоч”. Ҳожатхона унитазидаги нажас суви гирдоб бўлиб, канализацияга йўқ бўлиб кетганига ўхшаб, бу иблис яхлитлигича қуюндай гир айланди ва ғойиб бўлди. Кутилмаганда тинчиб қолганидан кайфи чоқ бўлганча, Билли ёстиғига орқасини бериб ётди. Кейин у ўзини атрофида, унинг қувонч косасини тўлдириб-тошираётган қизиқ бир бардамликни сеза бошлади. “Қизиқ, Муқаддас Руҳ ҳозир мени ёнимдамикин?” — ўйлади у.

У шу пайтгача ҳамма эшитганларидан ҳам энг ёқимли бир овоз унинг хонасини қарама-қарши бурчагидан шундай деди: *“Муқаддас Руҳ истаган барчасини қилишга ёки Муқаддас Руҳ истаган томонга боришга ёки Муқаддас Руҳ истаган нарсани гапиришга ҳеч қўрқма, чунки сен қаерга борма, Исо Масиҳнинг ҳеч қачон ўтиб кетмайдиган борлиги сенда бўлади”.*

Бугун эрталаб болаларини мактабига этиб қўйганидан сўнг, у энг иссиқ қишки кийимларини кийиб олди ва Туннель Миллдаги ёввойи жойларга жўнади ва ўзининг ғорига кўтарилди. Об-ҳавонинг изғирин совуқлигига қарамай, у рўза тутиб, ибодат қилиши керак эди. Қандайдир муҳим нарса яқинлашаётганди. У бу нарсани вужудида ва руҳида ҳис қилди.

85 БОБ
ЎША КУНИ УНИНГ МИЛТИҒИ ПОРТЛАДИ
1962

1962 ЙИЛ ЯНВАРИДА Майнер Арганбрайт Уилльям Бранхамга қўнғироқ қилди ва ундан яна бир марта Швейцарияга боришни ўйлаб кўрмадимикин деб сўради. Қачонки Билли бу ҳақда ўйлаб кўришини айтган эди, Арганбрайт шу заҳоти Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорларнинг Швейцария бўлимига қўнғироқ қилиб, улардан ўша мамлакатда бир неча йиғилишларни ташкил қиладиган бирор кишини топишларини илтимос қилди. Бу пайтда Билли АҚШнинг жануби-ғарбига жўнаб кетиб, у ерда у Аризона штатининг Финикс ва Темпда ваъзлар қилиб, январнинг иккинчи ярмини ўтказди. Февралда у Жефферсонвиллига қайтди ва Уэлч Эванс, Фред Сотман ва Бэнкс Вуд билан балиқ ови сафарини уюштирди. Уэлч Эванс бутун гуруҳни машинасида олиб кетди. Улар Кентукки штати орқали ўтаётганларида, Били олдинда ўтирганди. Уларнинг борадиган жойлари Бўри Ирмоқлари дамбаси ортидаги сув омбори бўлиб, бу жой балиқ овлаш учун йил бўйи очиқ бўлар эди. Йўл-йўлакай қандайдир бир лаҳзада Билли туш кўрди ёки ваҳий, аммо аввалига буни нималигини тушунолмади. Эсида қолган қиёфалар шунчалар яққол, тирик эдики, бу ваҳий бўлиши керак деб ўйлади. Худди шундай, у мудраб қолиши ва туш кўриши ҳам мумкин эди. Унинг шубҳасиз билганларини ҳаммаси шу эдики, бир дақиқани ичида у дўстларини машинадаги гапларини эшитди, кейинги дақиқани ўзида у кулранг-яшил океан орқали қаттиқ тикилиб турганча, ёғоч причалда турган эди. Майнер Арганбрайт уни орқасида турганча унга деди: “Бранхам ака, мен сиз учун қайиқ тайёрладим”, — ва причал томондаги устунга боғлаб қўйилган кичкина оқ тусли каноэни кўрсатди.

“Йўқ, — деди Билли. — Бу етарли эмас”.

“У саёз жойлардан қирғоқ ёқалаб саотига 40 миль (64 километр) тезлик билан боради”, — тасдиқлади Майнер.

“Аммо у мени океандан олиб ўтолмайди. Бу учун менга кучли двигателли катта кема керак”.

Майнер елка қисди: “Яхши, бироқ сизнинг дўстларингиз коноэда океандан сузиб ўтишни режалаштиришяпти. Улар сиз қаерга борманг, сизни ортингиздан боришларини менга айтишди. Эҳтимол, сиз улар билан бирга сузарсиз”. Шу ерда Майнер причалнинг бошқа томонини кўрсатди. У ерда Фред Сотман ва Бэнкс Вуд устунга боғлаб қўйилган яшил каноэда ўтиришар эдилар. Уларнинг каноэси лагер ўрнатиш учун нарсалар билан жиҳозланган эди. Арганбрайт шу икки одамдан сўради: “Сизлар қайиқчимисизлар?”

“Ҳа”, — дейишди улар.

Билли деди: “Улар қайиқчи эмаслар. Мен қайиқ тўғрисида улардан кўп биламан ва мен океандан ўтиш учун бунга ўхшаган майда кемачани олмасдим. Агар довул бўлса, баланд тўлқин уларни босиб қолади”. Кейин Арганбрайт: “Бранхам ака, улар сизни яхши кўрадилар ва сизга ишонадилар. Агар сиз бу океандан каттакон кемада сузиб ўтсангиз, улар мана шу каноэда ортингиздан боришга уринишадилар ва бу каноэ ағдарилиши ва чўкиши мумкин. Лекин уларни шу ерда сақлаб қолишга имконият бор. Мана у ерда бинони кўряпсизми? Бу — бутун мамлакатдаги сақлайдиган ягона жой. Агар сиз уни кўплаб озиқ овқат билан таъминласангиз, ҳали сизни йўқ пайтингизда, улар шу ерда қоладилар”, — деб, Биллини қўлидан ушлади ва уни причалдан олиб кетди.

Ундан кейинги нарса, Билли кўргани, — у сабзи, редиска, карам, шолғом ва бошқа янги, тоза узилган мевалар солинган яшикларни омбор токчаларига жойлаштирар эди. Токчалар тўлган эди, у хотинига қўнғироқ қилиб, ундан ўзи билан океандан сузиб ўтишни истамайдимикин, деб сўради. Ҳали ваҳий тугамай туриб, Меда бу сафар бормоқчимаслигини айтди.

Билли дўстларига ҳозиргина кўрганларини айтиб бериб, “Арганбрайт ака мен учун Швейцарияда ташкил қилаётган бу йиғилишларида нимадир бўлиб ўтади ва мен у ёққа

бормайман. Швейцариядаги биродарлар мендан манфаатлари учун фойдаланишга урунишади, аммо Худо буни бўлишига йўл бермайди”, — деб қўшиб қўйди.

Шу кун кечқурун ўзлари тўхтамоқчи бўлган дўстларининг уйига етиб келишди. Шу оқшом Майнер Арганбрайт Биллига қўнғироқ қилди. Майнер деди: “Менинг Швейцариядаги шеригим мартнинг ўрталарида Цюрихда Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорларнинг беш кунлик съездини режалаштирди. Бранхам ака, юринг мен билан, хотинингизни ҳам олинг, чунки сизга жуда кўп ваъз қилишингизга тўғри келмайди. Мен ўйлайман, сизнинг ваъз қилишингиз учун улар бир кечқурунни мўлжаллаштирди. Съезддан кейин мен сизни хотинингиз билан Европа ва Фаластин бўйлаб саёҳатга олиб кетаман”.

Билли дўстига буни Меда билан маслаҳатлашишини ва кейин жавобини етказишини айтди. (гарчи у аллақачон қанақа жавоб бўлишини билсада) Кейинги куни эрталаб у Медага қўнғироқ қилди ва Майнернинг режаси ҳақида гапириб берди. Болалари ҳали мактабни тугатмаганлигидан, Меда Европа бўйлаб сафар қилишга март тўғри келмаслигини айтди. Шундай қилиб у боришга хохиши йўқлигини юмшоққина қилиб баён қилди.

Энди, ваҳий аслига мувофиқ бажарилгандан кейин, Билли унинг маъносини дўстларига айтиб берса бўлишлигини ҳис этди. У шундай деди: кичкина оқ каноэ битта йиғилишни билдиради. Арганбрайтнинг оқ каноэси яхшиликни аломатидан дарак беради. У қирғоқ бўйлаб битта йиғилиш учун қаерга бўлса кета билади, аммо Худо уни бор-йўғи битта йиғилиш учун океандан ўтишини истамади. Яшил каноэдаги икки биродари эса, Арганбрайтнинг Биллини Европа бўйлаб ва Фаластинга сафарга таклифини ифодалайди. Вуд ака билан Сотман ака воиз эмасдилар; лекин Билли воиз эди. Сақлайдиган омбор эса унинг Жефферсонвиллидаги черкови эди, у ерда у ўз хохиши бўйича, юрагида нима бўлса, шундай ваъз қила оларди; у ердаги унинг магнит тасмаларида ёзилган ваъзлари нафақат унинг подасини бир кун давомида тўйдира олар, балки унинг халқини, улар қанча ейишни истасалар, шунча вақт озиқлантира олар эди.

Шундай қилиб, шу баҳор океан ортига кетиш ўрнига, Билли уйига яқинроқ қолди ва Бранхам Чодирида 12 тадан кўпроқ ваъзлар қилдики, улар у сезгани каби, кўплаб Христианларга Худога яқинроқ бўлишида ёрдам берди. У ваъз қилган мактублар: “Худо билан бирлик”, “Барча курашлардан энг буюги”, “Акс этиш”, “Айтилган Сўз — бу асл уруғ”, “Имонга қарши донишмандлик”, “Келин дарахтининг тикланиши”, “Ҳаммасига эгамиз”, “Ҳақиқий пайғамбарнинг йўли”, “Босимни чиқариб”, “Саволлар ва жавоблар”, “Исони томонида турмоқлик” ва “Охирги вақтларда Хушхабарлаш”.

1962 йил 11 мартда ваъз қилинган “Барча жанглардан энг буюги” мактубида у энг биринчи жанг осмонда бўлганлигига эътиборни қаратди, Михаил ва унинг фаришталари Люцифер ва унинг фаришталарига қарши курашган эди. Люцифер ва унинг армияси осмондан тушуриб юборилган бўлиб, шу тарзда улар ерга тушдилар ва жангни давом эттирдилар. Люцифер жанг майдони сифатида инсон ақлини танлади. Ўз қуроли сифатида Люцифер “Худо Каломини мантиқан рад этиш формасидаги шубҳа”ни танлади. Худо Ўз томонидан қурол сифатида “Ўз Сўзига Имонни” танлади. Ҳар бир одамда, Одам ва Ҳовода бўлгани каби, худди ўша танлаш бор; у ёки унинг хотини Худо Сўзига ишониши ва яшаши, ёки унга шубҳаланиши ва ўлиши керак. Шундай қилиб, ҳамма жойда эркак ва аёллар ақлида энг буюк кураш ҳали ҳам давом этмоқда.

“Мен Христиан Фани ҳақида айтяпман, у ерда “ақл материя устидан”,” — деди Билли, ўзининг нуқтаи-назарини ойдинлаштириш учун. “Қачонки сизнинг ақлингиз Худонинг Каломи ичидаги Ҳаётни қабул қилади, бу қабул қилишингиз сизга Илоҳий Ҳаётни олиб киради. Сизларнинг фикрларингиз қилмайди бу нарсаларни; балки, Худонинг Сўзи сизга фикрларингиз канали орқали келади. Кўряпсизми? Сизни ақлингиз буни қабул қилади ва бунга тирмашиб олади. Сизни руҳингиз сизни ақлингизни бошқаради. Қачонки сизнинг руҳингиз Худо Каломидан тутиб олади, ушбу Каломда бўлган Руҳ, сизга Ҳаётни олиб киради”.

1962 йил 18 март куни у “Айтилган Сўз асл уруғдир” деган ваъзини қилди. Беш соатлик таълимот-мактуб, тингловчиларда тушликка танаффус бўлиши учун икки қисмга

бўлинган эди. Эрталаб у деди: “Мен ишонаман, менинг ердаги топшириғим Каломнинг Келишидан хабар бериш, Қайсики У Масиҳдир. Мингйиллик шоҳлик ва қадр-қимматга эга нарсаларнинг барчаси Унда мужассам, чунки У Каломдир”. Кейин у Ибтидо *Китоби* биринчи бобининг бир қисмини, ўн биринчи ояти билан қўшиб ўқиди: Яна Худо: *“Ер ўсимлик кўкартирсин: уруғ берадиган ўт-ўланлар, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтлар ер юзида униб ўссин, — деди ва шундай бўлди”.*

Билли деди: “Худонинг ҳар бир айтган Сўзи бу Уруғдир. Мен ишонаман, Библия — бу Сўз, У, барча ҳақиқат Библияда; Исо эса — бу Сўзнинг намоён бўлишидир. У ва Унинг Каломи бир ва Ўшанинг Ўзи. У Ким эди? У ўша Уруғ эди; қайсики Уни Ҳаво етиштириши керак эди, аммо у Худо Сўзига ишонмаслиги сабабидан уни чатиштирди. Ўша Уруғни суғориш учун Адан Боғида Муқаддас Руғ бор эди. Одамзод ўлиш учун яратилган эмас эди; у яшаш учун яратилган эди. Чатиштириш ўлимни олиб келади. Ҳаво инсон зотини илон уруғи орқали (қайсики у ўша пайтда судралиб юрувчи эмас, балки генетик жиҳатдан инсонга ўхшаган, сут эмизувчи эди) чатиштирди. Энди бизлар ҳаммамиз аввал бошидаги оригинал, асл яратилишдан гибриддирмиз. Одамлар нима учун ўладилар, сабаби бу”.

“Нима сабабдан Худо Ўзини Исода шунчалик тўла-тўкис намоён этганини сабаби шундаки, Исо Уруғ-Сўз эди, Ҳаётнинг ўзини Ҳомиласи эди. Уруғнинг Ҳомиласи ўзида ҳаётга эга. Исо Худо Сўзининг Ҳомиласи эди. Ҳомила Руҳ билан суғорилди. Исога михланиши керак эди ва ўша Уруғдан Унинг Ҳаёти чиқиши учун ва бошқа уруғларни юзага келтириши учун Гўлготада *қон ҳужайраси бузилиши, емирилиши лозим эди*. Улар бу Сўзни кўрадилар ва айнан У билан қоладилар. Мана шу уруғни суғориш учун У Ўз Руҳини юборди ва бу Сўздаги ҳеч бир нарсани рад этмайдиган одамларни етиштиради, юзага келтиради, чунки улар асл, оригинал Сўзга яқин, қариндош бўлган уруғдирлар”.

“Биринчи Одамда Ўғил пайдо бўлиши керак эди, қайсики одамзод уруғини давом эттиради. Момо Ҳаво буни илон билан чатиштирди ва дурагайни юзага келтирди, ва ўлиб кетиш учун туғилди. Ундан кейин Исо келди ва У ўша оригинал Уруғ эди. У буни исботлади. Одам нимани йўқотган бўлса, ҳамаси Исода бор эди. Кўряпсизми буни? У ҳақиқий Ўғил. Момо Ҳаво охири ҳам бу болани туғар эди, агар илонга қулоқ солмаса эди, унда гибрид болани туғмаган бўларди. Мана шу нарса, мен нимага ишонаман, нима учун ишонишимнинг сабаби, сабаби шу. Ҳаммаси шу Сўзга қайтиши лозим”.

“Худо ўғилларининг барчаси худди шундай бўлишлари керак. Ҳа, жаноб. Қачонки бизлар Сўз ва Руҳдан туғиламиз, бу бизларни яна айтилган Сўзга қайтаради, худди Исо Юҳанно 3-бобида айтганига ўхшаб: *“сизлар сув ва Руҳдан туғилишингиз керак”.* Кейин бу бизни бошида бўлишимиз керак бўлган, ўша жойга қайтиб этади. Мана Масиҳ ўлимининг сабаби — қаерда биз Худо ўғиллари бўладиган, ўша жойга қайтаришдир”.

Тушдан кейин Билли шу мавзуни давом эттирди. У, Одам Момо Ҳавога келганида, унинг бағри аллақачон илон уруғи билан уруғланганини билди, деб ўргатди. Бироқ Момо Ҳаво бу ишни қилишидан олдин, у ақлининг бағрига иблиснинг ёлғонини қабул қилиши керак эди. У Худо Сўзининг бор-йўғи биттасига ишонмади, бироқ бу ҳал қилувчи муҳим сўз эди. Худо унга деди: *“Буни қилма, акс ҳолда сен ўласан”.* Иблис у билан муҳокама қила бошлади: Сен ўлмайсан, сен доно бўласан”. Бу биргина сўз барчасини ўзгартирди. Худо Сўзига ишонмай, Ҳаво бокираплигини йўқотди, инсоният бўлса ўзининг гуноҳкор табиатини олди.

Энди Ҳаво билан Марямни таққосланг. Ҳаво нотўғри сўзни қабул қилди ва у сўз нотўғри наслни дунёга келттирди. Марям тўғри сўзни қабул қилиш учун танланган эди. Бироқ, бошида Марямга ҳам иблис билан учрашиши керак эди, қайсики ўша иблис унга Сўзни мантиқан инкор қилишига уриниб кўрди. Фаришта келиб, Марямга, у ўз бағрига Уруғни қабул қилишини ва Ўғил туғишини айтганида, Марям деди: *“Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлади?”* Иблис шубҳа уруғини экиб, уни қулоғига шивирлади. Мантиқан айтганда, шайтонда яхши далил, асос бор эди. Аммо фаришта деди: *“Муқаддас Руҳ сенинг устингга тушиб келади. Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли сендан туғилажак муқаддас бола Худонинг Ўғли дейилур”.*[44] Шундай қилиб Ёзув бажарилди:

Раббийнинг Ўзи сенга аломат беради; Мана, қиз ҳомила олади, ва Ўғилни туғади ва Уни Эммануил деб атайди.[45]

[44] *Луқо 1:26-38*

[45] *Ишайё 7:14*

Исо айтилган абадий Чақалоқ (Чақалоқ-Сўз) эди.[46] Исога ўлишни кераги йўқ эди, аммо У қарзни тўлаш учун ўлди. Бу — ягона, қарзни тўласа бўладиган биргина йўл эди. Буни бошқа ҳеч бир кимса қила олмас эди, чунки барча қолганлар шайтонни режаси бўйича, жинсий йўл билан туғилган эдилар. Марям каби унга ўхшаб ўша одамлар, қайсики Исо Масиҳ Келинининг бир қисми бўлишига тайин этилганлар, аввал ўз ақлларининг бағрига Сўзни қабул қиладилар.

[46] Манбалар ва Тушунтиришлардаги изоҳларга қаранг.

Билли бутун умрида мингдан кўп ваъз қилганина қарамай, у жуда ҳам кам ёзиб олган эди. Бироқ у ушбу ваъзини қилишидан бир неча кун олдин, конспект ёзишга ўзида хохиш сездики, энди ундан қисман ўқиди:

“Мана, нима демоқчиман мен сизларга. Қайта юзага келиш, худди ўзидай қайта такрорлаш қонуни шундаки, ҳар бир тур ўз турига хосини келтиради, Ибтидо 1:11. Шундай қилиб, Худонинг фарзандлари ўз Оталарига ўхшайдиган бўладилар. Бу шу кунларда ҳақиқий Черков (Келин) Асосий Тош яқинига келади, ва у Унга яқинлашган сайин ўта қудратли черков, ўта қудратли инсон ирқи бўлади. Кимки Келинда бўлади, шунчалик Унга ўхшаган бўладики, улар ҳатто Унинг Ўзидай бўладилар. Бу нарса У билан бирлашиб, қўшилиб кетиш учун бўлади. Улар яхлит Бир Бутун бўладилар. Улар тирик Худо Сўзининг нақд намойиши бўладилар. Деноминация буни юзага келтириб билмайди. Деноминация Сўз билан аралашган ўз таълимотларини, ўз имонлиларини юзага келтирадики, қайсики улар дурагай мевани етиштиради”.

“Биринчи ўғил, Одам, Худо айтган Сўз эди (уруғ эди). Яна бир Худо Ўғлини етиштириш учун унга келин берилган эди. Бироқ Момо Ҳаво аралаштиргани сабабли, чатиштиргани туфайли йиқилди ва шу учун у Одамнинг ўлимига сабабчи бўлди”.

Иккинчи Ўғил Исога ҳам, қайсики У айтилган Худо Сўзи (Уруғи) эди, Одамга берилгани сингари, келин берилган эди. Бироқ Исо Ўз келинига уйланишигача, бу келин ҳам йиқилди. Уни ҳам, Одамнинг келини сингари, у Худо Сўзига ишонади ва яшайдими, ёки у Сўзга шубҳаланади ва ўладимикан, дея синовга солинди.

“Худо ҳақиқий Уруғнинг кичкинагина гуруҳчасидан Масиҳга суюкли Келинни тақдим қилади. У Унинг Сўзини бокираси бўлади, чунки у инсон томонидан яратилган таълимот ва ақидаларни билмайди. Бу Келин аъзолари орқали Худо, У бокирасида намоён бўлиши керак бўлган барча ваъдаларини ижро этади, бажаради”.

“Ваъда этилган Сўз бокира қиз Марямга келди. Ишайё 9:6 Худо кунлардан бир кун Ўзини намоён қилишини ваъда қилганди. Энди Уни Ўзи бокира қизда Ўз Сўзи-ваъдасини бажариш учун ҳаракат қилди. Мактубни, хабарни унга фаришта келтирганига эътибор қилинг, аммо бу фариштанинг мактуби Худонинг Ўзини Сўзи эди. Қачонки у фариштанинг унга мактубини қабул қилган эди, Худо ўша вақтда нима бўлиб ўтади, У қандай ваъда қилган бўлса, барчасини бажарди. Марямнинг табиий бағри бугунги бокира Келиннинг руҳий бағрининг тимсолидир. Марям қандай қилган бўлса, охирги даврдаги бу бокира шундай дейди: “Менга Сенинг Сўзинг бўйича бўлади”. Масиҳ — ушбу Келиннинг Бошидир ва у ҳаммасида Унга бўйсунган. Улар нафақат Уни севадилар, балки уларда Унинг имкониятлари (потенциали) бўлади”.

“Ота ва Ўғилнинг уйғунлигига эътибор қилинг. Токи Ота Унга олдин нима қилиш кераклигини кўрсатмагунича, Исо ҳеч қачон ҳеч нарса қилмаган. (Юҳанно 5:19) Бу уйғунлик Исо ва Унинг Келини ўртасида ҳам мавжуд бўлаверади. У Ўзининг Ҳаёт Сўзини унга кўрсатади ва у Уни қабул қилади. У, келин ҳеч қачон Унга шубҳаланмайди. Унга ҳеч нима зарар қилмайди, ҳатто ўлим ҳам, чунки агар ушбу Уруғ ерга қадалган бўлса, Руҳнинг суви Уни яна тирилтиради. Мана бу сир Сўз худди У Марямда бўлгани каби, Келинда ҳам бор бўлади. Келинда Масиҳнинг ақли ва шу учун Унинг Сўзи билан нима қилишини У хохлайди, у билади. У буни Раббий Исмида бажаради, бу дегани, унда “Раббий Шундай Дейди”

борлигини англатади. Кейин Сўз Руҳнинг суви билан Ҳаётга жонланади, ва У токи ўз мақсадини бажармагунича, ўсади, улғаяди.

“Ўша, Келинда бўлганлар, фақат Унинг иродасини бажарадилар. Ҳеч ким уларни бошқача қилишга мажбур қилолмайди. Уларда “Раббий Шундай Дейди” бор ёки бўлмаса, улар тинчгина туриб туришади. Худо Ўз Иродасини амалга ошира туриб, уларда ишини қилиши лозимлигини улар биладилар, У Ўзининг ердаги хизмати вақтида У Ўз меҳнатининг барчасини тугатмади, шу учун энди У Ўз Келинида ва У орқали амал қилади. Келин буни билади. Энди Масиҳ Ўз Келини орқали ўша ишини қиладики, уни У ушбу, махсус вақт учун қолдирган эди”.

“Келинг, Наби Ясу ва Халевга ўхшаб турайлик. Худди уларнинг ваъда этилган ери пайдо бўлгани каби, худди шундай бизнинг кўз ўнгимизда ҳам ваъда этилган еримиз пайдо бўлади. Ёшуа (Наби Ясу) исми “Иегова Қутқарувчи” деган маънони англатади. Наби Ясудек одам охирги вақтларнинг йўлбошчисини ифодалайди. Павел энг биринчи мажусий черковларнинг йўлбошчиси бўлганидек, у ҳам худди шундай черковга келади. Халев эса Наби Ясу ортидан борадиган одамларни ифодалайди...”

Бу конспект, Мусо ва Илёснинг ҳаёти бизларнинг бугунги кунимиз хусусида кўп нарсаларга қандай ўргатишини кўрсатиб, яна бир неча саҳифага давом этар эди. Билли шундай деди: “Энди Масиҳ, у ўзининг ақлини руҳий бағрига Унинг Уруғ-Сўзига тўлган бўлиши учун, Ўзига Келин олади. У бунга ҳеч қандай таълимот, ёкида ақидалар қўшилишини хохламайди. Унинг Келини бокира бўлиши лозим”.

“О одмлар, Худо дуо қилсин сизларни. Мени эшитинглар. Мен Худо Сўзидан бошқа ҳеч нарсага ишонмайман. Мен истардимки, Унинг Сўзи менинг ҳаётим ва мен ким эканман, бутун борлиғим бўлсин. Сизларни ҳам худди шундай қилишингизни истайман. Сизнинг юриш-туришингиз ва нимаики қилсангиз, барчаси Худо Сўзига мувофиқ бўлсин. Масиҳнинг ақли сизларга кирсин ва сизни Сўз билан тўйдирсин. Агар сиз деноминация ақлини (таълимотини) киришига қўйиб берсангиз, сиз деноминация билан тўйдириласиз. Агар сиз Масиҳ ақлини ўзингизга киришига йўл берсангиз, У Ўз Сўзини инкор қилмайди чунки У – Худо. Сиз Сўз билан тўясиз ва Унга ишонасиз. Мен хавотирланмайман, агар сизни ҳайдаб юборсалар ва олдингиздаги барча эшиклар ёпилса, сиз ўша-ўшандайлигингизча қолаверинг. Омин”.

Уилльям Бранхам 1951 йилда Африкада бўлган вақтида, у биринчи марта 0,257 калибрли Визерби Магнум милтиғидан отган эди. Унга у ёқиб қолди. У: бу “унинг орзу қилган милтиғи”, — деди ва бироқ у уни сотиб олмади. Уни бир талай қуроли бор эди. У яна бир милтиқ учун 300 АҚШ долларини ҳаражат қилишини ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Чунки у Африкада баъзи Хушхабарчилар ҳатто оёқ кийими йўқлигини билар эди.[47] Кўп йиллар одамлар у учун Визерби Магнумни сотиб олиб беришмоқчи бўлдилар-у, аммо у қатъий қаршилик қилди.

[47] Шу пайтда Уилльям Бранхам Бранхам Чодиридан олаётган 400 доллар маошга яшар эди.

1962 йил баҳорида Родни Армстронг исмли одам Христиан бўлди ва Бранхам Чодирига кела бошлади. Армстронг Индиана штати бўйича Визерби кампаниясининг савдо агенти бўлиб ишлар эди. Қачонки у Биллини 0,257 калибрли Визерби Магнум милтиғини орзу қилишини ва лекин унинг баҳоси юқорилиги учун тўлаёлмаслигини билгач, Армстронг бошқа бир йўлни таклиф қилди. У Визерби кампаниясини даврий журналини олиб турар ва у ерда 0,257 калибрли ҳар қандай милтиқни ўқдонини шундай йўниш керакки, шунда унга Магнумнинг ўқдони киради, бу эса ўша милтиққа ҳам Визерби Магнумдагидек баллистик характеристикага эга бўлишига имкон беради, деган фикр айтилган эди. Кампания ушбу процессни синовдан ўтказди ва натижаларига кафиллик қилар эди. Бу заказ қилувчи учун 40 долларга тушар, амоо Армстронг шу кампания маҳсулотларини сотиш бўйича агент бўлганлигидан, у буни тахминан 15 долларга қила олар эди.

Бу фикр Биллини жуда қувонтирди. У олдиндан 0,257 калибрли милтиғи бор ва ундан жуда кам отар эди. Бу 70-модел Винчестер тез отар эди. Бу милтиқни ўғли Билли Полга,

дўсти Билли Полни чапақайлигини билмай совға қилган эди. Ўнг қўл одамларни ишлатиши учун ишлаб чиқарилган затворли тез отар милтиқни Билли Поль ишлатолмаслиги сабаб, Билли ўзининг 0,300 калибрли Савадж затворли милтиғини ўғлининг 0,257 калибрли янги милтиғига алмаштирди. Энди Билли мана шу 70-модель Винчестерни унинг орзуси бўлган – Визерби Магнумга ўзгартиришни жуда хохлар эди.

Калибр бу ствол каналининг диаметри дегани. 0,257 калибр дегани стволдаги тешикнинг кўндаланг диаметри 0,257 дюймга тенг деганини билдиради. Қачонки Визерби заводи Биллининг милтиғини қайта ишлаганида, улар ствол ўзгартиришмади, балки фақат патронини узунлигини ва диаметрини шундай ўзгартирдики, унга 0,257 диаметрли Магнум патрони кира олар эди. Магунум патрони одатдагилардан каттароқ ва шу учун унга кўпроқ порох сиғади. Натижада ўқ анча ясси траекторияда шу милтиққа хос бўлган аниқликни яхшилаб, тезроқ учар эди.

1962 йил 22 апрелида Билли “Келин дарахтини тикланиши” деган ваъзини қилди. Бир ҳафта ўтиб — майнинг бошида — Калифорния штатидаги Роя Визерби заводидан унинг қайта ўзгартирилган милтиғи қайтди. Тезроқ уни синаб кўриш истагида, Билли Бэнкс Вуддан уни “Ҳимоя клуби”га этиб қўйишини илтимос қилди. У ерга боргач, 50 ярд масофада *турган* ёғоч устунга ҳўкиз кўзи формасидаги қора-оқ мишенни кнопкалади. Кейин у ўт очиш чизиғига қайтди, ўтирди ва милтиғининг қурол қўядиган жойи билан ўша ерда шу мақсадда ўрнатилган ёғоч тагликка қўйди. У бир неча бор ўқ узди. Бэнкс Вуд натижаларни текширди ва барча ўқлар ҳўкизнинг кўзига тегди, деб қичқирди. Бэнкс *мишенлар* чизиғидан кетди ва Билли затворни олдинга ва юқорига тортиб силжитиб, ўқдонга Магнумнинг яна бир ўқини юборди. Агар у шунчалик ҳаяжонланмаганида эди, у огоҳлантирувчи белгига эътибор берган бўлар эди. Бўшаган гильзалар капсуласи ўз ўрнидан озроқ *силжиган* эди. У шу нарсани пайқади, аммо ўша пайт у шундай қувониб турганидан, бу нимани билдириши ҳақида ўйлаб кўрмади. Албатта, капсюль мис гильза таги билан бир хил сатҳда қолиши керак. Ўша ушбу капсюллар силжигани факти, ҳар бир патрон отилганидан, ўт қарши босим ҳосил қилади, деганини билдирар эди.

Билли милтиқни тўғрилади, кўзини милтиқнинг оптика мўлжалига яқинлаштирди, кесишган чизиқчани ҳўкиз кўзига тўғрилади ва тепкини босди. БАХ!!! Бир лаҳза у отилган ўқнинг бир ярим метрга кўтарилган алангасини кўрди ва ундан кейин бошқа ҳеч нарсани кўрмадиям, эшитмадиям. Гарчи у қим этмай турса-да, у гўё ўзини осмонга кўтарилаётгандай сезди. Қаерда энди у? Нима қилди у? Уни фақат биргина билган нарсаси — у ўликдай бўлиб қолган эди. У ҳали ҳам тирик эканини, ҳали ҳам ерда эканини ва ўнг кўзи атрофидан қон шариллаб оқаётганини англаб етгунича бир неча сония этди. У бир қўли билан қон отилаётган кўзига босди, бошқаси билан эса нима бўлганини кўриш учун базўр, бир амаллаб чап кўзини очди. Милтиқдан аллақачон дарак ҳам йўқ эди. У ҳеч бир муболағасиз унинг қўлида портлади. Милтиқнинг оғзи олдинга, тахминан 40 ярдга (36,4 метрлар) затвори тахминан 40 ярдга (36,4 метрлар) орқага учиб кетди. Ёғоч қўндоқ ва тепкиси майда-чуйда бўлиб, ҳар томонга учиб кетган эди. У, эҳтимол шу учиб кетган парчалар туфайли юзлари илма-тешик бўлиб, қон оқаётгандир деб тушунди. У юрагида ибодат қилди: “Раббий Исо, Сен — менинг Шифокорим. Илтимос, мана шу қон кетишни тўхтат”. Бир неча сониядан кейин кўзи ёнидаги жароҳатлардан қон кетиши тўхтади.

Бэнкс Вуд ҳалиям отиш майдонида эди, бахтсиз ҳодисани кўрмади. Билли қичқирмоқчи бўлди, уддалаёлмади, шу учун Бэнксни эътиборини ўзига қаратмагунича, қўли билан имо қилаверди. Бэнкс унга қараб бўлган воқеадан ҳангу-манг бўлиб чопиб келганидан, унга нафи тегмади ҳисоб. Бэнкс уни машинага олиб борди ва машинани ёқа туриб, карбюраторни бензинга тўлдирди. Яхшиямки, тезда машинани ўт олдирди ва унинг юзини ювиб, жароҳатни аниқлаш учун Биллини уйига олиб келди. Кейин Бэнкс Биллини кўз мутаҳассисигга олиб борди.

Портлашдан ҳосил бўлган парчалар ҳақиқатдан ҳам унинг бошига теккан эди. Ўн бешта жуда кичкина металл парчалари унинг кўзи остидан ярим ой шаклида юзига санчилган эди. Бир неча каттароқлари унинг пешонаси ва ёноқ суягига санчилган эди. Врач

унинг кўзи атрофидаги металл парчаларини кўзга зарар етказиши хавфи сабабли олиб бўлмайди, деди. “Ҳа улар сизни безовта қилмайди ҳам”, деб қўшиб қўйди. “Жаноб Бранхам, бир шунга эътибор беринг: сизнинг кўзингиз шу портлашдан бор-йўғи бир дюйм масафада бўлган ва лекин бирорта ҳам заррача сизни кўзингиз олмасига тегмаган. Бу мўъжиза. Сиз — омадли одам экансиз, чунки бунга ўхшаган портлаш сизни бошингизни учира олар эди. Ягона бир нарса, мен бунда биргина кўраётганим — Раббий фариштаси шу отишма скамейкасида сиз билан ўтирган бўлиши керак ва У қўлларини бошингиз билан милтиқ орасида қўйиб турган”.

Аввалига Биллини юзини ўнг томон териси гамбургер учун хомталаш гўштга ўхшаб кўринган бўлса-да, аммо бир неча кундан сўнг уни териси яхши бўлиб кетди. Бир ҳафтадан кўпроқ уни қулоғи остида жаранглаган товушни эшитиб юрди, лекин, ниҳоят у ҳам тўхтади. Чуқурроқ жароҳатлар тугаб кетиши учун бир неча ойлар керак бўлди.

Отишма майдонига қайтиб, у ствол, затвор ва милтиқнинг топса бўладиган қолган қисмларини олиб, уларни Визерби заводига анализ учун жўнатди. Кўрсалар, қачонки улар ўқдонни ўзгартирганларида, улар жуда ҳам кўпроқ тўлдирилмайдиган бўш жой қолдиришган экан. Милтиқнинг ўқдонини бўш қолдирилган жойи — бу ўқнинг патрондаги кети билан спирал ўрами оралиғида бўлиб, у стволга ўйиб ясалади. Бу оралиқ дастгоҳда мингдан иккидан мингдан беши бўлаги аниқликкача йўл қўйиб ясаши керак. Агарда бу оралиқ жуда ҳам катта бўлса, ўқ отилганида ҳосил бўладиган газ ҳамма томонга қараб кенгаяди. Мана нима бўлган Биллининг милтиғи билан. Аслини олганда,у тепкини босган пайтида, уни милтиғи қўлбола бомба бўлган эди. Унинг затвор механизми пўлат оғзидан кўра мустаҳкамлиги камроқлиги сабабли, портлаш олдинга эмас, балки орқага йўналган эди.

Билли йиғилишига деди, “Иблис мени ўша ерда ўлдиришга уринди, аммо у, токи Худо мен билан тугатмагунича ва уйга кетишимни истамагунича, бундай қилолмайди. Шу учун мен биламан, яна нимадир борки, Худо ўша ишни мени қилишимни хохлайди”. У яна Раббийни яқинда айтганларини ўйлаб қолди: *“Муқаддас Руҳ истаган ҳаммасини қилишга, ёки Муқаддас Руҳ истаган томонга боришга, ёки Муқаддас Руҳ истаган барча нарсани гапиришга қўрқма, чунки сен қаёққа борганингда ҳам Исо Масиҳнинг сени тарк этмайдиган ҳозирлиги сен билан бирга бўлади”.*

1962 йилнинг июнига келиб, Билли бахтсиз ҳодисадан кейин икки ойлик ваъз қилиш учун анча соғайганини ҳис қилди ва у олдинига шарқий соҳил бўйлаб Шимолий ва Жанубий Каролинага, ундан кейин Америка ғарбий соҳиллари бўйлаб жўнаб кетди. Июннинг иккинчи ярмининг икки ҳафтаси ва июлнинг биринчи ҳафтасида у Калифорниянинг турли шаҳарларида ваъзлар қилди. Ундан кейин у Вашингтон штати, Спокейнда бир ҳафта давомида ваъз қилиш учун шимолга кетди. Яна бир ҳафтача Орегон штати, Салемда ваъз қилиш учун, шимолга кетди. 24 июлда у ўша пайтда Эд Бискал пастор бўлган Элликчилар черковида ваъз қилиб, Британия Колумбияси *повинцияси*, Порт Алберни *шаҳрида* бўлди.

Бутунлай олганда, Биллининг 1962 йил ёзги сафари муваффақиятли бўлди. Кўпчилик шаҳарларда Худо Ассамблеяси черкови Худо Черкови билан, Бирлашган Элликчилар черкови билан, Квадрат черкови ва бошқа деноминациялар билан унинг йиғилишларини молиялаштиришда ҳамкорлик қилишди. Шунга қарамай, бу унинг 1950 йиллар давомида ўтказган улкан хушхабарчилик кампанияларига ўхшамас эди. Ўшанда катта-катта аудиторияларни минглаб одамлар билан тўлдириб, кўплаб черковлар ҳамкорлик қилишган эдилар. Бошқа фарқлар эса у уйга қайтиб келганидан кейин билиниб қолди. Мана шу кампанияларда шифо топган кўпчилик одамлардан олган хатларидан ташқари, у шу билан бирга, унинг қилган ваъзлари хусусида норози бўлганлардан ҳам хатлар олди. Айрим одамлар унинг Ёзувда учлик таълимоти йўқ деб қилган ваъзларидан норозилигини билдиришган эди. Бошқалари унинг илон уруғи ҳақида гапирганидан норози эди. Баъзи одамлар унинг аёл-ваъзхонларга қарши позициясидан норози эдилар. Бошқалар унинг аёлларни одоб билан кийиниши кераклигини ўргатганидан хафа бўлишар, ўзлари эса одоб тушунчаси билан рози бўлишмас эдилар. (У аёлларнинг сочлари узун бўлиши керак ва улар тиззаларини ёпадиган кўйлаклар кийиши керак, деб ўргатар эди. Аёллар шим, шорт

кийишлари ёки помадаларини, кўз учун сурма ва шунга ўхшаганларини ишлатиб, юзларини бўямасликлари керак, дер эди.) деноминациядаги бир хизматчидан келган хатда у шундай деган эди: “Бранхам ака, менда сизга нисбатан қаттиқ ишонч бор эди, токи мен сиздан менинг деноминациям гуноҳга берилди, деганингизни эшитгунимча. Сиз буни айтган пайтингизда, мен билан менинг черковимда йигирматача одам сизни йиғилишингиздан чиқиб кетдик”. Кейинроқ, августда Билли бир неча кунни ўзининг Туннель Миллдаги ғорида ибодатлар қилиб ўтказди. Бир куни эрталаб, тонг отишини кузатиб, тепалик ён бағрида ўтирганида, Раббий унга бир нарсани очди...

1962 йил 8 сентябрда Билли Жефферсонвиллидаги кафедрасида туриб, “Хизматимнинг ҳозирги стадияси” деб номланган мактубини ўқиди. У йиғилишига ўша эрталаб, Бранхам Чодирига бурчак тошини қўйган ўша тонгда кўрган ваҳийсини эслатиб ўтди, — қандай у ваҳийда хоч тагида олма ва қароли дарахтларини ўтказгани ва иккала дарахтдан терган меваларини айтиб берди. Бу ваҳийнинг сўнгида Раббий унга Тимофейга 2-мактубнинг 4-бобини ўқишини айтганди. Раббий унга тўртинчи бобнинг қайси оятларини ўқиши кераклигини айтмади, шу учун ўша куни Билли фақат биринчидан бешинчи оятгача ўқиди ва кейин тўхтади. Ана ўша кундан токи шу йилнинг май ойигача у ўзининг топшириғи сифатида Тимофейга 2-мактуб 4:5-1 ни олди: *Худо Каломини ваъз қил, ҳозир бунинг вақтими, вақти эмасми, демай, доим гапиришга тайёр бўл. Бутун сабр-тоқат билан таълим бериб, одамларни мулзам қил, уларга таъна-ю насиҳат қил... сен ҳамма нарсада азобларга сабр-тоқат қил, Инжил воизлигингни бажо келтир, хизматингни сидқидилдан ижро этгин.* Билли Худо унга ушбу бешта оятни у ўз хизматини энди бошлаган ёшгина бўлган вақтида уни дадил бўлиши учун берганига ишонар эди. Энди, қарийб 30 йилдан сўнг, унинг елкалари букилди ва юзлари ажин босди; у аллақачон бошидаги сочларини кўпини йўқотган, қолганлари сийрак ва оқарган эди. У 53 да эди ва шак-шубҳасиз бўладиган нарсадан қочиб қутилолмасди — у қария бўлиб қолган эди. Майда Раббийни унга Тимофейга 2-мактубнинг қолган қисми ҳам унинг хизматига тааллуқли эканлигини аён қилди: *Чунки менинг қоним энди қурбонлик шароби каби тўкилмоқда, дунёдан ўтишимга сал қолди. Улуғ курашда астойдил курашдим, умр довонини ошиб бўлдим, имонни сақладим: Бундан кейин солиҳлик тожи мен учун тайёр турибди. Одил ҳукм қилувчи Раббий Исо кўкдан тушиб зоҳир бўладиган кунда у тожни менга беради...*

Павел ушбу мактубини ёзган вақтида, у Римдаги зиндонда азоб чекиб ётган эди. У бу дунёнинг пулисиз, нарсаларисиз қариб қолган эди. Унинг собиқ дўстларидан кўплари Худо Ўз ишини у билан тугатган, деб ҳисоблаб, уни қолдириб кетишди. Агар бунга табиий кўз билан қаралса, Павелнинг танқидчиларида ишонарли далил бор эди. Аммо Павел ўзининг аҳволига руҳий кўз билан қаради ва ҳаётининг тож кийдирилиш лаҳзалари қанчалар яқинлашаётганлигини кўра билди.

Худо Ўз хизматчиларини, У Ўзи уларни ҳимоясига келиб ва уларнинг хизматига тож кийдиришидан олдин қанчалик тез-тез бундай мушкул, танг аҳволга олиб боришини Билли кўрсатиб ўтди. Бунақа принцип амалига мисол сифатида Билли Ёқубни, Юсуфни, Илёс, Дониёр ва Яхё Чўмдирувчиларни қисқача эслатиб ўтди. Кейин у жуда муҳим мисол — Исо Масиҳни келтирди.

У касалларни шифолаганида, уларни балиқ ва нон билан тўйғазганида ва уларни маталлар билан ўргатган вақтида кўпчилик одамлар Исони яхши кўрар эди. Ниҳоят У “болакайлар бутилкачасини” олиб қўйди ва Хушхабарнинг қаттиқ озиғи билан овқатлантирди. Исо деди: *“Мени деб васвасага тушмаган бахтлидир”.*[48] Бироқ У ўргатган тушунарсиз нарсаларни эшитганларида кўпчилик одамлар ишонмадилар. Масалан, Исо шундай деди: *“Сизларга ростини айтай: Инсон Ўғлининг танасини емасангизлар ва Унинг қонини ичмасангизлар, у ҳолда сизларда ҳаёт бўлмайди”.* Буни эшитиб халқ кескин камайди, ҳатто Унинг етмишта яқин шогирдлари Уни қолдириб кетди. Исо Ўзининг ўн иккита шогирдига бурилди ва сўради: *“Наҳотки сизлар ҳам кетмоқчи бўлсангизлар?” Аммо Симон Пётр деди: Раббим, бизлар кимга борайлик? Сенда абадий ҳаётнинг сўзлари бор. Бизлар ишондик ва билдик. Сен Худонинг Азизи — Масиҳсан”.*[49] Шу кундан эътиборан Исо бошқа

ҳеч қачон Исроилда машҳур бўлмади. Танқидчи Исо куч-қудратини йўқотди деб ўйлаши мумкин. Исонинг Ўзи Римликлар Уни хочга михлаганида: *“Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?”*[50] — деди. Бу Унинг ҳаётиниэнг оғир, мушкул нуқтаси эди, Унинг, У бевосита *“Амалга ошди”* деб ғолибона айтиши олдидан Унинг энг қоронғи соати эди ва Худо Унинг хизматига Тирилиш шон-шуҳрати билан тож кийдирди[51].

[48] Матто 11:6; Луқо 7:13
[49] Юҳанно 6:47-71
[50] Матто 27:46; Марк 15:34
[51] Юҳанно 19:30; Юҳанно 20

Билли деди: “Мен ишонаман, бир кун У менинг хизматимга ҳам тож кийдиради. Мен билмайман, қандай ва қачон бу бўлади. Қачон У чақириб олса, мен тайёр бўламан. Умид қиламанки, У менга Сўз материалидан олишимга ва Унинг Келинини Унинг солиҳлиги учун Калом кийимига кийдиришимга қўйиб бериб, У менинг хизматимга тож кийдиради. Мен умид қиламанки, У менга ўша ерда ўша кунда туришимга ва (Яхё айтгани сингари): “Мана Худонинг Қурбон Қўзиси, Қайсики оламнинг гуноҳларини олади”, —деб айтишимга йўл бериб, менга тож кийдиради”.

Мен Сўз хусусида токи У мен билан қиладиган ишини тугатмагунича, содиқ қолмоқчиман. Мана менинг хизматим бугун қаерда турибди. Мен рад этилмаган; мен фақат Шоҳга ювилганман”.

86 БОБ
ФАРИШТАЛАР ВАҲИЙСИ
1962 ЙИЛ ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ

ОКТЯБРНИНГ БИР КУН ЭРТАЛАБИДА Билли подьезд йўлагида машинасини ювиш учун, ишчи кийимини кийди. У челак билан губка олди ва кириш эшигини ручкасини ушлай деган эди, шу пайт Меда ошхонадан жуда хуфтон бўлиб чиқди. У Иосиф ёмон бир иш қилганини айтди. Шикоятини айтиб бўлгач, у шундай деди: “Билли, мен уни шапалоқлашингни истайман”.

Челакни қўйиб, у етти яшар ўғли билан гаплашиш учун ошхонага кирди, Иосиф ошхона столи яқинида бармоқларини асабий уриб турар эди. Билли столдан нарироққа стулни қўйди, ўтирди ва ўғлига нима учун у ўзини яхши тутиши ва онасига қулоқ солиши кераклигини ўгит қилди.

“Дадажон, кечир мени”, — деди Иосиф уни бўйнидан қўлчаларини ўтказиб ва уни қучоқлаб. “Илтимос, мени жазолама”.

“О, майли — яхши, Иосиф. Мен буни қандай бўлса шундай қолдираман, аммо бошқа бундай қилма”.

“Мен бундай қилмайман, дада. Ваъда бераман”.

Билли Медани топиб, унга Иосиф кечирим сўраганини айтиш учун кетди. Онаси ётоқхонага кириб олган эди. Билли эшикни қоқди. У очди ва сўради: “Сен уни шапалоқладингми?” Қачонки у, нега у бундай қилмаганини айтган эди, у ғазабланиб кетиб жавоб қилди: “У менга ҳам шундай ваъда беради; ундан кейин у яна қайтиб келади ва яна ўшандай қилади. Бу шундай хафа қиладики”.

“Азизам, у шу ишига пушаймон бўлгани учун, мен уни жазолаёлмайман”.

“Бу, чунки сен менга ўхшаб у билан ҳар кун ишинг бўлмайди! Сен ҳар доим уйда йўқсан!” У унинг юзи олдида эшикни қарсиллатиб ёпди ва қулфлаб қўйди.

“Мен ўйламагандим ҳам, уни чинданам шуни кўзда тутганини” — ўйлади у, одатда у қандай юмшоқ аёл эди-я. Улар турмуш қурган 20 йил давомида Меда олдин ҳеч қачон унга битта ҳам қаттиқ сўз демаган эди. Охирги пайтларда у асабий бўлиб қолгандай эди. Билли ўйлаб қолди, унинг асабий бўлишининг сабаби менопауза туфайли гармонал ўзгаришларданмикан, чунки ҳозир у 43 ёшда эди-да.

У челак билан кўчага чиқди, совун эритилган сувга тўлдирди ва ўзининг универсали капотидан ҳашаротларни қирди ва юва кетди. У капотни ювар экан, шу пайт кимнингдир: “Медага айт, Сонлар 12 бобни ўқисин”, — деганини эшитди. У у ёқ – бу ёққа алангланди. Ташқарида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У тасаввурида бўлса керак, деб ўйлаб, ўз юмушига қайтди. У яна кимнингдир: “Унга Сонлар 12 бобни ўқишини айт”, деганини эшитди. У жим бўлиб турди ва ундан кейин яна капотни ювишни давом эттирди, бироқ энди унинг ақли теваракдаги ҳамма нарса эътиборли эди. У учинчи марта Овознинг буйруғини такрорлаганини эшитди. Гўё, бу нарса унинг уйи ёнидаги дарахт атрофларидан, ҳаводан таралаётгандай эди.

Латтани машинаси капотида қолдириб, у уйга кирди, Библияни олди ва Сонлар 12 бобни ўқиб чиқди. Унда Мусо Эфиопиялик аёлга уйлангани учун Мариам уни айблагани, у нима бўлиб қолгани ҳақида айтилганди. Унинг Мусони танқид қилгани Раббийни шундай ғазаблантирдики, У шайтонга Мариамни мохов қилишига йўл берди. Мусо опаси учун ибодат қилгач, етти кундан кейин Раббий уни шифолади.

Библиясини олиб, Билли залга кирди ва ётоқхонаси эшигига келди. У ишлаётган тикув машинасининг шовқинини эшитди. У дастакдан тортганди, эшик ҳали ҳам қулфлоғ эди. У тақиллатди ва уни исмини айтиб чақирди.

“Нима истайсан?” — у қуруқ жавоб берди.

“Азизам, мени киргиз. Менда сен учун Раббийдан Сўз бор”

У эшикни очилганини эшитди. У хонага кирган пайт, у тикув машинасида ўтирар ва материални игна учига тўғрилар эди. “Меда, сен биласан, мен сени севаман; аммо сени менга айтганинг Худога ёқмади. Мен машинамни юваётган пайтимда, У менга сени Сонлар 12-бобни ўқишингни айтди”. У Библиясини унга узатди ва Меда мана шу бобни овозини баландлатиб ўқиб чиқди. Қатъий сўзлар уни қўрқитиб юборди. У сидқидилдан кечирим сўради, ва улар биргаликда тиз чўкишди ва Худодан раҳм-шафқат сўрадилар.

Икки кун ўтиб Меда чап ёнида оғриқ сезди. У буни эрига айтганида, Билли унинг ўнг қўлини чап қўлига тутди ва ўзидаги алоҳида инъом орқали, унинг чап тухумдонида киста борлигини айтди — бу ўша уни биринчи марта 1949 йилда билган нарса эди — энди у олдингидан кўра кучлироқ титрар эди. Оғриқ давом этаётгани учун, у ўзининг врачига борди. У уни Луисвиллидаги гинекологга юборди, у эса Биллининг диагнозини тасдиқлади. Тиббий текширишлар Меданинг чап тухумдонида ёнғоқдай келадиган киста ўсганини кўрсатди. Ҳозирги этапда гинеколог жуда ташвишланмади. Киста — бу ўзида суюқлик ёки қаттиқ моддаси бўлган халтача ёки суикача кўринишида ҳосил бўладиган нарсанинг умумий номи. Кўпчилик кисталар хавфсиз. Баъзан киста шамоллаши ва муаммо туғдириши мумкин. Гинеколог Медага бир неча ой кутишни ва у нима бўлишини кутишлигини тавсия қилди.

1962 йил 14 октябр эрталабида Билли Эфесликларга Мактубнинг 4:11-15 дан цитата ва ном олиб, “Баркамол инсон қиёфаси” деган мактубини ваъз қилди. У буни Пётрнинг 2-мактубида 1:1-8 да айтиб ўтилган яхши фазилатли одамнинг саккизта: имон, фазл-камолот, онг-билим, нафсни тийиш, сабр-тоқат, диёнат, биродар-севарлик, тугал муҳаббат – каби сифатлари билан боғлади. Ёзувнинг бу жойи, худди кўплаб бошқа жойлари каби, бир неча маънога эгадир. Энг аввало, у Христианлар ушбу сифатларга эга бўлиши лозимлигини англатади. Чуқурроқ қаралса, бу дегани, Исо Масиҳ — Баркаиол Одам эканини англатади, ва ушбу сифатлар Унинг характерига хос хусусиятлардир. Исо ўлиб ва тирилганидан кейин У Ўз Руҳини Ўзининг Черковига юбордики, қайсики эндиликда Унинг ер юзидаги Танаси ҳисобланади. У мана шу Танани еттита черков даврлари давомида биринчи даврдан Унинг Сўзига ишонишни эълон қилиб, бошлаб ва иккинчи даврда яхши фазилатга алоҳида эътибор бериб, давом этиб, ва ҳоказо, камолга етказиб бораверди. Билли буни синф доскасида саккизта сатҳ чизиқда пирамида чизиб, намойиш қилди. Унинг асосида имонни жойлаштирди, кейинги сатҳда фазл-камолотни ва ҳоказо, юқорига токи еттинчи сатҳга етгунича кўтарилавериб, қайсики уни у биродарсеварлик деб номлади. У чизган расмда юқори қисмдаги еттинчи сатҳнинг кесилган жойи билан учбурчак (тугаллайдиган) Тош Черковнинг Боши, Исо Масиҳнинг Ўзини билдиради, қайсики Ўз Танаси билан Кўтарилиш вақтида бирлашади.

Кейин Билли Мисрдаги Буюк Пирамида ҳақида гапирди, қайсики у ўзининг ён атрофларида қурилган барча қолган кичикроқ пирамидалар учун намуна эди. Кичик пирамидалардан фарқ қилиб, Буюк Пирамидада ҳеч қачон битта ҳам фараон дафн этилмаган эди. Енох пайғамбар Буюк Пирамидани бир кун келиб Худо Қутқарувчи ва Подшоҳнинг юборилишини асрлар оша тимсоли этиб қурган эди. Бу нарса Исо келганида бўлиб ўтади. Буюк Пирамиданинг марказида Шоҳ хонаси турибди, худди ўша қурилган кундаги сингари, ҳозир ҳам ўша жой бўш турибди. Бу нарса Пасха тонгида Исонинг қабрини бўшлигини тимсолидир. Буюк пирамида чўққисидан кесиб қўйилган. Унда ҳеч қачон бурчак тоши қўйилмаган. Нима учундир қуриш вақтида бурчак тоши рад қилинган эди. Подшоҳ Довуд бу Тош ҳақида гапирган эди ва кейинроқ Исо Довуднинг сўзларини цитата келтирганди: *Бинокорлар кераксиз деб ташлаган Тош, нақ бинонинг пештоқидан жой олди. Бу Худованд иродаси туфайлидир. Бизга эса ажойибот тимсолидир.*[52] У шуни таъкидладики, пирамида — ягона иншоот бўлиб, унда бурчак тош ва қулфловчи тош *бир хил формага эга* бўлиб, бу Исонинг Ўз Черковига асос солишини ҳам, Уни тугатишининг ҳам тимсолидир.

[52] Санолар 117:22-23; Матто 21:42; Марк 12:10; Луқо 20:17

1962 йил ноябрида Биллини кўп йиллар қийнаган солиқлар бўйича ҳукумат иши ва ниҳоят поёнига етди. Биллининг адвокати, жаноб Орбисон унга қўнғироқ қилиб, АҚШнинг Солиқ Бошқармаси ўзаро келишувни таклиф қилганини айтди. Билли ҳукуматнинг

таклифини эшитиш учун адвокатнинг идорасига келди. У эшитганларидан қаттиқ қўрқиб кетди. Солиқ бошқармаси адвокати унга ҳукумат сендан тўланмай қолган қарз — 15 000 долларга ва 10 000 доллар жарима кўринишида олишга рози деди. Агар бу цифрга адвокат ҳақи тўлови учун 15 000 долларни қўшса, унда Биллини қарзи 40 000 доллар бўлади.

“Мени ўлдириб ташланг ва шу билан тугатамиз!” — деди Билли. “Менинг банк ҳисобимда бор-йўғи 75 доллар бор. Мен қандай қилиб 40 000 доллар тўлайман? Мен уни қарз қилиб ҳам ололмайман, чунки қарзни қайтаришни кафолатлайдиган менда ҳеч нарсам йўқ. Ҳаттоки, агар мен қарз олиб билганимда ҳам, қандай қилиб мен уни қайтариб бераман? Менинг маошим ҳафтасига бор-йўғи 100 доллар. Йўқ, мен бу билан мутлақо рози эмасман.агар менда пул бўлганида эди, уни тўлаш учун ҳамма имконини қилар эдим; аммо менда бу пуллар йўқ. Агар мени айбим бўлса, нима учун улар мени айбдор қилмайдилар? Уларда шундай қилиш учун етарлича вақти бор эди, аммо улар бу учун ҳеч қандай асос тополмайдилар. Йўқ, мен уларга тўламайман, токи улар шу солиқни тўлашим лозимлигини исбот қилмас эканлар”.

Жаноб Орбисон Биллини бошқа хонага тез олиб ўтди-да, у билан якка қолиб, маслаҳатлашиб олди. “Бранхам ака, агар биз уларнинг таклифини қабул қилмасак, улар сизни судгача этишади. Солиқ Бошқармаси сизнинг кампанияларингизга одамлар қилган эҳсон пулларнинг барчаси, сиз мана шу чекларга имзо қўйган пайтингизда сизникига айланган, сизники бўлган деб арз қилишади. Албатта, биз ҳар бир доллар Бранхам черковининг банк ҳисобига кетган ва черковнинг бошқа қонуний ҳаражатларига сарфланганлигини исбот қилиб биламиз. Сиз шу пулларни ўзингиз учун ишлатмаганлигингиз учун, суд ишида ютиб чиқиш учун бизда 98 фоиз шанс бор. Бироқ биз буларни ихтиёрий, эҳсонлар эканини исботлаганимизда, эҳтимол, солиқ бошқармаси эҳсонлар учун маълум бир тур солиқ тўлашимизни талаб қилар. Эҳтимол, бу иш яна беш йил чўзилар ва суд муҳокамасида сизнинг харажатларингиз улар ҳозир таклиф қилган келишувдаги 25 000 доллар кўп бўлар. Бундан ташқари, 25 000 доллар, улар талаб қилаётган 355 000 доллардан анча кам-ку”.

“Менинг ҳурматли исмим нима бўлади, а? У ҳақида ўйламаслигим керакми?”

“Бранхам ака, ҳукумат адвокатлари сизга қарши ишлатиш учун бирор-бир ноқонуний нарса тополмайдилар. Сизнинг ҳаётингиз беками-кўст. Аммо иш судга оширилиши билан газеталар сизнинг обрўингизни тушурадиган лавҳаларни биринчи саҳифаларида босадилар. Суд муҳокамаси тугаб ва сиз айбдор эмаслигингиз исбот бўлганида эса,улар бу ҳақида қисқагина қилиб, 12 саҳифада босишади. Кўпчилик одамлар сизнинг оқланганлигингиз ҳақида ҳеч нарса эшитмайдилар ҳам. Ўша пайтда сизнинг обрўингизга путур етказилган бўлади. Мен сизга уларни таклифини қабул қилишингизни тавсия қиламан”.

Билли адвокатининг конторасини, унинг тавсиясини тўғрилигига ишончсизлик билан қолдириб, чиқди. Уйига келиб, хотинига деди: “Болаларни ювинтир ва ҳамма нарсаларимизни йиғиштир. Кетамиз. Мен ҳукуматга қарз бўлмаган пулларни тўламагунимча, қолган умрим дарбадар бўлиб яшайман”.

Эри тинчланиб олмагунча, Меда озроқ индамай турди. Кейин у ўтирган стулга келди, қўлларини унинг елкасига қўйди ва астагина деди: “Қочиб юриш ёрдам бероладими?”

“Меда, ҳаммаси оёғи осмондан келганга ўхшайди. Мен ҳаётимни одамларга солиқларни тўлашга ва ҳаққоний, тартибли яшашга ўргатиб, яшадим. Нима учун ҳукумат менга инжиқлик қилаверади?”

“Билли, сен ҳукуматнинг таклифи билан нима қилишликни Худодан сўрадингми?”

“А”, — деди у истар-истамас, — “Ҳа, ҳеч бўлмаганда мен у учун ибодат қилишим керак”.

У хонасига кирди, стол ёнида ўтириб, ибодат қилди. Тез орада унга ажойиб фикр келди. Библиядаги хизматга чорланган қарийб ҳар бир одам, агар уни иблис унинг ишлари бўйича тузоққа туширолмаса, унда иблис унга зарар етказиш учун ҳукуматдан фойдаланган. Унинг фикрида кўплаб мисоллар ўтди: Мусо, Дониёр, Еремия, Яхё Чўмдирувчи, Исо, Павел, Пётр, Юҳанно (ҳукумат зиндонларга солган ёки қатл қилган барча одамлар) ва рўйхат давом

этаверди. Билли ибодат қилди: “Раббий, мен нима қилишим керак? Менга Ўз Сўзингдан жавоб бер”. У шу ҳақида ибодат қилиб бўлиши билан, Худо унга шу ҳолатга боғлиқ Библиядаги бир ҳикояни эслатди. Бир куни Исодан, У ва шогирдлари солиқ тўлайдиларми, деб сўрадилар. Исо Пётрга деди: *“Ҳақиқатда бизлар бу мажбуриятдан озод этилганмиз. Бироқ биз уларни жаҳлини чиқармаслик учун, кўлга бор ва анжомингни ташла. Сен тутган балиқнинг оғзида танга бўлади. Мана ўшани олда, ўзимиз учун солиқ тўла”.*[53] Билли ўйлаб қолди: “Бу ҳақиқат, Раббим. Сенда бутун ер юзида балиқ-банкларинг бор. Менга пулни қаердан олишни кўрсат, ва мен ҳукуматга, у хохлаганини тўлайман”.

[53] Матто 17:24-27

Қарасаки, энг яхши балиқ-банк унинг эски қадрдон дўсти Уилльям Даух[54] экан. Бу саксон тўққиз ёшли миллионер, қайсики Огайо штати, Лаймда яшар ва ўзининг мол-мулкини қоғоздан маҳсулотлар ясаб, орттирган эди. Уилльям Даух Уилльям Бранхам ҳақида биринчи марта 1958 йилда эшитган эди. Ўша йили унинг рафиқаси Глэдис ракдан хазон бўлаётган ва кимдир унга Жефферсонвиллидаги Бранхам кампанияси офисига ёзишни ва бепул ибодат қилинган газлама юборишларини сўрашни маслаҳат берди. У шундай қилди. У конвертни очиши ва мана шу ибодат қилинган газламага тегиши билан, ўзида бир енгиллик ўтганини ҳис қилди. У ўша заҳоти шифоланган эди. Даухлар Жефферсонвиллига келишди ва Биллининг ваъзини тингладилар, ундан кейин эса Исо Масиҳ Исмида сувда чўмдирилган эдилар. Ўша вақтлардан бошлаб улар Биллининг кетида бутун мамлакат бўйлаб эргашиб, унинг кампанияларида қатнашиб юрдилар.

[54] Даух сўзининг немисча харфма-харф айтилишиДоу дегандай айтилади.

Уилльям Даух Биллига 40 000 доллар беришдан бахтиёр бўлишини айтди, қайсики Билли унга муҳтож эди. Билли пулни ҳадя сифатида олишдан бош тортди, аммо уни у қарзга олди. Уларни у ўн йил давомида тўлашини айтди. У ҳар йил тўрт минг доллардан тўлаб боришга умид қилган эди. Уилльям Даухни улар тўланадими – йўқми ташвишлантирмади ҳам.

Ноябр ойи бошларида Билли Солиқ бошқармаси манзилига 25 000 долларга чек ёзиб берди. Хабар бериш учун чапдан пастдаги сатрда у: “Барча тўланмай қолган солиқлар тўлиқ тўланди”, — деб ёзди. Кейин уни у почтадан жўнатди. Бир ҳафта ўтди. 25 ноябрда унга Луизиана штати, Шривпортда бир ҳафталик ваъзлари режалаштирилган эди. Шривпортга жўнаши арафасида, у банкка қўнғироқ қилиб, бу чек тўланганми-йўқми деб сўради. Банкда у тўланганлигини айтишди. Билли трубкани қўйди ва енгил тин олди. Ошхонага чопди, хотинини қучоқлади ва: “Азизам, мен — озодман! Эски қарз тўланди. Энди мен Раббим қаерга этса, бора оламан. Мен озодман! О, озод бўлиш учун мен ўзим ҳеч нарса қилолмаган бир пайтда, кечирилиш қандай яхши!” — деди. У ўзини қарийб ўша кунгидек, 30 йил бурун Исони ўзининг Қутқарувчиси деб қабул қилган кунидагидек ҳис этди. У озод эди!

1962 йил декабрь охирларига яқин унинг черковидан бир аёл ибодат қилиши учун уни уйига келди. Кейинги эрталаб жарроҳ уни Луисвиллида бу Стеффи хонимни операция қилиши керак эди, ва у аёл операция натижасидан ташвишда эди. Ўтган кеча кўрган туши ҳам уни ўйлантирар эди. У деди: “Мен туш кўрдим, унда мен ғарбий чўллардан борар эдим. Ва мен катта тепаликни чўққисида қария одамни турганини кўрдим. Унинг сочлари оқарган, соқоллари узун ва унда оппоқ кийими бор бўлиб, шамолда ҳилпирар эди. Бу ким бўлиши мумкин деб қизиқиб, унга яқинроқ келдим. Қарасам, у Илёс пайғамбар экан, у тепаликдан шарқ томонга қараб турган эди. Мен у билан учрашишим керак деб ўйлаб, шу учун мен тепаликка чопиб чиқдим ва унинг оёғига ўзимни ташладим. У: “Стеффи опа, сен нима хохлайсан?” — деди. Бранхам ака, бу сизнинг овозингиз эди. Мен юқорига қараганимда, у ерда сиз тургандингиз!”

Стеффи опа тушини айтиб бергунигача, у ҳам худди шу ҳақида ваҳий кўрди. Худо тушни тушунтирмоқчи бўлганида, ҳар доим шундай бўлар эди. Гарчи Билли Стеффи хонимнинг тушини таъбирини билса-да, у билганини билдирмай тураверди. Гўё, у туш ҳам бошқа тушларга ўхшаш эди. Охирги икки йил давомида яна беш киши у ҳақида туш кўрган эди.ҳар бир туш фарқ қилса-да, бироқ уларнинг барчасида умумий маъно бор эди. Умумийлиги ҳам шунда эдики, у барча олтита тушда ҳам ғарбда бўлар эди. Худо уни бирор

нимага тайёрлаб, унга бирор шама қилаётганмиди? У ушбу ипларни тўлиқ бир умумий манзарага боғлаёлмас эдики, мана шундан у ташвишда эди.

Кейинги кун у кўприкдан ўтиб, Луисвиллига, Стеффи хонимни операциядан кейин кўришга борди. Декабрда об-ҳаво мўътадиллигича қолган эди. Ўша куни ҳарорат 0 градусдан пасайди, шаҳар устида кулранг булут қорни ваъда қилиб турар эди. У уйига қайтганида, унинг подъездига киришни билдирадиган пирамида формасидаги тош устунча билан ёнма-ён қилиб ерга қоқилган ер ўлчовчи устунчасини кўрди. Ер ўлчовчилар бригадаси теодолит билан ўлчаб ва ерга ёғоч устунчалар қоқиб, кўчанинг нарироғида ишлар эди. Билли машинасидан чиқиб, бригадирдан нимани режалаштираётганларини сўради. Жаноб Гойн шаҳар харитасини очди ва Биллига кейинги йили кўчани кенгайтирмоқчи эканликларини айтди.

Билли уйига қайтди. У уйига кириши билан Меда ундан озиқ-овқат дўконига харид қилиш учун элтишини сўради. Улар ўзларининг универсалларига ўтиришди ва у орқаси билан юриб, Эвинг Лейнга ер ўлчовчилар бригадаси яқинидан ўтмаслик учун бурилиб чиқди. Қўшниларидан бири, ер ўлчовчилар билан ишлаётган Рэя Кингни кўриб, Билли тўхтади ва у билан гаплашиш учун эшиги ойнасини туширди.

“Эй, Мад”, — деди у, уни болаликдаги лақаби билан чақириб, — “менга айтчи, менинг подъездим олдида сен қоқиб қўйган устунчанг нима бўлиши мумкин. Менинг хусусий мулким токи кўчагача давом этади, деб ўйлар эдим”.

“Билли, шаҳар ҳокимияти шу кўчани кенгайтирмоқчи бўлаяпти. Уларда ўша мен қоққан қозиққача узоқлашиш полосаси аниқлаб қўйилган. Кўча томонда нимаики бор бўлса, деворми, дарахтми, подъезд йўлагими ва бошқаларми, ҳаммаси кўчирилиши керак. Бу менинг ўзимни ҳовлимга ҳам тааллуқли”.

“Мен тош устунчаларимни асраб қолмоқчийдим. Мумкин Вуд акадан уни кўчириб беришини сўрарман. У — тош терувчи”.

Рэя Кингда бошқача фикр бор эди. “Йўл қурадиган пудратчи ҳамма нарсани кўчирилиши учун жавобгар”, — деди у. “Нима учун сен унга буни ишонмаслигинг керак?”

Билли жўнаб кетгандан кейин, Кинг таклифи ҳақида ўйлаб қолди. Нима учундир булар ҳаммаси унга танишдай кўринди, гўёки худди шу барча вазиятларга у олдин ҳам тушгандай эди. Дўкондан қайтиб, у маҳсулотлар солинган сумкани ошхона устунига қўйди ва ундан кейин хонасига шошилди. Жавондан ваҳийлар ёзилган китобчани олди ва уни токи 1958 йил февралида ёзиб қўйган ваҳийсига етиб боргунича, варақлайверди.

Билли ўқиб чиқди: “Менинг мулкимга ер ўлчовчилар устунчалари қоқилган... тошлар менинг подъезд йўлагимни чегаралайди... йўлчи грейдерлар ва скреперлар кўчадан у ёқдан – бу ёққа бориб келаяпти... ёш йигит менинг ҳовлим олдини суриб ташлаяпти”, — бирдан шулар ҳақидаги хотиралари эсига келди. У мана шу ваҳийни, Билли Поль уни Айова штати, Уотерлуда дўсти Джин Норманн ташкил қилган шифоланишлар кампаниясидан уйга қайтариб олиб келаётганида кўрган эди. Ўша ваҳийда у ҳовлиси олдини бузиб, бетартиб қилиб ташлаган ўша ёш йигитга саволлар берган эди. Ёш йигит унга қўпол жавоб берганида, Билли уни бир уриб йиқитган эди. Кейин Раббий Фариштаси деди: *“Бунга эътибор берма. Қачонки сен уйинг подъезди олдида мана шу қоқилган устунчаларни кўрсанг, кун ботарга — ғарбга кет”.* Кейин у оиласини подъезд олдида турган фургон аравада ўтирганини кўрди. Билли аравакаш ўрнида ўтирган ва қўлларига тизгинни олди. Қачонки у чарм тизгин билан йўл бошловчи отларни урганида, усти ёпиқ фургон арава унинг замонавий Форд маркали универсал машинасига айланди. Мана шу ерда ваҳий тугади.

Ва ниҳоят, мана шу олтита тушнинг маъноси равшан бўлди ва у уларни тушуна билди. Беш йил муқаддам кўрсатилган шу ваҳийда кўрсатилган, подъезд йўлагидаги мана шу устунча, ҳамма манзарани поёнига етказди. Оиласини йиғиб, Билли уларга ваҳий ҳақида эслатди. Кейин у уларга подъезд йўлагидаги устунчани кўрсатди ва уларга жўнаб кетишлари учун тайёрланишларини айтди; бироздан кейин улар ғарбга жўнаб кетдилар. Кейинги куни у Джин Норманнга қўнғироқ қилди (қайсики у ўша вақтда Аризона штати, Тусонда яшар эди) ва Джиндан унга у ижарага олса бўладиган уй ёки квартира топиб беришини сўради.

Бир неча кундан кейин Меда Кентукки штати, Луисвиллидаги ўзининг гинекологига борди. У чап томонидаги киста лимондай катталиккача ўсганлигини билди. Унга врачи киста жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш кераклигини айтди. Билли унга, Джин Норманн уларни яшаши учун жой топиши билан, Тусонга кўчиб кетишлигини айтди. Шунда гинеколог уларни Тусондаги гинеколог, Доктор Скоттга юборди ва улар билан Меданинг тиббий ҳужжатларини ҳам жўнатди.

1962 йил 22 декабрь, шанба, кечаси соат учларга яқин Билли ётган жойидан турди ва бир пиёла сув ичиш учун ошхонага ўтди. Қайтаётиб, ухлаётган ўғлига бориб қаради. Иосиф уйқусираб, оёғи билан одеялини тушириб юборган эди, шу учун Билли уни яна ўраб қўйди. Кейин у ўрнига, иссиқ одеялига кирди. Тахминан тонг отарда у тушида каттакон одамни кўрди. У қўлига уч қиррали таёқни олиб, кичикроқ жуссали аёлни уриб йиқитди. Гўё бу эркак ва аёл унинг ота-онасига ўхшаб кетар эди. Ҳали аёл ҳиқиллаб йиғлаб ерда ётар экан, бу йирик одам унинг атрофида қилган ишидан мағрурланиб айланиб юрар эди. Гандираклаб, аёл ўрнидан турди. Йирик одам уни қўлидаги уч қиррали таёғи билан яна бошига туширди. Аёл ҳолсизланиб қулади. Уйқусида Билли бу нарсани узоқдан кузатиб турди. У ўйлади: “Мен бу одам билан курашолмайман, чунки у жуда ҳам катта. Агар менга у билан курашишга тўғри келса, мен уни ҳеч қачон мағлуб қилолмайман. Бироқ у аёл билан бундай шафқатсиз бўлмаслиги керак”. У яна шу одам кичикроқ аёлни урганини кўрганда, бундан у жуда хафа бўлиб кетдики, у ҳар қандай қўрқувни йўқотди. У бу одам ва уни хотини ўртасига тушиб,Билли деди: “Сен уни уришга ҳаққинг йўқ”. Кутилмаганда Биллининг мускуллари, токи у ҳам ўша улкан одамдай бўлгунича йириклашаверди. Аёл яна туришга уринди, аммо эркак яна уни уриш учун таёғини кўтарди. Билли таҳдид қилди: “Агар сен уни яна урадиган бўлсанг, мен билан ҳисоблашишингга тўғри келади”. Эркак Биллининг мускулларига қараб турди-да, жим қолди.

Билли тушдан ҳақиқатга ўтиб қолганига ҳайрон бўлиб, уйқудан уйғонди. Ётоқхонада Меда йўқ эди. У ошхонада овқатланаётганларини эшитди. Деразадан майда-майда қор учқунлаётганини кўрди. Ёстиққа ўзини ташлаброқ ўтирди-да, ўйлади: “Булар ҳаммаси нима бўлса экан? Аёл ҳақидаги бу туш ғалатироқ кўринади”. Тез орада тушни тушунтириш учун ваҳий келди. Бу аёл ҳозирги замон черковларининг христианларини англатади, бу одам эса уларни бошқариб турган деноминация системасини билдиради. Бу уч қиррали тўқмоқ эса уч бирлик Худо ҳақидаги ёлғон ғояни ва унинг туфайлидан унга эргашадиган хато чўқинишни англатади. Ҳар сафар, йиғилиш кўтарилишга уринганида ва Исо Масиҳ Исмида сувда имон келтиришни қабул қилмоқчи бўлганида, деноминация уларни ушбу троица яъни учбирлик догмаси билан уради. Кўп йиллар давомида Билли бу системага жуда хохламай чақириқ ташлаган эди, чунки у деноминаци жуда ҳам йирик эди. Ва ниҳоят, унга қарши чиқди ва шунда унинг имони мускуллари Римликларга 8:31 мактуби даражасигача бақувватлашди, ўсди: *“Агар Худо биз томон бўлса, ким бизга қарши чиқар экан?”*

Бугунги жанг одатдан ташқари эди. Гўё, Муқаддас Руҳ унинг эътиборида қанот қоқаётган кабутарнинг соясига ўхшаб, унинг онги чегараларида сузарди. Уни кўриш учун бурилса, соя узоқлашар эди; қачонки у унга эътибор бермасликка ҳаракат қилса, унга тегажоқлик қилиш учун кабутар қайтиб келар эди. Эрталабки соат тўққизларга яқин уни ҳеч ким безовта қилмаслиги учун ўз ётоғига кирди ва Раббийга мурожаат қилди. Кровати ёнида тиз чўкди ва токи ваҳий бошқа ўлчовларга эшик очиб бермагунича, ибодат қилаверди.

Ваҳий ва туш баъзи бир тафсилотлари билан бир-бирига ўхшайди. Уларнинг иккиси ҳам миянинг онг остида, тасаввуридан информациянинг нейрокимёвий жараёнлар орқали онгга ўтиши бўлиб, қайсики улар образларни миянинг мос жойларида қайд қилади. Шу билан ҳамма ўхшашлиги тамом. Тушлар ҳар кун йиғиладиган миллион бит информациялар орқали тақсимланадиган, классификацияланадиган ва улардан баъзиларини сақлаб қоладиган ва қолганини ташлаб юборадиган қўшимча маҳсулотдир. Баъзан Худо Мактубини йўналтириши учун ушбу образлардан моҳирлик билан муносабатда бўлади, аммо одатда тушлар — бор-йўғи тезкор туш цикли давомида миянинг табиий функцияси холос. Ваҳий, аксинча, башорат қилувчи уйғоқ бўлган вақтида бўлиб ўтади. Ваҳий вақтида Худо

ғайритабиий тарзда сезги асабларини айланиб ўтади ва тўғридан-тўғри мияда образлар ҳосил қилади. Баъзан Билли буни, башоратчида миянинг онг ва онг ости қисмлари бирлашиб кетади, деб тушунтиришга уринар эди. Замонавий терминалогиядан фойдаланиб, бу нарсани “ғайритабиий тарзда чақирилган вертуал реаллик” каби тушунтириш ҳам мумкин. Башоратчи кўриб, эшитиб, сезиб ва буни бошидан ўтказа туриб, ўша ерда бўлади.

Ўша ваҳий, қайсиники у кўрган эди, энди уни Аризона штати, Тусондан шимоли-ғарб томонга, тоғлик жойга этиб қўйди. Тиконли ўсимликлар қизғиш тепаликлар ва чўққили тизмалар бўйлаб жуда сийрак ўсар эди. Билли ўғли Иосиф билан, гарчи уни кўрмаса ҳам, гаплашар эди.

Шу яқин ўртада бута бор эди. Унда кичкинагина қушчалар ўтирган бўлиб, уларнинг ҳар бири ярим дюйм келар, худди митти калибри (Америкадаги майда қушлар)ларга ўхшаб шундай майда эдилар. Ушбу қушлар шохчаларда пирамидани ҳосил қилиб ўтиришган эдилар. Уларнинг барчаси худди узоқлардан учиб келгандай ва кучдан қолгандай, қийналиб, паттайиб қолгандай кўринишар эди. Улар шохдан-шохга қўниб, тинимсиз чуғурлашар эди. Гўё унга улар нимадир демоқчи эди-ю, аммо у буни тушунолмас эди. Битта қуш шарққа, кун чиқарга қараб учувди, бир лаҳза ўтиб унинг кетидан учаётган вақтида пирамида формасини сақлаган ҳолда, бутун тўда унинг кетидан парвоз қилди. Шу онда у йирикроқ қушларнинг қанот қоқаётган шовқинини эшитди. Ғарб томондан унинг ёнидан V шаклда шарққа қараб майда қушлар кетидан кетган кулранг кабутарлар тўдаси учиб ўтиб кетди.

Ваҳийда Билли эгилиб, шимини баридан аломатчойни юлиб ташлади. Мана шу пайт портлаш ерни силкитди, ва тоғ қияликларидан тошлар думалади. Портлаш худди бош узра момоқалдироқ гумбурлаганидай эшитилди, ёки товушдан тез учар самолётнинг товуш тўсиғини енгиб ўтишига ўхшаб кетди. Ғарбга қараб Билли осмонда унга қараб пирамида шаклида яқинлашиб келаётган юлдузлар туркумини кўрди. Ўша юлдузлар уни ақли бовар қилмас даражада катта тезликда яқинлашганига ўхшаб, борган сари катталашаверди. Кейин у англадики, бу юлдузлар эмас, балки фаришталар — орқаларидаги кучли қанотлари билан қудратли зотлар эди, уларнинг бошлари озгина бурилган бўлиб, улар оппоқ либосда эдилар, улар унга абадийликдан шошилиб келишаётган эди. Улар унга шунчалик тезликда яқинлашаётганларидан, Биллини уларни санашга ҳам вақти бўлмай қолди. Улар ҳеч бўлмаганда бешта эдилар, лекин еттитадан кўп эмас эди. Кўз юмиб очгунча улар уни ўраб олишди, уни ўзларининг ораларига-*пирамидага* олдилар. Энди у уларни кўролмас эди, аммо атрофида уларнинг борликлари қудратини ҳис қилар эди. Улар уни қўрқитиб юбордилар. У ўйлади: “Бу мен ўлишимни билдирса керак, қандайдир портлашдан ўлсам керак”. Кейин у уни Иосиф чақираётганини эшитди. Шунда у ўйлади: “Йўқ, агар мени бу портлаш ўлдирса эди, бу Иосифни ўлдириши керак эди. Аммо мен ҳали ҳам гапини эшитаяпман. Бундан ташқари ўлим фаришталари келса, бир ўзи келар эди. Агар бу ерда бешта фаришта бўлса, бешта — бу иноят; агар еттита фаришта бўлса, етти — бу тугаллик. Нима бўлганида ҳам, бу менинг янги хизматимнинг чўққисини англатади”. У баланд овозда бақирди: “Раббий Исо, мени нима қилишимни истайсан?”

Кутилмаганда Билли ўзининг ётоғини кўрди. Эрталабки соат ўн эди. У Меданинг эшик дастагидан тортиб, уни чақираётганини эшитди. У жавоб бермади. Унинг тили, гўё врач унга анестезия қилганидек, увушиб қолган эди. У бутун танаси беҳол ва чарчаганини сезди.

Одамлар Раббийни Борлигидан сезиш ҳақида, худди бу ёқимли ҳиссиётдек гапирадилар. Улар Унинг Борлигини Унинг дуолари билан адаштирадилар. Қудратли Худованднинг Ҳақиқатдан ҳам Мавжудлиги сизни эҳтиромли қўрқувга соладики, бундан одам куч-қувватидан маҳрум бўлади. Ишайё ва азиз Ҳаворий пир Юҳанно, булар иккиси ҳам бундай ҳозирлик яқинида бўлган эдилар, ва улар ўзларини ўлаётгандек ҳис қилган эдилар.[55]

[55] Ишайё 6:1-5; Ваҳий 1:10-18

Меда ётоқхонага киришга урунишини қўйди. Қотиб қолишлик Биллининг танасини аста-секин қолдирди. Қачонки у ўзида туриш учун етарлича куч сезгач, турди ва ўттиз дақиқа давомида, ваҳийдан ақли шошиб ва бу нимани англатиши ҳақида ўйланиб, ётоқхонада у ёқдан – бу ёққа юриб турди. Бу унинг ўлимини англатиши мумкин деб, у ҳали

ҳам ўйлар эди. Одамзод қандай қилиб бундайин портлашни бошидан ўтказиши мумкин? Ниҳоят у тўхтади ва ибодат қилди: “Раббий Исо, агар бу ваҳий мени тез орада ўлдиришларини англатса, Сен буни менга айтасанми? Шунда мен буни ўзимнинг қариндошларимга айтмаслигим учун, ўзим биламан. Агар бу *менинг ўлимимни* билдирса, илтимос, менга буни билиб олишим учун Ўз Қудратингни юбор”.

У бироз кутиб турди. Ҳеч нарса бўлиб ўтмади. Ўша ерда турган вақтида унинг ҳаёлига мана нима келди: бу зиғирдек қушчалар унинг хизматининг биринчи сакраши — қўлидаги аломатни билдира оладилар. Агар улар шуни билдирсалар, унда иккинчи тўда қушлар унинг хизматини иккинчи сакрашини — ваҳий орқали фикрларни билиб олишликни билдиради. Фаришталар тўдаси, эҳтимол, унинг хизматини учинчи сакрашини билдиради. У ибодат қилди: “Раббий Исо, агар бу менинг ўлимимни билдирмаса, ва агар Сенда мен қилишим керак бўлган нимадир бўлса-ю, у менга кейинроқ очиладиган бўлса, унда менга Ўз Қудратингни юбор”.

Уни атрофида айланган қуюн, уни полдан, ердан узди ва уни донг қоттириб ва ярим хуш қилиб бурчакка этиб қўйди. У ўзига келганида, тизасида Библияси билан ўтирар, унинг саҳифалари Римликларга мактубнинг тўққизинчи бобида очиқ турар эди. У мана шу бобнинг охирги тўртта оятини ўқиб, жуда таажжубда қолди: *“Энди бунга нима деймиз? Бир ёқдан солиҳлик пайидан бўлмаган мажусийларни Худо Ўзи оқлади, улар Масиҳга ишониб, солиҳ деб қабулга ўтдилар. Иккинчи ёқдан Исроил халқи ўзимизни оқлайлик деб, Илоҳий Қонунга қаттиқ риоя қилишга уннаб, Қонунни ўринлатмай, айбдор бўлиб қолди. Нима учун? Чунки улар имонга таянган солиҳликни изламай, балки Қонун амрларини бажариш билан савоб қозонмоқчи бўлдилар ва тўсиқ тошига қоқиниб, мункиб кетдилар. Худди Тавротда ёзилганидек: “Мана, Мен Сионда бир тўсиқ тошини, одамлар қоқиниб кетгуси тошни қўюрман. Унга эътиқод этган киши уятга қолмас”.”*

Библиясини ёпиб, ўрнидан турди, деразага келди. Энди унинг ҳовлисини қор бир неча дюйм қалинликда босган эди. Қўлларини кўтариб, у шундай деди: “Раббий Худо, бугун мен учун ҳайрон қоларли кун. Бунинг барчаси нимани билдиради? Агар шу ёзув жойи сенинг тушунтиришинг бўлса, уни яна бир бор ўқиб чиқишга рухсат бер”. У Библиясини олди ва таваккал қилиб саҳифани очиш учун, ўнг қўлини катта бармоғи билан уни очди. Унинг китоби ўша жойнинг ўзида очилди: *Мана, Мен Сионда бир тўсиқ тошини...*

1962 йил 30 декабрь, шанба кечқурунида Билли, “Жаноблар, бу охирги кун аломатими?” деган ваъзини ўқиди. Ўзининг охирги ваҳийсини тушунтирганидан ва унга таъсир қилган ўша нарсани узатишга урриниб кўрганидан кейин, у шундай савол берди: унинг кўрган ваҳийси Ваҳий Китобининг 10-боби 1-7 оятларида ёзилган воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкинмикан. Юҳанно ёзган эди:

Мен осмондан тушаётган, булутга бурканган бошқа бир фаришта ҳам кўрдим. Унинг боши узра камалак бор эди. Юзи қуёшдай ялтирар, оёқлари олов устунларидай ловуллаб турар эди. Унинг қўлида очилган бир китобча бор эди. У ўнг оёғини денгиз устига, чап оёғини эса ер юзига қўйганича, арслон бўкиргандай кучли овоз билан ҳайқирди. У ҳайқирган маҳалда еттита момоқалдироқ ҳам ўз товушлари билан гапга кирди. Еттита момоқалдироқ ўзича гапира бошлаганида, мен ёзмоқчи бўлдим. Лекин осмодан: “Еттита момоқалдироқнинг гапларини ёзма, муҳрлаб сир сақла!” — деган товушни эшитдим. Денгиз ва ер юзида турган, мен кўрган фаришта ўнг қўлини осмонга кўтарди. Осмон ва ундаги борлиқни, денгиз ва ичидаги борлиқни яратган, абадул-абад барҳаёт бўлган Парвардигор ҳақи қасам ичиб,фаришта деди: “Энди муҳлат узаймайди. Мана, еттинчи фаришта карнай чалиб овоз берадиган кунларда, Худо Ўз қуллари — пайғамбарларга маълум қилган Ўзининг сирли мурод-мақсадини буткул амалга оширгай”.

Билли деди: “Ваҳий Китоби 10:7 даги еттинчи фаришта Ваҳий Китобининг 3:14 га мувофиқ еттинчи давр черковига элчиси эканлигига мен ишонаман. Ёзувнинг иккала жойи ҳам ўша битта одамга, охирги черков даврининг элчисига қаратилгандир. Ундаги мактубга эътибор беринг: Китобда ёзилиб қўйилган, Худонинг барча сирлари охирига етади. Еттинчи

фаришта реформаторлар ва теологлар бирлаштира олмаган барча боғланмаган учларини олади ва ушбу китобда ёзилган Худонинг барча сирларини битириб, уларни боғлайди".

Кейин Билли Библиясидаги Худонинг сирлари хусусида Матто 13 бобнинг Скоуфилд иловаларидаги тушунтиришларидан ўқиб берди. Муҳтарам Скоуфилд ёзган эди: "Ёзувдаги "Сир" — бу олдин яширин бўлган, энди эса Худонинг қудрати билан ошкор бўлган ҳақиқат, аммо унда, очиқлик бўлишига қарамай, ғайритабиий аломат қолаверади. Буюк сирлар: (1) Осмон Шоҳлиги сири; (2) мана шу давр давомида Исроилнинг кўрмаслиги сири; (3) бу давр охирида муқаддасларнинг тирик кўтарилишлари сири; (4) яҳудийлардан ва мажусийлардан иборат бир Тана каби бўладиган Янги Аҳд Черкови сири; (5) Масиҳ Келини каби бўлган Черков сири; (6) тирик Масиҳ ҳақидаги сир; (7) "Масиҳнинг Ўзидаги, Худонинг сири", яъни Масиҳда Илоҳийлик тўла-тўкис мужассам ва унда инсон учун бутун Илоҳий ҳикматлар бор; (8) инсонларда Худоги ўхшашликни қайта тиклайдиган таъсир сири; (9) қонунсизлик сири; (10) етти юлдуз сири; (11) Бобил сири.[56]

[56] Муҳтарам Скоуфилднинг маълумотларида қайд санаб ўтилган, ёзув жойларига далиллар, мос ҳолда, (1) Матто 13:3-50; (2) Римликларга 11:25 даги парчаси; (3) I Коринфликларга 15:51-52; (4) Эфесликлар 3:1-11; Римликларга 16:25; Эфесликларга 6:19; Колосяликларга 4:3; (5) Эфесликларга 5:28-32; (6) Галатияликларга 2:20; Колосяликларга 1:26-27; (7) Колосяликларга 2:2, 9; I Коринфликларга 2:7; (8) I Тимофейга 3:16; (9) II Фессолоникияликларга 2:7; Матто 13:33; (10) Ваҳий 1:20; (11) Ваҳий 17:5, 7.

Билли бу рўйхат билан асосан рози бўлди-ю, аммо у жаноби Скоуфилд яна давом этганини ҳис этди. У яна устига қўйди: (12) илон уруғи сири; (13) меҳр-шафқатнинг ҳақиқий маъноси сири, қайсини у ҳақоратланиб қолиб кетмайди; (14) дўзах сири. У узоқ ва қўрқинчли бўлиши мумкин, аммо у абадий бўлиши мумкин эмас,чунки "абадий" деган сўз "боши ҳам, охири ҳам йўқ" деган маънони билдиради, аммо дўзах яратилган эди ва у йўқ қилинади; (15) Муқаддас Руҳга эмоцияларсиз (ҳиссиётларсиз) Тўлиш сири, аммо Масиҳ Шахси сизларда У қилган ўша ишларни амалга оширади; (16) сувда чўмдирилиш сири, қайсики бунда троица тарафдорлари Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ титулларини ишлатишар, бу титуллар Раббий Исо Масиҳ Исмига киришини тушунмас эдилар; (17) охирги вақтда келадиган ва Ўзини охирги давр черкови элчиси орқали очиб берадиган Олов Устуни сири; (18) Ваҳий Китобининг етти сири, қайсики улар етти муҳр билан муҳрланган.[57]

[57] Эслатма: Уилльм Бранхам ўз ваъзларидан бу қўшимча сирларга Ёзув жойларидан иловалар бермайди, чунки бошқа ваъзларда ҳар бир мавзуни батафсил кўриб чиққан.мен бу ерда қизиққон китобхонга ёрдам бериш учун бир неча иловаларни айтиб ўтдим. Иловаларнинг тўлиқ рўйхати кўплаб саҳифаларни эгаллайди. Албатта, сирларнинг очилиши тушунтиришларда, шарх (12) Ибтидо 3:14-15; (13) Эфесликларга 2:5-9; Ёқубнинг 2:18-24; Римликларга 8:28-30; (14) Уилльям Бранхам дўзах бор нарса деб ўргатди, аммо Ёзувнинг битта ҳам жойи дўзахни абадий демайди. Матто 18:8 ва Марк 9:45 олов абадий ёнади дейди, аммо-лекин, одамлар абадий қийналади демайди. Ваҳий 20:14 ўлим ва дўзах, иккиси ҳам олов кўлига отилди дейди, қайсики у иккинчи ўлим (йўқ бўлиш) ҳисобланади. Солоникияликларга 2-мактуб 1:9 да гуноҳкорлар абадий ҳалокат билан жазоланадилар дейди. Албатта, улар йўқ бўлиниши билан, бу йўқ бўлиш доимийдир. Гуноҳ учун жазо бўлишлиги лозим, акс ҳолда Худо одил бўлолмайди. Аммо меҳрибон Худо бу жазони ўзигна хос чегарасини беради ҳам. Агар одамлар дўзахда абадий қийналганларида эди, уларда абадий ҳаёт бўлар эди. Чиндан ҳам абадий яшашликнинг фақат биргина йўли мавжуд, ва бу — Исо Масиҳни Раббим ва Қутқарувчим деб қабул қилишдир. (15) Юҳанно 3:1-8; 6:28-29; 14:12; (16) Матто 28:19; (17) Ҳаворийларнинг 26:13-19; ваҳий 1:11;21:6; 22:13. Биринчи даврдаги элчига Олов Устуни етакчи бўлган эди. Исо аввали-ю охири экан, Исо биринчи давр черковида нимаики қилган бўлса, У бу нарсаларни охирги черков даврида ҳам қилади. (18) Ваҳий 6:1-17; 8:1.

Ваъзининг қолган қисмида у Ваҳийнинг ўнинчи бобига таллуқли саволларни қўйди. Бир кун келиб Ваҳийнинг ўнинчи бобидаги воқеалар бўлиб ўтади. Бу вақт ҳозир келган бўлиши мумкинми? Шундай бўлганга ўхшайди, лекин уни бунга ишончи комил эмас эди. Одам қандай қилиб комил ишончли бўлади? Худо Ўз Сўзини амалга ошира туриб, уни таъбирлайди. Воқеа содир бўлганига қадар, одамлар бу башорат сўз нимани билдиришини фақат фараз қилишлари мумкин. Натижада воқеалар Библиявий башоратга мос келаётганлигини кўриш осон бўлади.

Бу ваъзининг сўнгида Билли деди: "Бугун кечқурун бу ерда, Огайо дарёси қирғоғида турган одамлар ўтирибди, қайсики ўшанда Овоз менга: *Яхё Чўмдирувчи Масиҳнинг Биринчи Келиши хабари билан юборилганлиги каби, Ушбу Мактуб – Унинг Иккинчи Келиши Мактуби,* - деган эди. Яхё нима қилди? Яхё: "Қаранглар – Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси!" – деди. "Биродарларим, ушбу соат яна келдими? Мен уни келиб бўлган, бошланган демаяпман; бироқ сизлардан илтимос қиламан, мен сизларни бу ҳақида ўйлаб кўришингизни истайман. Наҳотки бу ваҳийдаги бу портлаш шундай буюк

ишларни қиладики, бундан черков Худонинг сирларига эришади? Малакиё 4-бобда башорат қилгани каби, болалар юракларини орқага, оталарига қайтарармикан? Жаноблар, охирги вақт аломати эмасмикан бу? Мен билмайман, аммо мен учун бу ҳақиқатдан ҳам Ёзувга мувофиқ кўринади. Худо билади, мен сизга ҳақиқатни айтаяпман. Фақат эсингизда бўлсин, нимадир содир бўлиши керак".

"Мен ғарбга кетишим – мен бу черковни қолдираман дегани эмас, сизларга шуни айтиб қўяй. Бу – черков, уни менга Раббий Худо берди. Менинг штаб-квартирам шу ерда жойлашган. Мен фақат буйруққа итоат этиб келяпман, қайсики менга ваҳий орқали берилган эди. Ўғлим Билли Поль менинг муовиним бўлиб қолади. Менинг офисим худди шу черковнинг ўзида туради. Худонинг ёрдами билан бу ишлар тугагандан кейин мен бу ерда бўламан ва 7 муҳрни ваъз қиламан; ва барча магнит тасмалари *(плёнкалар)* худди шу черковда, шу ерда ёзиб олинади. Шуни яхши биламанки, мен дунёнинг истаган жойид ваъз қилишимдан кўра, айнан мана шу жой жойлашган, мана шу ерда, мен жуда эркин ваъз қилоламан. Чунки сизлар, одамлар, менга ишонасизлар. Келажакда нималар кутаяпти, билмайман, аммо мен келажак Кимнинг қўлида, Ўшани биламан. Бу – асосийси".

87 БОБ
ШОҲ ҚИЛИЧИ
1963 ЙИЛ БАҲОРИ

АРИЗОНА ШТАТИ, ТУСОН ШАҲРИ Қўшма Штатлар билан Мексика чегараларидан шимол томон 40 миль масофадаги чўл воҳаси ҳисобланади. 1963 йил Тусон шаҳрида 300 000 га яқин одам истиқомат қилади. Унинг аҳолиси қиш ойларида, анча совуқ шимолий штатлардан Аризонанинг анча иссиқ иқлимидан роҳатланиш учун келганларида, кўпайиб қолар эди. Маҳаллий аҳоли уларни “қор қушлари” деб атар эди. Бу “ қор қушлар”нинг кўпчилиги Тусон ёзининг жазирама иссиғидан қочиб, баҳорда яна шимолга қайтиб кетар эди. Баъзи одамлар қолиб кетар ва йилдан йилга шаҳар янада катталашаверди.

Уилльям Бранхам оиласи билан Тусонга яқин, 4 январь 1963 йил жума куни, тушга яқин келишди. Гарчи Билли Тусонда бир неча бор бўлган бўлса-да, унинг тўрт қатор ҳаракатланадиган кўчаларидан ҳайратланар эди. Кенгликлар — бу Жануби-ғарбдаги ошиб-тошиб ётган нарсадир. Бу ерда етмайдиган нарса — бу ҳам бўлса сув. Билли кўлчаларнинг жуда сийраклигига эътибор берди. Кўпчилик одамлар сувни тежаш учун ҳовлилари олдини кактуслар ва бошқа тур маҳаллий ўсимликлар билан безатиб қўйишган. Кўпчилик уйлар ғиштдан қилинган, яна кўплари шкатурка деворли ва испан усулидаги черепица томли эди. Биллига ҳаммадан кўп яхши таассурот қолдиргани бу — Тусонни учала томонидан кунгурадор тоғлар ўраб турар эди.

У Парк Авеню кўчасидаги икки квартирали уйнинг иккала қисмини ҳам, 3908 ва 3910 квартираларини ижарага олди. Тўртта кичкина ётоқхона унинг оиласи учун етарли эмасди, аммо у буни вақтинчалик чора деб умид қилди. Келажакда, агар Раббий унга Тусонда доимий қолишини айтса, у бирор-бир каттароғини сотиб олиши мумкин. Эҳтимол, у тоғ яқинларидан уй сотиб олади. Шанба куни улар нарсаларини очдилар. Душанба эрталаб Билли Меда билан болаларини мактабга расмийлаштириб қўйди. Ривқо 16 ёшда бўлиб, унга яна мактабда бир ярим йил ўқиши қолган эди. Сарра 11 ёшда бўлиб, у олтинчи синфда ўқирди. Етти яшар Иосиф иккинчи синфда ўқир эди. Кейинроқ, шу ҳафтада Билли Поль хотини Лоис ва кичкинтой ўғилчаси билан келди. Билли Поль бир уйни ижарага олди, бу уй бир вақтни ўзида унга ҳам уй, ҳам офис эдики, унда у отаси кампанияларини мувофиқлаштирар эди.

12 январь, шанба куни Билли шимол томонга юз миль йўл босиб ўтди ва ваъзлар қилиш кампаниясини бошлади. Шунинг натижасида у Финикс атрофидаги ўнлаб черковларга қолган икки ҳафта давомида қолиб кетди, 27 январь, якшанба куни у ўзининг ваъзлар қилиш кампаниясини Рамада Инн меҳмонхонасида тугаллади. У шу ерда “Абсолют” деган мавзуда Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорларга мурожаат қилди. У жамият учун абсолют ғояси қанчалик муҳим эканини, бу нарсани бейсбол ўйинидаги ҳакамлар ва чоррахалардаги светофорлардан то Қўшма Штатлар Олий Суди қароригача бўлган нарсани мисол қилиб кўрсатди. У мавзуни Филипийликларга мактубнинг 1:20-21 дан олиб, у ерда Павел шундай деган эди: *“Мен учун ҳаёт — Масиҳдир, ўлим эса — ютуқдир”.* Исо Масиҳ Павелнинг Абсолюти эди; унинг бор куч-қудрати манбаси ва унинг барча қарорлари асоси эди. Ҳар бир Христианин билан ҳам худди шундай бўлишлиги лозим. Билли деди: “Бунақа ўзгарувчан атом асрида Христианга черковга оддийгина бир қўшилишдан кўра кўпроғи керак. Сизга лангар, Абсолют лозимки, уни сиз биласиз, у сизни панд бермайди. Черковлар панд беради, аммо Масиҳ панд беролмайди. У ишонадиганлар учун Абсолют ҳисобланади. Агар Масиҳ сизнинг Абсолютингиз бўлса, ва сиз Унга боғланган бўлсангиз, унда сиз Худо Сўзига боғлангансиз. Сиз қандай биласиз, сизнинг абсолютингиз тўғрими, ёки йўқлигини? Сиз Ёзувда Масиҳ бизга ниманидир амал қилишни топширганини ўқийсиз, кейин бўлса кимдир сизга буни фақат шогирдлари учун эди деса, ёки бу бошқа кимгадир тегишли деса — сиз бунга ишонасиз-у, Ёзувга ишонмайсиз, унда Масиҳ сизнинг Абсолютингиз эмас, унда ўша одам, қайсики Ёзувни бузган ва сизни йўлдан адаштирган, мана у одам сизнинг

абсолютингиздир. Масиҳ, Калом сизнинг Абсолютингиз бўлиши лозим. Ҳеч кимга сизни Сўзнинг йўлидан олиб кетишига қўйманг.

“Қачонки Худо одамга Муқаддас Руҳни берди, У унинг юзини олдида турган Гўлготага, Сўзга қаратиб қўяди. Энди, катта йўл чеккаларидан ёш новдалар кўтарилади, келади-да, бу ёш ниҳолчани ўраб олади, ва сиз буни умуман зарари йўқ деб ўйлайсиз. Бироқ, биринчи сизни билганингиз, у нарса сизни бутунлай ўзиники қилиб, асир қилиб олган бўладики, у сизни олиб кетади ва сизни нотўғри йўлга мойил қилади, кўндиради. Ва шундай қилиб бизларнинг орамизга дунёвий фалсафий тушунчалар, токи улар бизларни дунё томон талпинтирмагунича, қириб келаверади. Сиз Худо Каломининг дудама қиличини олишингиз ва мана шу Сўзда туриш учун барча дунёвийликдан озод бўлишингиз лозим, чунки у Охиргиси ҳисобланади; бу — ҳар бир имонли учун Абсолютдир”.

“Муқаддас Руҳга тўлган эркакми ёки аёл, Худонинг ҳар бир ваъдасига Омин деган сўз билан тасдиқлайди. Кимдир сизга айтиши мумкин: Мўъжизалар кунлари ўтиб кетди. Илоҳий шифоланиш деган нарса бўлмаган нарса. Муқаддас Руҳга тўлиш бошқа давр учун эди. Ўшанда сиз Библияда Пётр Элликчилар кунида, қачонки уларнинг барчаси юрак сирларини ошкор бўлгач ва қутқарилиш учун, нажот топишлари учун нима қилишлари кераклигини билмоқни истаганларида, Пётр нима деганини ўқийсиз. Энди қаранг, агарда черковга келиб қўшилишгина етарли жавоб бўлганида, у шундай деган бўлар эди. Сиз ўзингиз яшайдиган жойдаги танани топишингиз ва черковга қўшилишингиз керак. Аммо у бундай демади. У уларга қилиши зарур бўлган аниқ кўрсатмани берди. У деди: “Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб имон келтиринглар. Чунки бизнинг Раббимиз — Худованд бу ваъдани сизлар билан фарзандларингиз ва шунингдек, ҳамон узоқлардан чорламоқчи бўлган ҳамма одамзод учун берган”. Абсолют мавжуд. Руҳга тўлган Христиан ҳар доим Худо Сўзига асосан ишонади ва ҳаракат қилади.

Тусонга қайтиб, Билли ҳордиқ олишга жуда муҳтожлигидан, дам олди. У ҳали бери уни худди ёш ҳўкизча кавбойни қўтоннинг бурчагига қисиб биладигандай, номаълум бир босимдан кўксида сиқилаётганини ҳис қилиб юрар эди. У уни итариб юбора олар, аммо у яна қайтар эди. Бир куни эрталаб, Финиксдан қайтганидан кўп ўтмай, барвақт уйқуси қочди ва ўзининг келажаги ҳақида ўйлаб, Раббий уни нима учун ғарбга жўнатганини ўйлаб, кроватида ётди. Ҳаёлила у яна бир бор, пирамида формасида келган фаришталар ҳақидаги ваҳийга қайтди. Ваҳий портлашдан бошланган эди. Бунақанги кучли портлашга одам қандай бардош бериши мумкин? Ва лекин у Иосиф чақираётганини эшитди. Бу нимани англатса экан? Агар Раббий уни тез орада олмоқчи бўлган бўлса, унда унинг черкови унинг оиласига ғамхўрлик қилиши учун чоралар кўриши керак бўлади. Эҳтимол, улар уни оиласига нафақа пули бера олишар. Билли Поль салкам 28 да эди, ва у ўзини ўзи кўриб билар, аммо оиланинг қолган аъзолари Биллини ташвишлантирар эди, чунки улар моддий таъминотида отасига боғлиқ эди.

У ичидан бир овознинг *“Канъон Сабинога жўна”,* деганини эшитди.

Нонушта қилмай, у квартирадан чиқди ва Тусонннинг шимолий чеккаларига, Каталина тоғлари шаҳарни бу йўналишда кенгайишига йўл бермай, кескин кўтарилган томонга жўнади. У тоғларга параллел равишда йўл бўйлаб шарққа юра бошлади. Улар эрталабки қуёш нурларида мисдай бўлиб кўринар эди. Бу тоғ занжирини кўплаб даралар бўлиб ташлаган эди. Бу даралардан бири ҳозирда миллий парк эди. Билли Канъон Сабинога етиб келди ва машинасида Сабино ирмоғи бўйлаб чўзилган тор йўлдан юра бошлади. Қиш ойлари давомида Лемон тоғлари ён бағирларидаги қорларни эришидан ирмоқдан сув тўлиб оқар эди. Сув кўплаб дарахтларни: платанлар, пирамида тераклар, толлар, шумтолларни ва ёнғоқларни суғориб, катта-катта ҳарсангларни айланиб, у ёқдан – бу ёққа бурила-бурила оқиб ўтган эди. Аввалига ирмоқ унинг ўнг томонида эди, аммо бир мил юрмай у ирмоқни тор тош кўприклардан бир неча бор кесиб ўтди, йўлнинг охирида ирмоқча унинг чап томонида қолди. Тез орада йўл ирмоқдан узоқлашди ва унинг чап томонидан бир неча юз футга кўтарилди ва сўқмоқдан яёв кўтарилишни истовчилар учун автотураргоҳ билан тугади.

Билли даранинг шарқий деворидан ўтадиган сўқмоқдан кетди. Энди у қушлар сайрашини эшитиб, шарқдаги дарахтлардан ҳам юқорида эди. Қаердандир юқоридан, қоядан бир кабутар бошқасига қараб кукулар эди. Сабино дарасининг ғарбий ён бағрини қуёш нури ёритар, аммо шарқий ён бағридан Билли кўкка бўй чўзган гигант қоялар соясидан ўтиб борди. Манзара ботиник мўъжизалар мамлакати эди. Шохлари ёғочга айланган баланд-баланд сагуаро кактуслари анча паст қияликларда алоҳида турар, бироқ бочкасимон кактуслар ва опунцийларга ўхшаш турли майдалари эса қоялар орасидан жой қилиб олишган эди. У ерда мескит дарахтлари ва пало-вердега ўхшаган дашт буталари ҳам бор эди. Бу буталарнинг кўплаб майда, заъфарон барглари орасида яширин тиканлари бор эди. Уларнинг устидан канъон қиялиги юзлаб фут баланд тик қоя билан қўшилиб кетган эди. Бу серқоя баландликлар яқинида ўсимликлар жуда сийрак эди.

20 минутлар кўтарилганидан сўнг у — бир гуруҳ тоғликлар орасидаги қандайдир бир серқоя тепаликка етиб келди. Бу ер энг юқори қоядан анча паст, аммо канъоннинг тубидан анча баланд эди. У шу яқин ўртадаги тепаликка чиқди ва чўққи яқинидаги нисбатан текис майдончада дам олиш учун тўхтади. Устун шаклидаги иккита қояли дўнглик ҳали ҳам унинг боши узра қад кўтариб турар эди, аммо унинг мақсади айнан шу жой эди. У тоғ қиялигидан тушадиган ҳайвонлар сўқмоғида турган буғуга эътиборини қаратди. Билли қимир этмади ва буғунинг бошини кўтариб, хавф-хатарли товушга қулоқ солаётганини кузатиб турди. Билли эшита оладиган ягона товуш бу, ирмоқнинг енгил шабаданинг нафасига қўшилиб кетган шилдираши эди.

Бирдан турган шамол шляпасини учириб, у ердан бир неча фут (1 фут – 30,48 см) пастга, окотиллолар ўсган жойга думалатиб юборди. Бу ҳаракатдан чўчиб кетган буғу қочиб кетди.

Шляпасини олиб, ибодат қилиш учун окотилло бутаси ёнида тиз чўкди. Окотилло — бу бута бўлиб, унинг марказий танаси бўлмайди; ва унинг барча шохлари ердаги марказий нуқтадан баландга йўналган бўлади. Шохлари барглар билан қопланган, ҳар бир барг остида 1 дюйм (2,5 сантиметр) узунликдаги тикони бўлади. Окотилло Исроилдаги тиконли ўсимликка қариндоши ўсимлик бўлиб, қадимда михланадиган кунида Исо Масиҳнинг бошига тақиш учун рим аскари ундан тож ясаган эди.

Библиясини ерга қўйиб, Билли шарқ томондаги қояларга бошини қаратди, қўлларини баланд кўтариб, баланд овозда ибодат қилди: “О Раббий, охирги ваҳийда менга кўрсатган бу портлаш нимани билдиради? У мени ўлимимни билдирадими? Мен ўлимдан қўрқмайман, аммо мен оиламни бунга тайёрлашим учун, буни билишим керак. Агар Сен тез орада мени Уйга олиб кетмоқчи бўлсанг, майли, бу мана шу ерда бўлақолсин, бу ерда ҳеч ким менинг танамни тополмайди. Мумкин, бир кун келиб, Иосифга мана ерда ётган Библиямни топишига йўл берарсан”.

Кутилмаганда у ўнг қўлига қаттиқ бир нима текканини сезди. Беихтиёр унинг бармоқлари бу предметнии чангаллади ва кўзларини очиб, мана шу предметга қаради. У учи юқорига йўналган дудама қиличнинг қўлида турганини кўриб, ҳайрон бўлди. Унинг гардаси (қўлни душман зарбасидан асрайдиган даста элементи) гўё олтиндан, дастаси эса марвариддан қилингандай эди. Қуёш ҳозиргина кўтарилди ва канъоннинг шарқий горизонтдаги икки чўққи орасидан нур сочиб турар ва ёрқин нурдан қиличининг дами зангламайдиган пўлатга ўхшаб ярқирар эди. Кесадиган томонлари покининг тиғи каби шунчалик ўткир эди. Бу 90 сантиметр узунликдаги тиғга, Билли ўзида, уни ўзига жалб қиладиган ва шу вақтнинг ўзида унга ёқмайдиган ҳиссиётлар оғушида қолди. У ҳар доим қиличдан қўрқар ва у баъзан баҳслар ечимини топиши учун ишлатилган замонларда яшамаганига хурсанд бўларди.

“Бу ғалатику”, — ўйлади у, — “Ҳамма сингари, бу ҳам, мен худди қачондир қўлимда ушлаганимдек. Қаердадир шу менинг ёнимда Ўша Худо, Иброҳим учун қўйни яратган, Ўша мен учун Индиана ва Кентукки штатларида ўша олмахонларни мен учун яратган худди Ўша Худо турибди. Ҳозир У мана шу қилични яратди. Лекин мен уни нима қилишим керак? Монархлар ўз қиличларини қахрамонларга рицарлик унвони бериш учун ишлатганларини

биламан. Эҳтимол, бу мен кимнидир хизматга бағишлаш учун қўл қўйишимни билдирса керак?”

У даранинг устидан гулдираган Овознинг: *“Бу Шоҳ қиличи!”* — деганини эшитиб, ҳайрон бўлди.

“Аммо нима учун менга шоҳлар қиличи берилди?” — ҳали ҳам ишонқирамай сўради у.

“Шоҳлар қиличи эмас”, — Овоз жавоб берди. — “*Шоҳ қиличи!”*

Қуёш нурлари шуъласида қилич ғойиб бўлди. Ҳозир энди қўлида ҳеч нарса бўлмасада, унинг юраги тўлиб кетган эди. Энди у тушундики, Худо — бу Шоҳ ва Шоҳ қиличи — бу Унинг Сўзи — Библия, Компас эдики, Билли уни ўзининг ҳаётини бошқариш учун фойдаланар эди; унинг Абсолюти эдики, у Унда ўзининг абадийлик манзилини мустаҳкамлаган эди. Унинг дукуллаб кетган юраги тинчланар экан, Раббийнинг унга ички бир овозга ўхшаб шундай деганини туйди: *“Ўлимдан қўрқма. Бу — сенинг хизматингни учинчи сапчиши”.*

Библиясини олганича, қувонганидан қичқириб машинасига югурди, овозига даранинг офтобда олтиндай тобланаётган деворларидан акс-садо берди. Энди у ваҳий унинг бу яқин вақтларда ўлимини англатмаслигидан думоғи чоғ эди. Худода қандайдир олийроғи борки, у ўлимдан олдин бажариши керак эди.

Бир неча кун ўтиб, Билли ўғли Билли Полдан ким Бранхам кампанияси билан почта жўнатмалари рўйхатида бўлса, уларнинг барчасига хабар юбориб ва унда у 17 дан 24 мартгача Жефферсонвиллида махсус бир қатор йиғилишлар ўтказишини айтишини сўради. Бу вақт ичида у февралда бор-йўғи бир марта ваъз қилди ва бу йиғилиш Тусонда бўлди, шу учун унга уйидан узоқ кетишини ҳожати йўқ эди. Яхши дам олволиб, у Жефферсонвиллига қайтиши олдидан явелин чўчқалари овига ҳозирланди *(америка ёввойи қобонлари бир тури)*.

Явелин чўчқалари (ёки пекарлар) — Америкадаги европа чўчқалари аналоги; аммо улар маҳаллийлаштирилган чўчқалардан фарқ қилади — у кичикроқ, анча ихчам, ва жануби-ғарбнинг оғир шароитларида яшай олишга яхши мослашган. Ўша йили Аризонада ов мавсуми 1 март жума куни бошланиб, 10 мартгача чўзилган эди. Аввалида Билли мавсум очиладиган куни овга чиқишни режалаштирди. Унинг режаси Техас штатида истиқомат қиладиган аёлдан узундан-узоқ телеграмма олганидан кейин, ўзгарди. Аёл уни Хьюстонга келиб, жиноятлари учун ўлим жазоси хавфи остида қолган ўғли учун суддан шафқат сўраб беришини сўраган эди. Газетада бу иш ҳақида ўқиб, Билли агар у йигитчани ҳаётини сақлаб қолишга уриниб кўрмаса, у бошқа ҳеч қачон ов қилолмаслигини ҳис қилди. У ов сафарини қолдириб, Хьюстонга қисқа сафар қилишга қарор қилди. У Хьюстондаги пасторга ҳам қўнғироқ қилди. У Биллидан қачон бўлса ҳам бу шаҳарга келса, ундан ваъз қилишини сўраган эди.

Якшанба куни 1963 йил 3 мартда Билли ўғли Билли Поль билан Техас штати Хьюстонга жўнадилар. Душанба куни Биллига судда сўзлашга қулай вазият бўлди.[58] Душанба оқшомида Билли шаҳар Аудиториясида ваъз қилди ва ундан кейин йиғилишдан кейинроқ уйга қайтди. Дўстлари уни орқага, Тусонга олиб келишди, бу пайтда Билли Поль шимоли-шарққа, Жефферсонвиллига жўнаб кетди. 6 март, чоршанба куни Уилльям Бранхам, Фред Сотманн ва Джин Норманнлар Сотманнинг пикапига милтиқлари ва ов жиҳозларини жойладилар. Улар шоссе бўйлаб шарқ томонга Уилкоксгача, ундан кейин шимолга қараб тупроқ йўлдан Аризона штати, Бонита ва Сансетдаги кичкина овуллар атрофларидаги тоғли жойларга етиб боргунларича кетавердилар. Ўша куни улар қоядан анча узоқ бўлмаган жойда қуриб қолган сойликда лагер қурдилар. Қоя уларни атрофида айланасига, гўё улкан қўлларнинг бармоғлари ҳовучдан қилиб, горизонтал ётгандай эди. Пайшанба куни Билли пекари чўчқасини отиб олди. Аммо унинг дўстлари лагерга қуруқ қўл билан қайтишди. Энди эса, Билли поданинг асосий юрадиган жойларини билар экан, у Фред ва Джинга пекари отиб олишига ёрдам бераман, деб ўйлади.

[58] Йигит ўлим жазоси ўрнида турмада умрбод қамоққа жазоланган эди.

8 март, жума куни тонг вақтида у Фред билан Джинни бир томонга чиқариб юборди, ўзи эса чўчқаларни улар томонга жўнатаман деб, бошқа томонга кетди. Бу чапараль деган

жой бўлиб *(Шимолий Америкадаги дағал баргли, сувсизликка чидамли доимий кўм-кўк чакалакзорлар, масалан, паст бўйли дуб ва арчагуллар)*, у ерда тупроқнинг чуқурлигига боғлиқ равишда баландлиги 10 дан 25 фут (1 фут – 30,48 см)гача етадиган мескит дарахтлари кўп тарқалган эди. Шақилдоқ илон Меса номли тепалик шу жойнинг иқлимини етарлича совуқ қилган, шунинг учун бу ерда узун шохли сагуаролар сақланиб қолган, аммо бочкасимон кактуслар ва опунцийлар каби кактусларнинг бошқа турлари мўл-кўл ўсиб ётганди. Энг қалин ўсимликлар даранинг тубида бўлиб, пекари чўчқалари учун яхши пана жой ҳосил қилганди. Билли яшириниб олган чўчқаларни осонроқ топиб олиш учун даранинг юқорисида жойлашган ўркачга чиқиб олди. Энди унда ўркачлар занжирини яхши обзори бўлиб, улар бу қатор кичикроқ тоғларнинг чўққиларига туташиб кетганди. Сансет чўққиси ундан қарийб ўн мил жанубда жойлашган эди. Тусон тахминан 40 миллар жануби-ғарбда жойлашган эди. (1 мил 7420 м)

У бир неча соат давомида баъзан тепаликлардан, баъзан пастдаги жарликлардан ўша жойларни биноклдан қараш тез-тез тўхтаб-тўхтаб юрди. Соат саккизларга яқин ўзидан бир мил масофада Джин билан Фредни кўрди. Фред даранинг бошқа томонида турганди. Билли унга қўл силкиди, Фред ҳам унга жавобан шундай қилди. Булутсиз осмонда қуёш чарақлаб, эрталабки салқинликни қиздирар, Биллининг қора шляпасининг остидан тери ўрмалар эди. У дам олиш учун милтиғини сонларига қўйганча, тошга ўтирди. У шимининг битта бурчагига чакамуғ илинганини кўрди. Уни юлиб олиб, бош ва кўрсаткич бармоғи орасидаги тиконли уруғига қаради. Чакамуғ бундай тоғли жойга хос ўсимлик эмас эди-ю, аммо бу уруғ нима учундир танишдек туюлди.

Даранинг тубидаги бўлаётган ҳаракатларни кўзи қири билан пайқади. Пекари қобони тахминан 500 ярд(455 метрлар)лар масофада арча ёнида пайдо бўлди. Билли бинокл орқали йигирмага яқин чўчқаларнинг бутазордан ўтаётганларини кўрди. Улар хатар борлигига шубҳа қилмай кетавердилар. Билли қўлидаги чакамуғни ташлаб юборди ва бу жойдан аста-секин эмаклаб кетди. Чўчқалар кўринмай қолгач, у турди-да ўркачларга қараб югурди, ундан кейин буғулар сўқмоғидан даранинг тубига қараб йўналди. У югурар экан, қандай қилиб чўчқаларни юқорига, дўстлари томонга йўналтирсам экан, деб ўйларди.

Бабах! Кучли портлаш тепалик қияликларидан челакдай келадиган тошларни қўпарилиб, чанг кўтариб, ерни силкитди. Билли бир лаҳзада кимдир уни отди деб ўйлади. Ғарбга қараб унга товушдан тез реактив самолётларидан ҳам тезроқ яқинлашаётган етти фариштадан иборат пирамидани кўрди. Булар оқ либос кийган қудратли зотлар бўлиб, улар ортларида қанотларини қоқар, қўллари бўлса олдинга чўзилган эди. Улар шундай тез унга яқинлашдилар ва уни ўраб олдиларки, у базўр нафас олишга улгурди, ва улар уни ҳавода кўтарганларини ҳис қилди. Қачонки унинг атрофида ер билан осмон чархпалакдай айланганида, унинг сезгилари охиригача таранг тортилди. Унинг ҳар бир томонидан учтадан фариштa баландга қараб бурчак остида сузишар, битта фариштa учки қисмда учбурчакни битказиб турар эди. Ўнг томонидан пастдаги фариштa уни диққатини ўзига тортди. Бу фариштa қолганларидан кўра ёрқинроқ порлар эди, гўё у биродарларидан анча аҳамиятлироқ эди. Чапдан ўнгга қараб санаса, бу еттинчи фариштa эди. Билли ўзида унга ғалати бир интилишни ҳис қилди, худди улар орасида қандайдир бир ўзига хос алоқа бордай эди. Тўсатдан ушбу фариштa Биллининг қўлига қилич тутқазди ва: *“Жефферсонвиллига қайт, у ерда Ваҳийда муҳрланган еттита сир очилади”,* — деди.

Қилич ғойиб бўлди. Фаришталар уни тезлик билан, аммо юмшоқлик билан тоғлар этакларидаги ўша дарага қайтардилар. Ўзини ўнглаб олиб, Билли дара бўйлаб Фред билан Джинни топиш учун юқорига югурди. У пекари чўчқалари тўдаси томонга чопмади, чунки энди унда ов тўғрисида фикри ҳам йўқ эди. У дўстларидан портлашни эшитдингларми, деб сўради. Уларнинг иккиси ҳам уни эшитдик ва сездик ҳам дейишди. Улар буни нима эканлигига қизиқишди,чунки бу нарса улар шу пайтгача эшитганларини ҳеч қайсисига ўхшамасди. Бу сафар Билли уларга ҳеч нарсани тушунтириб бермади, ва уларни иккиси ҳам яхшиси бу ҳақида сўрамаслик кераклигини билар эдилар. Джин портлашни эшитишидан бир неча дақиқа олдин бирор-бир сабабсиз йиғлаганини айтди.

Шанбада учала овчи Тусонга қайтишди, Фред ва Джин пекари чўчқасини ўлдирмади ҳам. Билли Индианага сешанба эрталаб, 12 мартда жўнашга қарор қилди. Шу учун унда бу сафарга тайёрланишига бор-йўғи бир неча кун қолди. У Джин Норманн билан жўнашни режалаштирди. Яна бир неча оилалар – Сотман, Симпсон ва Магвайрлар машиналари калоннасида кетишни истадилар.

88 БОБ
7 МУҲРНИНГ ОЧИЛИШИ
МАРТ 1963

Кириш — Худо Оддийликда

1963 ЙИЛНИНГ 17 МАРТИ, якшанба эрталабида Уилльям Бранхам Бранхам Чодирининг янги кафедрасида турди ва Ваҳий китобининг олтинчи ва еттинчи бобларидаги еттита сир бўйича бир қатор ваъзларини бошлади. Ваъз қилиши олдидан у янгидан реконструкция қилинган чодир биносини Раббийга бағишлади. Пудратчи шимолий деворни 30 футга (1 фут – 30,48 см) кенгайтирди ва черков биноси деворини ташқи томонидан қизил ғишт билан ўради. Черковнинг ички деворлари энди ёғоч панеллар билан қопланган эди. Чодирнинг баъзи бир деталлари ўзгартирилди. Кафедра орқасида ўша-ўша картина осилган бўлиб, у бу деворни 1950 йилдан бери безаб турар эди. Бу, Техас штати, Хьюстонда қилинган, Уилльям Бранхам боши устида сузаётган Олов Устунини тасвирлаётган фотосуратнинг нусхаси эди. Чодирнинг полида театрдаги жойларга ўхшаб стуллар қатори турар (алоҳида аммо бир-бирига бирлаштирилган), улар 1950 йиллардан бери шу ерда эди. Албатта, энди бу ерда жой бор эди ва уларнинг бариси банд эди.

Билли деди: “Мен бу ер учаткасини 30 йилча олдин Исо Масиҳга бағишладим, ўшанда у бор-йўғи лой кўлча бўлиб, унда сув нилуфарлари ўсиб ётар эди. Нилуфар — бу ғалати гулча. У лойда туғилади ва у қуёш нурига етиб олиш учун ва ўз гўзаллигини намоён қилиш учун лойқадан, сув ва сув ўтларидан ўтиб олиши керак. Худди мана шу нарса шу ерда бўлиб ўтди, деб ўйлайман. Мен ёшгина йигит эдим, ўшандан бери ҳовуз нилуфари сув юзига чиқди, у ерда ўз япроқларини очди ва Водий Лилияси Исо Масиҳ чиройини акс этди”.

Ўз ваъзига мавзуни Матто 11:25-26 дан олди. *Ўша вақтда Исо сўзини давом эттириб деди: “Эй Ота, еру-кўк Ҳукмдори! Сен бу ишларни доно-ю оқиллардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга ҳамду санолар айтаман. Ҳа Ота, Сенинг эзгу хохишинг шундай эди”.*

Билли бу ваъзини: “Ўзини оддийликда яширадиган ва Ўзини унда очадиган Худо” — деб номлади. У шундай деди: “Кўпчилик одамлар Уни ўша усули туфайли, қайсики шу усулида У Ўзини очади, Худони ўтказиб, назардан қочириб қўядилар. Одамларда Худо қанақа бўлиши кераклиги ҳақида ва Худо нима қилмоқчилиги тўғрисида шахсий тушунчалари бор. Эркаклар ва аёллар ҳар доим Худони Уни қилган ишлари учун улуғлайдилар ва ҳар доим У нима қилади, шуни кутадилар, ва У ҳозир қилаётган ишларига аҳамият бермайдилар. Мана улар Уни қандай бой бериб қўядилар. Улар аланглайдилар ва У қилган ўша буюк ишларни кўрадилар, аммо улар ўша оддий нарсаларни кўра олмайдиларки, У шу оддий нарсалар орқали ҳозир бир нима қилади. Ва ундан кейин улар кутадилар ва шу нарса бўлиб ўтишлиги башорат қилинган ўша буюк воқеаларни кўрадилар; ўнтадан тўққизта ҳолатда уларнинг атрофида шу нарсалар бўлиб ўтаверади ва бу шундай оддийки, улар буни пайқамайдилар”.

У ушбу принципга мисол қилиб Яхё Чўмдирувчи хизматидан фойдаланди. Ишайё 40:3-4 башорат қилди: Мессияни хабар қиладиган одам, шундай буюк бўладики, у тоғларни текислайди, водийларни кўтаради, ва Исо Масиҳга элтувчи ҳар бир сўқмоқни тўғрилайди. Етти юз йилдан кейин Иордан дарёсида туя жунидан кийим кийган, узун соқолли одам турди ва эълон қилди: “Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди!” Яхёда тегишли маълумоти йўқ эди. Унда пул ҳам, обрў-эътибор ҳам, гўзал сўзамоллик ва яхши муомала усули ҳам йўқ эди; бироқ Яхё Чўмдирувчи ўзи ҳақида айтилган ҳар бир башоратни ижро этди.[59] Яхёнинг хизмати шу қадар оддийлигидан, ўша кунларнинг олимлари бу хизматда Худонинг фаолиятини, хатти-ҳаракатини кўра билмадилар.

[59] Малакиё3:1; Матто 3:3; Марк 1:3; Луқо 1:76, 3:4; Юҳанно 1:23

Кейин Билли энг буюк мисолга, Мессиянинг Исроилга Келишига ўтди. Исо охурда

туғилди — бу тасодифан эмас, балки атайин шундай эди. У оддий одамлар томонидан тарбияланган ва оддийгина дурадгор касбини ўрганган эди. У Ўз хизматини бошлаган вақтида, У касалларни шифолаб ва одамларга Худо Шоҳлигидан хабар бериб, бир овулдан бошқа овулга ўтиб юрар эди. Исода фақат кийими ва оёғида сандали бор эди. Унинг ҳаёти шундай оддий эди ва шу вақтнинг ўзида У Худо инсониятга қачонлардир берган буюк Инъом, Неъмат ҳам эди. Нима учун ўша кунлардаги ҳокиму-ҳукмдорлар Исони Масиҳлигини, Мойланганлигини кўра олмадилар? Чунки уларнинг Ёзувни ўқишларидан тасаввур қиладиган манзарага мос келадиган қандайдир бир ўзига хос, қандайдир кучли таассурот қолдирадиган бир нарсани қидирдилар – Худ Ўз башоратини амалга ошира туриб, уни таъбирлаётганлигини англамадилар.

Унинг шогирдлари Устозлари Мессия эканлигини англаб олгач, Исодан сўрадилар: “Нега уламолар олдин Илёс пайғамбар келиши керак, деб айтадилар? Исо жавоб бериб уларга деди: “Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. Лекин Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, у билан истаганларини қилишди”.[60] Албатта, Исо Яхё Чўмдирувчи ҳақида айтганди, қайсики унда Илёснинг руҳи бўлган эди. Билли деди: “Мен сизларни озроқ хижолат қилмоқчиман. Кўтарилиш ҳам худди шу тариқа юз беради.[61] У ҳам худди шундац оддий тарзда юз беради, ундан кейин эса ҳукм бошига тушади, ва одамлар Инсон Ўғлини кўрадилар ва: “Наҳотки бизларга Илёс жўнатилмасмиди? Ва Кўтарилиш бўлиб ўтиши лозим эмасмиди?” Исо дейди: “У бўлиб ўтди, сизлар эса уни билмадингизлар?” Мана, Худо қандай тарзда оддийликда Ўзини яширди”.

[60] Матто 17:10-3; Марк 9:11-13

[61] 1 Коринфликларга 15:51-52; 1 Солоникияликларга 4:16-17: Кўтарилиш деган термин Масиҳнинг Келинини вақтнинг охирида ер юзига келадиган буюк мусибат олдидан олинишига тегишли.

Черков Даврлари ва Муҳрлар ўртасидаги бурилиш (ўзгариш)

1963 йил 17 марти, душанба кечқурунида Уилльям Бранхам етти черков даврлари ва етти муҳрланган сирлар ўртасидаги бурилиш (ёриб ўтиш) ҳақида ваъз қилди. Бурилиш, ёриб ўтиш сўзи — ўтирилган жой, рахнани, кўчма маъноси эса бўш жой, етишмовчилик ёки бўшлиқ деган маъноларни англатиб, у Библияда Ваҳийнинг 4 ва 5 бобида, ва 2 ва 3 боблардаги 7 черков даврлари орасида, ҳамда Ваҳийнинг 6 ва 8 бобларидаги еттита муҳрланган сирлар орасида жойлашган. Ваҳийнинг 4 ва 5 боблариХристиан черкови ғалабасини кўрсатадиган, осмонда бўлиб ўтадиган ҳодисотлар бошланишини кўрсатиб беради. Ваҳийнинг 3 боби охирида Масиҳнинг Келини тўй Зиёфатига кетади ва ерга то Ваҳийнинг 19 бобигача қайтмайди. Шу учун Келин Буюк разолат *(қайғу)* даврини ўтмайди. Бироқ Ваҳийнинг 4 ва 5 бобидаги воқеалар вақтдан ва фазодан ташқарида, у ердаги бўладиган воқеаларга таъсир қилиб, осмонда бўлиб ўтади. Эсингизда бўлсин, бу нарса абадийликда бўлиб ўтади.

4 бобда Юҳанно атрофи зумраднамо камалакда ўралган Ўз Тахтида ўтирган Сиймони кўрди. Арши-аълодан чақмоқ чақиб, момоқалдироқлар гумбурлаган вақтда, ўтирган Сиймо олмос ва лаълга ўхшаб ялтирар эди. Арши-аълонинг атрофида тўртта жондор турар эди. Уларнинг ҳар бирида олтитадан қанотлари ва кўплаб кўзлари бор эди. Биринчи жондор арслонга, иккинчи бузоққа ўхшар, учинчи жондорнинг юзи одамсимон, тўртинчиси эса учаётган бургутга ўхшар эди. Арши аъло атрофида йигирма тўртта оқсоқол тахтларда ўтирар эди; Буюк Тахт олдида Худонинг етти Руҳи бўлган еттита машъал ёниб турарди.

Билли 5 бобни ўқиди:

> *(1) Арш аъло ўтирган Сиймонинг ўнг қўлида ичи ҳам, таши ҳам ёзувдан иборат, еттита муҳр билан муҳрланган бир китоб кўрдим. (2) Кучли бир фаришта баланд овоз билан: “Китобни очишга ва унинг муҳрларини ечишга ким лойиқ?” — дея эълон қилаётганини кўрдим. (3) Бироқ на осмонда, на ер юзида, на ер остида китобни оча оладиган ёки ичига назар сола оладиган бирор кимса йўқ эди. (4)*

Китобни очиб ўқишга ёки ҳатто ичига назар солишга ҳам лойиқ бирор кимса топилмаганлигидан, мен кўп йиғладим. (5) Шунда оқсоқоллардан бири менга: "Йиғлама! — деди. — Мана, Яҳудо қабиласидан бўлган Арслон, Довуд зотидан бўлган Ғолиб китобни очиб етти муҳрни ечишга қодир".(6) Тўрт жондор ва оқсоқоллар қуршаб олган Арши аълонинг ўртасида бўғизланган каби бир Қўзи турганини кўрдим. Қўзининг етти шохи ва етти кўзи бор эди; булар Худонинг ер юзига юборган етти Руҳидир. (7) Қўзи келиб, Арши аълода ўтирган Сиймонинг ўнг қўлдиан китобни олди. (8) У китобни олганда тўрт жондор ва йигирма тўрт оқсоқол Қўзининг олдида ерга юз тубан йиқилишди. Ҳар бирининг қўлида бир чанг ва хушбўй тутатқилар тўла олтин косалар бор эди. Хушбўй тутатқилар — азизларнинг дуою ибодатлари демакдир. (9) Улар қуйидагича янги қўшиқ айтишар эди: "Сен китобни олишга, Унинг муҳрларини ечишга лойиқсан! Чунки Сен бўғизланган эдинг, Ўз қонинг эвазига ҳар бир қабила, тил, халқ ва миллатдан Худо учун одамларни қўлга киритдинг. (10) Бизни Худойимизга шоҳлар ва руҳонийлар қилдинг, бизлар ер юзида ҳукм суражакмиз".

Ваҳийнинг 5-бобида Худонинг ўнг қўлидаги китоб биздаги ҳозирги китобларга ўхшамас эди. Бу ўроғлик қоғоз бир бутун, узун варақ бўлиб, у теридан ёки папирусдан қилинган. У иккала томонидан ёзилган эди. Ўроғли қоғознинг ташқи томонида символлар бўлиб, уларни Юҳанно кўрган эди; уларни Ваҳийнинг 6 ва 8-бобларида айтиб берган эди. Пергаментнинг ичида ушбу символларга тушунтиришлар, яъни сирларнинг очилиши бор эди. Бу пергамент, яъни ўроғли қоғоз охиридан бошлаб ўралган эди. Шундай экан, пергаментнинг охирида ёзилган еттинчи сир, биринчи бўлиб ўралган эди. Қачонки Пергамент еттинчи сирни яширганидан кейин, у унга кўп бўлмаган қайноқ мум билан муҳрланган эди. Мумга белгилайдиган лента ботирилган бўлиб, бу лента ё ён томондан тиқиб қўйилган ёки қоғоз бўйлаб уни бошигача тортиб борилган эди. Бу жараён ҳар бир сир учун такрорланиб, етти муҳрдан иборат китобни ташкил қилган эди. Бу китоб Худонинг қўлида Унинг Руҳи билан муҳрланган эди. Аниқроғи, у Худонинг етти Руҳи бўлган, Унинг тахти олдидаги етти шамдоннинг тимсоли бўлгани каби, ундаги ҳар бир сир Унинг Руҳини алоҳида томони билан муҳрланган эди. Муҳр иш-фаолиятнинг тугалланганлигини англатади. Масалан, Муқаддас Руҳ Христианнинг муҳри ҳисобланади. Муқаддас Руҳ алоҳида бир имонлини нажот кунига қадар Худонинг Шоҳлигига муҳрлайди.[62]

[62] Эфесликларга 1:13-14; 4:30; Римликларга 8:22-23

Билли Ваҳийнинг 5-бобидаги ўроғлиқ қоғоз — бу Қутқарилиш Китобидир деб ўргатди. Бу Одамнинг Адан Боғида гуноҳ қилган пайтида барча йўқотиб қўйганларига ҳуқуқий унвони (эгалиги) ҳақидаги ҳужжатдир. Дастлаб Одамга бутун дунё устидан тўла ҳуқуқ берилган эди. Худонинг биринчи ўғли бўлгани учун, у бутун дунё устидан ҳаваскор-худога ўхшаш эди. Худо Одамга ўз йўлини эркин танлашини ҳам берди. Қачонки Одам Худо Каломидан махкам ушлаш ўрнига хотининг мулоҳазаларини эшитган эди. У ўз меросидан — яъни, ўзининг Абадий Ҳаётидан айрилиб қолди. Худо: *"Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган куниёқ ўласан"*[63] – деб огоҳлантиргани каби, дунёга ўлим кириб келди.

[63] Ибтидо 2:17

Қачонки Одам абадий яшаш ҳуқуқидан ва бутун дунёни бошқаришдан маҳрум бўлган эди, эгалик қилишга ҳуқуқий ҳужжат Дастлабки Эгасига, Қодир Худога қайтди. У эса ҳужжатни иблиснинг қўлига тушмаслиги учун, уни шундай ҳимоя қилиш учун, уни еттита муҳр билан муҳрлади. Бутун қутқарилиш режаси ушбу ўроғлиқ ёзувда, етти муҳр остида турар ва қачондир кимдир уни олишини, муҳрларни бузишини ва инсониятнинг йўқотиб қўйган меросини қайтаришини кутар эди.

Гуноҳни ювиш ёки *оқлаш* деган сўз маълум бир суммани тўлаб, мулкни қайтариш деган маънони билдиради. Юҳанно текшириш қандай ўтишини кўриш учун вақт ва абадийлик орқали қаради. Худонинг қўлидан китобни олишга ва 7 муҳрни бузишга ўша ерда етарлича лойиқ одам бормикин? Эски Аҳд уруғ бошлиқларидан ҳеч ким — на Ханун, на

Нуҳ, на Иброҳим, на Юсуф буни қилолмади. Эски Аҳд пайғамбарларидан ҳеч ким — на Довуд, на Илёс, на Дониёр, на Яҳё Чўмдирувчи буни қилолмади. Янги Аҳд ҳаворийларидан ҳеч ким — на Матто, на Пётр, на Ёқуб, на Юҳаннони ўзи буни қилолмади. Черков даврларига элчилардан ҳеч ким — на Павел, на Ириней, на Лютер, на Уэсли буни қилолмади. Шак-шубҳасиз, у ерда самовий зотлар (фаришталар ва малакларга ўхшаган) бор эди; қайсики гуноҳ қилмаган эдилар. Аммо Худонинг қонуни халоскорни қулликка тушганга яқин қариндош бўлиши лозимлигини белгилади[64]. Одамнинг йўқотиб қўйган меросини қайтиб сотиб олиш учун Худо етарлича атоқли ва муносиб одамни тополмаганга ўхшайди. Юҳанно кўп йиғлади, чунки, агар китобни олишга ва ундаги қутқариш режасини очиш учун муносиб одам топилмаса, унда инсоният абадий йўқолиб кетади. Ҳар бир эркак ва аёл беҳуда яшаган бўлар эди.

[64] Левитлар 25, хусусан 47-49 оятлар; Руф китобининг 3-4 боблари.

24 оқсоқолдан бири: “Йиғлама, Юҳанно! — деди. — Мана, Яҳудо қабиласидан бўлган Арслон, Довуд зотидан бўлган Ғолиб китобни очишга қодир”. *Ғолиб* сўзи — ким биландир курашиш ва уни енгиш деганини билдиради. Мана нима қилди Исо, қачонки У Гетсемания тоғида токи юзидан терлари қандай томчиламагунича ибодат қилган эди.[65] У хочдан халос бўлиш учун инсоний хохиши устидан ғалаба қилди.) Юҳанно буюк йўлбарсни кўришини кутиб, бурилди. Бунинг ўрнига у Қўзини (Қурбонликни) кўрди. Қўзининг етти шохи ва етти кўзи бор эди. Унинг оппоқ юнгларининг бир қисми қонга беланган эди ва У ғалаба қилиш учун Ўз Ҳаётини Қурбон қилганга ўхшаб кўринар эди. У ғалаба қилди ҳам! Исо барча нарсада Ўз Отаси Сўзига амал қилди. У Одам йўқотган барчасини қайта сотиб олишга муносиб эди. Юҳанно тахт атрофларига назар солди, ва шу вақтгача у мана шу Қўзига эътибор қилмаган эди. У қаёқдан келди? У Отанинг Тахтидан чиқиб келди. У Тахтда ўлдирилиб қайта тирилганидан бери ўтирган эди. Исо хочда ўлганида ва ўликлардан тирилганидан кейин, у Худонинг ўнг томонида ўтирди ва муқаддаслар учун ҳомийлик қилиш учун, Воситачи бўлиш учун, Абадий Яшайдиган — Барҳаёт бўлди. 7 черков даврлари мобайнида У Отасидан уларга меҳрибон бўлишлигини сўради, чунки улар бутун қутқарилиш режаси ҳақида билишмас, ва ўша нурда, ўзларига очиқ бўлган нурда юрдилар. Аммо шундай кун келадики, ўшанда Унинг Воситачилик вазифаси тугайди. Қачонки Келиннинг охирги аъзоси Худонинг муҳрини олади, ва шунда бошқа энди Ҳомийга муҳтожлик бўлмайди. Масиҳ Ўз Келинини Қўзининг Никоҳ Зиёфатига олади.[66] Кейин У ер юзига Қози сифатида қайтади. Меҳр-шафқат ўрнига ҳукм жойи бўлади.[67]

[65] Матто 26:36-46; Марк 14:32-42; Луқо 22:40-46

[66] Ваҳий 19:7-9

[67] Чиқиш 25:18, 22; Левитлар 16:2; 3Шохлар 8:6-7; Ибронийларга 9:3-5 Китобнинг охиридаги изоҳларга қаранг.

Юҳанно Қўзини Тахтда ўтирганнинг ўнг қўлидан Китобни олганини кўрди. Мана шу ерда Билли ваъзини Ваҳийнинг 10-бобига қаратди. У ўқиди:

> *(1) Мен осмондан тушаётган, булутга бурканган кучли бошқа бир фаришстани ҳам кўрдим. Унинг боши узра камалак бор эди. Юзи қуёшдай ялтирар, оёқлари олов устунларидай ловуллаб турар эди. (2) Унинг қўлида очилган бир китобча бор эди. У ўнг оёғини денгиз устига, чап оёғини эса ер юзига қўйганича, (3) арслон бўкиргандай кучли овоз билан ҳайқирди. У ҳайқирган маҳалда етти момоқалдироқ ҳам ўз товушлари билан гапга кирди. (4) Еттита момоқалдироқ ўзича гапира бошлаганди, мен ёзмоқчи бўлдим. Лекин осмондан: Еттита момоқалдироқнинг гапларини ёзма, муҳрлаб сир сақла! — деган товуш эшитдим. Денгиз ва ер юзида турган, мен кўрган фаришта ўнг қўлини осмонга кўтарди. (6) Осмон ва ундаги борлиқни, ер ва устидаги борлиқни, денгиз ва ичидаги борлиқни яратган, абадул абад барҳаёт бўлган Парвардигор ҳақи қасам ичиб, фаришта деди: Энди муҳлат узаймайди. (7) Мана, еттинчи фаришта карнай чалиб овоз берадиган кунларда, Худо Ўз қуллари — пайғамбарларга маълум қилган Ўзининг сирли мурод-мақсадини буткул амалга оширгай.*

Осмондан тушган бу Фариштa Масиҳнинг Ўзидан бошқа эмас. У Аҳд Фариштасига ўхшаб, Унинг боши узра камалак бор эди. Унинг қўлидаги энди очиқ Китоб (2-оят) Ваҳий китоби 5-бобидаги ёпиқ Китобнинг ўзгинаси эди. Қачонки У Ўзининг қасамини ичган пайтида, У Ўз-Ўзи билан қасам ичди, чунки буюкроқ бошқа бўлган эмас эди, йўқ эди (5, 6 ва 7 оятлар).[68] У бизга ваъда бериб, еттинчи фариштa кунларида — яъни, еттинчи черков даври элчиси кунларида — Худонинг сири, бизлар осмоннинг мана шу томонида бўлишимиз тақдир қилинганидек, шунчалар охирига етади.

[68] Ибронийларга 6:13-20

Билли деди: “Гарчи ушбу Қутқариш Китоби олти черков даври мобайнида ўрганилган бўлса-да, бироқ у токи еттинчи фариштa унинг сирини эълон қила бошламагунича, у охиригача тушунарли бўлмайди. У ушбу Китобнинг олдин ўтиб кетган текширувчиларнинг боғланмай турган учларининг барчасини боғлайди. Ва ундан кейин сирлар Худодан Худо Сўзи каби тушиб келади ва Худонинг барча ваҳийларини очиб беради. Ва Илоҳийлик ва бошқа сирлар тўғрисидаги савол бутунлай ечилади. Илон уруғи ва қолган бошқаларига ўхшаш сирлар очилади”.

“Мен буни ўзим ўйлаб чиқармаяпман. Бу Раббий Шундай Дейди. Мен буни сизга Китобдан ўқийман — “еттинчи фариштa мактуби эълон қилган кунларда, Худонинг Ўз қуллари пайғамбарларга маълум қилган Ўзининг сирли мурод-мақсади буткул амалга ошиши лозим”. (Бу ўша, Каломни ёзган пайғамбарлардир) Охирги черков даври элчиси карнай чалганида, ўша черков даврлари давомида текширилган барча ўша боғланмай қолган учларини энди биргаликда боғланади. Ва муҳрлар бузилганида ва сир очилганида, ушбу Фариштa (Элчи, Масиҳ) боши устида камалак билан тушиб келади ва оёқларини ерга ва денгизга қўяди”.

“Энди эсингизда бўлсин, бу еттинчи фариштa ҳам, худди Яхё Чўмдирувчи ўз мактубини эълон қилган вақтида Масиҳ келганидек, Унинг Иккинчи Келиши вақтида, ер юзида турибди. Яхё Масиҳни кўришини билар эди, чунки у Уни кўрсатиши керак эди. Ёзув бизга (Малакиё 4 да) Яхё Чўмдирувчига ўхшаган одам бўлади (Илёснинг руҳидаги, ва унга Худо Сўзи келади), ва у Муқаддас Руҳ билан Худонинг барча сирларини очади ва фарзандлар имонини яна ҳаворий оталарнинг имонига қайта тиклайди — бу деноминация йиллари давомида ўрганилган барча сирларни тиклайди. Ва бу нарса Сўз нима деган бўлса — ўша. Мен фақат Сўз нима деган бўлса, шу учунгина жавобгарман”.

Мана шу ваъзини охирида Билли, Исо Куёвни кутиб олишга чиққан ўнта қиз ҳақида ўргатган матални эслатди.[69] Уларнинг ҳаммаси ўз чироқларини ёнларига олишди, аммо фақат бешта қизгина чироқлари учун ёғ олишга етарлича эс-ҳушли эдилар. Куёв ушланиб қолгани учун, улар ухлаб қолишди. Туннинг ярмида бирданига овоз янгради: “Ана, Куёв келяпти, уни қаршилагани чиқинглар!” Овсарлари ўзларида мой бор деб ўйладилар, аммо уларнинг пиликлари ёнмагач, хато қилганларини англадилар ва озроқ мой сотиб олишга шошилдилар. Улар ёғ сотиб олгани кетиганда, Куёв келди ва эс-ҳушли қизлар У билан тўйхонага кирдилар. Эшик ёпилган эди ва шундай ёпилганидан овсарлари киролмадилар.

[69] Матто 25:1-13

Билли ўргатди: “Ўша ўнта қиз ухлаган пайтида, товуш, овоз, қичқириқ келди. Нима бўлиб ўтди? Қизларнинг барчаси туриб, чироқлари пиликларини тозаладилар; ва эс-ҳушли қизлар Тўй зиёфатига кирдилар, қолганлари бўлса фалокат *(қайғу)* даври — йиғи-сиғи, нолаю-фиғон тиш ғичирлатиш даврига қолдилар. Келин эмас, балки черков қолдирилган эди. Келин Тўй Базмига кирди. Черков билан Келин ўртасида фарқ бор”.

“Нима учун муҳрлар бузилган эди? Улар охирги черков даврида бу ҳақиқатларни очилиши учун бузилган эди. Нега? Қўзи (Худойига аталган Қўзи) бу муҳрларни бузади ва Ўз Шоҳлиги учун Ўз фуқароларини йиғиш мақсадида уни Ўз Келинига очади. Кўряпсизми? Энди У Ўз фуқораларини Ўзига олиб келишни истайди”.

“Ва қачонки Қўзи (Худойига аталган Қўзи), Қайсики ўлдирилган эди, Отанинг Тахтидан, Абадийликдан олдинга чиқди ва мулкка ҳуқуқни тасдиқлайдиганҳужжатни олди, шунда меҳр-шафқат ўрни ҳукм ўрни бўлди. Кейин Қўзи (Худойи Қўзи) бўлмайди, балки

йўлбарс, Подшоҳ бўлади; ва У Ўз Маликасини Ўз ёнида туришга чақиради. Худди Павел айтганидек: “Азизлар, дунёни ҳукм этишларини наҳот сизлар билмасангиз?”[70]

[70] 1Коринфликларга 6:2

Биринчи сир — Ваҳий 6:1-2

Арши аълодаги Тахтда бўлиб ўтганларни тушунтириб, Уилльям Бранхам бу етти муҳр сирларига ўтишга тайёр эди. Ўзида бор маъсулиятни тушунган ҳолда, у бутун бир ҳафтани ёлғизликда ўтказишга қарор қилди. Душанба саҳар эрталабидан ўрганишга шўнғиб, бу билан куннинг кўп қисмида тайёрланди. Уй тинч эди, чунки хотини болалари билан ҳали Тусонда қолишган, чунки болалари мактаб боришлари керак эди.

У ўрганишни Ваҳийнинг 6-боби 1 ва 2-оятидан бошлади:

Кейин мен Қўзининг етти муҳрдан бирини бузганини кўрдим. Ўша пайтда тўрт жондордан бири момоқалдироққа ўхшаш овоз билан: “Чиқиб қарагин!” — деганини эшитдим. Мен бир қарасам, бир оқ отни, устида камалаги бор суворини кўрдим. Унга бир тож берилди. У ғолибларча йўлга отланди, яна ғалаба қозонишга чиқди.

“Яхши, Раббий, бу нимани *билдиради?*” — деб сўради у, хонада у ёқдан – бу ёққа юрганча. Кейин тиз чўкди ва ибодат қилди. Бир қанча вақтдан сўнг у Библиясини олди ва бу икки оятни яна ўқиди. Улар нимани билдиради? У бунинг маъносини баъзи одамлар қандай тушунтирганларини билар эди. У яқинда Ваҳий Китоби ҳақида машҳур теолог олимлар томонидан ёзилган учта китобни ўқиган эди. Учала муаллиф ҳам оқ от ва унинг суворисси маъноси ҳақида бир хил фикр билдиришган эди. Ваҳий символлари системасида ҳайвон куч-қудратни билдиради. Оқ от поклик, муқаддаслик ва солиҳликни англатади. Шу учун оқ отдаги сувори биринчи черков даврида дунёни Исо Масиҳ муҳаббати билан енгиш учун чиққан Муқаддас Руҳ бўлишлиги керак. Бу жуда ишонарли эшитилади. Бир неча соатни бу ҳақида ибодатда ўтказиб, бу мавзу бўйича Биллида бошқа ҳеч нарса йўқ эди, ва у биринчи муҳрни ушбу нуқтаи назар билан ўрганишга қарор қилди. Столга ўтириб, ручкасини олди, ёндафтарчасини тўғрилади ва мана шу фикрни тасдиқлай оладиган Ёзув жойларига қараш учун Библиясини очди. У энди биринчи ёзувини қилмоқчи ҳам эдики, хонадаги атмосфера (ҳолат) ўзгарди. У ҳали устида Олов Устунини муаллақ туришидан ҳам олдин, Муқаддас Руҳни хонага кирганини ҳис этди. Бу Нурнинг пайдо бўлиши ҳар доимгидек уни ҳаяжонлантирди. У бунга ҳеч ҳам кўниколмади. Қачонки бу олов Устуни уни ўзига қаратган эди, у биринчи муҳрни бузилганини ва ўроғлиқ қоғоз маълум бир жойигача очилганини кўрди. У ручкасини олди-да, ёза бошлади.

Душанба кечқурун Бранхам Чодири эшиклари 6:30 да очилди. Нақ 7:30 да Билли пасторнинг иш кабинетидан чиқди, кафедрага турди-да, одамлар билан саломлашди. *Бурилиш вақтида* мактубини таҳриридан кейин у биринчи муҳр очилишига бутунлай шўнғиб кетди. Юҳанно Қўзини биринчи муҳрни очганини кўрган вақтида, у момоқалдироқ овозини эшитди. Оддийроқ айтганда, Юҳанно Худонинг Овозини эшитди. Билли буни Юҳанно 12:23-29 га асосланиб, исбот қилди. Исо баланд ибодат қилганида ва Унга осмондан Овоз жавоб берган эди, аммо Исонинг атрофида турган одамлар момоқалдироқни эшитганини айтгандилар.

Кейин Тахт атрофидаги тўрт жондордан бири: “Чиқиб қарагин!” — деди. Билли Ваҳийдаги жондорлар куч-қудратни рамзидир дегувчи ўша теологлар фикрига қўшилди. Арслонга, бузоққа, одамга ва учаётган бургутга ўхшаган ушбу жондорлар тўртта Хушхабар: Матто, Марк, Луқа ва Юҳаннонинг кучининг рамзи эди.

Кейин у ўз ваъзида оқ отга ва унинг суворисига етиб келди. У бу суворини биринчи черков даврини Хушхабар билан забт этган Муқаддас Руҳ деб тушунтирган теологлар ҳақида гапирди. Билли шундай деди: “Бу яхши эшитилади, аммо бу ҳақиқат эмас. Муқаддас Руҳ орқали менинг ваҳийим мана бундай: Масиҳ ва Муқаддас Руҳ — битта Шахснинг Ўзи, фақат ҳар хил формада. Шу учун бу ерда Масиҳ, Қўзи Ўз қўлида Китоб билан турибди; ва мана бу ерда оқ отда сувори чиқаяпти. Шу учун, бу Муқаддас Руҳ бўлолмайди”.

“Бу, мана шу охирги кунларда очиладиган сирлардан бирики, унда Масиҳ қандай қилиб Биттадан учта шахс бўлиши мумкин бўлади. Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ учлик таълимоти тарафдорлари бизга айтмоқчи бўлаётганлари каби, учта ҳар хил шахс эмасдир. Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ — учта худонинг эмас, балки учта хизматнинг, ёки Ўша Худонинг Ўзини атрибути (характерли белгилари) бўлиб, улар ўша Шахснинг учта намоён бўлишидир. Шу учун, символларни кузата бориб, қандай қилиб Масиҳ ғалаба қилиб, ўша ерда оқ отда бўлиши мумкин ва мана шу вақтнинг ўзида бу ерда Ўз қўлида Китоб билан туриши мумкин? Бундай бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, оқ отдаги бу одам — Масиҳ эмас”.

Агар бу оқ отдаги сувори Исо Масиҳ бўлмаса, унда ким у? Билли бу сувори дажжол руҳини ифодалайди, деб ўргатди. Оқ от — бу (маска) ниқоб. Сувори черковга кириб олиш учун ўзини муғомбирлик билан солиҳ қилиб кўрсатаяпти. Исо, бу ёлғончи руҳ Муқаддас Руҳга шундай ҳам ўхшаган бўладики, танланганлардан бошқа барча одамлар унинг муғомбирлигига, айёрлигига алданиб қоладилар, деган эди.[71] Оқ отдаги суворининг қўлида камони бор-у, аммо унда ҳеч қандай найзаси йўқлигига эътибор беринг. У — ёлғончи. Унда руҳий куч йўқ. Иблис ёлғондан, сиёсий ҳокимият билан бошқариш учун фойдаланади. У Исо Масиҳни ўлдириш учун Рим Империяси сиёсий ҳокимиятини ишлатди. Қачонки у нажот топиш, қутқарилиш режасини тўхтатолмагач, иблиснинг навбатдаги мақсади Христианларнинг болаларча имонини у тарқалиб улгургунича, бузиш эди. У бунда Павел билан кўпчилик ҳаворийларни ўлдириб, анча муваффақият қозонди. У шу билан бирга император Неронни Христианликни қонундан ташқари қўйишга илҳомлантириб, унинг натижасида минглаб Христианлар ўз имонлари учун қатл қилиндилар. Бироқ иблис Хушхабар тарқалишини тўхтатолмади. Шу учун у ўз тактикасини ўзгартирди ва уни ўзи черковга кириб қўшилди. У ўзини имонли деб кўрсатиб, доимий равишда Павел ваъз қилган сўзларни бузиб кўрсатаверди. Унинг мақсади одамларни ичидан мағлуб қилиш эди. Черков даврларидаги николаитлар таълимотини эсланг, Худо қанчалик уни ёмон кўрар эди.[72] *Николаит* деган сўз “одамларни забт этиш, қўлга олиш” деганини билдиради. Иблис черковдан Муқаддас Руҳ раҳбарлигини олиб ташлаш учун, ва уни инсон раҳбарлиги билан алмаштириш учун шундай қилди. У баъзи одамларга, улар бошқа одамларни бошқаришлари учун, уларга таъсирини ўтказди. Унинг узоққа чўзилган мақсади, қолган бошқа барча одамлар устидан бошлиқ сифатида битта одамга эга бўлиш эди. Бу режа ишдан бошланмади. У одамлар орасида руҳ каби – руҳ, қайсики ташкилот тузишга ҳаракат қилади, мана шундай сезилтирмайгина бошланди. Бу, руҳдан фикр билдиришга, ундан кейин эса амалга ўтди. Аста-секин бу ишлар диний таълимотга бирика борди ва охир оқибат, диний таълимотлар, Рим Императори Константин Христианликни қабул қилганида ва уни Рим Империясининг расмий дини қилганида, бу диний таълимотлар қонун бўлди-қолди. Бу қатъий ўзгаришни ўзининг кенг империясининг барча фуқаролари учун кўпроқ ёқадиган қилиш учун, у ҳар қандай одам ушбу янги дин билан ўзини қулай ҳис этиши учун, Христианлик таълимоти билан мажусийлик элементларини аралаштирди. Ушбу янги динни бошқариш учун Константин Рим католик черковини ташкил қилди. 325 йилда Францияда, Никейда ўтган советни чақирди ва ерда кўпчилик епископларнинг овоз бериш йўли билан унинг янги черкови таълимоти мувоффиқлаштирилиб, ҳар бир савол бўйича охирги сўзни Константин айтган эди. Улар учта бир Худога ишонишга келишиб олдилар — яъни, учта шахсдаги битта Худога. Улар Илоҳийликнинг ҳар бир шахси бошқа иккала *шахслар* билан баробар деб эълон қилдилар. Шу моментдан бошлаб адашиш сезиларли даражада кўпайди, ошди. Натижада, Рим католик черкови раҳбари сифатида папани сайлаш билан иблис ўз мақсади — қолган ҳаммасининг устидан раҳбар сифатида битта одамга эга бўлишга эришди.

[71] Матто 24:24; Ҳаворийлар 20:29

[72] Ваҳий 2:6

Оқ от, бу ҳаммаси айбсиз, гуноҳсиз бошланганининг рамзидир. Юҳаннонинг мактубларидан бирида у илк черковда дажжолнинг руҳи аллақачон шу ердалигини айтади[73]. Аввал бошданоқ иблис Худо каби сажда қилишлари учун, унга подшоҳ каби тож кийдиришларини истар эди. Аммо руҳ тож кия олмайди. Қачонки мажусий Рим папа Рими

бўлгач ва папа Рим католик империяси ҳукмдоридек тож кийдирилган эди, шунда иблисга тожни олишга имконият пайдо бўлди. Дажжолнинг руҳи папага кирди, у эса ёлғон сўзга ўргатаётган ёлғончи, сохта пайғамбар бўлди. Ёлғон пайғамбарлар кетма-кетлиги бутун тарих мобайнида давом этаверди. Рим католик черкови буюк фоҳиша (бузуқ) бўлди, у ҳақида Ваҳийнинг 17-бобидан гапирилиб ўтилган. У ўз бузуқлиги билан, яъни ўзининг иблисона таълимоти билан дунёни расво қилиб, Сўзни бузди. (Каломга, Сўзга қарши барчаси, бу дажжолдир, чунки Масиҳ — бу Калом, Сўздир). Охир оқибат буюк фохишада (бузуқда) қизлари пайдо бўлдики, улар ўз оналарининг дажжол системаси турларида ташкил бўлдилар.
[73] 1 Юҳанно 2:18

Вақтнинг охирида ёлғон пайғамбар ҳайвон бўлади ва у ҳақида Ваҳийнинг 13-бобида айтилган. Ҳайвон бу охирги буюк разолат (қайғу) вақтида бутун дунё иқтисодиёти устидан ҳокимликни қабул қилиб олади. (Масиҳнинг Келини бу вақтда Қўзининг Тўй Базмига кўтарилиб кетади). Бу охирги папа инсоний тушунчада даҳо, олий одам бўладики, у дунёни сиёсий ва иқтисодий ҳалокатдан вақтинча қутқаради. Рим католик черкови Яҳудийлар билан сулҳ, шартнома тузади.[74] Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилганга ўхшаб кўринади. Бир неча вақт бу папанинг сиёсий хатти-ҳаракатлари шунчалик яхши бўладики, шундан бутун дунё бўйлаб сиёсий ва диний раҳбарлар унинг раҳбарлигига бўйсунадилар. Салоникия иккинчи мактубнинг 2:3-12 оятларида айтилишича, Худо бу одамларга ҳайвоннинг ёлғонларига ишонишларига йўл беради ва уларнинг адашганлиги ўзларини ҳукм қилади. Ваҳий 13:8 да барча, ҳайвонга сажда қилишади, фақат дунё яратилганидан бери бўғизланган Қўзининг Ҳаёт Китобига исми қайд бўлганлар бундан мустаснодир, деб айтилган. Охир оқибат Рим Яҳудийлар билан ўз аҳдини бузади ва ҳайвоннинг ҳақиқий табиати, юзи ўзини намоён қилади. Агар ўзида ҳайвоннинг тамғаси бўлмаса, ҳеч ким мутлақо олди-сотди қилолмайди. Кимки унга қарши турса, ҳайвон уни таъқиб қилади ва ҳатто ўлдиради. Қолиб кетганлар (ақлсиз қизлар) ҳайвонга ўлимларигача қарши турадилар. Билли деди: “Эсингизда бўлсин, дажжол ва ҳайвон — бу худди ўша руҳнинг ўзи”. Биринчи сирни хулосалаб туриб, Билли мана шу оқ отдаги сувори, ўша шайтон кучини учта стадиясини (агар истасангиз иблисона учбирликни) билдиради, деди. Биринчидан у Николаитлар таълимотини ўргатадиган дажжол руҳидир. У дажжол, чунки у биринчи черков даври элчиси — Павел таълимотига қарши чиқади. Иккинчидан, у ёлғон пайғамбар — папа бўлади, қайсики ёлғон сўзни ўргатади; қайсики у Худонинг ердаги улуғвор қудрати бўлган Библияни хор қилиб, қадрсиз қилиб, Рим католик черкови иерархияси дин ақидаларини ўргатади. Учинчидан, у ҳайвонга айланади, ҳайвон бўлади — иблиснинг охирги вақтларида энг кўп куч-қудратга етишади ва ўз хохишини ҳаммага ўтказоладиган, айёрлик ва ёлғонга тўлган қудратли одамда мужассам бўлади.
[74] Дониёр 9:26-27

Иккинчи сир — Ваҳий 6:3-4

Қўзи иккинчи муҳрни бузганда, иккинчи жондор: “Чиқиб қарагин!” — деганини эшитдим. Шу пайт бошқа жийрон от чиқиб қолди. Отлиққа катта қилич — инсонлар бир-бирини золимларча ўлдириши учун дунёдан тинчликни олиш қудрати берилди.

Бу тўртта муҳрлар сирларидаги воқеаларнинг кетма-кетлигига эътибор беринг. Қўзи муҳрни бузган пайтда, Отанинг Тахти яқинидаги тўртта жондорлардан бир осмондан эълон қилди. Бир кунлар бошланган ҳар бир муҳр охиригача давом этади. Сир очилган вақтда черков даври элчиси ваҳий руҳини англаб олади ва уни черков даврига эълон қилади. Бу руҳий урушни бошлайди ва у бу давр учун ваҳий рад этилгач, ўша вақт учун суд билан тугайди. Эслаб кўринг, Павел биринчи черков даврига ўрнатган ҳақиқат, кейинроқ ялғончи ўқитувчилар томонидан заифлаштирилган эди. Ўрта асрлар черков даври элчилари пайғамбарлар эмас, балки реформаторлар бўлганлиги сабабидан, улар ўзлари тиклашга уринаётган ўша Сўзни тўлиқ тушинмадилар. Улар ўз теологияларида эркин осилиб қолган кўплаб боғланмаган учларини қолдирдилар. Ваҳийнинг 10:7 оятига мувофиқ, черковнинг еттинчи даври элчиси бу боғланмай қолган учларни йиғиштириб, тўплайди.

Иккинчи муҳрни ўқиб бўлгач, Билли ўз ваҳийсини тушунтирди. Жийрон от чоптираётган сувори ҳам худди ўша оқ отдагини ўзи. Бу яна ўша иблис, отини алмаштирган холос, яъни ҳақиқий черковга ҳужум қилиш формасини алмаштирган холос. Иблис — барча миллий сиёсатнинг раҳбари[75]. У ёлғончи пайғамбарга черков устидан ҳуқуқ олишига йўл берадиган асосни тузишга ҳаракат қилиб, черковни ва миллатни сиёсатига таъсир қилади. Охир-оқибат иблис эрамизнинг 325 йилида, Никей Советида бунга эришиб, ўша ерда Рим католик черковини етиштирадиган уруғни ташлаб, черков ва давлатни бирлаштирди. Черковда сиёсий ҳуқуқ пайдо бўлиши биланоқ, у аҳолига ўз диний ақидасини мажбуран ўтказиши ва ҳаттоки, кимки унинг ақидалари билан рози бўлмаса, ўлдириши ҳам мумкин. Жийрон (қизил) от биринчи ёлғон пайғамбарнинг қиличидан ўлган жафокаш Христианларнинг қони (Дамашқ 304-384 йиллар) ва ёлғон христиан черкови папалари, кординаллари ва епископлари бўлган, кейинги ёлғон пайғамбарнинг рамзидир.

[75] Матто 4:8

Бу саволни узил-кесил ҳал қилиш мақсадида, Билли Хазелтайннинг Христиан черкови тарихига, *“Бу қандай содир бўлди?”* китобига мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, тўртинчи асрдаги машҳур епископ, Хипполик бўлган Муқаддас Августинда Муқаддас Руҳни қабул қилиш имконияти бор эди, аммо у уни рад этди.[76] Кўп йиллардан кейин Рим папаси Ориген асарларини ўқигани учун ушланганларнинг барчасини атайлаб иғво уюштириб, уларнинг қаттиқ қувғин қилинишига эришди.[77] Италиядаги судья Августин хат ёзиб, ундан, у мана шу одамларни фақат Оригеннинг асарларини ўқиганлари учунгина ўлдирилишларини тўғри деб ҳисоблайсизми, деб сўраган эди.

[76] Уилльям Бранхамнинг Хипподан бўлган Муқаддас Августин тўғрисидаги фикрлари (иккинчи муҳр , 19.03.1963, 215 (287-289)) Хазелтайннинг *“Бу қандай содир бўлди?”* китобидан келиб чиқади, 1958 йил, 278-287 бетлар. Уилльям Бранхам Шмакернинг *“Шовқинли Реформация”* китобини айтиб ўтиб, шундай қилиб у Шмакердан лавҳа олгандай кўринади, аммо, аслида эса Шмакердан лавҳа келтирган Хазелтайндан лавҳа келтиради. Авлиё Августин ҳақиқатдан ҳам хушхабарчи Христианларнинг буюк қувғинида қатнашган, аммо бу дегани у тўғридан-тўғри қотилликка қўшилгани учун эмас эди. Аниқроқ айтганда, бу кейинроқ Рим католик черкови раҳбарлари унинг сўзларини ва унинг пок исмидан бошқача ўйлайдиганларни ўлдиришларини оқлаш сифатида фойдаландилар. Аслини олганда, Августинга мансуб деб айтилган барча кескин фикрларни уни ўзи ёзолмас эди. Унинг шогирдларидан бири бўлган Орозис, папанинг содиқ тарафдори бўлган ўша одам, Р.Хазелтайннинг айтиши бўйича, мана шу шафқатсиз фикрлардан айримларини Августин асарларига кирита билган эди. *(“Бу қандай содир бўлди?”* китоби Мактубнинг компьютер программаси комплектига киритилган.)

[77] Учинчи асрда Ориген хатлар ёзиб, у кенг тарқалиб кетди. У хатларида черковга суқулиб кирган коррупция, яъни порахўрликни фош қилган эди.

Августин жавоб берди: “Баъзи одамларни ўз оловларида ўлишлари, бутун тананинг ўз нопок низолари туфайли дўзах оловида абадий ёнишларидан анча яхшироқ”.

Кейинги Рим католик раҳбарлар Августиннинг фикрларидан ўзларининг аёвсиз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун фойдаландилар. Рим католик черкови Луқо баён этган Инжилнинг 14:16-23 га асосланган қувғин қилиш таълимотини ишлаб чиқдилар. Ёзувнинг бу жойида Исо, бир бой одам кечки катта дастурхон ясаб, кўпларни таклиф этгани ҳақидаги масални айтади. Кўпчилик одамлар таклифни рад этганларида, бой одам ўз хизматкорларига йўлларга чиқиб, сўқмоқларга бориб, элни қистаб бўлса ҳам уйини тўлдиришларини амр қилибди. Рим католик черкови бу матални бундай тушунтирди: агар одамлар биринчи Рим католик черковига унинг таклифи бўйича кирмасалар, унда черков уларни ҳар қандай йўл билан киришларига мажбур қилади ва агар бу қийноқларни билдирганида ҳам фойдали бўлади.

380 йилда Рим Императори Теодозиус ўзининг биринчи фармонини чиқарди: “... келинглар, Муқаддас Троица буюклигига баробар бўлган Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳнинг битта Илоҳийлигига ишонайлик. Бизлар (Римдаги папа Дамасусга, Александриядаги Епископ Александрга ва ўзини далил қилиб) бу динга берилган кишиларни католик христианлар деб аталишини буюрамиз; бизлар бошқа динларнинг барча ақлсиз издошларини бидъатчи деган шармандали ном билан лаънатлаймиз ва уларнинг черков дейилиши мумкин бўлган яширин учрашувларини таъқиқлаймиз.[78]

[78] Учрашув — айниқса диний сиғинишлар учун яширин ёки рухсат этилмаган йиғилишлар.

Илоҳий адолатнинг қоралашидан ташқари улар оғир жазоларни кутишлари керакки, уни бизнинг самовий донолик билан бошқарилаётган ҳокимиятимиз уларга бу жазоларни тўғри деб ҳисоблайди”. Бу фармон иккинчи муҳрдаги қизил-қон отга бутун ер юзи бўйлаб ва

асрлар оша бемалол юриши учун охирги дарвозани очиб юборди. Унинг иблис суворисн, унинг режасига қарши чиққан миллионлаб одамларни ўлдириш учун ўз қиличини ишлатади. Шмакер ўзининг *Шавкатли Реформация* китобида айтишича, 1850 йилга келиб Рим католик черкови унинг таълимотига қарши чиққанларнинг миннимум 68 миллионини умрига зомин бўлди.[79] Иккинчи муҳрдаги символ кўрсатиб турганидек, иблисда ер юзидан тинчликни олиш қудрати бор эди.

[79] Китобнинг охиридаги қайдларга ва манбаларга қаранг.

Бу ёлғон пайғамбарларнинг асрлар оша ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари Ваҳийнинг 13-бобида таърифланган етти бошли ҳайвонда энг юқори нуқтасига етди. Етти бош — қадимги Рим етти тепаликда ташкил бўлганини билдиради.[80] Ваҳий 13:18 да шундай дейилади: "Бунда ҳикмат бор. Ақли етган киши ҳайвоннинг сонини ҳисоблаб чиқсин. Унинг сони 666".

[80] Ваҳий 17:7-9

Билли Римдаги Ватиканга борган ва кўп асрлар давомида тож кийдирилиш маросимларида кийган машҳур уч ёқлама тожни шахсан кўрган эди. Бу тожда учта шох бўлиб,улар папанинг осмон устида, ерда ва дўзахда ҳокимиятга эгалигини билдирар эди. Бу тожда лотинча сўзлар ёзилган эди: «Викариус Филии Деи», яъни «Худо ўғли Ўрнида», деган маънони билдирар эди. Католик черкови ўзларининг папалари Масиҳнинг ердаги ўринбосари деб ишонадилар; яъни, улар папа Масиҳнинг ердаги ўринбосари ёки вакили деб ишонадилар. Библия ҳаёвоннинг сонини *ҳисоблашни* айтади. Агар лотинчадаги ВИКАРИУС ФИЛИИ ДЕИ деган сўз ифодасини рим рақамларидан фойдаланиб, математик масала каби баҳоланса, бу рим рақамларининг йиғиндиси 666 га тенг бўлади.[81]

V I CARI US FI L I I DE I = ?
В И КАРИ УС ФИ Л И И ДЕИ
V + I + C + I + V + I + L + I + I + D + I = DCLXVI
5 + 1 + 100 + 1 + 5 + 1 + 50 + 1 + 1 + 500 + 1 = 666

[81] Эслатма: "Антик дунё (қадимги) ёзувда U ва V каби ёзилар эди. Бунга мисол қилиб JUSTICE (Юстиция) сўзида кўриш мумкин, қайсики у классик рим меъморчилик услубида қурилган Қўшма Штатларнинг кўпчилик судлари бинолари деворларида JVSTICE тарзида ёзилган. Ватикан шаҳри ҳам бунга кўплаб мисолларга эга, масалан масалан PAULUS (Павел) исми, бир бинонинг эшиги яқинида PAVLUS деб ҳам ўйиб ёзилган.

Ваҳийнинг 17-боби Рим католик черковини қип-қизил ҳайвонга минган фоҳиша аёлни тасвирлаб беради. Ер юзида яшаётганлар унинг зино шаробидан маст бўладилар. Ваҳийда аёл черковнинг рамзи, черковни билдиради. Ваҳий 17 айтади: бу фоҳиша хотин етти тепаликда турган ва ер юзи шоҳларини бошқарадиган буюк шаҳардир. Бу таърифга мувофиқ келадиган ягона шаҳар — бу Рим; ва бутун дунёни мана шу жойдан бошқариб турган ягона черков — бу Рим католик черкови.

Исо деди: "Қилич кўтарган бари қиличдан ҳалок бўлади".[82] Рим католик черкови асрлар давомида ўз иродасини ўтказиш учун жисмоний қиличдан фойдаланди. Исо Масиҳ ер юзига қайтганида, Ваҳийнинг 19-бобида бундай дейилган: "У қонга бўялган кийим кийган, Унга "Худонинг Каломи" деб ном берилган эди... Энди Унинг оғзидан халқларга шикаст бериш учун бир кескир шамшир чиқиб турарди".[83] Худонинг Каломи руҳий қиличдирки, у билан охирида иблисни ва унинг ердаги ҳукмдорлигини йўқотади. Чунки Худонинг Каломи жонли ва таъсирли, ҳар турли дудама қиличдан ўткиррақдир..."[84]

[82] Матто 26:52
[83] Ваҳий 19:13-15
[84] Ибронийларга 4:12

Учирнчи Сир — Ваҳий 6:5-6

(5) *Қўзи учинчи муҳрни бузганда, учинчи жондор: "Чиқиб қарагин!" — деганини эшитдим. Бир қарасам, қора бир от чиқаётганини кўрдим. Отлиқнинг қўлида тарози бор эди. (6) Мен тўрт жондорнинг орасидан шундай бир овоз эшитгандай бўлдим: "Бир тоғора*

бугдой бир кумуш тангага, уч тоғора арпа бир кумуш тангага. Аммо зайтун ёғи ва шаробга зарар етказма!”*

*[*6] Кумуш танга: юнон.динор — тақрибан бир кунлик иш ҳақи; кўрсатилган нархлар оғир қахатчилик даврини билдиради.*

Чоршанба эрталаб барвақт туриб, Билли ибодат қилди. Ҳали қуёш нурлари унинг деразаларига тушиб улгурмай, Муқаддас Руҳ унинг хонасига кирди ва учинчи сирни қўриқлаётган муҳрни бузди. Билли куннинг қолган қисмини ибодатда ва буни тасдиқловчи оятларни излаб, Библиясини ўрганишда ўтказди.

Чоршанба кечқурун у олдин оқ ва жийрон отда чопган худди ўша сувори, учинчи марта отни алмаштирганини ўргатди. Қора от Қоронғи Ўртаасрларни рамзидир. У ўрта асрлардаги черкови даврида ҳукм сурган руҳий тушкунликни билдиради.[85] Энди, қачонки иблис ҳам черковни, ҳам давлатни бошқарган экан, Христиан черкови минг йил руҳий қоронғиликни бошидан кечирди. Оддий одамларга Библияни ўқишларига қўйилмасди. Улар Худо ҳақида ўз руҳонийларидан билиб олишар, улар эса Библиянинг ўрнига Рим католик черкови таълимотини ўргатар эди.

[85] Ваҳий 2:18-29; Фиатира (606-1520 йиллар)

Сувори қўлидаги тарози паллалари мувозанатнинг йўқлигининг рамзи эди. Паллали тарози — горизонтал шайиндан иборат бўлган ўлчаш учун мослама бўлиб, шайинни ўртасида марказий айланиш ўқи бўлади. Шайиннинг ҳар икки тарафида бир хил косалар осилган эди. Косалар бўш бўлган вақтида, шайин горизонтал ҳолатда бўлади. Вазни маълум тош эталон сифатида ишлатилади ва у шайиннинг бир томонига жойлаштирилади. Қачонки номаълум вазнли предмет қарама-қарши косага қўйилса, шунда у эталоннинг оғирлиги билан тенглаштирилади. Тарозининг стандарт қисмига токи иккала томон тўлиқ тенглашмагунига қадар, вазни аниқ тошлар ё қўйилади, ёки олинади. Бу усул ҳар қандай предметнинг вазнини аниқ билишга имкон беради. Бироқ тарозининг аниқлиги ишлатилаётган эталон тошларга боғлиқ бўлади. Нотўғри, ноаниқ эталон нотўғри натижани англатади.

Агарда Рим католик черкови Библияни ўз эталони сифатида ишлатганида эди, *унда тарихда* қоронғи ўртаасрлар даври бўлмаган бўларди. Библия ва черков бараварлашган, мувозанатлашган бўлади. Аммо Рим католик черкови суд қарорларини ва папа буйруқларини ўз эталонлари сифатида ишлатдилар. Улар буни черков раҳбарлари оддий одамлардан кўпроқ ҳуқуққа эга бўлишлари учун қилдилар. Бу бугдой ва арпанинг сотилиши билан символик тарзда кўрсатилади, чунки улар ҳаёт учун зарур бўлган асосий озиқ-овқат маҳсулотидир.

Рим католик черкови ўз папасини олий ҳокимият сифатида ўрнатиши билан, улар новенналар, епитимьи, индулгенциялар, месса ва тозаловчига ўхшаган урф-одатларини ишлаб чиқдилар, уларнинг ҳеч бирини Ёзувда жойи йўқ, Ёзувга асосланган эмас. Улар ўз ақидаларини *тошга* ҳам ўйдилар. Таълимотларини қонуний кўрсатиш учун, унга *“Ҳаворийлар таълимоти”* деб ном бердилар.[86] Бироқ ҳаворийлар бу таълимотдаги нарсаларни ҳеч қачон гапиришмаган. Агарда ҳаворийларда таълимот бўлган бўлса, бу ҳам бўлса Пётрнинг элликчилар байрамида айтгани: бу “Тавба қилинглар, ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб имон келтиринглар. Шундай қилиб Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар”.[87] Ҳаворийлар барчаси ваъз қилган нарса ҳам мана шу. Пётрда Осмон Шоҳлиги калити борлигини улар билишардилар. Исо Исмига Тавба қилиш ва Исо Исмига имонга кириш эшикни очади.

[86] Бу диний таълимотнинг нусхаси китобнинг охиридаги қайдларда берилган.

[87] Ҳоварийлар 2:38

Қачонки қора от минг йилга чўзилган ўз сафарини бошлар экан, мана шу ҳақиқий имонли учун зимистон эди. Аммо буюк Тахтни ўраб турган тўрт жондорнинг орасидан бир Овоз келди. Бу Қўзининг: *“Аммо зайтун ёғи ва шаробга зарар етказма!”* — деган Овози эди. Ёғ Илоҳий Муқаддас Руҳнинг[88] рамзидир. Шароб эса Худо Руҳи берадиган ваҳийдан ҳаяжонланишни, тўлқинланишни билдириб, унинг рамзи ҳисобланади. Муқаддас Руҳ Исо бу Масиҳ эканлигини кўрсатадики, мана шу ваҳий, очиқлик имонли одамни табиий шаробдан кўра кўпроқ тўлқинлантиради. Ёқубнинг қудуғи олдида Исони учратган Самариялик аёлга

қаранг.[89] У Исони Масиҳ эканини англаганида, у шундай тўлқинланиб, ҳаяжонланиб кетдики, у шаҳарга чопди, ўзи таниган ҳаммага айтиб чиқди. Уларнинг одати бўйича бундай қилиш лозим эмас эди. Ҳаворийлар китоби бизга кўплаб мисоллар беради.[90] Эллик кун байрами куни Муқаддас Руҳ 120 одамни тўлдирдики, улар кўчага отилдилар ва кимга гапириб билсалар, барчага Исо Масиҳ ҳақида айтавердилар. Бу 120 одам ўз очиқликларидан, ваҳийларидан шундай ҳам тўлқинланиб кетишганидан, уларни кузатиб турган баъзи бирлар, "улар масаллас ичиб мас бўлишибди", деб ўйладилар. Мана шу ваҳийнинг қудратики, худди шунда Черков қурилгандир. Қўзи: "Зайтун ёғи ва шаробга зарар етказма", деганида, У — "Менинг Ким Эканим ҳақидаги ваҳийга зарар етказма. Бу ваҳийни йўқотма. Бу — у нарса бўладиганлар, камчилик одам бўлади. Бу — Уруғ. Гарчи ҳозир у ерда кўмилгандай, дафн бўлгандай кўринсада, охир-оқибат бу уруғ куртаклайди ва ўсади. Мен капалак қурт, чигиртка, мева қурти ва бошқалар еганларининг барчасини тиклайман", — деган маънони назарда тутган эди. Бу тўртта бузғунчилар Иоил китоби 1:4 ва 2:25 да айтилган бўлиб, улар Ваҳий 6 да чопаётган тўртта отга ўхшаб, у сингари бузғунчилардир.

[88] Левитлар 8:12; Зикриё 4:12; Матто 14:25

[89] Юҳанно 4:1-30

[90] Ҳаворийлар 2:1-40; Ҳаворийлар 10:34-48; Ҳаворийлар 19:1-7

Тўртинчи Сир — Ваҳий 6:7-8

Қутқариш Китоби, Худо дунёни яратишидан ҳам олдин, унгача ўйланган ва ёзилган эди, деб тушунтирди Билли ўз аудиториясига.[91] Ўз ўй-фикрларига шўнғиганча, Худо Ўз яратганларини мана шу ёвуз фаришта, иблис орқали йиқилишини олдиндан кўриб билган эди, қайсики бу фаришта Худо билан тенг бўлишни жон-жаҳди билан истар эди. Алоҳида бир водород атоми пайдо бўлгунига қадар, Худо Ўз Келинини танлади ва Қўзини Қурбонлик қилишга қарорини қабул қилди, шу тарзда Ўзининг танланган сотиб олинишини таъмин этди, кафолатлади. Иблис ушбу қутқариш режасини бузиш учун тинмай тер тўкди, аммо Худони енгишнинг иложи йўқ.

[91] Эфесликларга 1:4; Ибронийларга 4:3; 1-Пётрнинг 1:18-20; Ваҳий 13:8; 17:8

Худонинг бу еттита муҳрланган сирини очишнинг сабаби нимада? У буни Ўз Келинига уни қанчалик қаттиқ севишини ва У унинг учун қилганини кўрсатиш учун қилади. Қачонки Ҳаво Худо Сўзидан узоқлашган эди, Худо Ўз фарзандларини мана шу илк, дастлабки *тоза* Сўзга қайтаришини ваъда берди.[92] Ҳали Унинг болалари ўша дастлабки, илк *тоза* Сўз қачон келишини кутишар экан, Худо Исроилга унинг ўрнини босувчини — жонликларни қурбонлик қилиш системасини берди. Жониворларнинг қони гуноҳни фақат қоплар эди холос; у гуноҳни ёки гуноҳ қилишга хохишни олиб ташламас эди. Шунга қарамай, бу ўринбосар нарса — қурбонлик қилиш системаси Исроилга ёқиб қола бошлади. Қачонки Худо Каломи Инсон Исо Масиҳга мужассам келган эди, Исроил халқи ҳақиқийси ўрнига ўринбосар системани афзал кўрди. Уларга келтирилган, намоён бўлган Сўзни пайқамадилар, танимадилар. Исо табиий одам упоковкаси — тери, суяклар, мушаклар, асаблар, қон, ақл ва барча қолганларга ўралган ҳақиқий Худо Сўзи эди. Исо Масиҳ ер юзига битта мақсад учун — қутқариш учун келди. Қачонки Яҳудийлар Пилатдан Исони хочга михлашини талаб қилганларида, улар ўзлари билмаган ҳолда Худонинг ҳали дунё яратилмасидан олдин ишлаб чиққан режасини ижро этдилар. Исо, ҳақиқий Сўз, инсонни гуноҳдан буткул тозалашга қодир бўлган Худонинг Қўрбонлик Қўзиси (Қурбонлиги) бўлди. У буни қайта тирилиши билан исбот қилди.

[92] Ибтидо 3:12

Билли бу гуноҳдан тозаланишни, танланишни тозалагич солинган идишга тушган ранг томчиси мисолида тушунтириб берди. Ранг ўзининг кимёвий бўлакларига шундай парчаланиб кетадики, ундаги дастлабки моддадан ҳеч нарса қолмайди. Билли деди: "Янгидан туғилган (ҳақиқий имонли) ҳар бир имонли одам Худонинг олдида мутлақо ва абсолют гуноҳсиздир. У одам ўз ишларига ишонмайди, балки Исо Масиҳ Қони (унинг гуноҳларини қилган эътирофлари томган қон) гуноҳнинг ҳар бир доғини эритиб юборади. Библия шундай дейди: "Худодан туғилган ҳеч бир киши гуноҳ қилмайди, чунки Худонинг уруғи (Худонинг

ҳаётбахш кучи, Каломи, Руҳи, Илоҳий табиат) унинг ичида қолади. У Худодан туғилгани учун гуноҳ қила олмайди”.[93] Қандай сиз гуноҳкор бўласиз, қачонки Исо Масиҳ оқловчи Қони Худо билан бу одам ўртасида турар экан? Исо деди: “Шундай қилиб, осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар”.[94] Қандай қилиб биз умуман баркамол бўлишимиз мумкин? Бироқ Исо буни талаб қилди. Агар У буни талаб қилса, У шундай бўлишимиз учун йўл очиб бериши керак — У буни Ўз Қони орқали амалга оширди”. Билли Ваҳий 6:7-8 ни ўқиб берди.

[93] 1-Юҳанно 3:9
[94] Матто 3:48

Қўзи тўртинчи муҳрни бузганда, “Чиқиб қарагин!” деган тўртинчи жондорнинг овозини эшитдим. Бир қарасам, бир саман от чиқаётган экан. Отга мингдан суворининг номи Ўлим эди. Тамуғ унинг кетидан келаётган эди. Уларга қилич билан, қахатчилик ва ўлим билан, ернинг вахший ҳайвонлари билан одамларни қириш учун ернинг тўртдан бир қисми устидан ҳокимлик берилди.

Тамуғ* — (юнон.Ҳадес) тавба қилмай, раҳматга эришмай ўлганларнинг жонлари қиёматга қоладиган қўрқинчли жой; ўликлар диёри (қ. Матто 16:18; Луқо 16:19-31; Ваҳий 1:18; 6:8; 20:13-14; Забур 48:15-16).

Бу саман от худди ўша суворини, бундан олдин ўша уч отда чопган суворини миндириб олган эди, деб тушунтирди Билли. Бўзарган туси, рангпарлиги — бу охирги кунларда диний, сиёсий ва ёвуз кучларни бирлаштириб, оқ, қизил ва қора отларнинг аралашмаси символидир. Ушбу сирли сувори биринчи учта отда номсиз, исми номаълум эканлигига эътибор беринг. Энди бу саман – рангпар отдаги сувори Ўлим деб номланган. Унинг кетидан дўзах келаётган эди. Худди табиий ўлимдан кейин доим (қабрни билдириб) дўзах келадиганидай, руҳий ўлимдан кейин доимо (Худодан абадий ажралиб қоладиган, олов кулини англатадиган) дўзах келади. Ташкил қилиниб тузилган система, қайсиники шайтон ишлаб чиқди ва уни ҳақиқат деб қўллаб-қувватлади, аслида бу система руҳий ўлимни ўчоғи эди. У шу ташкилотлардаги бўлган одамларга қарши эмас эканини Билли таъкидлади; у уларни бошқариб ва уларни адаштирган системага қаршиман мен, деди.

Шайтон черков даврлари мобайнида тўлиқ ҳукм сурган бир пайтда Худо жим турмади. Ишайё 59:19 да шундай дейилади: “Душман сув босқинидай келса, Худо Руҳи унга қарши байроқ кўтаради”. Худонинг Тахтини қўриқлаб турган тўртта жондор Юҳаннога биринчи тўртта муҳрнинг очилишида гапирган ўша тўрт жондордир. Улар тўртта Хушхабар — Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно Хушхабари қудратини билдириб, — Тахтни шимол, жануб, шарқ ва ғарб томондан қўриқлаб турадилар. Биринчи жондорнинг юзи арслонга ўхшаш бўлиб, у дегани — биринчи даврда Ўз Сўзини тоза очиб бергани орқали Ўз черковини жипслаштирган Масиҳнинг таъсирини ифодалайди. Шайтон янги имонни бузишган уринган бир пайтда, Масиҳ Маттони, Марк, Луқо ва Юҳаннони Хушхабар ёзишга илҳомлантирди ва У Пётр, Ёқуб, Юҳанно ва Павелни Ҳақиқатни абадий мустаҳкамлайдиган мактублар ёзишларига илҳомлантирди. Иккинчи жондор бузоққа ўхшар эди. Бузоқ — бу юк ортиладиган жонивор (*оғир юкларни ташийдиган*) экан — бу ҳақиқий руҳ қоронғу ўрта асрларда алдовлар, қувғинлар ва таҳқирларда ҳақиқий Христианларга ёрдам бериш учун эди. Бузоқ шу билан бирга қурбонлик қилинадиган жонивор. Бу бузоқ кўринишидаги жондорнинг руҳи ўз имони учун ўз жонини беришларига тўғри келган ўша Христианларга ёрдам берди. Учинчи жондорнинг юзи одамсимон эди. Бу ўйлайдиган, тез тушунайдиган ва эҳтиёткор руҳ. Мартин Лютер, Джон Кальвин, Джон Уэсли ва бошқа реформаторлар инсон донолигининг бу руҳини Библияни ўрганиш учун ишлатдилар. Инсон донолиги руҳи бу реформаторларга Римнинг тўғридан-тўғри бошқаришларидан қутилишларига ёрдам берди. Тўртинчи жондор учаётган бургутга ўхшар эди. Бургут ҳар қандай қушдан кўра жуда юқори учиб ва узоқни кўриб билгани туфайли, у мажусий пайғамбарни билдирадики, бу пайғамбар охирги вақтда ҳақиқий имонни тиклайди.[95] Илёснинг руҳи билан бир одам Худодан ваҳий олади ва эшитишни истаган барчага етказади, улар эҳтимол ер шари аҳолисининг юздан бир фоизини ташкил қилади. У теологлар коллежи (семинария)дан чиқмайди, чунки у ўша ёқдан чиққанида эди, у ўқитувчилари ўргатган нарсага қайтишга интилган бўлар эди. Биринчи

Илёсга ўхшаб у ўзининг кунларидаги тузилган диний системасига қарши туради. Бир куни Фесвитян Илёс Исроилда Худо Сўзига содиқ бир ўзим қолдим деб ўйлаган эди. Шунда Худо унга мамлакатда ҳукм сураётган бузуқ диний системага 7000 одам тиз чўкмаганлигини айтади.[96] Охирги кунларда ҳам шунга ўхшаш бўлади.

[95] Малакиё 4:5-6; Матто 17:11; Ваҳий 10:7

[96] 3-Шохлар 19:9-18

Иблис Христиан черковини ташкилот руҳи билан бузди. Мартин Лютер ва бошқа реформаторлар она ташкилот (католик ташкилот)дан ажралган вақтларида, уларда ўша вақт учун ҳақиқат бор эди; аммо уларнинг издошларининг кўпчилиги асосий ташкилот системасидан ушлаб туришар, у эса ўлимга элтар эди. Бу черков системаси малика бўлганлигидан фахрланиб кеккаяр, шу иши билан Масиҳнинг Келинига тақлид қилар эди.[97] Ҳал қилувчи жанг олдинда турибди — режаларнинг очилиши. Ҳаёт ва ўлим, — дунёдаги энг катта кучлар, — жангда учрайдилар. Иблис ўлимнинг жийрон отида, Исо Масиҳ Ўзининг қордай оппоқ Ҳаёт отида у билан жанг қилади. Иблиснинг унга ишонадиган легионлари Худо лашкарлари билан жанг қилади. Жийрон отдаги сувори энди иблис ўлдириши мумкин бўлган барча усулларни ифодалайдиган қиличини ушлаб туради; ҳам табиий, ҳам руҳий тарзда.

[97] Ваҳий 18:7

Худо шайтонни Ўзининг абадий Сўзининг руҳий Қиличи билан енгади. Ёлғон пайғамбар, ҳайвон ва ҳайвоннинг тасвирига сажда қилганлар енгиладилар ва кейинроқ эса улар олов кўлида йўқ бўладилар.[98] Дўзах абадий бўлолмайди, чунки охир-оқибат дўзах олов кўлида йўқ бўлиб кетади. Библия бу одамлар ҳақида, улар “абадий ҳукм”, “абадий олов” қасоси орқали ва “абадий ҳалокат” билан жазоланадиганлар ҳақида айтади.[99] Ҳукм, олов ва ҳалокат доимий бўлгани, мана шу доимийлиги уларни абадий қилади, аммо ҳукм ва ҳалокат орқали ўтадиган одамлар, абадий бўлолмайдилар. Абадий яшайдиган ягона одамлар, булар, ичларида Исо Масиҳнинг Муқаддас Руҳи яшайдиган одамлардир.

[98] Ваҳий 19

[99] Ибронийларга 6:2; Яҳудо 1:7 ва Салоникаликларга 1:9 мос ҳолда.

Бешинчи Сир — Ваҳий 6:9-10

Жума куни тонгда уйғониб, Билли ўрганишга шўнғиди ва Ваҳий 6:9 ва 10 ни ўқиди: *Қўзи бешинчи муҳрни бузганда, Худонинг Каломи ва берган шаҳодатлари туфайли шаҳид бўлганларнинг жонларини қурбонгоҳ поясида кўрдим. Баланд овоз билан фарёд қилиб, шундай дердилар: “Эй Муқаддас ва Ҳаққоний Ҳукмдор, қачонгача ҳукм этмай ва дунёда яшаётганлардан қонимизнинг интиқомини олмай турасан?” Уларнинг ҳар бирига оқ либос берилди. Ўзлари каби ўлдириладиган ҳамкор ва биродарлари сони тўлмагунга қадар, қисқа бир муддат тинч қолишлари уларга айтилди.*

Биллининг бешинчи муҳр бўйича тушунтирганларининг барчаси бу одамлар ўлимига қадар қийноққа солинган Христианлар деганига мос эди. Бу мутлақо тўғри келадиган бўлиб кўринар ва тимсолларга мос келар эди. Ундан сўнг одамлар фикрларини тарқатиб, хонага Олов Устуни бостириб кирди. Билли бу Буюк Нурдан донг қотиб, у ёқ – бу ёққа қараган эди, ваҳий уни бошқа ўлчовга олиб ўтди. Меҳроб олдида тўпланган жонларни кўриб, улар аслида ким бўлганликларини тушуниб билди. Унга охирги вақт ҳалокати мобайнида (разолат) муҳрланадиган 144 000 яҳудийни ҳам қўшиб, бошқа гуруҳ одамларини кўрсатиб, ваҳий кенгаяверди. У тарих давомида Илёснинг беш марта келишини кўрди. Ундан кейин у яҳудийларга охирги давр ҳалокати (разолат) вақтида ваъз қилиб бешинчи марта келди, фақат бу вақтда у ёлғиз ўзи эмас эди. Билли Илёнинг ёнида ким турганини англаб етмагунича, диққат билан кузатди.

Шу оқшом Билли, Библия ўқитувчиларининг кўплари ўйлаганидек, қурбонгоҳ поясидаги одамлар ўлимига қадар қийналган Христианлар эмаслигини черковига тушунтириб берди. Улар Исо Масиҳ Исми учун эмас, балки “Худо Сўзи учун ва ўзлари амал қилаётган гувоҳликлари учун” ўлдирилгандирлар. Бу Мусо қонунига содиқ қолган яҳудийлар эди. Бу гуруҳда Масиҳнинг ўлими билан мажусийлардан Келиннинг кетишигача

бўлган *вақт оралиғидаги* ўз имонлари учун қийноққа солинган яҳудийлар бор эди. Эътибор беринг, уларга оқ кийим берилган эди. (Масиҳнинг Келини аъзолари ўз Куёвларининг кечиримли марҳаматини қабул қилган дақиқадаёқ, ўз оқ кийимларини оладилар. Ваҳий 6:11 да уларнинг ҳар бирига оқ кийим берилди, дейилган). Яна бу гуруҳнинг қонунда кутиладиган реакция бўлган интиқом, қасос олишни сўраётганлигига ҳам эътибор беринг.[100] Христиан қасос олишга интилмайди.[101] Бу яҳудийларга оқ кийим берилган эди, чунки мажусийлар Худо Шоҳлигига кириш учун имконият пайдо бўлиши учун, Худо уларнинг кўзларини ҳақиқатга қисман кўр қилиб қўйган эди. Римликларга мактубнинг 11:25 оятида таъкидланишича: *бошқа халқлардан нажот топадиганларнинг сони тамом бўлмагунга қадар, Исроил халқининг вақтинча дийдаси қотган*. Ҳаворийлар 15:15 да Пётр, Худо Ўз Исми ҳақи мажусийлардан бир халқ олишни хохлайди, дейди.

[100] Чиқиш 21:22-25; Левитлар 24:19-20; Қонунлар 19:16-21

[101] Матто 5:38-48

Келин Кечки Зиёфатга олинган пайтда, ерда қолган одамлар даҳшатли мусибат (қайғу)да азобланадилар. Бу вақт мобайнида 144 000 ҳақиқий яҳудийлар иккита гувоҳнинг мактубини қабул қилган вақтларида Худонинг Шоҳлигига муҳрланадилар. Гарчи Библия бу иккита гувоҳни номламаса-да, Билли уларни Илёс ва Мусо каби уларга тенглаштирди. Ваҳий 11:6 да айтилишича: *улар пайғамбарлик қиладиган кунларда ерга ёмғир ёғмасин, деб кўк юзини боғлаш қудратига эгадирлар. Улар сувни қонга айлантириш ва ер юзини истаган вақтида турли балою-офатларга йўлиқтириш қудратига эгадир.* Тишбалик Илёс ёмғирни бошқарган эди, Мусо эса ерни касалликларга мубтало қилган эди.[102] Мусо билан Илёс ерни тарк этганларидан кейин, улар яна пайдо бўлганлари ва Исо билан суҳбатлашганларининг ўзи бу иккала пайғамбарларда ҳали ҳам хизматлари борлигидан дарак беради.[103] (Кейинчалик Билли бу иккита гувоҳ ҳақиқий Мусо билан Илёс бўладими ёки фақат бу иккита одамда Мусо билан Илёсни мойлаган ўша Руҳ бўладими, билмаслигини айтди.) Мусибат (қайғу) даврида бу иккала гувоҳлар яҳудийларга охирги черков даврида тўртинчи Илёс ваъз қилган айни ўша мактубни ваъз қилди. Қачонки 144 000 яҳудий Исо Масиҳни ўз Мессияси, Қутқарувчи эканлигини таниб билганларида, улар Уни олдин рад этганлари учун тавба қилиб йиғлайдилар. Худо булар ҳаммаси мажусийлар қутқарила олиши учун атайин қилинганлигини тушунтириб, уларни юпатади. Юсуф Ханаан диёрида очарчилик пайтида Мисрда ўзини биродарларига очганлиги тарихи, охирги вақтлардаги мусибат вақтида Ўзини 144 000 яҳудийга очган Исонинг ажойиб намунасидир[104]. Юсуф ака-укаларига ўзини танитган вақтида, Юсуфнинг мажусий келини саройда дам олаётганига эътибор беринг.

[102] 3-Шоҳлар 17:1; 3-Шоҳлар 18; Чиқиш 7:19; Чиқиш 8-11

[103] Матто 17:1-8; Марк 9:2-13; Луқо 9:28-36

[104] Ибтидо 45:1-15

Олтинчи Сир — Ваҳий 6:12-17

Бутун бир ҳафта давомида Билли ўртача бор-йўғи 3 соатдан ҳар кечаси ухлади. Шанба куни ҳали тонг отмаёқ у яна уйғониб, шу бир ҳафта ибодат ва ўрганиш билан ўтказган ўша хонасига кирди.у Ваҳий 6:12-17ни ўқиди:

Қўзи олтинчи муҳрни бузганда, қарасам, буюк зилзила бўлаётганини кўрдим. Қуёш худди қора хирқага буркангандек қоронғилашди., ой эса лахта қонга айланди. Кучли шамол анжир дарахтини силкитганда хом анжирлар ерга қандай тўкилса, осмондаги юлдузлар ҳам худди шундай ер юзига тўкилди. Осмон дафтардай ўралиб, йўқолиб кетди. Ҳар бир тоғ ва орол жойидан силжиди. Дунёнинг шоҳларию мансабдорлари, бойлари, мингбошилари, зўравонлари, эркину-тутқинлар — бари ғорларга ва тоғларнинг қоялари орасига яшириндилар. Улар тоғу қояларга: "Устимизга қуланг, Тахтда ўтирган Сиймодан ва Қўзининг ғазабидан бизни асранг! Унинг буюк қаҳр-ғазаб куни келди-ку! Унга ким бардош бера олади?!" — деб ёлворар эдилар.

У ҳар куни кун бўйи асосан ўзининг изланишлари билан банд бўлди. У қўшнилари Бэнкс ва Руби Вудларнинг уйида овқатланар эди; ёки бўлмаса, баъзан Бэнкс уни ресторанга тушликка элтиб, оли бқайтар эди; бироқ у ҳар доим ўзининг Сўзни ўрганишига шошилар

эди. Уни ҳеч бир нарса мақсадидан чалғитишини, ўзига тортишини истамас эди. Шанба кунининг қандайдир ўрталарида унинг иш кабинетини Олов Устуни ёритди ва уни яқин келажакка олиб ўтдики, ер шари боласини туғаётган ҳомиладор аёлга ўхшаб титрарди.[105] Ваҳий уни ўзини қолдириб кетганида, у шундай ҳаяжонда эканидан, зўрға нафас ололар эди. Ўрнидан туриб, у кўчага чиқди ва ҳовлисида у ёқдан – бу ёққа юра бошлади. Мартнинг салқин шабадаси уни бироз жонлантирди; унга таниш кўлча ва дарахтлари таниш манзараси уни тинчлантирди; боши узра катта-катта булутлар тўдаси уни умуман хотиржам қилди ва ниҳоят у ўзининг ўрганишларига қайта олди. У ер юзида қанақанги даҳшатли ҳодисалар содир бўлганини кўрди, бироқ у булар ҳаммаси ҳақида одамларга айтиб билмаслигини билар эди, бўлмаса у одамларни жуда қўрқитиб юборар эди. Аммо у бу ваҳийда эски ердан пайдо бўлаётган янги, гўзал ерни ҳам кўриб қолди. У ўйлаб қолди: “О Худованд, улар буни қўлдан чиқариб юбормасликлари, эътиборсиз қолдирмасликлари лозим. Мен аудиторияга етишим ва уларни силкитишим керак. Исо, биламан, мен буни қилолмайман. Сен, Отам жалб қилмаса Сенга бирорта ҳам одам келолмайди, деб айтгансан. Менда битта юпаниш сўз бор: Сен яна айтгансан: “Отам кимни Менга берган бўлса, Менга келади””[106]

[105] Ишайё 13:6-11

[106] Юҳанно 6:37; Юҳанно 18:9

Шу оқшомги хизматда Билли олтинчи муҳр Худонинг қутқариш режасини рад этган гуноҳкор дунё устидан ҳукмни қандай тарзда очиб беришини тушунтириб берди. Мажусийлар даври тугади. Бу пайтда Масиҳнинг Келини Кечки Зиёфатга кетди. Худо Ўз эътиборини яҳудийларнинг охирги қутқарилишига қаратди. Мусо ва бешинчи Илёс мажусий келинига тўртинчи Илёс (еттинчи черков давр элчиси) ваъз қилган худди ўша мактубни Яҳудийларга ваъз қилиб. Исроилда пайдо бўлади. Шунда 144 000 эътиқоддаги яҳудийлар Исо Масиҳни ўз Мессияси деб қабул қиладилар.

Олтинчи муҳр табиий дунё ҳаракатлари тартиби бузилишидан дарак беради. У ер силкинишидан бошланади. Кўп ўтмай, унинг кетидан вулқон отилишлар, уруш ва бошқа офатлар келади. Масиҳни рад қилганлар Унинг қаҳру-ғазабидан қочиб қутилишга уринадилар. Пушаймонга жуда кеч бўлади. Қўзи (Қурбонлик) Худо билан одам орасида бошқа энди воситачи эмас. Қачонки раҳм-шафқат нафрат билан рад этилган экан, жазодан бўлак ҳеч нарса қолмайди.

Эсингизда бўлсин, бу ўроғлиқ қоғоздаги бари етти муҳр биргаликда бутун Қутқарилиш режасини ташкил қилади. Худо Масиҳнинг мажусий Келинини шайтоннинг барча ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун арслон, бузоқ, одам ва бургутга ўхшаган самовий жонзодлар руҳини қандай ишлатганини биринчи тўртта муҳр кўрсатиб беради. Черков даврларидан ўтган жаҳолатда қолган, ақлини йўқотган яҳудийлар бешинчи муҳр остида ўз нажотларини қабул қиладилар. Олтинчи муҳр остида охирги офат (қайғу) сўнгида 144 000 яҳудий ўз қутқарилишини қабул қиладилар. Бироқ ер курраси ҳам гуноҳлардан кечирилишга — нажотга муҳтожи бўлади. Шайтон Момо Ҳавони гуноҳга эргаштирганида, бунинг оқибатида (Қобил ва унинг авлодлари) инсониятни сиёсий, аҳлоқий ва диний бузилишлар билан ифлослантирди. Минг йиллар ўтгач, энди инсоният табиий дунёни ҳам расво қилишга улгуриб билди. Олтинчи муҳр ернинг ўзини ҳам тозалайди.

Шунинг учун олтинчи муҳр уч ёқлама мақсадга эга: (1) У Масиҳнинг Келини Кўтарилишга кетганидан кейин қолган мажусий черковни тозалайди. Бу Христианлар Матто баён этган Хушхабарнинг 25-бобидаги овсар қизлар ҳисобланади. Ҳайвон тамғасига қаршилик қилиб, улар имонсизликларидан тозаланадилар ва Буюк Оқ Тахт Судида раҳм-шафқат оладилар[107]. (2) Олтинчи муҳр яҳудий халқини тозалайди. Бу кейинроқ Ваҳийнинг 7-бобида, шу билан бирга Ваҳийнинг 8, 9 ва 11-бобларидаги етти карнай билан учта офатларда очиб берилган. (3) Олтинчи муҳр ерни тозалайди. Бу Ваҳийнинг 15 ва 16-бобларида очиб берилиб, унда охирги етти бало солинган етти коса Худонинг ғазабини ерга тўкиши ҳақида айтиб берилади. Олтинчи муҳр Ваҳийнинг 17 ва 18-бобидаги воқеаларни, шайтоннинг ўша системалари бўлган, буюк фоҳиша ва унинг қизларининг ҳукм қилиниши ва йўқотилишини ҳам ўз ичига олади. Бу, ўша, азалдан нажот топиш режасини, уни ёлғон режалар билан алмаштириб, бузишга уриниб келаётган иблис системалари эди. Ваҳийнинг 11-бобидаги

икки гувоҳ бу жазоларнинг кўпларини бошқаради. Масалан, биринчи ер қимирлашидан кейин *“ қуёш худди қора хирқага бурканган дек қоронғилашди”*. Чиқиш китобининг 10:21-23 оятида Худо Мусога қўлини осмонга кўтаришини айтганида, Мисрга уч кун қоронғулик тушади. Бу нарса, Худо Исроил халқини Миср қуллигидан айни озод қилиши олдида содир бўлди. Охирги кунларда Худо яҳудийларни кўрлик қуллигидан айни озод қилиши олдидан, Мусо яна қоронғуликни чақиради.

[107] Матто 25:31-46; Ваҳий 20:11-12

Матто 24-бобда Исонинг бу муҳрланган сирлар ҳақида гапиргани диққатга сазовордир. Шогирдлари Ундан дунёнинг охири ва Унинг Иккинчи Келиши аломатини суруштириб, Унга келажак ҳақида учта савол бердилар. Исо жавоб берганларидан кўплари ушбу 7 муҳрдаги ваҳийларга мувофиқ келади. Биринчи муҳрнинг очилиши, иблисни ёлғоннинг оқ отига қандай ўтиришини кўрсатади. Матто 24:4-5 да Исо шундай дейди: *“Ҳеч ким сизларни йўлдан оздирмаслиги учун эҳтиёт бўлинглар. Чунки талай кишилар Менинг номим билан келиб: “Мен Масиҳ бўламан”, — деб кўпларни йўлдан оздиради”*. Иккинчи муҳрдаги қизил от Матто 24:6 га мос келади — урушлар, ҳам табиий ҳам руҳий урушлар. Учинчи муҳрдаги қора от Матто 24:7 га — очарчилик (фақатгина озиқ-овқатга эмас, балки Худо Сўзи бўйича очарчиликка[108].) мос келади. Тўртинчи муҳрдаги саман от Матто 24:9-13 га мос келади — ва ёвузлик авжга чиқиши туфайли кўпчиликнинг севгиси совийди. (Унутманг, бутун Ёзув ҳар хил маънолардан иборат, бу улар бир неча шароитларда қўлланилади дегани) Бешинчи муҳр остидаги азоб-уқубатда қолган яғудийлар Матто 24:9 ва 21 га мос келади — бу ўша, қувғин қилинган ва ўлдирилганлар. Улардан кўпларини Иккинчи Жаҳон Уруши даврида фашистлар томонидан оммавий қирғин қилиш вақтида ўлдирилиб, бу воқеани Билли “дастлабки” офат (мусибат)лар деб атади. Олтинчи муҳр Матто 24:29-30 га мос келиб, шу ерда шундай дейилади: “Ўша кунларнинг мусибатидан сўнг, алхол қуёш тутилиб, ой хираланади. Юлдузлар осмондан тушиб, самовий кучлар ларзага келади. Ўшанда осмонда Инсон Ўғлининг аломати намоён бўлади. Ер юзидаги барча қабилалар уввос тортиб йиғлайдилар. Инсон Ўғли осмон булутлари узра буюк қудрат ва шон-шуҳрат ила келаётганини кўрадилар”. Бошда бу 144 000 яҳудий ўз соатлари муктуби билан худди Ёқуб Раббий Фариштаси билан олишгандай, курашадилар[109]. Еремия китоби 30:7-9 оятларида охирги вақтдаги яҳудийларнинг шу кураши ҳақида худди “Ёқубнинг мусибати (қайғуси)” ҳақидадек айтилади. Дониёр ҳам Ёқубнинг мусибати (қайғуси) ҳақида ваҳий кўрган эди ва унга сирни, бу сир фақат охирги кунларда очилиши учун, муҳрлаш айтилган эди[110]. Қачонки яҳудийлар охири, Исони ўз Мессиялари каби таниб оладилар, ўшанда Закариё 13:6 бажарилади: “Ва улар Унга: қўлингдаги жароҳатларинг нимадан? У эса дейди: “Мен бу жароҳатларни дўстларимни уйида олдим”.

[108] Амос 8:11-12
[109] Ибтидо 32:22-32
[110] Дониёр 12:1-4

Муҳрлар бўйича саволлар ва жавоблар.

1963 йил 24 март, якшанба эрталаб, Уилльям Бранхам ўз аудиториясига у ҳеч қачон олдин Худо Шоҳлиги учун бундай меҳнат қилмаганини ва шу ҳафтадагидай руҳий сфераларга бунчалик чуқур шўнғимаганини айтди. Унинг шифоланишлар хизматлари ўзига тенги йўқ мўъжизаларга эга бўлишига қарамай, ҳозирги йиғилишлари шифоланиш ва мўъжизалардан анча юқорида эди. Мана шу ҳафтада у худди ўша Руҳ билан ҳақиқатнинг очилишини кўрди.

У 8 куннинг кўп қисмини битта хонада ўтказди, баъзан бир соатлаб Олов Устуни ҳузурида бўлди. Бу унинг учун жуда ҳам кўп эди. Инсон ақли фақат чегаралланган миқдор зўриқишга чидаши мумкин. Энди бунақанги босимдан кейин у ўз жонидан хавотирда эди. У Исо Масиҳ уни абадий сотиб олганини, қутқарганини биларди. Шунга қарамай, Масиҳнинг бу Нур кўринишидаги Ҳозирлиги — Муқаддас Руҳнинг Ўзи — Биллининг эҳтиромли қўрқув билан ўраб олдики, у бундан сукунатда қотиб қолди. У ўша хонада кўрган воқеаларнинг

баъзиларини, одамларда тушунмовчилик келиб чиқмасин деб, ва баъзи одамлар фанатизмдек оғир аҳволга тушиб қолмасин деб, айтишга журъат қилмади.

Бу эрталаб у еттинчи муҳр ҳақида гапириб ўтирмади, аммо одамларда шу ҳафта ичида пайдо бўлган саволларга жавоб берди. У барча саволлар эндиликда очиқ бўлган олтита сир атрофида тўпланишини истар эди. Улардан кўплари шунақа эди, аммо баъзи саволлар Худонинг моҳияти, сувга чўмдирилиш, никоҳ ва айрилиш, дўзах, олдиндан танланганлик ва илон уруғи ҳақида эди.

Битта одам овсар қизларнинг тақдири ҳақида сўради, қайсики улар кўтарилишдан қолиб кетганлар. Билли жавоб бериб, деди: "Улар мусибат (қайғу) вақтида қийноқ-азобларда ўладилар ва Минг Йиллик Шоҳликдан кейин Судга келадилар, чунки Библия қолган ўликлар минг йил тугамагунича тирилмадилар, дейди. Ундан кейин Иккинчи Тирилиш юз беради. Масиҳ ва Унинг Келини солиҳлар ва фосиҳларни ҳукм қилади".[111]

[111] Ваҳий 20

Яна бир одам яҳудийларга келадиган Илёс айнан ўша қадимдаги Илёс бўладими, ёки бу киши Илёснинг руҳи билан келган одатдаги одам бўладими? — деб сўради. Билли жавоб берди: "Мен билмайман. Мен бу одам Илёснинг руҳига мойланган бўлади деб ишонишга майлим бор. Чунки Библия: Илёснинг Руҳи Элишайда бўлади, Элишай бўлса Илёс нималар қилган бўлса, айнан шундай қилди, — дейди. Мен буни айтолмасам керак. Мен сизларга рўйирост айтаман, сиз билан ҳалолман. Мен билмайман".

Кимдир биринчи муҳр очилганида, 2-Солоникияликларга мактуб 2:3 ва 4-оялари, яъни дажжолнинг очилиши бажариладими? — деб сўради. Билли: "Ҳа", — деб жавоб берди.

Еттинчи Сир — Ваҳий 8:1

Якшанба кечқурун Уилльям Бранхам Ваҳийнинг 8-боби биринчи оятини ўқиди:

Қўзи еттинчи муҳрни бузганда, осмон ярим соатча сукунатда қолди.

Одамлар юракларини ҳовучлаб тинглашар экан, Билли еттинчи муҳрда символлар йўқлигини, чунки у мутлақо сирлигича қолишлиги лозимлигини тушунтирди. Агар иблис *ушбу* сирни билганида, у катта зиён етказа олган бўлар эди. У бунга тақлид қилишга уриниши ва буни танлаганларни алдашга ҳаракат қилиб, буни қолган барча руҳий инъомларни нотўғри кўрсатганига ўхшаб, бузиши мумкин. У еттинчи муҳрга тақлид қилолмайди, чунки у ҳақида ҳеч нарса билмайди. Исо Матто 24-бобда муҳрларга мурожаат қилганида, У фақат Ўзининг кейинги Келишининг куни ва соатини ҳеч ким билмаслигини айтиб, еттинчи муҳрни айтмай ўтди. Фақат Ота аниқ билади *бу* вақтни. *У кун ва у соат ҳақида биргина Отамдан бошқа ҳеч ким билмайди, осмондаги фаришталар ҳам билмайди.*

Еттинчи муҳрнинг очилиши — бу шундай буюкки, осмондаги ҳар бир жонли яратилганларнинг ҳар бирини сукунатга солади. Фаришталар, *херувимлар, серафимлар (малаклар),* оқсоқоллар ва қолган самовий махлуқотлар қилаётган ишларини тўхтатиб турадилар. Тахминан ярим соат давомида ҳеч нарса қимирламайди. Улар бу буюк сирни очилаётганини кўрган вақтларида, бу уларни эҳтиромли сукунатга солади.

Еттинчи муҳр тарашланган қиррали олмосга ўхшаб, ўзининг кўплаб қирралари нурини акс этиб, чақнайди. Баъзи бир қирраларининг нурлари бу табиий дунё курашлари ва фиғонларини тугаллайди. Бу муҳрда еттита момоқалдироқ ва еттита коса бор. Бошқа қирралардаги нур Минг Йиллик Шоҳликка олиб киради ва Тўй Зиёфатига таклиф қилади. Бироқ бошқа қирралардан чиққан нур дунёнинг охиригача, Армагеддон жанглари ва бизга маълум бўлган, вақтнинг охиригача ўз йўлида кенгаяверади. Ваҳий китобининг 10-боби, 6 ва 7-оятларида еттита муҳр охирида энди вақт давом этмайди, тугайди дейилган. Билли, бу еттинчи муҳр мушокбозлик ракетасига ўхшаб, қайсики уни осмонга отадилар ва у битта юлдузга бўлиниб ялт этиб ёнади ва ундан кейин бу юлдузлардан ҳар бири кетма-кет портлайди, яна бештага бўлиниб ва давом этавериб, токи бутун осмон бу ракета оловларидан ёруғ бўлиб кетади, шунга ўхшайди, деди.

Қўзи (Қурбонлик Қўзиси) еттинчи муҳрни очганида, осмонда ҳар қандай фаолият сирни очиши мумкин бўлганлигидан, осмонда ярим соат ҳеч ким қимирламай қолди. Сиз

агар вақтингизни хушчақчақ ўтказсангиз, ярим соат узоқ бўлмаслиги мумкин, аммо ҳаёт ва ўлим орасидаги қўрқув тўла, хавотирда кутиш бўлса, бу минг йилдек туюлади.

Билли деди: “Мен фанатизм тарафдоримасман, аммо мен бугун кечқурун мана шу платформада турганим ҳам аниқ. Худо менга еттинчи муҳр уч ёқлама сир кўринишида келишини очди. Мен унинг қисмларидан бирини айтиб бермоқчиман”.

Еттинчи муҳрнинг сири, — деди у, — Юҳанно Ваҳий 10:3 да эшитган ўша еттита кетма-кет эшитган момоқалдироқлар ортида яширилган. Шунга параллел сифатида у аудиторияда ўтган йили декабрда кўрган ваҳийсини эслатди. Олдинига у портлашни эшитди, ундан кейин эса у фаришталар юлдузларини кўрди. Фақат битта момоқалдироқ гумбурлади ва еттита фаришта пайдо бўлди. Буни Ваҳий 6:1 билан таққослаш мумкин. Қачонки Қўзи (Қурболик Қўзиси) биринчи муҳрни очганида, барча 7 муҳрларни очилиши олдидан битта момоқалдироқ овози гумбурлади. Аммо Ваҳий 10-бобда Юҳанно бирин-кетин еттита момоқалдироқ овозини эшитди, гўё улар ниманидир гапирдилар. Албатта, бу Худонинг Ўз танланганларига гапираётган овози эди. Аммо У нимани айтди?

Мана шу ерда Билли аудиториясига 1955 йил декабрда кўрган ваҳийсини эслатди. Ўша ваҳийда у болалар ботинкасига боғич ўтказмоққа уринар, аммо қалин боғични учи уни кичкина тешикдан ўтказмоқчи бўлса, тўзғир эди. Раббий Фариштаси унга шундай деди: *“Сен элликчи гўдакларни ғайритабиий нарсаларга ўргатолмайсан”.* Кейин Фаришта унга қандай қилиб балиқ овлашни ўргатди. У Биллига қармоқни чуқурга ташлашни ва уч марта ипни тортишини айтди. Олдинига майда балиқларни жалб қилиш учун у оҳиста тортиши керак, ундан кейин эса у майда балиқларни чўчитиб юбориб, катта балиқни жалб қилиш учун бироз кучлироқ силташи керак эди. Аммо ваҳийда Билли Фариштани айтганларини қилишга уринган вақтида, у қармоқни сувдан чиқариб қўйиб ва ипларини чалкаштириб юбориб, иккинчи марта у қаттиқроқ тортди. Кейин фаришта унга, бу учта силташи унинг ҳаётидаги меҳнатини символи эканлигини тушунтириб берди. Биринчи силтов бу унинг имон билан шифоланиш хизматлари бўлиб, унда унинг қўлидаги ғайритабиий аломат одамларни жалб қилган эди. Иккинчи силтовда одамлардаги касалликлар ва бошқа муаммоларни аниқлаб олиши учун ваҳий келган эди. Билли одамларга, у қандай қилишини тушунтиришга ҳаракат қилар, шундай қилиб у одамлар унга тақлид қилишлари ва одамларни саросимага солишлари учун танавий тақлидга йўл берар эди. Учинчи силтов бошқача бўлади. Ўшанда, ваҳийда Раббий Фариштаси уни катта чодирни ичига ёки кафедраль собор ичига келтириб ва уни кичкинагина сирли хонага қўйди. Фаришта деди: *“Мен сен билан ўша хонада учрашаман. Бу сенинг учинчи силтовинг. Бу жамоатчиликка томоша бўлмайди (шоу), шу учун бу ҳақида ҳеч нарса гапирма”.*

У 1955 йил декабридаги ваҳийсини эслатиб бўлгач, Билли уларга 1962 йил декабридаги ваҳийси ҳақида айтиб берди. Шунда унинг Жефферсонвиллидаги хонасини портлаш қаттиқ силкитган эди. Бу ваҳийда у ғарбда турган эди. У шарқ томонга қараб ўзини яқинидан ўтиб кетган майда қушлар пирамидасини кўрган эди. Улар унинг биринчи силтовини кўрсатади. Кейин у кабутарлардан иборат пирамиданинг ўша томонга учиб ўтганини кўрди. Улар унинг иккинчи силтовини кўрсатган эди. Ундан кейин у еттита қудратли фариштани кўрди. Улар учиб келиб, уни ҳам шарққа қараб олиб кетдилар. Энди у билар эдики, улар унинг учинчи силтовини ифодалар эди.

Декабрдаги портлаш уни хавотирга солган эди. У, бу унинг ўлимини билдирсамикан, деб қизиқди. У буни сўраганида, Раббийни уни Ўз Сўзи билан тасдиқлаб жавоб берди: “Мана, Мен Сионда бир тўсиқ тошини қўюрман...” Аммо бу унинг саволига бутунлай жавоб бермади ва унинг руҳий аҳволини енгиллатмади. Шу учун у Тусонга кўчиб ўтганида, у Канъон Сабинога кўтарилди ва бу портлаш тўғрисида ва бу фаришта юлдузлар тўдаси нималигини Худодан сўраб, ибодат қилди. Унинг қўлида марварид дастали қилич пайдо бўлганида ва Овоз: *“Бу Подшоҳнинг қиличи”*, деганида, Билли ваҳийдаги фаришталар Ваҳий 10:1-7 билан ва ҳали-бери Худо Сўзига яширин турган сирларнинг очилиши билан боғлиқ эканини тушуниб билди. Павел, биринчи давр черкови элчиси: “Руҳнинг қиличи — Бу Худонинг Сўзи”,[112] — деб ёзганида, шундай тимсол қилиб ўргатган эди. Ҳали эрталабки

қуёшда ўткир дами билан ярқираётганича, унинг онгида Овоз шивирлади: *“Бу — сенинг учинчи силтовинг”.* Билли аудиториясига тушунтирди: “Учинчи силтовга эргашадиган учта воқеа бор. Улардан бири кеча очилди. Иккинчиси бугун очилди. Учинчисини мен номаълум тилда эшитдим, шундай қилиб мен уни тушунтиролмайман. Мен унга тўппа-тўғри қарадим. Бу учинчи силтовнинг яқинлашиши. Бу — бутун коинот сукунат сақлаганининг сабаби”.

[112] Эфесликларга 6:17; шу билан бирга Ибронийларга 4:12

Еттинчи муҳр, — у тушунтирди, — бу уч ёқлама сир. Етти момоқалдироқ Масиҳнинг Келиши моментида, тўппа-тўғри худди ўша пайтда бу сирни очади. Барча 7 муҳр биргаликда Қутқариш Китобини ҳосил қилар экан, бу еттинчи муҳр тантанали якун ҳисобланади.

Билли деди: “Бу еттинчи муҳр тубида катта сир сақланган. Бу нима бўлса экан, билмайман, аммо мен шуни биламанки, бу қарийб бир вақтни ўзида гапирган еттита момоқалдироққа алоқаси бор. Мен уларни эшитдим, аммо мен уларни нима деганини тушунолмадим. Ундан кейин буни яна нимададир очилганини кўрдим. Мен буни кўрганимда, ўша ердан учиб ўтган тушунтиришига қарадим, аммо мен буни тушунолмадим. Бу учун ҳали вақти келмади, аммо у шу циклда ҳаракат қилаяпти. Бу яқинлашаяпти. Унутманглар, мен сизларга Раббий Исмидан айтаяпман: “Тайёр бўлинглар, чунки қайси вақтда нимадир содир бўлишини сиз билмайсиз”.

Билли яна қўшиб қўйди: “”Худо бу етти момоқалдироқ гумбурлашига йўл қўйганининг маълум бир сабаби бор эди. Масиҳ, Қўзи (Қурбонлик), Китобни Ўз қўлига олди ва еттита муҳрни очди. Аммо бу — ёпиқ сир. Бу нималигини ҳеч ким билмайди; ва бу Матто 24:36 да Исони нима деганига мос келади: “Унинг Келиши куни ва соатини ҳеч ким билмайди”. Шундай қилиб, кўряпсизми, бу иккита воқеа бир-бирига боғлиқ. Бизга маълумки, қолган муҳрлар очиқ, аммо бу тўлиқ очиқ эмас. Мен хонамда ўтирдим ва бу еттинчи муҳр бу етти момоқалдироққача очилганини кўрдим. Бу шу, биз ҳозирнинг ўзида қанчалик олдинга юришимиз мумкин бўлгани — мана шу”.

У икки ҳафта илгари Сансет тоғида бошидан ўтган кечинмаларини уларга айтиб берди. Қандай қилиб етти фаришта пирамида шаклида унга қараб келгани — ҳар томондан учтадан ва биттаси юқорида эди. Бу фаришталарда 7 муҳрлар бор эди. Улар танланганларга 7 муҳрни тушунтириш учун келгандилар. Улар Биллини ўз ораларига олганларида, у марказда эмас, балки ўнг томон бурчакдагига яқинроқ эди. Унга яқин турган фаришта қолганларидан кўра ёрқинроқ нур сочар эди. Чапдан ўнгга саналганда, бу анча билиниб, кўзга ташланиб турган фаришта бу сафда еттинчи эди. Энди Билли билар эдики, нима учун бу фаришта қандайдир тарзда унга бошқалардан кўра аҳамиятлироқ эди. У бутун умри бўйи қизиққан ўша — еттинчи муҳрни олиб бораётган — еттинчи фаришта эди.

Билли деди: “Сиз шу ҳафтанинг сирлилигига эътибор бердингизми? Бу одам эмас эди; булар Худонинг фаришталри эди. Бу фаришталар пастга тушдилар ва ҳар бир мактубни тасдиқладилар. Шундай қилиб, бу Худоданми ёки йўқми, сизлар биласизлар. Бу сизларга ваҳий билан олдиндан айтилган эди, ва мана у *бажарилди.* Энди, умид қиламан ва ишонаман, сиз бу раҳм-шафқат учун буларнинг барчасини Муаллифи бўлган Исо Масиҳдан миннатдор бўлмоқчилигимни англаб турибсиз”.

“Менинг ваҳийим, — у хулосалади, — плюс Сўз, плюс ўтмиш тарих, плюс черков даврлари, буларнинг барчаси тўла-тўкис қўшилади. Менинг энг яхши тушунчам бўйича ва Худонинг Сўзига ва ваҳий ва очиқликларга мувофиқ — бу 7 муҳрларни тушунтириб — бу Раббий Шундай Дейди”.

89 БОБ
УНИНГ СЎНГГИ ВАСВАСАСИ
БАҲОР 1963

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ 7 муҳр бўйича ваъз қилган кезда қайниси Жеймс Флетчер Брой билан бахтсиз ҳодиса юз берди. Билли Жефферсонвиллидан кетиши олдидан қайнисиникига, у учун ибодат қилишга жўнади. Флетчер Брой ғамгин кўринар эди. У ҳали ўспиринлигидан бошлаб ича бошлаб, шундан бери унинг ҳаётини алкоголь бошқарар эди. У уйланиб, икки боланинг отаси эди, аммо унинг ичкилик муаммоси охир-оқибат унинг никоҳини бузди. Ҳозирда у амалда ғирт дарбадар эди. Охирги вақтларда уни Виднерлар фермасида улар учун ифлос ишларини бажаргани туфайли, унинг омборида ухлашига рухсат берилган эди.

Билли қайниси учун ибодат қилиб бўлгач, унга деди: “Флетч, мен сенга озроқ пул бермоқчи эдим”.

“Бундай қилма, Билли ака. Мен уни нима қилишимни билсанг керак”.

“Унда мен сенга бирор-бир кийим берай. Менда, шу ерда пасторлик уйимда бир жуфт костюмим бор. Улар менга керак эмас. Мен уларни сенга бермоқчиман”.

“Бундай қилма, Билли ака, — деди у ялиниб, бош силкиганича. — Мен уни оламан-у, гаровга бериб туриб, пулини ичиб қўяман”.

Флетчернинг бундай ғамгин кўриниши, Биллига ўтган йили октябрда, “Баркамол инсон сиймоси” деган мактубини айтиши олдидан тушида кўрган ниманидир эслатди. Бу тушида Билли қоп-қоронғи даштликларда дарбадар юрган, уй-жойсиз дайди бўлди. Уни борадиган жойи йўқ эди ва ҳеч ким у учун ғамхўрлик қилмас эди. Тешиб юборгудек совуқ ҳавода қалтираб, у кечаси умуман музлаб қоламан, деб ҳавотирланар эди. Узоқроқда у гулхан ёнаётганини кўрди. У ўша ёққа қараб юравериб, шаҳар ахлатхонасига келиб қолди. Ахлатлар бир-бирига параллел жойлашган иккита ариқда ёнаётган эди. Юзлаб одамлар бу иккита гулхан оралиғидаги ерда ухлашар эди.

Билли шу оралиқ ерчани четида уйсиз одамлар орасида турар ва қаерда ётиб ухласам деб, жой излар эди. У бўш жой кўрмади. Унинг излаши беҳудадек туюлди. Ундан кейин кимдир ўрнидан турди ва унга қараб келди. Бу Флетчер Брой эди.

Флетчер деди: “Билли, мен сенга жой излаб кўраман. Сен менинг болаларим оч қолганида, боқдинг уларни. Энди мен сенга ухлаш учун иссиқ жой топишга ёрдам бераман”.

Билли Флетчерни ортидан кўплаб одамларни устидан ҳатлаб ўтиб, токи ўзи базўр сиғадиган бир жойга боргунича юраверди. Флетчер кетганидан кейин, Билли гулханларнинг устидан совуқ, қоронғи кечага қаради ва ўйлади: “Қанчалик ғалати бу. Бир кунлар Қудратли Худо Унинг Черковини бошқаришимга қўйган эди. У менга Ўзининг Хушхабарини ваъз қилишимга ва минглаб жонларнинг нажот топганлигини кўришимга қўйган эди. Бутун дунё бўйлаб эркаклар ва аёллар мен билан бир неча дақиқа гаплашиш учун келган эдилар. Ва энди мен — гадой, ҳеч кимга керакмасман. Мен шундай совқотдим. Нима қилсам?”

У уйғонганида, бу тушида қандайдир яширин маъно бормикин, деб ўйланиб қолди. Энди, у Флетчер Брой билан ўтириб гаплашганида, у ўзининг ғалати тушини эслади. У ҳали ҳам унинг маъносини тушуна олмади, аммо тез орада маъноси очиқ бўлди-қолди; бу бир дарс эдики, ундан у ўрганиши керак эди...

Билли Аризонага Джин Норманн билан қайтди. Машинани нуқул Билли ҳайдади. У сафар чоғида озроққина суҳбатлашди, лекин улар Аризона штати чегарасини кесиб ўтгач, куйлай бошлади, ва у Тусонга етиб келгунларича бирин-кетин Христиан қўшиқлар айтиб келаверди. Кейинги икки ҳафта давомида у ишлари билан кам шуғулланди. У ҳорғин ва руҳи тушкун аҳволда эди. Қудратли етти фаришта ҳузурида бир ҳафтани ўтказиб, кундалик дунёга қайтиш экзотик жойларда дам олишдан кейин зерикарли ишга қайтишга ўхшар эди — буни бошидан ўтказиш қийин эди. У ҳаяжонли бир ҳафта давомида, руҳий тил билан айтганда, тоғ чўққисида турган ва Исо Масиҳ Ўзини Олий Илоҳийлик сифатида, Ўзи учун бутун яратилганларни Тангриси сифатида очиб берганини кузатиб турди. Масиҳ барча

яратилганлар оқибат натижада У Ўз Келини деб атайдиган одамларга уйланиши учун Унинг буюк мақсад-муродини бажаради. Худонинг бу етти Руҳи, Библия ёзилганидан бери ҳамма вақт муқаддасларни қизиқтириб келган сирларни очиб берди. Ўша тоғ чўққисидан тушиш ва кундалик вазифаларга қайтиш, худди уйғониш йиғилишига черковга бориш ва ундан уйга қайтиб, молхонани гўнгдан тозалашга ўхшар эди.

У ҳар кун Худодан, энди нима қилиши кераклигини сўраб, ибодат қилди. У бирор аниқ жавоб олмади. Бу уни маъюсликка туширди. Апрелда у икки марта Нью Мексико штати, Альбукерк шаҳрида ваъз қилди ва бир мартадан Аризона штати, Сьерра Виста ва Финиксда ваъз қилди. Шундан кейин у таътилга кетди ва Билли Поль билан шимолга, Британия Колумбиясига жўнаб кетди. Рой Роберсон, Фред Сотманн ва Бэнкс Вудлар уларга Бад Саусвикнинг кулбасига келиб қўшилишди ва у ердан уларни Бад бир ҳафтага отларда балиқ овига олиб кетди.

Уйга қайтишда бешта эркак Канада орқали колонна бўлиб кетишди. Қўшма Штатларга киришдан олдин, колонна иккига бўлинди — Роберсон, Сотман ва Вудлар Жефферсонвиллига борадиган яқин йўлдан шарққа қараб кетишди, Билли ўғли билан жанубга, Аризона штати томонга бурилиб кетишди. АҚШ билан Канада чегарасидан ўтиб олгач, улар яна тўрт соатга яқин юриб, Монтана штати, Хелен шаҳрида тўхтаб, меҳмонхонада тунадилар. Кейинги куни эрталаб соат тўртта туриб, пикаплари двигателини қиздирдилар ва тонг отмай Хелендан чиқиб кетдилар. Машинани биринчи Билли бошқарди, шу учун Билли Поль пальтосини буклаб, ён томон деразаси билан боши орасига қўйиши билан уйқуга кетди.

Билли яна ўша, таътилга кетишигача бўлган тушкун аҳволга тушди. Ибодат қилди: “Худойим, нима учун Сен бу хизматга, уни тўғри бажариб биладиган бирор бошқа одамни чақирмайсан? Мени кечир Раббим, аммо мен Сени панд бериб қўйдим. Мен одамларни менга қулоқ солдиролмайман”. Ёнидан тоғлар, ўтлоқлар, ёвонлар ўтиб борар экан, у ўйлади: “Мана, 30 йилдирки Хушхабарни ваъз қиламан. Охирги 16 йил давомида Раббий менга айтганидан бошқа ҳеч нарса қилмадим. Мен Унга шунчалик яқин яшашга ҳаракат қилдимки, Унинг иродаси бўлмаган ҳеч қайси жойга бормадим ва ҳеч нарса гапирмадим. Ҳар бир қилган ишимда Исо Масиҳ У кеча қандай бўлган бўлса, бугун ҳам худди Ўша эканлигини исботлади, ва шунга ҳам қарамай, кўпчилик черковлар мен билан ҳеч қандай алоқа қилгилари келмайди. Яхши, агар улар менинг мактубимни эшитишни истамаса, унда уларни бунга мажбур қилиб бўлмайди. Мен *фаолият* майдонидан кетаман, холос. Мен Шимолий Британия Колумбиясига жўнаб кетаман ва Бад билан бирга профессионал йўл кўрсатувчи бўламан. Мен болаларим ва Меда билан ўша ёққа таътилга боришни гаплашаман ва улар ўша кулбага келгач, шундай дейман: “Мен бу ерларни шундай севаманки, шу учун биз яна бирор ёққа боришимизга ҳожат йўқ. Келинглар, шу ерда қоламиз”. Мен соқолларимни ўстираман ва ҳақиқий тоғлик бўламан, баҳорда, ёзда балиқ овлайман, кузда ов қиламан, қишда қопқонлар қўяман.

“Одамлар мени пайғамбар дейди. Мен ўзимни ҳеч қачон пайғамбар деб ҳисобламаганман, аммо одамлар мени ҳали ҳам пайғамбар дейишаяпти. Яхши, агар мен пайғамбар бўлсам, унда мен Илёс билан Яхё яшаганлари каби, дашту-биёбонда яшашим керак. Агар Худо мени одамларга мактуб келтиришимни истаса, мен цивилизацияга қайтаман, лекин қолган вақтлар мен балиқ овлаб биламан”.

Пикапининг ёқилғи датчиги аста-секин нолга тушди. Соат еттиларга яқин Билли тоғ ён бағридаги кичикроқ шаҳарча бензоколонкасига кирди. Бензобакни тўлдиргач, у машинани ресторан олдига тўхтатди ва ўғлини нонуштага уйғотди. Ресторанда аллақачон ўн беш одам овқатланаётган эди, уларнинг айримлари стойка олдидаги стулларда ўтиришар, қолганлари бўлса баланд тўсиқли хоналарда ўтиришганидан, уларнинг боши учлари тўсиқлар устидан кўриниб турар эди. Билли ва Билли Поль кабина (хонача)лардан бирига ўтиришди. Билли Поль ўзининг оладьесини сироп билан хўллар экан, Билли йўлни кесиб ўтиб, ресторанга келаётган бақувват гавдали одамга эътибор берди. Тез орада у эшикдан кирди, у стойкага келиб стулга ўтирар экан, унинг темир шпор қоқилган кенг қоп-қора этиги шилдирар эди. Бу

одам олтмишларда бўлса керак, деб ўйлади Билли. У дағал пахта ип материалдан тикилган кўк куртка ва кўк комбинезонда эди. Ҳурпайган оқ сочлари устидан қора шляпасини қўйиб олган эди. Юзи қалин соқол билан қопланган, чаккалари оқарган ҳам эди.

Бу нотаниш одам Биллида кучли таассурот қолдирди. У ўйлади: "Ана, ҳақиқий эркак. АҚШнинг шарқий қисмидаги сузиш басейнлари олдида шорт кийволиб, тамаки чекиб ўтирадиган баъзи-бир юмшоқ бадан, эринчоқ ва семиз одамлардан эмас. Бу одам кучли ва бақувват, у Худо ҳар бир эркак яшаши керак бўлган ҳаёт билан яшаётган кўринади".

Нотаниш туриб овқатланадиган жойда ўзига оладье буюртирганида, уни бурни қичиб қолди чоғи, "Апчхи!" деб қаттиқ акса урди-ю, ҳеч қандай узр сўрамади.

Билли тирсаги билан ўғлини салгина туртиб, деди: "Билли, мана бу одам менинг кўнглимдаги одам. Аслида, келажакда мана қандай бўлмоқчиман".

"Ой, дада, сен унга ўхшамоқчимассан", — деди Билли оғзига охирги оладьени сола туриб. Уларга қўшни хоначадан иккита қари одам турдилар ва нонушта учун тўлаб қўйиш мақсадида, гандираклаб-гандираклаб кассага боришди. Поль билаги билан туртиб, отасига деди: "Дада, мана бу икки одам сен билан Флетчер тоғамга ўхшаб кўринади".

Бу чинданам шундай эди. Билли бундай ўхшашликдан ҳайрон қолди. Улар ҳақиқатдан ҳам худди у билан Флетчер 20 йилдан кейин қандай кўринсалар, шундай кўринар эди. Фақат бу одамлар кечани бир-бирига суқулиб, гулхан ёнида ўтказган, дайдиларга ўхшар эди. Кийимлари ҳам ғижимланиб, кир бўлиб кетган эди. Улардан бири икки чашка кофе ва иккита бўғирсоқ учун йигирма центни ирғитди. Кейин улар базўр оёқда турганча, битта-битта қадам босиб, кўчага чиқишди.

Билли Поль отасига диққат қилиб қараб турди. "Нима бўлди сенга?"

"Ҳеч нарса", — деди Билли, бу дегани: ҳеч нарса, бу шундайки, уни на бармоқ билан кўрсатиб бўлади, на тушунтириб.

Улар пикапларига қайтганларида, Билли Поль сўради: "Сен яна ўзинг машина ҳайдайсанми? Мени ҳалиям уйқум қочмади". Бир мил ўтмай Билли Поль ухлаб қолди. Билли тоғ йўлдиа соатига 55 милдан (88 километр) юрар эди. У бу шаҳарчадан 20 миллар узоқлашганида, кимдир унга гапирди — унинг ҳаёлида эмас эди, аммо ҳақиқий овоз, уни пикапи кабинаси ичидаги ҳавони титроғи билан тўлдирган товуш эди у. Бу Билли Полнинг ҳам овози эмас эди. Бунинг устига Билли Поль эшикка сурилиб тушган, уни боши пальтосидан қилиб олган ёстиқчада ётар ва у ҳар бир дақиқани уйқусини олиш учун, мудраб ўтказар эди.

Овоз деди: *"Агар сен ўз режаларингни амалга оширсанг, сен ҳам охири ресторанда кўрган шу икки одамдай бўлиб, тугайсан. Мен сенга берган тушингдагига ўхшаган гадойдек дарбадар бўласан. Хотининг сени ташлаб кетади. У у ерда, тоғларда яшамайди".*

"Раббим, мен бундан тугашини истамайман, аммо мен ҳозир яшаётганимдан норозиман. Мен бирор бир бошқа нарса қилмоқни истайман. Агар Сен мени пайғамбар бўлишга чақирган экансан, нима учун мен Сенинг бошқа пайғамбарларинг яшаганларидай ёввойи жойларда яшайолмайман?".

"Улар Эски Аҳднинг пайғамбарлари эди. Сен улардан кўра анча юқори хизматни бажариш учун чақирилган эдинг. Масалан, сенда инъомлар улардагидан кўра кўп. Сен Ҳаворийлар қилганидек Хушхабарни ваъз қилишга ва касаллар учун ибодат қилишга чақирилгансан. Нима учун сен ҳар доим Мен сени бошқаришимни кутасан? Қани сенинг мукофотинг? Мусога ўхшаб сен ҳам Менинг халқимга ачинишингни йўқотиб қўйиш хавфи остидасан ва Мен сени нима мақсадда чақирганимни унутаяпсан".

Сукунат яна бир миля ортда қолди. Қор кела бошлади.

"Билли", — чақирди у. Жавоб бўлмади. Овозини кўтариб у яна чақирди: "Билли!"

Билли уйқисираган товушда деди: "Нима истайсан?"

«Бироз олдин скен мен билан гаплашдингми?»

«Йўқ. Нима учун?»

«Кимдир мен билан гаплашди. Мен бу сенми деб ўйлабман».

Билли Поль унга ҳайрон бўлиб қараб турди, кейин эса у яна кўзларини юмди. Билли ўз вазифасидан оғиб кетишига қанчалик яқин келганини ўйлар экан, жимжитликда яна бир миля ўтиб кетди. Бу бошқа такрорланмайди! У сўради: «Раббий, бу энди нима бўлиши мумкин?»

«Ўз вазифангга қайт», — деди Овоз. "Мен сени бошда чақирганида, сенга хушхабарчи хизматини қил демаганмидим? Мен сенга айтдим: Яхё Чўмдирувчи Масиҳнинг Биринчи Келишини эълон қилиши учун юборилганидай, сен ҳам Унинг Иккинчи Келишини эълон қиласан. Яхё пайғамбардан ҳам юксак эди. У Менинг Аҳдимнинг элчиси ҳам эди".[113]

[113] Матто 11:7-11; Луқо 7:24-28

Унинг онги жуда ҳам кўп фикрлар билан банд эди. Майдонлар ва тўсиқлар ёнидан ўтиб кетиб бўлгач, унга аста-секин бу сўзларнинг маъноси очила бошлади. Чўлда якка ўзи ажралиб яшаган ҳолда Мусо қандай қилиб Худонинг халқига эришар эди? У бундай қилолмас эди. Худога фойдаси тегиши учун, Мусо Мисрга келиши керак эди. У ҳам худди шундай, агарда у ёввойи жойларга кўчиб келиб яшаса, фойдасиз бўлишлигини тушуниб етди. У яна ўша ваҳийни, Бранхам Чодирига бурчак тошини қўйган куни кўрган ваҳийни эслади. Худо унга Илоҳийлик хусусида ягоналик ва троица тарафдорлари таълимотини ифодалайдиган, икки қатор дарахтлари бор мевазор боғни кўрсатган эди. Билли бу икки бир-бирига зид таълимотлар орасида, чегарасида туриб, ҳар бир қаторнинг ҳар бир дарахтидан новдача синдириб олди ва уларни хочнинг яқинига ўтказди. Бу новдалар шу заҳотиёқ шундай баланд бўлиб ўсдиларки, уларнинг учлари осмонда кўринмай кетди ва улар уни мўл-кўл мевалари билан кўмиб ташладилар. Ундан кейин Худо унга *"хушхабарчилик хизматини бажаришини"* буюриб, Тимофейга 2-мактубнинг 4:1-5 оятини кўрсатди. Худди шу Ёзувнинг жойи: *"шундай вақт келадики, одамлар соғлом таълимотга чидаш беролмайдилар",* – деб огоҳлантирарди. Ёзувнинг мана шу жойи унинг ҳаётида қандай бажарилаётганини, Билли энди билди. Худо унга, *"...ўз хизматингни сидқидилдан ижро этгин",* — деди. У тўхтамаслиги керак, у бораверишi керак, Каломни ваъз қилишда ва ўргатишда давом этиши керак. Уни эшитадиган ва Хушхабарга ишонадиган одам топилади.

У шу хулосага келиши биланоқ, бу Овоз шундай деди: *"Мана, Мен сенга абадий белги бераман. Ғарбга қара".*

Билли ён томон шишадан шоссенинг ғарб қисмидан кўтариб турган тоғлар занжирига қаради. "Мен бунда абадий аломатни кўрмаяпман"

"Сенинг исминг уларни устида ёзилган"

Пикап кабинаси жуда исиб кетди. Билли қўллари терлаб кетганига эътибор берди. У тезликни туширди ва диққат билан чўққиларга қаради.

Билли Поль туриб ўтирди ва сўради: "Нима қилаяпсан?"

"Билли, нимадир бўлаяпти. Хатоимни нимада эканини ва қандай қилиб мен Худога панд бериб қўйишимга озгина қолганини биламан".

Кутилмаганда йўл ва тоғлар минг-минглаб одамлар билан — кўрлар, чўлоқлар, касаллар ёки бошқа муҳтожлари бўлганлар билан тўлиб кетди. Билли орқа томонда баркамол гўзал овоз куйлашини эшитди:

Нопок! Нопок! Қичқиради қийналиб мохов,
Кар, гунг, ёнида турарлар чорасиз:
Безгак авжида, касаллик қурбонини босар,
Шунда Исо келди ва қўрқувларни қувди.

Исо келган пайти, васваса солувчи кучи синади.
Исо келган пайти барча кўз ёшлари қурийди.
У тушкунликни олади ва ҳаётни шон-шарафга тўлдиради,
Чунки доимо бирга бўлиш учун Исо Келганида барчаси ўзгариб кетади.

Ваҳий ғойиб бўлгач, Билли йўл чеккасига чиқиб тўхтади. Шишани туширди, ўзидан ғарб томондаги тоғлар занжирига қарай бошлади. У ерда унчалик баланд бўлмаган чўққи бор

эди, битта чўққи баландроқ, ундан кейинги чўққи сал пастроқ, яна бир баланд чўққи, ундан кейин булутларгача юксалиб турган охирги баланд чўққи олдидан, охирги паст чўққи бор эди. Билли деди: “Раббий, бу нимани англатади, мен тушунмаяпман?”

“У ерда нечта чўққи?”

“Еттита”.

“Сенинг исмингда нечта ҳарф?”

«В-и-л-л-и-а-м М-а-р-р-и-о-н Б-р-а-н-х-а-м — учаласида ҳам еттитадан ҳарф».

“Мана бу учта чўққи қолганларидан баланд эканлигига эътибор бер. Улар сенинг хизматингдаги биринчи, иикинчи ва учинчи силтовни билдиради. Уч — бу тугаллик сони, етти эса — баркамоллик, мукаммаллик сони. Агар сен қачон бўлса ҳам ўзингни қисматингга, вазифангга шубҳа қилсанг, шу ерга қайт ва Мен нима дедим, эсла”.

Очиқ шишадан қорчалар тушар ва шу заҳоти эриб кетар эди. Биллининг кўзлари энг юқори чўққига қадалганди. Билли Поль ўтирди ва кўзларини ишқалади. У деди: “Дада, шарққа қара”.

Шарққа бурилиб, йўл яқинида оч-кулранг тутун девордай бўлиб бурқсираб кўтарилаётганини, қайсики у юксакликдаги кулранг қор булутларига қўшилиб кетаётганини кўрди. Билли ахлатхонани кўрди. У даҳшатли хато қилиб қўйишига озгина қолганини ўйлаб, ич-ичидан қалтиради.

Тусонда яшаган вақтида Уилльям Бранхам муҳтарам Спенсер Веддл пастори бўлган Норс Стоун Авеню, 2555 даги Худонинг Марказий Ассамблеяси черковига тез-тез бориб турди. Баъзан Билли Меда билан Джин ва Мэри Норманнларникига кириб, уларни черковга олиб боришар эдилар. Бир куни, якшанба, май ойи эрталабида Билли ва Меда Норманнларнинг уйига эртароқ келишди. Шунда Джин токи улар черковга кетишга тайёр бўлгунларича, уларни озгина уйда ўтириб туришларига таклиф қилди. Билли меҳмонхонадаги кушеткага ўтирди. Джин уни ёнидаги стулга қўнди. Уларни ўрталаридаги кофе столида *Ҳаёт* журналининг 1963 йил 17 ноябрь сони ётар ва унинг муқовасида ўзининг янги хотинига жилмайиб турган Нью-Йорк Штатининг губернатори Нельсон Рокфеллер сурати бор бўлиб, мақола “Бахт” деб номланган эди.[114] Джин журнални олди, унинг учинчи саҳифасини очди ва “Юқорида ғалати ҳодиса” деган сарлавҳага етгунича, қараб-қараб бораверди.

[114] *Ҳаёт*, 17 май, 1963 й. (54-том, №20)

Ой нурли камалак булутли гардиш сурати, тинчлик бермайдиган ва ҳақиқий бўлишлиги учун жуда ҳам ғайриоддий... 111-саҳифа

Журнални 111-саҳифагача очиб, кечаси Гаваяда олинган, камалакнинг рангли суратига қараб туриб, у қисқагина *пауза* қилди. Ёзилган текстнинг таърифлашича, ой нурида пайдо бўлган камалакни табиатда кўриш жуда қийин (суратга олинганни ҳисобга олмаса), чунки унинг пайдо бўлиш учун жуда ҳам нодир атмосфера шароитлари талаб қилинади. Сарлавҳа шундай номланган эди: “Ой нурли камалак...” Бир бет ағдариб, сурати бор 112-саҳифани очиб, Джин: “... ва юқоридаги сирли булутли айлана” — деган навбатдаги сарловҳани ўқиди. Мана шу бетда Аризона штатининг турли жойларидан битта булутнинг тўртта сурати бор эди. Учта кичикроқ оқ-қора сурат ўнг томон пастроқда жойлаштирилган эди. Тўртинчи фотосурат саҳифанинг қолган жойини эгаллаган эди. Бу каттагина рангли фотосурат бўлиб, у булутнинг нозик чизиқларини шундай ёрқин кўрсатиб турганидан, улар қоп-қоронғи кўм-кўк осмонда нурланаётгандай кўринар эди. Бу “кольцо” деб ёзиб қўйилган эди, аммо муаллиф, булутнинг ўртасида осмон кўриниб турадиган улкан кенглик борлигини кўрсатиш мақсадида, бу сўзни ноаниқ ишлатган эди. Агар булут кольцо ҳалқа сингари бошланган бўлса, энди бўлса у анча ўткир формага ўхшаб чиқиб турган эди. Булут яп-ялонғоч чўл ландшафти устида (пар урар) сузар эди. Фотосуратларда бошқа ҳеч қандай булутлар кўринмас эди.

Бу фотосуратни Биллига узата туриб, Джин сўради: “Сен бирор вақт бунга ўхшаган бирор нимани кўрганмисан?”

Билли бир минутча фотосуратни ўрганди-да, шундай деди: “Сен буни пирамида формасида эканига эътибор бергандирсан деб ўйлайман?” Кейин Билли ичида сарлавҳани ўқиб чиқди. Унда шундай дейилган эди.

Гигант буғ ҳалқасига ўхшаб, осилиб турганича, 28 февралда йирик булут Аризона штати, Флагстофф устида қуёш ботиш томонида пайдо бўлди ва узоқ вақт илмий сир бўлиб қолмоқда. Булутнинг ғалати формасига ва унинг улкан ўлчамидан ҳайрон бўлиб қолган гувоҳлар турли вақтларда ва штатнинг турлича жойларидан мана шу тўрттача ўхшаш фотосуратлар қилдилар. Доктор Джеймс Макдональд, Тусондаги атмосфера физикаси Институти метрологи, фотосуратларни йиғди. Уларни тригонометрик ҳисоблашлар учун асос сифатида ишлатиб, у булут ҳеч бўлмаса минимум 26 миль (41 834 метр) юқорида ва унинг ўлчами энига 30 миль (48 270 метр) — “булут бўлишлигидан кўра анчайин юқори ва катта”, — деб, ҳайрон қоларли хулосани қилди. Реактив самолёт суратга олишлиги учун ҳалқа жуда ҳам юқорида эди ва Доктор Макдональдга қанчалик маълум бўлишича, ўша куни ракеталар, ракета ташувчи самолётлар ёки бомбалар синалмаган эди. У умид қиладики, кимда ҳали ҳам фотосуратлар бўлса, улар унга суратларни бериб турадилар, чунки у 26 миль (41 834 метр) юқорида турган ушбу булут ҳақида кўпроқ фактлар, маълумотларга эга бўлишни истар эди. Чунки бундай баландликда булутни ҳосил қиладиган ҳеч қандай сув буғлари йўқ эди.

Журнални ёпаётиб, Билли сўради: “Джин ака, мен шуни олсам бўладими?”

“Албатта, Билли ака, ўзинг билан олавер уни”.

Кейинроқ ўша ҳафта Билли уйидалигида “Ҳаёт” (журнали) ойномасини очди ва яна шу фотосуратни қараб ўрганди. Унинг онгида худди ўша фаришталарнинг ўзи эканига шубҳаси йўқ эди. У фаришталар у 8-март куни Тусондан Тусондан шимоли-шарқда пикари чўчқалари ови пайтида унга учрашган эдилар. У уларни кўз очиб-юмгунча абадийликдан учиб келганларини, уни ўзлари ораларига олганларини, унинг қўлига қилич бергани ва унга шарққа қайтишини ва етти муҳр билан муҳрларган Китобнинг сирларини ваъз қилишини айтганларини унутолмаган эди. Улар уни ерга қайтаргач, улар оқ парга айландилар ва осмонга кўтарилиб, мана шу фотосуратда кўриниб турган ўша пирамида шаклидаги булутни ҳосил қилдилар. 8 март куни улар тиниқ, булутсиз осмонда эриб кетишди, аммо уларнинг борлиги, ҳисси у билан бирга юрди ва “Ҳаёт” журналидаги мақолада бу фотосуратлар 28 февралда олинган дейилган эди. Ўз-ўзидан бу ҳайрон бўладиган нарса эмас эди. Кўпинча Худо Ўзининг буюк ишларини ерда бўлиб ўтишидан олдин осмонда эълон қилади, билдиради.[115] Бу суратлар қилинганидан нақ етти кундан кейин, худди ўша фаришталар сансет тоғида унга учрашдилар ва яна бир бор ушбу булутни ҳосил қилдилар. Бироқ “Ҳаёт” журналидаги унга ҳеч тинчлик бермаётган ушбу катта рангли сурат билан қандайдир каттароқ бир нарса боғланган эдики, уни у тўлиқ тушунтириб беролмас эди. Кутилмаганда ушбу сирли, аммо таниш бир овоз ғойибдан ва ҳамма томондан унга гапирди. У деди: *“Буни ўннгга бур”.*

[115] Чиқиш 13:21;24:15-18; 34:5; 40:34-38; Левитлар 16:2; Сонлар 9:15-22; 2-Паралипоменон 5:13-14; Санолар 19:1; 50:6; 97:6; Матто 2:2; 24:30; 26:64; Марк 13:26; 14:62; Ҳаворийлар 1:9; Ибронийларга 12:1; Ваҳий 1:7; 10:1-7

“Мен унга тўғри қараб турибман деб ўйловдим”, — Билли ўйланиб қолди. “Эҳтимол бу Овоз уни ўнгга буришни айтаётгандир”. У журнални соат стрелкаси бўйича чорак миқдор бурди ва булутни Исо Масиҳнинг ерга қараб турган сиймосига айланганини кўриб, ҳайрон бўлди. У нигоҳини “Ҳаёт” журналидан олиб, Генрих Гофманнинг ўзининг деворида осиб қўйган *“Масиҳ 33 ёшда”* картинасидаги Исонинг портретига қаратди. У шу ноёб картина нусхасини доим уйида сақлар, чунки бу унинг 1933 йилда кўрган Исонинг ваҳийсини эслатар эди. Гофманнинг *“Масиҳ 33 ёшда”* картинаси, Исони у Уни кўрган бошқа ҳар қандай картинасидан кўра кўпроқ эслатар эди. Энди Масиҳнинг ўшанда кўрган боши Аризона устида осмонда етти фаришта билан кўрсатилган эди. Энди Масиҳнинг суратга олинган ва “Ҳаёт” журналида уни бутун дунё кўриши учун босилган ўша боши Аризона устидаги осмонда етти фаришта орқали кўрсатилган эди.

Кейинроқ у бу фотосурат ҳақида Аризона штати, Шривпортда қилган ваъзи вақтида гапирган эди. У шундай деди: “Менинг У ҳақида мактубим худди Худо ҳақидаги мактубим

ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун Исо Масиҳни оппоқ Фариштa париги билан кийдирилганига эътибор беринг. У — Коинотнинг Олий Ҳаками, ер-осмоннинг Олий Ҳаками. У — Худо, ва Худодан бошқа ҳеч ким. У — Худо Ўғли деб аталган, одам қиёфасида намоён бўлган, Ўғилнинг ниқобида яширилган Худо. Бизнинг мактубимиз Ёзувга мувофиқ бўлган, хизмат деб ҳисобланган. Ўшанинг Ўзи, кеча, бугун ва абадий Ўзи бўлганнинг Ҳозирлиги билан тасдиқланган мутлақо ҳақиқатдир. Шу учун 7 муҳр ҳақиқатдир, биродарлар. Сиз уларга қўшилмаслигингиз мумкин, аммо фақат ўтиринг ва уларни очиқ юрак билан ва очиқ ақл билан ўрганинг, ва Муқаддас Руҳга сизни бошқаришига қўйиб беринг".

Унинг болалари июнда мактабдаги ўқишларини тугатгач, Билли оиласини ёзда Жефферсонвиллига олиб кетди. Албатта хотини ва болалари ўзларининг олдинги уйларини ва дўстларини соғингандилар. 1963 йил 23 июнда Билли Бранхам Чодирида "Бурилишда..... туриш" деган ваъзини қилиб, унда у Худо уни қандай қилиб хизматини қолдиришига қўймаганини тушунтирди. У ўз йиғилишига деди: "Мен майдонга қайтаман. Мен Худога токи ўлим мени озод қилгунича бўйсунаман. Менга шуни айтишимга қўйинг — мен Исо Масиҳ бирор бир хатоликсиз намоён бўлишини кўришни истар эдим, ва бу нарса менинг юрак сирларини фарқлаш хизматимда бўлиб ўтди. Ва бу нарса бу ерда, черковда ва келгусида ҳам маълум бўлсин: агар Худо инсонни трубадан ўтказган сингари олдинга сурса, у одамнинг ўзи эса, токи Худо унга айтмагунича ҳеч қандай уринмаса, ҳаракат қилмаса, мана ўша одамда ҳеч қанақа имон йўқ. Бу, Худо одамни нимагадир олдинга суради. Менинг хизматимни шундай жойга етказиб келдики, бу ерда ҳеч ким Бунга қарши ҳеч нима дейолмайди. Шу моментдан бошлаб мен имон билан олдинга ҳаракат қилишим лозим. Мен ибодатлар қиламан, қўлимдан келган энг яхшисини танлайман, ва ундан кейин шуни амалга ошираман. Биз одам зоти хатолар қилиши мумкинлигини биламиз, аммо Худо хато қилиб билмайди. Мумкин, биз кутаётган ўша буюк вақтлар яқинлашаяпти. Мумкин, бу нарса Илоҳий Севгида буюк ғалабага олиб келар. Мен биламан, олдинги маррага ташланиш ва одамлар учун ҳал қилувчи бурилишда туриш учун Худонинг муҳаббати талаб этилади".

Кейинги ҳафтада у Арканзас штати, Хот Стрингсдаги элликчиларнинг чодирли йиғилишида тўрт марта ваъз қилди. Жума кечқурун чодирдаги йиғилишда у яна Матто баён қилган Хушхабарнинг 12:42 ояти бўйича ўқиди. У ерда Исо: *"... Ва мана, Сулаймондан буюкроғи шу ердадир"*, — деган эди.

Бу ваъз унга Сулаймонни эслатди. Шанба эрталаб у Жефферсонвиллига қараб шимоли-шарқ томонга кетар экан, Билли Исроилнинг бу қадим подшоҳи ҳақида ўйлашда давом этди. Шоҳ Сулаймон 1000 та ўз хотинлари ва тинч шоҳлиги билан Исо Масиҳнинг Минг йиллик шоҳлигининг рамзи эди. Исони мингта хотини (руҳан айтганда) бўладики, улар барча етти черков даврларидан ҳақиқий имонлилар бўладилар. Биллининг фикрлари Адан Боғидаги биринчи никоҳга қайтди, ундан кейин бутун Библия бўйлаб уни ҳайратга солган ўша пайтгача, қачонки Худо унга никоҳ ва ажралиш ҳақида ҳаммасини тушунтирган пайтигача олдинга интилди. Ҳаттоки у Жефферсонвиллидаги пастор уйига етиб келганидан кейин ҳам бу фикрлар уни тарк этмади. У никоҳ ва ажралиш ҳақидаги ҳақиқат унинг дўстларига ва издошларига қандай таъсир қиларкан, деб ўзига савол бериб, бу ҳақида ўйлайвериб, ярим тунгача ухламади. Гўё Муқаддас Руҳ унга: *"Никоҳ ва ажралиш бўйича ваъз қил, ваъзингни плёнкага ёз ва уни бир томонга олиб қўй"*, — деяётгандай эди. Шунга қарамай, 1963 йил 30 июли, якшанба эрталаб қуёш чиққани пайтида у мана шу мавзуда ваъз қилишга тайёр эмас эди.

Бунинг ўрнига ўша эрталаб у "Учинчи чиқиш" деган ваъзини қилди. Унинг Ёзув жойи Чиқиш 3:1-12 да эдики, у ерда Олов Устуни ёнаётган бутада Мусо билан учрашди ва унга Мисрга қайтишни ва Исроилликларни қулликдан қутқаришини айтган эди. Мусо буни қилишга қурби етмаслигини айтганида, Худо унга аломат берди. Билли ўқиди:

Ва У (Худо) деди, Мен албатта сен билан бўламан; ва бу сени Мен юборганимга сен учун белги бўлади; сен халқни Мисрдан олиб чиққанингда, сен Худога мана шу тоғда хизмат қиласан.

Худо унга худди етти тоғ чўққисини абадий белги, аломат қилиб бергани каби, Худо Мусога тоғни абадий белги сифатида берганини мана шу лаҳзагача англамагани учун, ҳайрон бўлиб туриб, жим бўлиб қолди. Ўзини қўлга олгач, у ваъзини давом эттирди.

Чиқиш деган сўз одатда кўплаб одамларни чиқиши, кетиши ёки кўчиши маъносини англатади. Тарихан олганда кўплаб халқлар кўчганлар. Билли учта катта чиқишлар ҳақида гапирди, қачонки Худо Олов Устуни формасида одамларни қулликдан чақириши ва уларни озодликка чақириш учун пастга тушиб кетган эди. Биринчиси, албатта, табиий чиқиш эди. Бу, қачонки Мусо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан чиқариб ва уларни Канъон ерига олиб кирганида бўлган эди. Бу чиқиш вақтида Мусо (пайғамбар, Худо томонидан чақирилган) одамлар уларни аслида ким олиб бораётгани хусусида адашмасликлари учун, у, яъни Мусо Олов Устунининг ғайритабиий аломати билан бошқарилар эди. Улар ўз чиқишларини ўз эшиклари пештоқига суртилган қўзининг қони ҳимояси остида бошладилар.[116] Билли, Худо ҳар бир эркак ёки аёл билан учрашадиган ягона жой, бу Қўзининг тўкилган қони остида эканлигини таъкидлади. (Қурбонлик Қўзиси). Адан боғида шундай бўлган эди ва бу ҳеч қачон ўзгармади. Худонинг қадим Исроил кунларида бирор-бир киши билан бирдан-бир учрашган жойи, бу қурбонлик қўзиси *қони* остида бўлган эди. Бугун У ким билан бўлмасин, учрашаётган ягона жой бу — деноминацияларда эмас, интеллектуалликада эмас, "черковчилик"да эмас, — балки Ҳаёт ва ҳар бир имонли учун мулоқот мавжуд бўлган Худонинг Қўзиси (*Қурбонлиги*), Исо Масиҳ Қони остидадир.

[116] Чиқиш 12

Иккинчи чиқиш руҳий эди. Исо (Худо-Пайғамбар) яҳудийлар Мусо амрларидан қурган дин системасидан одамларни чақирди. Исо қийналганларни Унинг оромига киришига чорлади.[117] У имонлилар учун Ваъда этилган Ердир. У деди: *"Мен Йўл, Ҳақиқат ва Ҳаётдирман; Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди".*[118] Исо Худодан келганлигини ва Худога қайтишини билар эди.[119] Исонинг ўлими, дафн қилиниши ва тирилишидан кейин Тарслик Савл деган одам Дамашққа кетаётганида, Мусонинг олдида пайдо бўлган ўша Олов Устунини кўрди. Савл Яҳудий Ёзувларини яхши ўрганган бўлганидан, у: "Ё Раббий, Сен кимсан?" — деди. Олов Устуни: "Мен Исоман", — деди.[120] Иккинчи чиқиш бошланди. Биринчи чиқишга ўхшаб, иккинчи чиқиш Олов Устуни томонидан бошланган эди. Биринчи чиқиш йўлбошчиси Мусо бўлгани каби, Шоул (ҳаворий Павел) иккинчи чиқишнинг йўлбошчиси эди.

[117] Матто 11:28-30
[118] Юҳанно 14:6
[119] Юҳанно 13:3
[120] Ҳаворийлар 9:5; 26:15

Билли деди: "Худо охирги кунларда учинчи чиқиш бўлишини ваъда берган. Илмий далил-исботларга эга бўлиб ва Руҳнинг ишлари ва гувоҳлиги орқали, бугун бизлар Унинг Буюк Олов Устуни одамларни деноминационализмдан Исо Масиҳ Ҳузурига чақираётган, қайта тирилган Исо Масҳнинг аломатлари ва мўъжизалари билан орамизда ҳаракатланаётганини, аъло ерга боришга ва *у ерда абадий* яшашга чақираётганини кўриб турибмиз".

"Дўстларим, мен биродарингизман холос, сизни. Мен буни сизга айтаётганим учунгина фақат ишонманглар бунга; бунга Худо сизга исботлагани учун ишонинглар. У биринчи иккита чиқишда ишлатган Ўша Олов Устунини, У бугун сизларнинг ораларингизда намоён қилди ва буни илмий исбот қилди. Биласизлар "Ҳаёт" журналида ўтган ойда Унинг фотосурати босилган эди".

90 БОБ
МОМОҚАЛДИРОҚ СИНГАРИ ВАЪЗЛАР
1963. ЁЗ

ЎЗ СЎЗИДА СОДИҚ ҚОЛИБ, УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ўзининг асосий ваъзларини Жефферсонвиллида қилди, у ерда унинг йиғилиши уни шунчалар яхши кўрар эдики, улар бир хизмат вақтида икки-уч соатлаб, баъзан эса ҳатто тўрт соатлаб ўтиришар эдилар. Мактубларини келгуси авлодлар учун плёнкага ёзиб қолдирмаганида эди, Билли бунча узоқ ваъз қилмаган бўлар эди. У керакли вақтда Худо уларни (мактубларини) Ўзининг бош режасига мувофиқ тасдиқлашига ишониб, у ўзида руҳий озуқа тайёрлашга майл сезди.

1963 йил 7 июль, якшанба эрталабида у "Айблов" деган мактубини ваъз қилди. У ўз мавзусини Луқо баён этган Хушхабарнинг 23-боби 33-оятидан ўқиб бошлади: *"Бошсуяги деган жойга келганларида, Исони ҳамда ўнг ва сўл томонда иккала жиноятчини хочга михлаб қўйдилар".* Мана шу парчадан у тўртта сўзни ўз мавзуси сифатида олди: "Улар у ерда Уни михладилар". *У ерда* — дунёда энг муқаддас жой; *улар* — дунёдаги энг диндор одамлар; *Уни* — дунёдаги энг Муқаддас Шахс; *михладилар* — дунёдаги энг даҳшатли ўлим формаси. Бу қандай юз бериши мумкин?

Ҳаворийлар 2:22-23 да Пётр ўз замондошларини айблаб, бундай деган эди: "Эй Исроил эрлари, бу сўзларни тингланглар! Насролик Исо — қилган қудратли ва ажойиб мўъжизалари асосида Худо томонидан тасдиқланган Кишидир. Унинг орангизда қилган ишларини ўзларингиз биласизлар. Худонинг азалий мурод-мақсади ва чексиз билимига кўра қўлингизга топширилган ўша Одамни сизлар тутиб, қонунсизлар қўли билан хочга михлатиб ўлдирдингизлар". Ўша ўтган кун ва ҳозирги кун ўртасида параллел ўтказа туриб, Билли деди: "Бугун мен черковларни айблайман. Мен бунга гуноҳкорни айбламайман; мен буни черковга айтаман. Мен бу авлодни Исо Масиҳни иккинчи бор михлаганларида айблайман". Сиз айтасиз: Мумкин эмас. Исо яна бир бор михланиши мумкин эмас. Ибронийларга мактубнинг 6:4-6 оятларида мумкин дейилган. *"Бир марта зиёни кўрган, самовий инъомдан лаззат олган, Муқаддас Руҳдан баҳраманд бўлган, Худонинг хайрли Каломини ва келажак оламнинг қудратларини тотиб кўрган кишилар агар бундан кейин имондан қайтсалар, уларни яна тавба қилдириб, тузатиш имконсиздир. Чунки бундай кишилар* ***Худонинг Ўғлини янгидан хочга қоқиб****, масхара қилган бўладилар".*

33-йилда нима содир бўлганига диққат билан қаранг. Луқо дейди: *"У ерда улар уни михладилар".* Нима учун Қуддус ер юзида энг муқаддас жой эди? У ерда маъбад турган эди; ва у ерда алтар турган эдики, бу ерда Левит руҳонийлари халқнинг гуноҳларини ёпиш учун буқалар, эчкилар, қўзилар ва кабутарларни қурбонлик қилар эдилар. Библиянинг таълимотини унутманг — фақат биргина жой борки, у ерда сажда қилувчи билан Худо қачон бўлмасин учрашади — бу айбсиз қурбонликнинг тўкилган қони остидадир. Ўша табиий қўзиларнинг қони токи Исо, Қўзи (Қурбонлик) ўлган соатгачагина яхши эди холос. Айнан ўша моментда бу ўзгарди. Худди ўша моментда бу система эскирди ва янги ва тирик йўл билан — тирилган Худо Ўғлининг Қонига имон билан алмаштирилган эди. Бироқ, яҳудийлар ўзгаришга эътибор бермай, ўзларининг эски одатларидан кўркўрона кетишда давом этдилар. "Бугунги кунда черковлар ҳам худди шундай қиляпти", — деди Билли. У яна деди: "ташкил этилган дин ҳукм қилинган ва у Масиҳнинг Сўзини қурбонлик қилаётганлиги исбот қилинган соатдан бошлаб, шу моментдан ва бундан буён Сўз ва фақат Сўз амал қилади. Хочга михланган куни қадимги, эски пасха ўз кучини йўқотди, Масиҳ бўлса бизларнинг Қўзимиз (Қурбонлигимиз) бўлди. Ва ўша куни, деноминациялар Худо Сўзини михлаганларида ва Сўз ўрнига диний таълимотни қабул қилганларида, худди ўша куни Сўз бутун қудрати билан ҳаракат қила бошлади. Бу умуман яқингинада содир бўлди". (У 7 муҳрни очилишига шама қилди.)

У ерда *улар* Уни михладилар. Ким эди улар? *Улар* ўша даврнинг энг яхши тарзда таълим берилган олимлари эдилар. Агар кимдир яхшироқ биладиган бўлса, унда булар ўша

фарзийлар, саддуқийлар, руҳонийлар ва раввинлар бўлишлиги керак эди. Улар ўша куннинг хизматчилари ва руҳонийлари эдилар... уларнинг бурчи одамларни ҳақиқатга олиб келиш эди. Қанақанги қарама-қаршилик! Улар Худога сиғинаяпмиз биз, деб тасдиқлар эдилар-у, бироқ, улар тасдиқлаши бўйича сиғинаётган ўша Худони михладилар. Наҳотки бугун ҳам шу нарса бўлиб ўтмаяпти? Бошқалардан яхшироқ бўлиши лозим бўлган хизматчилар ўз кафедраларидан турганча: "Бу фанатизм, бундан узоқроқ юринглар", — дея, Сўзни ҳукм қилаяптилар. Шундай йўл тутиб, 1963 йилда Масиҳни михлаяптилар ва худди Исонинг кунларидаги ўша одамлар каби айбдордирлар.

Улар Уни *михладилар*. Олдин улар Унинг устидан кулдилар ва Уни яширинча урдилар. Ундан кейин Ундан Унинг барча кийимларини тортиб олдилар ва жамоат олдида уялтириш учун Уни хочга осдилар. Билли деди: "Улар ўз диний таълимотлари билан бугун яна ўшандай қилдилар. Улар Уни бирор-бир бошқа даврга жойлаштиришга уриниб, фазл-камолотни ечинтирдилар ва Хушхабарнинг кийимларини ташлаб юбордилар ва шундай қила туриб, улар яна бир бор Уни хочга михладилар".

Нима сабадан улар Исони михладилар? Ҳасад ва нотўғри тушунчалари уларни шунга ундади. Унинг устидан суд процессини диққат билан қараб чиқинг. Улар Унга қарши қанақа айбларни олдинга сурдилар? Улар Уни Шанбани бузди деб (ором куни) ва У Ўзини Худо қилди, деб айбладилар. (У Худо эди; У дам олиш кунини бузди, чунки У дам олиш кунининг Ҳокими эди *(дам олиш кунини)*. Ўшанда улар Одамда камчилик топдилар, Қайсики У Калом эди. Энди, ҳозир улар одамда амал қилаётган Каломдан, Сўздан камчилик топаяптилар. Ўша шогирдлари қаёқдан билдилар, Исони Масиҳ эканлигини? Улар Унинг ишлари Уни Кимлигини исботлаганидан билдилар. Худди шу нарса ҳозирга ҳам тўғри келади.

Билли деди: "Мен мана шу бағишланган хизматчилар гуруҳини айблайман. Ўзларининг деноминацион таълимотлари билан худди Ўша Худони михламоқдалар, Қайсики уларни айтиши бўйича, улар Уни севадилар, Қайсигаки хизмат қиладилар. Мен бу хизматчиларни айблайман, чунки улар мўъжизалар кунлари ўтиб кетган ва Исо Масиҳ Исмидан чўмдирилиш нотўғри деб ҳисоблайдилар. Сўзни, Каломни диний таълимотлар билан алмаштирганлари учун мен уларни Раббий Исони иккинчи марта михлаганда айблайман. Исо Масиҳнинг Қони уларнинг қўлларида турибди. Улар одамлардан ўзлари беришлари керак бўлган нарсани тортиб олиб, бунинг ўрнига бошқа нималарнидир берадилар, шу билан жамият олдида Масиҳни михламоқдалар. Буларнинг ҳаммасини эса машҳур бўлишлик учун ва овқатланиш талони учундир".

Ўша ерда улар *Уни* михладилар. Исо Масиҳ Худо Каломини ўша даврда акс эттириш учун, ўша давр Худонинг ваъдаларини кўра олиши учун, Худонинг тана кўринишида намоён бўлиши эди. Муқаддас Руҳ ҳам бугун худди ўшандагидайдир. Худонинг Бу Руҳи Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзи эканлигини исботлаш учун У, яъни Худонинг Руҳи бирор кишини топишга уриниб ва унга шундай кириб олиб, У мана шу даврда Ўзини акс эттира олиши учун, У Ёзилган Сўзда турибди.[121] Исо деди: *"Менга ишонган, Мен қилаётган ишларни у ҳам қилади; ва у бундан ҳам буюгини қилади; чунки Мен Отамга бораман"*.

[121] Ибронийларга 13:8

Одамлар билмайдики, Каломнинг ҳар қандай қисмини рад этиб, улар Масиҳни рад этадилар, чунки У Каломдир. Шунчалик кўп одамлар Католицизм томонидан ўйлаб топилган ота, ўғил ва Муқаддас Руҳ титулларини ишлатиб, сувда имон келтирадилар ва Пётрнинг, *"Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирнигиз Исо Масиҳ номига сувга тушиб имон келтиринглар, ва шундай қилиб сизлар Муқаддас Руҳ инъомини оласиз",*[122] — деган амрини рад этадилар, сувда чўмдирилиб имон келтиришни қабул қиладилар. Қандай қилиб Христиан аёл ҳаворий Павел қоралаганини билиб, яна сочини кесиши мумкин?[123] Қандай қилиб Христианка аёл шим кийиши мумкин, қачонки Библия буни Раббий олдида расволик деб турибди?[124] Бу — бунинг озгинасику холос. Қачонки диндор одамлар Сўзнинг бир қисмини рад этадилар, улар "солиҳлардай кўринадилар-у, аммо Унинг қудратини рад этадилар".[125]

[122] Ҳаворийлар 2:38

[123] 1-Коринфликларга 11:5-15

[124] Қонунлар 22:5
[125] 2-Тимофейга 3:15

“Шу учун”, — деди Билли, — “мен бу гуруҳ руҳонийларни айблайман. Мен бу наслни Худо Каломи ҳуқуқи билан, Исо Масиҳ Исми ҳақи айблайман: сизлар Уни яна михламоқдасизлар. Ўзингизнинг таълимотларингизни кўкларга кўтариб, сизлар Сўзни, Каломни шундай михлаяпсизки, У одамларга эга бўлиши керак таъсирига, бугун У эга бўлмаяпти”.

Охирида у худди ўша, Пётр қанча олдин қилган чақириғини эълон қилди. Билли деди: “Мен бу авлодни тавба қилишга ва Каломнинг ҳақиқатига қайтишга чақираман. Оталаримиз имонига қайтинглар. Муқаддас Руҳга қайтинглар, чунки Худо ўзгара олмайди. У: “Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади”, — деганида, У ушбу ваъдаларини абадул-абад бажаришда давоб этаверди.[126] Бу — Унинг Сўзи”.

[126] Марк 16617-18.

Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар.

Ўзининг тугатадиган ибодатида у ўзини одамлар учун тўкиб ташлаган, бўшатилган идишга ўхшар, чарчаб қолган ва Раббий олдида эҳтиром ила турганди. У ибодат қилди: “О Худойим, мана энди кўплаб одамлар, бирдан-бир Ҳаёт йўли бўлган, Сенинг Каломингга, орқага, Сенинг Сўзингга ўз йўлларини топсинлар. Ота, Сен биласан, мен буларни шафқатсиз бўлиш учун гапирмадим. Мен буларни севгида айтдим. Илтимос, менинг Худойим, бу одамлар тушунсинлар ва тузалишни қабул қилсинлар. Сен хочда осилганингда, Сен ибодат қилгандинг: Ота, уларни кечир; улар кўрмайдилар ва нима қилаётганини билмайдилар.[127] Мен бугун мана шу хизматчилар учун сўрайман, қайсики улар ўз деноминацион таълимотини қабул қилиб, улар яна бир бор Сўзни михламоқдалар ва шу таълимотга Ҳаёт Каломини алмаштирмоқдалар; кейин бўлса Сен тасдиқлаб турган ўша Ҳақиқатни танқид қилаяптилар — мен мана шу хизматчилар учун ва уларнинг йиғилишлари учун сўрайман, Сен уларни Тўй Зиёфатига яна бир бор чақиришингни сўрайман. Улар бу сафар келсинлар ва кечирим учун баҳоналар қидирмасинлар”.

[127] Луқо 23:34

“Худойим, мен сўрайманки, ҳамма жойда, бу сўзлар қаерга бориб тушади (шу ердагилар учун ва буларни плёнкаларда эшитувчилар учун), дунё яратилишидан тайинланганлар, исмлари Қўзининг Ҳаёт Китобида (Қурбонлик Қўзиси) киритилган ҳар бир одамни Муқаддас Руҳ чақиришини илтимос қилиб сўрайман. Улар бугун гапираётган — ушбу сокин, камтар Овознинг уларнинг юракларига: “Бу – Йўл, Ундан Юринглар,[128] — деб айтаётган Худонинг Овозини эшитсинлар. Шуни ато эт, Ота. Мен буни Исо Исмидан сўрайман”.

[128] 4-Шоҳлар 19:11-13; Ишайё 30:21; Еремия 7:23; Колосаликларга 2:6.

1963 йил 17 июлдаги “Павел Масиҳнинг бандаси” деган ваъзида ўз истакларини тушунтирди. Павел Филимонга ёзганида, у мана шу сўз бирикмасини саломлашиш сифатида ишлатган эди. Павел шу мактубни ёзган вақтида, гарчи у зиндонда бўлган бўлса-да, у ўзининг жисмонан қаердалигини назарда тутмаган эди. У Исо Масиҳнинг Сўзига банди эканлигини кўзда тутган эди, чунки Масиҳ бу Калом. Севги Павелни Нажоткор Исо Масиҳга боғлади — бу шундай чуқур муҳаббат эдики, Павел Исо Руҳи унга нима қилишини айтса, фақат шуни қила билар эди. Худди шундай деб ҳар бир эркак ва аёл ҳақида айтса бўлади, кимки ҳақиқатдан ҳам Раббий Исо билан учрашса.

Энди “Айблов”нинг ваъз қилиш оғирлиги орқада қолгач, Билли бу ёз роҳатланди. Аслида у йилнинг охиригача Жефферсовиллида қолишни ўйлаб қолди. Бу ерда унда унинг ваъзларини қувонч билан қабул қиладиган черкови бор эди, Тусонда эса ҳатто уйда йиғиладиган деса бўладиган ҳам бир черков йўқ эди унда. У Тусонга Раббийнинг буйруғи бўйича борганди, бироқ, мумкин у Раббий унинг у ерда нималар қилишини хохлаган бўлса, барчасини бажаргандир. Эҳтимол, у бемалол ваъз қиладиган жойи, Жефферсонвиллида қолиши керакдир. У хотини ва болаларига шу ерда бахтиёр бўлишларини билар эди,

уларнинг жуда кўп дўстлари шу ерда эди.

Қачонки бу ҳақида Меда маълум қилган эди, у хавотирланиб жавоб берди: “Билли, мен сени Худо Аризонага юборганини биламан, аммо У сенга қайтишингни айтгани йўқ. Мана шу мени ташвишлантиради”.

Билли деди: “Мен кўпроқ сен билан болаларимни ўйлагандим. Қаёққа бормайлик, мен Худога хизмат қилмоқчиман”.

Бир неча дақиқадан кейин унинг меҳмонхонаси деворида ниманидир ёзаётган Олов Устунини кўрди. Алангаланаётган ҳарфлар ғойиб бўлганидан кейин ҳам ўша сўзлар уни куйдириб, анча вақтгача унинг хотирасида қолди. Раббий ёзди: *“Аризонага қайтиб кет”.*

Июлнинг охирги ҳафтаси ичида у билан шахсан суҳбатлашишни истаган 20 одам билан учрашиш учун у бир кунни режалаштирди. Бу одамлар унинг йиғилиши аъзолари эмас эдилар, балки мамлакатнинг ҳар ёғларидан келган эдилар. Биринчи суҳбат бошлангунига қадар у донолик сўраб, бир соат ибодат қилди. Унинг ибодатига жавоб бериб, Муқаддас Руҳ анчайин тезкор ўлчовларга эшик очиб ва унга бугун бериладиган ҳар бир саволни кўрсатди. У ҳар бир саволни ва унга бўлган жавобни алоҳида қоғоз саҳифасига ёзиб қўйди. Ҳар бир одамга ярим соат ажратилди. Бу вақт тугагандан кейин, Билли ёзув китобчасидан юқорида турган варақни йиртиб олди ва уни ҳайрон бўлган одамга бу жавоб Худодан келганини тасдиқлаб топширди.

1963 йил 28 июлида у ўзининг дурдона ваъзини айтди. У етти момоқалдироқнинг бири каби гумбурлади, у “Масиҳ — Худонинг очилган сири” деган мактубини ваъз қилди. У деди: “Бу ваъз мен айтганларимни нима учун айтганимни ва нима қилган бўлсам, нима учун қилганимни тушунтириб беради”.

У Колосаликларга Мактубнинг Исо Масиҳ ҳақида гапирилган 1 боби 15-29 оятларидан ўқиб берди:

(15) Исо Масиҳ кўринмас Худонинг инъикосидир. У бутун махлуқот устидан, худди тўнғич сингари, биринчи ўринда турадi. (16) Кўкдаги ва ердаги борлиқ мавжудот, кўринадиган ва кўринмайдиган махлуқот, у дунёю бу дунёдаги ҳар қандай тахту тож, салтанату ҳукмронлик У орқали яратилган. Ҳамма нарса У орқали ва У учун яратилган. (17) Унинг Ўзи эса ҳамма нарсадан аввал мавжуд эди. Борлиқ мавжудот Унинг соясида мавжуддир. (18) У Ўз бадани, яъни умматининг бошидир. У ўликлар ичидан биринчи бўлиб тирилгани учун, ҳамманинг илгори ва бошидир. (19) Худо бутун камолотни Унда жо қилишни хуш кўрди. (20) Унинг воситаси билан Худо еру кўкдаги борлиқ мавжудотни Ўзи билан яраштиришга қарор қилди. Хочга михланган қонни инобатга олиб, Худо Ўзи яратганлар билан сулҳ тузди. (21) Мана сизлар ҳам бир вақтлар ёмон ишлар қилиб, ярамас фикрда бўлиб, Худога бегона ва душман эдингизлар. (22) Энди эса Масиҳ Ўзининг инсоний баданини қурбонликка бағишлаб, Ўз ўлими орқали сизларни муқаддас, айбсиз ва нуқсонсиз ҳолда тақдим қилди. (23) Сизлар энди эшитган Хушхабарга қаттиқ эътиқод қўйиб, умидингиздан қайтмасангиз, имонингизда маҳкам, оғишмай турсангиз, бўлди. Инжил Хушхабари осмони фалак остида Худо яратган барча жонзотга етказилди, мен – Павел эса бу Хушхабарнинг фидойиси бўлдим. (24) Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун азоб тортаётганимга севинаман. Масиҳнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортган қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдиряпман. (25) Худонинг менга топшириғи бўйича, мен Масиҳ уммати устидан масъул хизматкор бўлдим, Худо каломини тўлиқ тарғиб қилиш вазифасини ўз зиммамга олдим. (26) Ана шу калом ўтган асрлар ва авлодлардан сир тутилиб, ҳозир эса Худонинг азизларига ошкор бўлди. (27) Худо дунё халқлари учун сақлаган ушбу сирнинг нақадар бой ва улуғворлигини Ўз азизларига очиб беришга рози бўлди, чунончи улуғвор умидимизнинг мағзи – сизнинг ичингиздаги Масиҳ. (28) Шунга кўра, биз Масиҳга ишонган ҳар бир одамни мукаммал ҳолда Худога тақдим этмоқчимиз. Ҳар бир одамга ақл ўргатиб, бутун донолик билан таълим-тарбия бериб, Масиҳни тарғиб қилмоқдамиз. (29) Мен ҳам ана шу мақсадда жон-жаҳдим билан хизмат қилар эканман, менга кучли таъсир қилаётган Раббимнинг қудратига суянаман.

Ҳали атомлар пайдо бўлгунигача ҳосил бўлмай туриб, Худо Ўзининг севимли

атрибутлари: Отани, Ўғилни, Қутқарувчини, Шифоловчи ва бошқаларни ифодалаш учун Ўз режасини ишлаб чиқди. У бу режани сир кўринишида тайёрлади ва бу сирни У инсоният тарихидаги ҳамма даврлари давомида аста-секин очаверди. Бутун Библия ўзини Масиҳда очишнинг буюк Илоҳий ниятни ифодалайди, акс эттиради.

Билли деди: "У бутун Библиянинг асосий мавзуси ҳисобланади. Агар сиз Библияни ўқийсиз-у, унинг ҳар бир оятида Масиҳни кўрмайсиз, қайтинг ва уни яна ўқинг, чунки сиз ниманидир ўтказиб юбордингиз. Библия — бу Масиҳ. У Каломуллоҳ, Сўз. Сиз "Азалда Худо осмон билан ерни яратди"ни ўқиган пайтингиз бу Масиҳ. Кўряпсизми? Биринчи оятдан Ваҳийдаги охирги "Омин"гача — ҳар бир Сўз Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик беради".

У шундай тушунтирди: Эски Аҳддаги айтиб ўтилган ҳар бир имонлининг иши маълум бир тарзда Масиҳдан дарак берар эди. Масалан, Мусо Синай тоғига кўтарилганида ва Худодан ўнта амрни олганида, бу Исони Галилеяда, тоғдаги: "Қадимгиларга: "Зино қилма", — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: ким бир аёлга шаҳват билан қараса ҳам, аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади", — деб айтган ваъзларининг рамзи эди.[129] Яхё Чўмдирувчи Исони Иордан дарёсида чўмдирганида, бу Эски Аҳддаги тимсолни ижро этди-ку, у ерда қурбонлик *қўзиси* ювилиши лозим эди.[130] Иос деди: *"Сизлар Муқаддас Битикларни* текширасизлар, чунки улар орқали Абадий Ҳаётга эришамиз, деб ўйлайсизлар. Ана ўша Битиклар Мен ҳақимда гуаоҳлик беради".*[131]

[129] Чиқиш 20:14; Матто 5:27-29
[130] Чиқиш 29:15-18; матто 3:13-15
[131] Юҳанно 5:39

Худо коинотни яратганида, Унинг фикрида уч каррали мақсади бор эди. Биринчидан, У Ўз атрибутларини ифодалаб, одамларга Ўзини очишни истаган эди. У бутун коинот-фазо, вақт ва абадийликни қоплаб, тўлдириб турган Иегова Худо бўлиб, буни қилолмас эди. У шунчалик буюк ва сирлики, ҳеч ким ҳеч қачон Унга тушуниб етолмайди. Қандай қилиб ҳар доим бўлиб турадиган Зотни тушуниш мумкин? Шундай қилиб, У Ўзини Оталигини Инсон Ўғли бўлиб ифодалади. Мана, нима сабабдан Исо Ўзини "Инсон Ўғли" деб ифодалади.[132] Худо Ўзини Масиҳда оча туриб, У Ўзини инсон зотлари билан тенглаштирмоқни хохлади.

[132] Маттодан мисоллар: 8:20; 9:6; 11:19; 12:8, 32, 40; 16:13, 27, 28; 17:9, 12, 22; 18:11; 20:18,28; 24:27, 30, 37, 39, 44; 25:13, 31; 26:24, 45, 64. Марк, Луқо ва Юҳанно баён этган Инжилда ҳам кўплаб мисоллар бор.

Иккинчидан, Худо одамларда яшашни хохлади ва шу тарзда У Ўзининг Келини деб атаган имонлилар Танасида устунликка эга бўлишни хохлади. Дастлаб У буни Одам ва Момо Ҳавода амалга ошира билар эди; аммо кейин уларни гуноҳ Унинг Ҳузуридан ажратди, бебаҳра қилди. Нима учун Худо Одам ва Момо Ҳавони покиза сақламадийкан? Агар У бундай қилганида эди, унда У ҳеч қачон Ўзининг барча атрибутларини ифодаламаган бўлар эди. У Ўғил, Қутқарувчи, Шифокор эди, буни У фақат Масиҳ орқали ифодалай олади. Кўряпсизми? Ҳаммаси бир бутун бўлиб, яхлит бўлиб мана шу бир Шахсда, Исо Масиҳда бирлашгандир. Худонинг буюк мақсади аввалида Ўзини танада (баданда) Илоҳий тўлиқлик каби, Масиҳда очиш, кейин бўлса тўлаликни уларда устунликка эга бўлиш учун одамларга келтириш эди. (Устунлик — ҳамманинг устидан устун ҳолат).

Учинчидан, Худонинг нияти Ўз одамларини, Одам ва Ҳаво гуноҳ қилганларига қадар юрганларига ўхшаб, яна У билан куннинг салқинида юришлари учун, Ўз Шоҳлигини Адан Боғидаги аҳволга қайтариш эди. Мана шу моментгача Худо Ўзини черков даврлари мобайнида Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ каби намоён қилиб келди. Ота ва Муқаддас Руҳ бу ўша Руҳнинг ўзидир. Сиз тушундингизми буни? Бу учта Худо эмас; бу Ўзини учта атрибутида намоён қилаётган Ягона Худодир. Худо Ўзини Исо Масиҳда намоён қилди, Қайсики У Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ бўлиб, Худонинг бутун борлиғи тўла-тўкис Масиҳ вужудида мужассам бўлди.[133] Энди Худо тўла-тўкис Унинг Черковида (Унинг Келинида) ва У Унга устунликни бераяпти. Худо Ким эди, барчасини Масиҳ вужудига тўкди; ва Масиҳ Ким бўлган бўлса, ҳаммасини У Ўз Черковига тўкиб солади (деноминацияга ўхшаган, гуруҳлар эмас, балки алоҳида бир имонлилар назарда тутиляпти).

[133] Колосаликларга 2:9

Отанинг Ўзи, Исо Масиҳ устунликка эга бўлиши керак, деб гувоҳлик берган эди. Пётр, Ёқуб ва Юҳанно Исо билан тоғ чўққисига кўтарилганларида, шогирдлар ваҳийда Мусо

билан Илёсни Раббий билан бирга турганини кўрдилар. Мусо қонунни билдирар, Илёс бўлса пайғамбарларни ифодалар эди. Ундан кейин Исо Масиҳни нурдай порлаган ҳолда қолдириб, Мусо билан Илёс ғойиб бўлди. Булут пайдо бўлиб, уни ичидан бир Овоз уларга: "Бу Менинг севикли Ўғлим, Ундан мамнунман. Унга қулоқ солинглар!" — деди.[134]

[134] Матто 17:1-4; Марк 9:2-8

Исо Масиҳ — бу тўла намоён бўлган Худо. Пётр ўзининг буюк очиқлигини, ваҳийсини олганини эслайсизми? У деди: "Сен барҳаёт Худонинг Ўғли — Масиҳсан!" – деди. Исо Пётрга жавобан: "Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симон! Бу сирни сен одамлардан уққанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган. Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман (тош — Менинг Ким эканлигимнинг очилганлиги), жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас"[135] – деди. Эътибор беринг, Исо: "Симон, сен бахтиёрсан", — деди. Очиқлик, ваҳий ҳар бир имонлига индивидуа келади, аммо ҳеч қачон бир гуруҳ одамларга эмас. Маълум бир одам билан Масиҳнинг тенглашиши — бу *қачонки* эркак ёки аёл Худонинг иродасига шунчалик бўйсунадиларки, бу одамда фақат Калом намоён бўлади. Бутун дўзах бу таълимотга қарши туради, аммо бу — ҳақиқат.

[135] Матто 16:13-18; Марк 8:27-29

Янгидан туғилиш нима?[136] Бу сизнинг Исо — бу Масиҳ экани ҳақидаги ваҳийингиз. Исо Масиҳ (қайсики У Каломдир) сизга Ўзини шахсан очади, шунда сиз янгидан туғиласиз.

[136] Юҳанно 3:1-21; 1Пётр 1:23

Масиҳнинг Танасида кўплаб узвлар бор, ҳар бир одам индивидуал тарзда Худо Руҳи билан бошқарилади, аммо уларнинг барчаси Унинг Сўзи билан бирга баробар юради. Қандай қилиб одам буюк режанинг бир қисми бўлади? *"Биз ким бўлишимиздан қатъий назар — яҳудийми, юнонми, қулми, эркинми — ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун ўша битта Руҳга чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Руҳдан ичганмиз".*[137]

[137] 1-Коринфликларга 12:12-14

Исо Тананинг (Тана — бу Унинг Черкови, Унинг Келини) Боши ҳисобланар экан, унда бу Тана-Келин Бошга бўйсуниши керак, чунки Черков Унинг тирилишининг бир қисми ва сирларининг бир қисми ҳисобланади. Худо Исо Масиҳ орқали Ўзини очганидек ва Уни Сўзи билан тирилтирганидек, худди шундай У Ўзини Ўз Черковига очади ва уни айнан ўша Сўзи билан тирилтиради. Келин — бу Унинг уч каррали сирининг бир қисми. Шу учун Тана Сўздан бошқа ҳеч қандай бошчиликни тан ололмайди, чунки Бош Тана билан боғлангандир.

Исо Масиҳ пайғамбарларда эди; У Саноларда бор эди; У тарихда бўлганди; У ҳозир ҳам бор ва У ҳар доим бўлиши Уни кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзилигини қилади. Агар У Библиянинг асосий мавзуси ҳисобланса, ва агар Библия бизларда жойлашган, унда бизлар нимани ўйласак, гапирсак ёки бажарсак, шуларнинг асосий мавзуси У бўлиши керак. Масиҳ бизларнинг ҳаётларимизнинг асосий мавзуси бўлиши лозим.

Бу тўрт соатлик мактубнинг охирида Билли деди: "Болалар, Худо сизга "Бир-бирингизни севинглар",[138] деган амрини унутманглар. Барчани севинглар, улар ҳақми ёки ноҳақми, солиҳми улар ёки гуноҳкорми, барчани. Агар одам ноҳақ бўлсин, нима бўлганида ҳам уни севинглар. Унинг гуноҳлари қатнашманглар, балки юмшоқлик билан — жаҳл ёки таъна қилиб эмас — юмшоқлик билан уларга Ҳаётга умид ҳақида айтинглар, Қайсики сизда сизга Муқаддас Руҳ орқали очилган, Исо Масиҳ орқали ўрнашган. Агар сизга уни севиш қийин бўлса, Худодан ёрдам сўранг, чунки Худо гуноҳкорни яхши кўрган эди".

[138] 1-Юҳанно 3:11, 18, 23-24; 1-Юҳанно 4:7, 11-12; 2-Юҳанно 1:5

Кейин у йиғилишни "Исонинг Исми бугун..." қўшиғини айтишга бошлади. Биринчи нақорат охирида у: "Мен сизларга кичкинагина сирни очмоқчиман" – деди. Иккинчи нақоратнинг охирида у: "Ҳаммаси Маҳтсда намоён бўлди: Худо, Библия, Черков ва қадр-қиммати бор неки бор, барчаси Масиҳда намоён бўлди" – деди. Учинчи нақорат охирида у: "Агар сиз бурилсангиз ва соатга қарасангиз, стрелка соат 2 белгисида турибди — иккинчи Силтовнинг охири; учинчи Силтов яқин" – деди.

Кейинги куни (1963 йил 29 июли) Уилльям Бранхам Чикагога кетди ва у ерда 31 июлдан 4 августгача етти марта ваъз қилди. Гарчи бу йиғилишлар ўз моҳияти жиҳатидан ибодат навбатлари ва ғайритабиий фикрларни билишлар билан тугайдиган хушхабарчилик

йиғилишлари бўлса-да, унинг ваъзларида ҳали ҳам 7 муҳрни очилиши вақтида олган ўша ваҳий ва кўрсатмалари мавжуд эди. У буни яширолмас ёки бундан қочолмас эди.

Мана шу ёзнинг қолган қисмида Бранхам Чодиридаги унинг кафедрасидан яна бешта мисли кўрилмаган ваъзлар янгради: “Бирлашиш вақти ва унинг аломати”, “Мен қандай ғалаба қилоламан?”, “Баркамол имон”, “Белги”, “Умидсизлик!”. “Баркамол имон”да у ўзининг ёқтирган Марк 11:23 даги мавзусига қайтди, у ерда Исо шундай деган эди: “Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: “Кўтарилиб денгизга отил”, деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади”. 7 муҳрнинг очилиши лаҳзаларидан бошлаб, ушбу оят унинг фикрларида янада кўпроқ маъно касб этди.

Якшанба куни эрталаб, 1 сентябрь, у “Белги” деган мактубини ваъз қилди. Аввалига белги қадимда яҳудийлар ўлим фариштаси Миср орқали ўтган ўша кечаси эшиклари ромлари ёнларига ва тепасига қонини суртган қўзига тааллуқли эди. Агар уйда ушбу белги қўйилмаган бўлса, ушбу уй ўзининг тўнғич ўғилларини йўқотар эди. Бу белги қўйилган ҳар бир хонадон бу фалокатдан қутулган эди.[139] Қўзиларнинг қони ҳар йилги қурбонлик қилишни билдириб, қайсики у кейинчалик чодирда, ундан ҳам кейинроқ эса Қуддусдаги маъбадда амалга ошириладиган бўлди. Жониворларда руҳи бўлмаганлигидан, уларнинг ҳаёти имонли одамга кира олмас эди. Шу учун қоннинг кимёвий таркиби белги сифатида, сажда қилаётган имонлининг гуноҳлари қопланиши учун хизмат қилар эди. Қачонки Худонинг Қўзиси (Қурбонлик Қўзиси) Ўзини Гўлготада қурбонликка келтирганида, Унинг Қони ерга тўкилди, бироқ Унинг Жонида (Қонида) пульсланаётган Ҳаёт, Элликчилар[140] кунида имонлиларга қайтиб келди. Бугун имонли одам учун белги — бу Худонинг Муқаддас Руҳидир. Бу имонлига қайтаётган айнан Исо Масиҳнинг Ҳаёти ва Унинг борлиги Қон имон билан суртилганини ва Худо томонидан қабул қилинганлигини кўрсатади. Билли деди: “Худонинг Сўзига тамоман бўйсунишингиз Сизга белгига ҳуқуқ беради. Олдин тавба қилинглар ва Исо Исмида сувда чўмдирилинг, ундан кейин шу жойдан ҳаракатни давом эттираверинг. Каломга тўлиқ бўйсуниш, Қайсики У Масиҳ ҳисобланади, сизни Масиҳга элтади. Бу — менинг мактубим. Масиҳга киринг”.

[139] Чиқиш 12-боб

[140] Юҳанно 14:15-27; 15:26-27; 16:7; Ҳаворийлар 2-боб.

Якшанба оқшомида “Умидсизлик” деган ваъзини у чорасизлик қандай қилиб Худони ҳаракат майдонига олиб келиши ҳақида Ёзувдан мисоллар келтирди.[141] Кейинги кун эрталаб, Билли оиласи билан Индиананинг иссиқ ва нам иқлимини қолдириб ва Аризонанинг қуруқ ва иссиқ кузига ғарбга жўнаб кетди.

[141] 4-Шоҳлар 4-боб ва Юҳанно 11-бобларни иккита мисол тариқасида келтирди.

91 БОБ
КОЛОРАДОДА БЎРОННИ ТЎХТАТИБ
КУЗ.1963

ОИЛАСИ ТУСОНГА ҚАЙТИШИ БИЛАН, Билли Ривқони, Саррани ва Иосифни ўрта мактабга ёздирди. Бир куни кундузи Медага болалари учун мактаб кийим ва бошқа нарсаларни харид қилиши керак бўлди. Билли уни Джей Си Тенни универмагига олиб келди. Меда биринчи қаватда аёллар кийимлари қаторларини қарар экан, Билли ўзига кўйлак топиш учун эскалаторда иккинчи қаватга кўтарилди. Истаган нарсасини топгач, у эскалатордан тушган жойда хотинини кута бошлади. Универмаг харидорларга тўла эди. *Тугамайдиган* одамлар оқими иккала эскалатордан ҳам пастга ва ҳам юқорига ҳаракат қилар эди. Қон томирида оқаётган оқ ва қизил қон таначалари сингари, бу харидорлар универмагнинг ҳаётий кучи манбаи эди. Кўпчилик аёллар Қўшма Штатлар президенти Жаклин Кеннеди шарофати билан машҳур бўлиб қолган стилда сочларини калта қилиб олишгандилар. Учта ўспирин эскалатордан кўтарилди. Уларнинг сочлари узун ва тўзғиган эди ва пешоналаридаги сочлари эса Британия Битлз рок-н-ролль мусиқали гуруҳ стилида қошларига тушиб турар эди. Бир йигитчанинг сочлари узунлигидан унинг елкаларини ёпиб турар эди. Уч йигит эскалатордан тушгач, улар кўйлаклар осилган устун ёнида тўхтаб, нархларига қарадилар.

Уларнинг ортидан эскалатордан калта сочли аёл тушиб келди. У харид қилганлари солинган сумкасини ерга қўйиб, ўзи Биллининг ёнидаги стулга ўтирди. Узун сочли йигитлар томонга бурилиб қараб, у сўради: “Сиз булар ҳақида нима деб ўйлайсиз?”

Шахсан Билли йигитларни аёл сифат кўринаяпти деб ўйлади; аммо у бу аёлга деди: “Агар сиз уларни танқид қилмоқчи бўлсангиз, сиз ўзингиздан уялишингиз керак. Сизда сочингизни кесишга қанча ҳаққингиз бўлса, уларда ҳам соч ўстиришларига шунча ҳақлари бор. Библияга асосан сизлардан ҳеч қайсингиз бундай қилмаслигингиз лозим”.

Унинг жавобидан ҳайрон бўлиб, аёл сумкасини олди-да, туриб кетди. Сочлари узун йигитлар ҳам кетишди. Билли борган сари кўпроқ одамларни эскалатордан чиқиб-тушишларини кузатиб турди. Камдан-кам аёл кўйлакда эди. Кўпчилик шим ва шорт кийиб олишган эди. Айрим ўспирин қизчалар калта ва танасини баланд қисмини ёпмайдиган кийимларда эдилар. Қарийб ҳамма аёлларнинг сочлари калта қилинган эди. Биллининг қусиб юборгудай кўнгли ғаш бўлди. Гўё дунё диёнатдан, муқаддаслик ва одобдан чиқиб кетгандек эди.

У яна бир нарсага, харидор аёлларнинг юзларини кўп қисми ифодасизлигига эътибор берди. Аста-секин у уларнинг умумий шовқини, у қачонки улар ҳаракатлари вақтида пакетларини шиғирлатиб ва ҳамма жойда худди пропеллерли самолётнинг олисдан келаётган товуши ёки кўплаб автомобилларнинг шовқинига ўхшаб “ух ух ух ух ух” деб товуш чиқариб, бир-бири билан ғўнғиллашларини англай бошлади. Йўқ, бу нарса яна бир у жуда бурун эшитган нимагадир ўхшар эди-ю, аммо аниқ эслолмади. Эскалатордан чиқиб кетган аёл жуда танишдек кўринди. Бу оқ танли аёл бўлиб, ёнидаги аёл билан испанча гаплашар эди. Шохсимон гардишли кўзойнак ортида қовоқлари калтакесакникидай яшил ранг соялар билан қопланган эди. Бу изларнинг ранги унга ниманидир эслата бошлади. Энди эслади, уни олдин қаерда кўрганини.

Кутилмаганда у яна дўзахда бўлиб қолди —ўша ўн тўрт ёшлик палласида, сочма ўқ отилиб, оёғига текканида, ўлишига сал қолганида — дўзахда бўлган эди. Ўша ерда, орқаларда ҳам худди шундай даҳшатли “Ух, ух, ух, ух” бўлган эди. Бу ерда ҳам худди ўша ўзларининг маъносиз, ифодасиз юзлари билан, худди ўша жонсиз кўринишли одамлар бор эди. Бу ерда ҳам, яшилсимон-кўк ранг хунук қовоқлари ва кўзлари усти қандайдир бир касалликдан гангрена ярасига ўхшаган худди ўша аёл турар эди. У буни қирқ йил бурун, дўзахи жонлар ўлчовига (оламига) тушган вақтида кўрган эди. Бу жирканч жойни ҳеч қачон, ҳеч бўлмаганда, ҳали ер юзида экан, унутиб билмас эди!

Бўшашиб ва кўнгли айниб, у эскалаторда пастга тушди-да, хотинини топди. Меда уни

кўриши билан, ундан: “Билли, сенга нима бўлди? Мазанг йўқми?” – деб сўради.

“Унчалик эмас, агар сен қарши бўлмасанг, мен ҳозироқ уйга қайтишни истайман. Мен ўзимни худди ҳозир ўлиб қоладигандай сезаяпман”. У эрига тушунмай қараб тураркан, у қўшиб қўйди: “У ерда бир нарса бўлди, аммо мен ҳозир сенга бу ҳақида айтолмайман. Мен, токи бу ҳақида Жефферсонвиллида черковда айтмагунимча, кутиб тураман”.

Уилльям Бранхамга 1963 йил сентябри ва октябрида йиғилишлар режалаштирилмаган эди. Октябрни у ҳар доимгидай ов учун бағишлаган эди. Ўша йили Колорадода буғи ови мавсуми чоршанбада, 23 октябрь, унинг Меда билан тўйининг 22 йиллиги кунида, бошланди. У музлаган ер устида брезентни ечиб ва Колорадо штатининг серчўққи тоғларидаги ўзининг одатдаги чодирли лагерида чодирини ўрнатаётган бир пайтда, Меда Тусонда бўлиб, у печенье пиширар эди. Бу йилги овга унга Уэлч Эванс ва унинг ўғли Ронни, Бэнкс ва унинг ўғлиДавид, Эрл ва Джон Мартин, Джек Палмер, Муҳтарам Манн, Муҳтарам Вилер ва Билли Поль қўшилдилар. Улар ўз чодирларини ўрнатишиб ва запасларини очиб қўйишгач, улар бир кунлик овни режалаштиришди.

Джек Палмер деди: “Билли ака, агар сиз биринчи бўлиб буғу отсангиз, мен учун ҳам бориб биттасини отинг. Мен унга тахтача белги қўяман-у, шу билан бас қиламан. Мени ўзимга яхши бўлиши учун ўзим ўлдиришимга ҳожат йўқ. Менга овдан кўра кўпроқ гўшт керак”.

Юмшоққина, аммо кескин равишда Билли бу илтимосни рад этди. Кўп йиллар олдин ўзининг ов гуруҳида бўлган бошқа одамлар учун ёввойи қушлар отган эди. 50-йиллар охирида бир ов сафарида у тўлиқ Инжилчи христиан тадбиркорлар учун 19 та лос отган бир пайтда, улар тарихдан гаплашиб гулхан атрофида ўтиришган эди. Шу сафаридан кейин гуноҳини тушунганидан оғирлик қийнар ва шундан кейин Худога у ҳеч қачон бошқа энди жуда зарур бўлмаганидан ташқари ва агар бирор киши озиқ-овқатга муҳтож бўлмаса, бундай қилмасликни ваъда берди.

Ўша куни Билли, ундан кўп йиллар қочиб қутилиб қолган қари айёр буғу — Катта Джимни кўриб қолди. Билли жониворни юрагидан отиши учун етарлича узоқ вақт икки қарағай ўртасида туриб турди. У милтиғидан ўқ узганида буғу қочиб кетди ва у бутазорда ғойиб бўлди. Билли уни ўлдирганига ишонар, аммо у Билли Поль билан ўша ерга етиб борганларида, у ерда жонивор йўқ эди. Уни танасини топганларича бир соатдан кўп излашди. Уни тил тортмай ўлишлиги учун ўқ жуда юқоридан текканди. Билли бу боисдан хафа бўлди. Гарчи у бир неча кун олдин Тусонда милтиғини текширган бўлса-да, лекин ҳарорат ва намликнинг ўзгариши унинг оптик мўлжаллагичини адаштирди чоғи. Улар буғунинг терисини шилишар эканлар, унинг бошига хушёрлик билан муомала қилишди. Билли ундан тулум қилиб, уни деворга осиш ниятида эди. Ҳар бир шохида олтитадан ўсган шохчаси бўлиб, Катта Джимнинг боши ажойиб чучело-ўлжа бўла олар эди.

Улар лагерга келганларида, ҳамма об-ҳаво маълумоти ҳақида гапиришар эди. Радио дикторлари қалин қор ва қаттиқ шамол билан Канададан келаётган улкан совуқ ҳаво фронти ҳақида тингловчиларни огоҳлантирар эди. Улар уни бу ерда эртадан етиб келишини олдиндан айтаётганди. Тушдан кейинги ҳамма вақтни овчилар, Билли “Ковбойлар лагери” деб атаган қишки доимий лагердан юқорида жойлашган манзилларини йиғиштириш билан ўтказдилар. Элликдан ортиқ пикап ва жиплар тоғдан пастга қараб, Биллининг лагери орқали ўтиб кетди. Билли ўзининг овчилар гуруҳига нима учун қолган барча кетиб қолганини тушунтирди. Бу тоғлик жойларда қор бўрони унга тайёр бўлмаганларни йўқотиб юбориши мумкин эди. У бир кечани ўзида чодирни қор билан бутунлай кўмиб ташлайоларди. Бўроннинг кучига қараб лагерда кўплаб кун тиқилиб қолиш мумкин эди. Олти кундан кейин Биллида Тусонда ваъз қилиши режалаштирилган, аммо, агарда унинг дўстларидан бирортаси қолишни ва ов қилишни истаса, у улар билан қолган бўлар эди. Палмер, Вилер ва иккала Мартинлар кетишга қарор қилишди. Уэлч Эванс, Бэнкс Вуд ва Муҳтарам Манн қолишни ва бўрон бошлангунига қадар буғу отишга уриниб кўришни хохладилар. (Билли Поль Бранхамга, Давид Вуд ва Ронни Эвансларга оталарининг қилган қарорлари туфайли

қолишларига тўғри келди.)

Билли билан муҳтарам Манн, агар қор уларни қанчадир вақтга тоғда ушлаб қолса деб, кўпроқ озиқ-овқат харид қилиш учун, яқинроқдаги дўконга, 30 милга жўнаб кетдилар. Билли Медага тўйлари бўлган кун муносабати билан табриклаш ва унга яхши нишонлашини тилаш учун қўнғироқ қилди. Шу билан бирга уни аҳволини билишни ҳам хохлар эди. (Чап тухумдонидаги киста ўсаётган эди, ва охирги тиббий кўрикдан врач уни грейфрутдай катталашганини аниқлаган эдики, мана шундан жуда хавотирда эди.) Меда уйда йўқ эди. Шунда у Эванс хонимга қўнғироқ қилишни ва у ҳақида ва уларнинг тўйлари куни ҳақида ўйлаганини айтиб қўйишини илтимос қилди. У дўконда экан, оқшомги газетани харид қилди. Биринчи саҳифадаги сарловҳа қор бўронини яқинлашгани ҳақида огоҳлантирар эди.

Пайшанба куни эрталаб, барвақт билли кофе қайнатди ва шимол томон горизонтдан босиб келаётган қоп-қора булутларни кузатиб турди. Нонуштадан сўнг эркаклар ўз милтиқларини елкаларига олиб, маршрутларини аниқлаб олдилар: Билли деди: “Мен икки тоғ орасига кўтариламан ва топган бари буғулар сизлар томонга қараб пастга ҳайдайман. Қаерда турганингизга ва лагерга қандай қайтиб келишингизга алоҳида эътибор беринг. Биринчи қор учқунини кўрганингиз биланоқ, орқага қайтинг, чунки ўн беш дақиқадан кейин қор шундай келадики, сиз 20 футдан (6 метр) узоқни кўролмайсиз”.

Кузнинг совуқ ҳавосига қарамай, бу чўққига чиқиш Биллини терлашига мажбур қилди. Лагердан тахминан 4 миль масофада у ўзи тоғ бели деб ном берган — тоғ тизмасидаги думалоқ чуқурликка етиб келди ва у ердан у кейинги водийга осонгина ўтиб кетолар эди. Айни мана шу моментда у юзига биринчи қорни текканини сезди. У милтиғининг оптик мўлжаллагичи линзаси терламаслиги учун, уни пальтоси остига яширди. Қор бўрони вақтида айиқлар кўчадилар, шу учун унга ўзини ҳимоя қилишига тўғри келса, унга топ-тоза оптик мўлжаллагичи бўлиши керак. Афсусланганча, хўрсиниб, ўзи келган йўлидан қайта бошлади. Беш дақиқа ичида кумуш доллардек келадиган лайлак қор ерни оқартириб, сирпанчиқ қилди-қўйди. Энди қоп-қора булутлар бутун осмонни қоплади ва увиллаётган шамол қорларни ҳар томонга айлантира бошлади. Гарчи Билли фақат 20-30 (6-9 метр)футча масофани кўрса-да, адашиб қолишдан хавотирланмасди. Тоғ тизмаси уни ирмоққа олиб чиқади ва у ирмоқ бўйлаб, лагерга қайтиб билар эди.

У тизмадан пастга қараб ярим милча ўтган эди, унга, ҳаёлида кимнингдир: *“Тўхта. Орқага юр”,* — деганини эшитгандай туюлди. Дарахтларни чийиллатаётган қаттиқ шамол шундай товуш чиқариб, ҳазиллашди-да, дея пастга тушишда давом этди; аммо энди у диққат қилиб қулоқ сола бошлади. Шамолнинг увиллаши ва ҳуштаклари орасида у Кимнингдир: *“Тўхта. Қайт ва орқага юр”,* — деганини яна эшитди.

Бирдан у оёқларидан жони чиқиб, пальтосини остидаги милтиғига ўхшаб қотиб қолганини ҳис қилди. У тўхтади, соатига қаради. Соат салкан 10 эди. Чўнтагидан дудланган колбаса ҳиди келиб турган бутербродини чиқарди-да, бундан кейин нима қилиш кераклигини ўйлаганча, уни еди. Нима учун Худо қор бўрон бўлишига қарамай, унга тоғ ўркачига қайтишини айтди. Лекин, уни бутун ҳаётида Худо нотўғри йўлга элтмаган эди. Бу унинг имонини бироз машқ қилдириш учун бир ажойиб вақт эди. У бурилди ва икки тоғ ўртасидаги белга етиб келгунича аста-секин кетди. У, табиийки: “Мен нима қиламан бу ерда?” — деб ўйлади.

Энди шамолнинг ғувиллашлари ва чайиллашлари орасида у Овознинг: *“Мен ер-осмон Тангриси. Мен шамол ва ёмғирни яратганман. Табиат Менга бўйсунади”,* — деб аниқ айтганларини эшитди.

Ковбойлар шляпасини ечиб, Билли тевараккa қаради. Худо у билан тез-тез Олов Устунига ўхшаган ёрқин Нурдан гапирар эди. Аммо бу ерда бу Нур йўқ эди. Гўё, Овоз дарахт учларидан келаётгандай эди. Билли сўради: “Буюк Иегова, бу Сенми?”

У жавоб берди: *“Галилея денгизида шамолларни ва тўлқинларни тинчишига мажбур қилган Ўша, Мен. Сенга ўша олмахонлар ҳосил бўлсин деб айтган Ўша, Мен. Мен Худовандман. Шу бўронга гапир ва у сенга бўйсунади”.*

Бу сўзлар аниқ Ёзувларга мувофиқ эшитилгани учун, ҳақиқатдан ҳам у билан

Парвардигор гаплашганига ишонди. “Мен Сенга ишонаман, Раббий”, — деди у. “Булутлар, қор, қорли ёмғир ва шамол, мен норозиман сизларни келишингиздан. Исо Масиҳ Исми ҳақи ўзингизни келган жойингизга қайтинг. Мен, шу соатни ўзида қуёш чиқиб, токи менинг ов сафарим тугамагунича, ҳар куни чарақлаб туришини буюраман”.

Кутилмаганда шамолни кучи пасайди. Энди у булутларни юқорилатиб ва уларни келган томонга қараб ҳайдаб, у жануб томондан эсди. Қор тинди. Булутларнинг очиқ жойидан озгина қуёш тешиб ўтди. Билли амрини айтганидан кейин беш дақиқа ичида ердаги қорларни эритиб ва намни ҳавога кўтариб, иссиқ қуёш пайдо бўлди. Осмон очилиб кетиб, тоғ ён бағридан буғ кўтарилди. Олтин куз ўзининг бор кўркамлигида намоён бўлди.

Билли ҳурмат-эҳтиромда донг қотиб турди. Ўйлаб қолди: “Яратган Тангримнинг Ўзи менинг ёнимда. Ҳаммаси Унинг қўлида. Яна У менга нималар қил деркан?”

Худо деди: *“Мен билан овлоқ жойларда айлансанг бўлмайдими?”*

“Ҳа, Раббий, бу катта шараф. Сен билан сайр қилиш — мен қилиб биладиган энг буюк ишлардан бири”.

Бу вақтга келиб, шамол шунчалик тиндики, у ёқимли шабадага айланди. Милтиғини елкасига ташлаганича, бокира ўрмон орқали жониворлар сўқмоғ бўйлаб, Билли шошилмай тоғдан пастга кета бошлади. У ўрмоннинг хайдаш учун тозаланган ер участкасига келганида, у кийимларини қуёш нури қуритганини ва ўзини иситганини пайқади. Шляпасини кўзларини пана қилиши учун яна кийиб олди.

Унинг фикрлари Раббийси мурувватидан тўйи бўлган кунга ва хотинининг меҳрибонлигига ўтди. У Меданинг энг ажойиб фазилатлари ҳақида ўйлади: содиқлиги, сабр-қаноати, ишончлиги, аммо ҳаммасидан ҳам олийси у шундай меҳнаткаш эди. У бу хушхабарчилик кампаниясидан унисига юрган вақтларида, хотини хўжаликни юргизар ва болаларга ғамхўрлик қилар эди. Кўпинча уйига келганида ва магнит тортгандай, уйига ташвиш орттириб, ўнлаб одамларни олиб келарди. Баъзан у овгами ёки балиқ тутгани кетар экан, у аввало одамлардан узоқ кетиш ва онгига дам бериш учун шундай қилар эди. Шунга қарамай у, ўтган куздаги бир сафаридан бошқа ҳеч қачон нолимаган эди. У ҳақиқий бриллиант, шундай ажойиб аёл эди.

Агар унда умуман бирор камчилик бўлса, у ҳам бўлса унинг камтарлиги, ёки бўлмаса, у уйдаги тартиб учун жуда кўп қайғуради. Мана шу охирги сафари олдидан, уйидалигида, хотини билан меҳмонхона диванда ўтиришга ва бир гаплашиб олишни истаган эди. Унда бор-йўғи бир кунгина вақти бор эди Лекин у кир ювишни бошлаганидан ва у уни тўхтатгиси йўқлигидан хафа бўлди. Тоғ тизмасидан тушар экан, Билли ўйлаб қолди: “Мумкин, у ишларини тугатиб олиши учун, уни сафарга жўнашини хохлагандир?” Мана шу фикр калласига келиши билан, у уни хато ўйлаганини англаб етди. “Раббий”, — деди у, — “Сен биласан, кеча тўйимиз бўлган кун эди. Агар Сенда мен боришим учун аниқ жой бўлмаса,мен анави тоғ тераклар тўдасигача борар эдим ва хотиминни, никоҳимизнинг барча бахтли йилларини бир эслайман”.

Тоғнинг икки чўққиси орасидан унга узоқ бўлмаган жойда тоғтерак ўрмончаси бўлиб, у Биллига йигирма икки йил бурун асал ойи вақтида Адирондак тоғларига ов сафарида қурган лагерларини эслатди. Ҳар йил октябрда, у Колорадода ов қилган пайтида, у мана шу ерга тўйлари бўлган кунни эслаб келиб кетар эди. У дарахтзорга етиб келганида у, уларга оила қурган пайтларда бўлган қорасочли Меда қанчалик ўзгариб кетганини ўйлади. У ҳалиям гўзал эди, аммо энди унинг сочларига оқ оралаган эди. Билли оптик мўлжаллагичнинг думалоқ шишасида ўзини аксига қаради. Унинг 54 ёшида уч кунда ўсган соқоли, оқариб қолган эди. У қараб турар экан, унинг оқ соқоллари қорага айланди ва ўша тўйи куни эрталаб соқолини олганидагидек қоп-қора бўлди. Юқорига қараб, сўқмоқда унинг олдида турган Медани кўриб ҳайрон бўлиб қолди — Тусонда қолган аёлини эмас, балки никоҳ олдидан бериладиган узук ва ваъдалар бериш учун черкови одамлари орасидан ўтган ўша қорасочли қизни кўрди.

“Нималар бўляпти?” — ўйлади у. Кейин у тушунди: “Ҳа-а, мен Масиҳ билан сайр қиляпманку”.

Шу ёшгина Меда унга қўлларини чўзди ва уни чақирди. У олдинга қадам қўйиши билан, ваҳий ғойиб бўлди ва унинг билан қувончи ҳам уни тарк этиб, ўрнига у тушунмайдиган бир оғирлик қолдириб кетди.

Тоғтерак дарахтзорига етганида, у тўкилган баргларнинг қалин гиламида қорни билан ётди. Кўзларини юмганича ибодат қилди: “Худойим, Сен менга нақадар меҳрибон бўлдинг. Сен Сенинг қулинг бўлишга арзимайман, лекин Сенга хизмат қилиш шарафи учун Сендан миннатдорман. Мен ҳамма қилган хатоларим учун кечирим сўрайман. Чунки кўп йиллар тушунтириб бўлмайдиган бир оғирликни сезардимки, у мендан ҳеч қачон кетмайдигандай эди. Мен уни етти муҳр очилганидан кейин кетар деб ўйлаган эдим, аммо у кетмади. Қандай товба қилиш кераклигини қанчалик билсам, шунчалик товба қилдим. Мен ҳатто тушунмайман ҳам, бу оғирлик нимани англатса экан. Илтимос, Сен бу оғирликни менинг елкамдан олмайсанми?”

У умуман яқингинасида сув томаётганини эшитди: кап, кап, кап. У кўзларини очмагунича, бу унинг ўзини кўз ёшлари қуруқ барглар гиламига томаётганлигини англамади. Ўрнидан туриб, у дарахтга суянди ва уни ўраб турган нарсаларга қарай бошлади. Тоғтераклар тераклар оиласига мансуб эдилар. Бу тоғтеракларнинг оқ пўстлоғли таналари тўппа-тўғри юқорига ўқдай интилган эди. Ёзда уларнинг барглари оч-яшил, ҳозир бўлса улар сарғайган ва қирмизи жигарранг эди. Тахминан баргларининг ярми майин шабадада титраб, ҳали ҳам шохларда осилиб турар эди.

Тўкилган баргларнинг ҳадеб шитирлайверишларидан у бурилиб қаради. Дарахтзорга учта буғу кирди — урғочи буғу ва иккита ёш, қарийб катта буғу. Ажаб эмас, улар уни кўришган бўлишса керак. Унинг устида қизил кўйлаги ва шляпаси атрофида қип-қизил алвондай рўмол бор эди, шу учун улар уни кўрмай қолишининг иложи йўқ эди. Ва шунга қарамасдан, улар уни шу ердалигидан чўчимагандилар. Қандай бундай бўлиши мумкин? Кеча юзлаб овчиларнинг қуролларидан отилган ўқ овозлари бу водийлардан акс-садо берган эди-я.

“Мана битта буғу Эванс ака учун, битта Вуд ака учун ва битта Мани ака учун. Уч марта отса бўлди — уч секунд, мумкин, тўрт”, — деб ўйлаб, Билли аста-секин милтиғини кўтарди. Кейин у ўзини тўхтатди. “Мен бундай қилолмайман. Мен Раббийга, мен бошқа одамлар учун буғу ўлдирмайман дея ваъда берганман, шу учун мен бундай қилмайман”. Буғулар унга шунчалик яқин келдиларки, агар у озгина эгилиб, қўлларини чўзса, у уларга тегилса бўлар эди. Улар дарахтзор четига кетдилар ва ундан кейин, нима учунлигини тушунтириб бўлмайди, яна қайтиб, унинг ёнига келдилар. Унинг калласига фикр йилт этди: “От уларни! Раббий уларни сенинг қўлларингга берди!” Билли бу фикрни Ёзувдан мисол билан инкор этди: “Бир кечаси Довудга кимдир, Довуд яширинган ғорнинг оғзида Шоул ухлаб ётганида, худди шундай деган эди. Аммо Довуд бундай қилишдан бош тортган эди![142] Худди шундай мен ҳам бу буғуларни ўлдирмайман”. У бор овозида деди: “Она буғу, сенинг ҳаётинг менинг қўлимда, аммо мен сенга раҳм-шафқат қиламан. Болаларингни ол ва кетавер”.

[142] 1-Шоҳлар 24 боб.

Она буғу хушёр тортиб бошини кўтарди, қулоқларини диккайтирди ва думини кескин қимирлатиб, худди уни тушунаётгандай унга қаради. Кейин у болаларини дарахтзордан олиб кетди.

Қаердандир унинг устидан бир улуғвор Овоз шундай деди: “Сен Менга берган ўз ваъдангни эсладинг. Мен ҳам сенга берган ваъдамни эслайман: Мен ҳеч қачон сени қолдирмайман ва ташлаб кетмайман”.

Уни ўзи тушунолмайдиган оғир юки уни қолдирди ва бошқа ҳеч қачон унга қайтмади. Кейинги тўрт кун ичида унинг гуруҳидаги овчиларнинг ҳаммасида ўз ўлжалари бор эди. Уларнинг овлари вақтида об-ҳаво доим очиқ ва иссиқ бўлди. Орқага, цивилизацияга қайтишда улар бензобакларини тўлдириб олиш учун автозаправка станциясига тўхташди. Заправканинг хўжайини билан гап орасида Билли: “Бизларни овимиз учун жуда яхши ҳаво бўлди ва тоғларда ҳам анча қуруқ бўлди. Озроқ ёмғирми-қорми бўлса, ёмон бўлмасди”, – деди.

Хўжайин қошини тирнади: “Биласизми, бу ерда жуда ғалати нарса бўлиб ўтди. Ўтган ҳафта метрологлар бизда қор бўрон бўлади, дейишди. Пайшанбада қор келди-ю, ундан кейин кутилмаганда тўхтади. Мен нима бўлганини билиб олиш учун жума кунги газетани ўқиб чиқдим, аммо синоптиклар ҳам билишмабди. Улар гап нимадалигини тушунмабдилар”.

“Буни олдин черковига айтмагунича, ҳеч кимга гапирмаслиги лозимлигини ҳис этди”, — деди Билли.

Ноябрь ўртасида Биллида ҳафта давомида Нью-Йоркда ваъз қилиши режалаштирилган эди. Шаҳардаги бир неча элликчилар черковлари унинг хушхабарчилик кампанияларини маблағ билан таъминладилар. 1963 йил 8 ноябрь, жума куни тушга яқин Билли Тусондан Нью-Йоркка кетаётиб, Жефферсонвиллида бир тўхтаб ўтди. Табиийки, Орман Невилл ундан якшанбада ваъз қилишини илтимос қилди. Эрталабки хизматида Билли Бранхам Чодиридаги одамларга қандай қилиб Джей Си Тенни универмагида бўлгани ва ўзини яна дўзахда бўлиб қолгандай ҳис қилганини айтиб берди. Бу нимани билдирар эди? У буни билмас эди-ю, аммо унда бу савол бўйича баъзи фикрлари бор эди. У ушбу ваъзини: “Ҳозир зиндонда бўлган жонлар”, деб атади ва унда, охирги вақтга тегишли Ёзувнинг баъзи жойларини таққослаб ва бизлар ўша кунга қанчалик яқин турганимизни фикрлаб, “Жаноблар, соат неча?” мактубидаги каби тарзда ваъз қилди.

Исо деди: *“Нуҳ пайғамбар вақтида бу қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли Келишида ҳам бу шундай бўлади”.*[143] Нуҳ қуруқликда кема қураётганида, у одамларни, улар ўз гуноҳкор ишларидан тавба қилишлари ва яқинлашиб келаётган тўфонга тайёрланишлари учун огоҳлантирди. Бу шунчалик фантастик бўлиб кўриндики, унинг атрофидагилар унга ишонмадилар. Нуҳ қурилишини тугатгач, ўз оиласи билан кемага кирган ҳам эди, Худо эшикни ёпди. (Эсингиздами, кема — бу Масиҳнинг рамзи, Қайсики дунёда бирдан-бир ягона бехатар жой ҳисобланади.) Библия, Нуҳ ёмғир бошлангунига қадар кемада етти кун кутди, дейди.[144] Бу етти кун давомида кемадан ташқарида бўлганлар фалокатдан қочиб қутилиш учун ўз имкониятларини бой бериб қўйганларини англамай, ҳар доимгидай яшашда давом этавердилар. Қутқарилишга бўлган ягона йўл ёпиқ эди.

[143] Матто 24:37-38; Луқо 17:26-27

[144] Ибтидо 7:6-10

Икки минг йил олдинга, Исонинг кунларига борамиз.Исо Масиҳнинг Танаси Қуддус яқинидаги қабрда ётган бир пайтда, унинг жони дўзахга тушди ва зиндонда ётган жонлар учун ваъз қилди. Нима учун? У ўлим ва дўзах устидан ғалабасини эълон қилди. Пётр, Исони Нуҳнинг мактубини рад этган ўша одамларга ваъз қилиш учун дўзахга тушди, деди.[145]

[145] 1-Пётр 3:18-20

Қандай бўлса ҳам, мана шу воқеалар охирги вақтларда такрорланади, чунки Исо бундай ваъда берган: *“Нуҳ даврида қандай бўлган бўлса, бу...”* Биллини бир савол қизиқтирар эди. Бу башоратнинг мартда 7 та муҳр очилган пайтда, қандай қисми бажарилгани экан. У яна ўз йиғилиши диққатини Ваҳийнинг 5-бобидаги 7 муҳрнинг очилганидаги воқеаларга қаратди, қачонки у ерда Қўзи (Қурбонлик Қўзиси) Арслон бўлади ва Арши аълода ўтирган Сиймодан Қутқарилиш Китобини олади. Бу нарса ҳам осмонда ва ҳам ер юзида ўзгариш бўлганини англатмасмикин? Қанақа ўзи ўзгариш бўлиб ўтади? 7 Черков даврларининг кўп вақтида Худо ҳақиқий Христианларни адашишларини оқлади, чунки Библиянинг кўп қисми муҳрланган эди. Худо билан инсонлар орасидаги ягона Воситачи — Исо Масиҳ, уларнинг нотўғри тушунишларига қарамай, ҳақиқий имонлиларнинг гуноҳларини кечириб, белги сифатида Ўз Қонини берди.[146] Қачонки Қўзи Арслон бўлгач, билмаслик, бехабарлик бошқа энди эътиборга олинмайди.[147] Қон ҳали ҳам кор қилади, аммо жойини ўзгартиради. Биргина эзгу ниятлар энди етарли бўлмайди. Энди имонли одам Белгини Ўзини Қабул қилиши ва намоён қилиши керак — яъни, Сўз Муқаддас Руҳ билан қанчалик очилган бўлса, шу Сўзни тўлиқ намоён қилиши керак. Эсингизда бўлсин, Муқаддас Руҳ — бу Худонинг Мойлангани, Масиҳи, Исонинг жони. Билли жонни бизнинг борлиғимиз сифаьтида изоҳлаб берди; шунга ўхшаб Исонинг жони Унинг Руҳининг мазмун-моҳиятидир. Мана нима учун одамлар Масиҳни қабул қилганларида янги ижод, янги

туғилгандай бўлиб қоладилар. Уларнинг руҳининг мазмун-моҳияти ўзгаради. Исо уларни Муқаддас Руҳи билан тўлдиради.
[146] 1-Тимофейга 2:5
[147] Биринчи черков давридаги бунга параллелга қаранг. Ҳаворийлар 17:23-31; 30 оятга эътибор беринг.

Юҳанно деди: *"Унинг Ўзи нурда бўлгани каби, агар биз ҳам нурда юрсак, бир-биримиз билан алоқа қиламиз ва Унинг Ўғли Исонинг Қони бизни ҳар қандай гуноҳдан пок қилади".*[148] Ва аксинча, агар сиз Худо сизнинг даврингиз учун юборган Нурда юрмасангиз, менда имон бор деб қанчалик эътироф этишингиздан қатъий назар, Қон сизни гуноҳлардан пок қилмайди, — бу ҳам ҳақиқат. Билли *яхши* ишлар Хушхабари тўғрисида гапирмади; у асосий савол устида ишлайверди: Туғилганмисиз сиз янгидан? Агар сиз янгидан туғилган бўлсангиз, сизнинг янгича ҳаёт мазмун-моҳияти сизнинг соатингизга келган Худонинг мактубига олиб келади. Бу пайтда черковнинг қолган қисми кучга эга бўлмайди. Маълум бир моментда Кемага эшик ёпилади. Ташқарида қолганлар, ўзлари танлаган зиндонда бўлиб турадилар.
[148] 1-Юҳанно 1:7

Билли гувоҳлик берди: "Мен иккала жой ҳақида ҳам ваҳий кўрдим — умидсизликдаги адойи-тамом бўлганлар жойини ҳам, нажот топиб, қутқарилганлар турган жойни ҳам. Нобуд бўлганларнинг ёнига ҳеч ким тушмасин. Бунинг қанчалик даҳшат эканлигини инсон ақли идрок қилолмайди! Менинг овозимни эшитган ҳар қандай одам, сиз қутқарилмаган бўлсангиз, ҳозирнинг ўзида тавба қилинг ва ўз жонингизни Худога нисбатан тўғриланг. Кечирилганлар гуруҳига келиб қўшилинг. Мен сизларни кечирилганлар оромда яшаётган ўша дуоли жойга етишингизни хохлайман. Бу жой бизнинг тушунишимиз учун ақлимиз бовар қилмайди, шу учун буни сўз билан ифодалаб бўлмайди.[149] Худо менга Қози, мен бу икки жойда ҳам бўлганимга жуда қаттиқ ишонаман. Мен сизга ҳақиқатни айтаяпман".
[149] 1-Коринфликларга 2:9; 2-Коринфликларга :1-4; Ваҳий 21 ва22 боблар.

Ўша оқшом у "Сиздаги Ўша" деган мактубини ваъз қилди. Бу ваъзи вақтида у йиғилишдагиларга Колорадога бўлган ов сафарини, у ерда бўронга гапирганини ва у унга бўйсунганини айтиб берди. У яна бир бор Марк 11:23 ни — "агар ким бу тоққа: "Кўтарилиб, денгизга отил", деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади"нинг маъносини таъкидлаб ўтди. Билли деди: "Мана шу Ёзув жойини нимани билдиришини фақат англаб етолсак эди: Билли шундай деди: " *"Ичимиздаги Руҳ дунёда ҳукм сураётган руҳдан устундир"* — деган Ёзув жойини нимани билдиришини фақат англаб етолсак эдик".[150] Бу тўғри эканини, ҳақиқат эканини биламиз, аммо аслида буни англамаймиз. Сиздаги устун нарса нима? Бу Масиҳ, Мойланган! Масиҳда бўлган Ўша Худо ҳозир сизда. Шундвй қилиб, агар сизда У бўлаётган экан, бошқа энди сиз эмас, балки У сизда яшаяпти. Кўряпсизми? Бу дегани, У ҳар бир имонли орқали мўъжизалар қилади дегани эмас. Мусо Исроил болаларини олиб юрганида, у мўъжизалар қилган ягона, бирдан-бир Исроиллик эди. Қолганлар бор-йўғи унинг номасига, мактубига эргашган эдилар. Аммо, Ўша, Қайсики сизда бор, дунёдагидан устундир. Худо Исо Масиҳда бўлгани сингари, У бугун сизда турибди, ичингизда. Эсингизда бўлсин, Худо Ким бўлган бўлса, У ҳаммасини Масиҳга тўкди; ва Масиҳ Ким эрса, У Ўзининг Чурковига тўкади".
[150] 1-Юҳанно 4:4

Нью-Йоркдан қайтиб, у 23 ва 24 ноябрь дам олиш кунларини Жефферсонвиллида ўтказди. Якшанба куни эрталаб у Бранхам Чодирида, Рим ҳокими Понтий Пилатнинг саволини асос қилиб, "Масиҳ аталган Исони нима қиламан?" — деган мактубини ваъз қилди.[151] Унинг нияти, мақсади бундай эди: Понтий Пилатни айблашга шошилманглар, чунки ҳар биримиз худди шундай саволга жавоб беришимизга тўғри келади. Ўша куни кечқурун, у дунё уч гуруҳ одамларга: имонлилар, сохта одамлар ва имонсизларга бўлинишини кўрсатиб, у "Уч хил ишонувчилар" деган мактубини ваъз қилди. Сохта имонлилар — бу шундай одамларки, улар Худога ишонаман дейди-ю, аммо уларнинг ҳаётлари меваси ўз айтганларига тўғри келмайди.
[151] Матто 27:22

Ўша оқшом хотинига қўнғироқ қилишга қарор қилди. (Соат минтақасидаги фарқ сабабли, Тусон 2 соат олдинда эди) Билли Меданинг соғлигидан хавотирда эди. Охирги 12 ой ичида унинг чап тухумдонидаги киста ёнғоқдай катталикдан грейфрутдай ўлчамгача

катталашган эди. Улар ғайритабиий шифоланиш учун биргаликда ибодат қилишга қарор қилдилар, аммо ҳозирча уларнинг ибодатига жавоб бўлмади. Улар бошқа кутиб туролмаслигини Билли билар эди. Доктор Скотт, ўсма ёмон сифатли ўсмага айлангунига қадар жарроҳлик йўли билан олиб ташланиши керак деб, уларни ишонтирди.

Медада умид қиладиган янгилиги йўқ эди. “О Билли, шу ҳафта шундай оғир бўлдики мен учун: мен базўр қимирлаяпман. Биқиним шундай шишиб чиққанки, ўсма 5 сантиметрча қаппайиб чиқиб турибди. Шу еримга кўйлагим текканига ҳам чидолмай қолдим. Шу ҳафтани кўпини ётиб ўтказдим”.

“Энди қачон учрашасан врачга?”

“Эрта эрталаб. Норман опа мени этади”.

“Азизам”, — деди Билли, — “нима деб ўйлайсан, шу операцияни бир неча ҳафта кейинга қолдироласанми? Болаларни Жефферсонвиллига, Рождествога келтирсанг жуда яхши бўларди-да. Шунда Рождество ўтиши билан шу ўсмани олиб ташласа бўлар эди”.

“Мен Доктор Скоттдан сўрайман, шундай қилишимизга кўярмикан”.

“Эрталаб мен Аризонага кетаман. Икки кундан кейин Шривпортда бўламан”.

У деди: “Чоршанба кечқурун йиғилишдан кейин қўнғироқ қил, ҳамма дўстларимиз аҳволидан хабардор қиласан”.

Кейинги эрталаб Билли меҳмонхонасидаги юмшоқ скамейкачада ибодат қилиш учун тиз чўкди. Кўп йиллар давомида, Жефферсонвиллидаги пасторлик уйида яшаб туриб, ҳар сафар уйдан хушхабарчилик сафарига кетиш олдидан, оиласи мана шу скамейкача олдида Библия билан ибодат қилиш учун йиғилар эдилар. У олдида турган кампанияси учун қисқа ибодат қилди, ундан кейин ибодатини Меданинг азобларига қаратди.

“Раббий, илтимос, Сен унга раҳм-шафқат қил. Бу ўсма зарарли бўлишига йўл берма. Раббий, ўша эрталаб нима деб қўйди, шундай дейишни истамаган эди. Мен кетганимда ва ваъзлар қилганимда, ва мен овда бўлганимда ва балиқ тутганимда ҳам, у ҳеч қачон менга шикоят қилмаган эди. У менинг кийимларимни ҳар доим тоза ва сафарларга тайёрлаб қўяр эди. У мен унинг ҳақиқий ёрдамчи ва мен уни жуда яхши кўраман. Агар мана шу киста олиб ташланиши керак бўлса, унда врач январгача операцияни қолдириб турсин. Лекин мен ҳар доимгидек Сени мўъжиза қилишингни ва уни операциясиз шифолашингни истайман. Болаларимиз дунёга келишлари учун уни уч марта операция қилдилар. Мен уни яна битта операцияни бошидан ўтказишини истамайман”.

Биллига Кимнингдир: *“Тур”*, — деганини эшитилгандай бўлди. У уйда бир ўзи бўлганлиги сабали, у буни ҳаёл қилдим шекилли деб ўйлади ва шу учун ибодат қилишда давом этаверди. Шунда у яна бир бор эшитди: *“Тур”.* У деворга осиғлиқ Исонинг картинасига қаради, бу Генрих Гофманнинг картинкасидан репродукция (нусха сурат) эди. Биллига уни тагида ибодат қилиш ёқар эди, чунки у унга фикрини тўплашга ёрдам берар эди. Бу Исо ҳақиқатан ҳам у айтган ҳар бир сўзни эшитишини унга эслатиб турар эди. Энди у бу картинага қопланган шишадан акс этаётган Олов Устунини кўрди. У яна шу *“Тур”,* — деб буюраётган Овозни эшитди.

У турди, бурилди ва меҳмонхонаси ўртасидаги Олов Устунига рўбару бўлди. Кўкрагида бир оғирлик сезди ва у қийналиб чуқур нафас олди. Олов Устунидан бир Овоз деди: “Сен нимаики айтсанг, худди шундай бўлади”. Кейин Олов кичрайди ва ғойиб бўлди.

Хона шундай тинч ва осойишта бўлиб қолдики, муғомбир одам ҳозиргина қандайдир ғайритабиий бир нарса содир бўлганига шубҳаланган бўлар эди. Бироқ Уилльям Бранхам имонли эди — у шубҳаланмади. У деди: “Менинг хотинимга врачнинг қўли тегишигача, Худонинг қўли бу ўсмани олиб ташлайди ва ҳатто уни топишолмайди”.

Меда билан ҳаммаси жойида бўлишига имони комил ҳолда, Билли уйига Билли Поль ва Лоис олдига кетди ва у ердан учаласи жанубга, Луизиана штати, Шривпорт шаҳрига жўнадилар. Чоршанба кечқурун йиғилишидан кейин, улар Тусонга қўнғироқ қилиш учун телефон ёнида тўпландилар. Билли ўғлига деди: “Қўлоқ сол ва кўрасан, бу нарса худди мен айтганимдай тарзда бўлармикан”.

Меда трубкани олганида, унинг овози ёқимли ва бахтиёр эшитилди. “Билли, сенга

айтадиган ажойиб бир гапим бор. Киста ғойиб бўлди. Нима бўлди, билмайман. Кўринадиган хонага оғриқдан зўрға борган эдим. Кўриниш столига чиқишим учун Норманн опага менга ёрдам беришига тўғри келди. Доктор Скотт хонага кирган ҳам эдики, мен ўзимдан қандайдир бир совуқ нарса ўтганини сездим ва биқиним оғримай қолди. Киста бор бўлган жойни Доктор Скотт қараб кўрди, у ерда у йўқ эди. У яна бир бор барча текширишларни ўтказди, лекин уни тополмади”.

92 БОБ
ЗИЛЗИЛА
1964

1964 ЙИЛ БИРИНЧИ тўрт ойи давомида Уилльям Бранхам Аризона штати, Финиксда ваъзлар қилди; Калифорния *штати* Бейкерсфилд ва Туларда; Техас *штати*, Даллас ва Бомонтда; Луизиана *штати*, Денхам Спринг ва Батон Ружда; Миссиссиппи *штати*, Луисвиллида; Алабама *штати*, Бирменгемда; Флорида *штати*, Тампеда; ва ундан кейин унга қарийб она шаҳри бўлиб қолган Аризона штати, Тусонда. У қаерда ваъз қилмасин, у: Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар съездидами, ёки хушхабарчилик кампанияларидами — энди унинг ваъзлари у 7 муҳр очилиши вақтида олган ўша ваҳийларга тўлиб-тошган эди.

Энди унинг кампанияларини бошқарувчиси Рой Бордерс эди. Билли Ройни февраль охирларида ўзи билан овга таклиф қилди. У айтдики, улар пекари чўчқалари овлашларини ва у Ройдан кимни хохласа, Рой Бордерс шу заҳоти Калифорния *штати*, Сан Хосс *шаҳридаги* черков пастори бўлган дўсти — Дуглас МакХьюзни таклиф қилди. МакХьюз Биллининг баъзи хухабарчилик кампанияларида бўлган эди. Шу билан бирга у Бранхамнинг Калифорниядаги кампанияларини молиялаштиришда қатнашган эди-ю, аммо у Билли билан шахсан учрашмаган эди, шу учун у Билли билан бир неча кунни бирга ўтказишдек имкониятдан хурсанд бўлди. Дуглас МакХьюз бу ов сафари унинг ҳаётини қанчалик ўзгартириб юборишини тасаввур қилолмасди.

1964 йил 5 февралда Калифорния *штати*, Бейкерсфилдда Билли "Худо Ўз Сўзини изоҳлайди", деган мактубини ваъз қилди. Ушбу оддий, бироқ чуқур принцип Христианларга Библиянинг барча башоратларини тушунишига ёрдам бериши мумкин. У ўз мавзусини Ишайё 7:14 даги: "Шу учун Раббийнинг Ўзи сизга аломат беради; мана қиз ҳомилали бўлади ва ўғил туғади ва уни Эммануил деб атайди", каби кўплаб мисоллар билан кўрсатди. Яҳудий олимлар асрлар давомида бу жойнинг маъноси ҳақида баҳслашдилар, аммо бир куни ёш яҳудий қиз жинсий алоқасиз ҳомилали бўлди. Тўққиз ойдан кейин у ўғилни туғди ва ўзининг янги туғилган ўғилчасини Исо деб атади. Бўлиб ўтган баҳсларга қарамай, Ишайё 7:14 энди изоҳланганди. Бу 2000 йил муқаддам бажарилган пайғамбарлик башорати эди. Ҳозирги замонга мисол сифатида у Луқо 17:28-30 дан лавҳа келтирди: *"Лут кунларида ҳам шундай бўлди: еб-ичдилар, олди-сотди қилдилар, экан-текин ва бинокорлик билан машғул бўлдилар. Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан куниёқ осмондан олов ва олтингугурт ёғиб, ҳаммани ҳалок қилди. Инсон Ўғли зоҳир бўлган кунда ҳам худди шундай бўлади".* Шубҳасиз, бу Ёзув жойи охирги кунларда дунёни тўлдирадиган бундан ҳам катта гуноҳ ҳақида огоҳлантирадики, бунга Садўмнинг аҳолиси ва уларнинг гомосексуал муносабатдаги шаҳвоний хирслари ярамас, салбий мисол сифатида келтирилган эди. Билли бу оятни янада чуқурроқ маъносини, бундан ҳам узоқроқни кўрди. Лут Садўмда яшаётган бир пайтда, Иброҳим ўша ахлоқи бузуқ шаҳардан олисда, тоғда яшар эди. Худо инсоний танага кирди ва Иброҳимга борди. Улар бирга едилар, ундан кейин эса Худо Иброҳимга, кейинги йил ичида унинг хотини Соро ўғил туғади, деди. Соро ўз чодирида бўлиб, уларнинг суҳбатини эшитди. Унинг ёши 89 да бўлгани учун, ташқаридаги одам ҳазиллашяпти, деб ўйлади. Худо унинг чодирига орқасини қилиб ўтирган эди, аммо У Соронинг фикрларини билар эди. У Иброҳимдан сўради: "Нима учун Соро кулди? Худованд учун имконсиз нарса борми?"[152] Исо, охирги кунларда бу такрорланади — Худо Ўзини инсон танасида намоён қилади, деб ваъда берди. Бу қандай содир бўлади? Бу воқеа олдидан одамлар, бу қандай бўлиши мумкин, деб тахминлар қилишлари мумкин; аммо бу бўлиб ўтганидан кейин улар Унинг Сўзини илоҳий изоҳланиши билан баҳслашиши, тортишиши мумкин эмас. (Афсусларки, кўплаб одамлар Худо билан рози бўлмайдилар, хўп демайдилар ва Илоҳий таъбирга, тушунтирилишга ишонмайдилар.) Иброҳим замонларидан ҳозирги вақтгача исми Х-А-М билан тугаган, битта ҳам асосий яҳудий ёки Христиан шахси бўлмаган Йигирманчи асрда,

мумкин, Билли Грэхам бўлгандир. Грэхам сўзида олтита ҳарф борлигига эътибор қилинг, бу инсон сони. (Одам олтинчи кунда яратилган эди.) Абрахам сўзида еттита ҳарф, бу эса Илоҳий тугаллик сони.[153]

[152] Ибтидо 19 ва 20

[153] Гарчи Уилльям Бранхам ушбу ваъзида гапирмаса-да, у тингловчини ўзи Бранхам фамилиясида 7 ҳарф ва у Х-А-М бўлиб тугашига эътибор беради, деб умид қилган эди. Кейинроқ бу нарсани у Ли Вэйлга ёзган шахсий хатида айтиб ўтган эди.

Йиғилишнинг охирига яқин Уилльям Бранхам ибодат карточкалари бор одамларни унинг ўнг томонидан навбатда туришларини сўради. Навбатнинг бошида аёл турган эди. У олдинга чиқди ва хушхабарчи олдида турди. Билли деди: “Мен бу аёлни танимайман. Сизлар мени унинг фикрини юзидан ўқияпти деб ўйламасликларингиз учун, унга орқамни ўгираман”, ва у аёлга орқа қилди, кейин эса ибодат қилди. Микрофон унинг овозини кучайтирган пайтда у шундай деди: “Иброҳимнинг, Исҳоқнинг ва Ёқубнинг Худоси, бугун мени Сен ҳақингда ҳақиқатни айтаётганим маълум бўлсин. Сен менинг танамни ўз шуҳратинг учун ишлатишинг учун, Сенинг қулинг ўз фикрларини олиб ташлашга қодир бўлсин. Мен буни Худо Ўғли, Исо Исмидан сўрайман. Омин”. Ҳали ҳам аёлга орқаси билан турганича, у деди: “Орқамда турган аёл, агар у шифоланмаса, мана ҳозирнинг ўзида ўлиши мумкин. Уни кўкраги ва ўпкаси ҳам рак бўлган. Яқинда бошқа хушхабарчи у учун ибодат қилди ва у бор кучи билан ўз шифоланишини қабул қилишга интиляпти. Бу “Раббий Шундай Дейди”.” У юзи билан аёл томонга бурилди. “ Бу ҳақиқатми, аёл?”

У жавоб берди: “Ҳа, шубҳасиз, бу ҳақиқат”.

“Боринг, ишонинг, сиз шифоланасиз”.

Навбатдаги кейинги одам ўспирин-қизча эди. Ўз фикрини тасдиқлаб, у қизчага тескари ўгирилмади, лекин сўради: “Сен ишонасанми, Худо менга сендаги муаммони очиб беришига?” У бош силкиб маъқуллади. У деди: “Сен бу ерда ўзинг учун турганинг йўқ — сен аканг учун бу ердасан. У бу ёқдан шимол томондаги шаҳар — Калифорния штати, Тулардаги касалхонада. У оқ қон — лейкемия бўлган ва врачлар уни даволашдан воз кечдилар ва уни ўлишига қўйиб қўйдилар. У учун умуман умид йўқ. Сен унинг шифоланиши мумкинлигига ишонасанми?”

“Ҳа” — қичқирди у.

“Мана бу рўмолчани қўлингга ол ва уни акангга қўй. Шубҳа қилма — фақат ишон. Омин”.

Билли аудиторияга деди: “Мен ҳаётимда бу қизни шу оқшомгача ҳеч қачон кўрган эмасман. Одам буни қандай билиб ололади? У бундай қилолмайди. Бу Исо Масиҳ У ҳақида охирги кунларда У шу ерда бўлади ва худди Садўмни йўқотишидан олдин буни Иброҳимга қилганидай, У Ўзини Иброҳим уруғига тасдиқлайди. Иброҳим уруғи, ўз аломатингни ол! У (аломат, белги) у ерда, Вавилонда эмас, у деноминация дунёсида эмас. Бу шу ерда, ораларингизда. Мана шу парокандаликда бўлманглар, бунга ишонинглар!”

Кейинги оқшом Бейкерсфилдда (ва кейинроқ Флорида штати Тампда) у “Парадокс” деган мактубини ваъз қилди. *“Парадокс”* — бу шундайин эҳтимолдан узоқ бир нарсаки, соғлом ақл сизга бундай бўлиши мумкин эмас дейди; аммо, лекин бу ҳақиқат. Библия парадоксларга тўла. Сўзнинг тасдиғи сифатида Билли, Наби Ясуни қандай қилиб қуёш ва ойга кун бўйи, у муҳим жангни тугатиши учун бир жойда туришини буюрганини эслатиб ўтди. Шимшўн минглаб филистларни ўлдириш учун эшакнинг жағ суягини ишлатганди. Худди шундай у, Шимшўн шаҳар дарвозасини ошиқ-мошиқдан чиқариб олиб, уни тепаликка олиб чиққан эди. Довуд исмли ўспирин Гўлиот исмли тажрибали жангчини ўлдирди, гарчи Гўлиот Довуддан икки марта улкан бўлса ҳам.

Ундан кейин Билли ҳаммасидан ҳам энг катта парадоксга мурожаат қилди. У деди: “Бу парадокс, қачонки қиз бола эркак тегилмай, ҳомилали бўлиши. Бу парадокс, қандай қилиб Абадий Худо, Қайсики бутун борлиқ фазони, вақтни ва абадийликни тўлдириб турибди, тушиб келиши ва охурда йиғлаб турган чақалоқ бўлиши. Худо Марьям бағрида қон тўқимасини яратдики, у эса Унинг Ўғли Исо Масиҳ бўлди. Ва Худо Ўзини Масиҳга тенглаштириб, Унда яшади. Бу Худо, Эммануил эди. Исо деди: “Мен ва Отам Биттамиз. Отам Менда яшайди. Худо Масиҳда дунёни Ўзи билан яраштирди. Исо тана, чодир эди;

Худо Руҳ эди, Қайсики Унда яшаган. Қачонки У хочда ўлганида, бу парадокс эди — одам каби У ўлиши ва Ўз яратганларини сотиб олиши учун, мана шу учун ҳам Худо Одам бўлди. Унга шундай қилишига тўғри келди. Чунки бизларни қутқарса бўладиган, бирор бошқа ҳеч ким йўқ эди. Агар Исо Худо бўлмаганида, бизлар тугаб кетган бўлар эди".

Билли мана шу мисолда тўхтаб қолмади. У бошқа парадокслар ҳақида айтишда давом этди: Элликчилар кунида черковга берилган Муқаддас Руҳдан чўмдирилиш; Янги одам Масиҳда улғая билиши учун одамнинг эски натурасининг (унинг гуноҳлари ва унинг шахсий тушунчалари) ўлиши; охир-оқибат бу Черковнинг (Келиннинг) олиниши (Кечки Зиёфатга Олиниши). Мана шу парадокслар орасида у ўзининг вахийлар, фикрларни фарқлаш, шифоланишлар, мўъжизалар ва башоратлар хизматини ҳам қўшиб қўйди.

Дуглас МакХьюз бедаво касаллик туфайли кўр бўлиб қолганлини туфайли, у акаси Гленндан Аризонага этишини илтимос қилди. Улар кетишлари олдидан, уларга онаси оёғи бармоқлари орасидаги катталашаётган шишларни кўрсатди. У деди: "Агар сенда имконият бўлиб қолса, Бранхам акадан мен учун, Худо бу шишларни олиб ташлаши учун, ибодат қилишини илтимос қил".

Дуглас деди: "Она, мен Бранхам акани ўз муаммоларимиз билан безовта қилмоқчи эмасман. Мен уни, у йиғилишларидан чарчоқларини чиқариш учун дашт-биёбонларга боришини биламан, шу учун мен уни ёлғиз қолишини бузадиган бирор нарса қилишни ҳам, гапиришни ҳам истамайман".

1964 йил 27 февраль, пайшанба куни ўндан зиёд одамлар Тусондан шимоли-шарқ томондаги Сансет тоғлар районида, Биллининг одатдаги қишки чодирли лагерига йиғилдилар. Бу одамлардан кўпларини — Рой Робенсон, Бэнкс Вуд, Уоллас МакАналли, ва Рой Бордесларни олдиндан билар эди. Шу эрталаб у учратган эркаклардан баъзиларини, шу жумладан, Дуглас МакХьюзни у ҳеч қачон олдин учратмаган эди. Бир соатдан ортиқ улар лагерни қурдилар, ундан сўнг эса улар кичик овчилар гуруҳларига бўлиндилар ва турли томонларга қараб кетишди. Ўша оқшом улар йиғма стулларда гулхан атрофида ўтириб, Биллидан, қандай уни айнан мана шу тоғда ўтган йил учраган етти фаришта ҳақидаги гапларини тинглади. У ерда гулханга ташлаб туриш учун кўплаб мескит дарахтлари бор эди. Овчиларнинг гулхани водийнинг гравийли асосидан чиқиб турган катта қоя ёқинроғида ёниб турар эди. Бу қоянинг тахминан ўттиз ёки қирқ футлар орқароғида, водийнинг девори баландга қараб тахминан 100 футлар юксалиб турар эди. Қоя қумтошдан иборат бўлиб, у қизғиш тасмадай, тарам-тарам қатламланган, ва уларга ора-сира шағал билан аралашган эди. Қоя саёҳатчилар атрофида кенг ярим айлана ҳосил қилган эди. Асосан, уларнинг лагери қоя олдида жойлашган бўлиб, у қоя гўё уларни дарадан ажратиб турар эди.

Шанба куни Билли Бэнкс Вудна овга шерик қилиб олди. Улар ўтган йили Билли борган, унга етти фаришта учраган ўша жойга боришди. Улар узун, тикка қияликдан кўтарилишар экан, Билли орқага қаради ва Бэнкснинг юзи қизариб кетганига эътибор берди. Бу кўтарилиш унинг дўстига бунчалик қийинлигига ҳайрон бўлиб, Билли уни етиб олишини кутиб турди; ва ундан кейин у Бэнксдан аҳволини сўради.

Бэнкс деди: "Мен бемалол бу баландликка кўтарила оламан, аммо мен хотимдан хавотирдаман. Мен уйдан чиққанимда у бетоб эди".

Билли яна сўқмоққа бурилди. Яна бир қадам қўйишга улгурмай, у Раббий Фариштасининг шу ердалигини сезди ва Овознинг: "Мана бу тошни кўтар ва уни ҳавога от", — деганини эшитди. У эгилиб, оёғи яқинида ётган муштдек тошни олди ва озроқ қулочкашлаб тошни юқорига отди. Тош тушганида у деди: "Раббий Шундай Дейди: Қандайдир муҳим нарса содир бўлади".

Бэнкс сўради: "Бу нима, Бранхам ака? Мумкин, бу хотиним шифоланишини англатар?

Мен аниқ билмайман, аммо шуни биламанки, 24 соат ичида сен Худонинг шухратини кўрасан".

Шанба оқшомига келиб ҳамма овчилар ҳам пекари чўчқасини отолмадилар. Аммо кейинги куни ҳеч ким ов қилишни истамади. Якшанба эрталаб, 1964 йил 1 март, тонгда ҳаво

совуқ ва очиқ; озгина ҳам шамол йўқ ва лагер атрофидаги мескит дарахтидаги битта ҳам барг қимир этмас эди. Қуёш водийнинг девори устидан ёйини чизган бир пайтда кун исиб қолди. Нонуштадан кейин ҳамма лагерни бўлаклашга тушишди. Ҳеч кимни кетгиси келмаётгандай эди, гўё. Кинокамераси қимирлаб кетмаслиги учун, билакларини Бэнкс Вуднинг пикапи копотига қўйганча, Дуглас МакХьюз саккиз миллиметрли кинокамерасини чиқарди-да, уларни ҳаракатларини суратга олди. Ундан унча узоқ бўлмаган жойда Билли йиғма стулда ўқиш учун тақиладиган кўзойнакда ўтирар ва унинг тиззасида милтиғи ётган эди. У милтиғининг кроштейнидаги оптик мўлжаллагичини созлар эди. Кутилмаганда, у кўзойнаги устидан қараб, деди: “МакХьюз ака, бу ёққа бир дақиқага келмайсизми?”

Уни чақирганига ҳайрон бўлиб, Дуглас МакХьюз кинокамерасини ўчирди ва Билли ўтирган жойга келди. Билли деди: “Сизни онангиз Калифорнияда яшайди. Унинг ҳам ёши тахминан менинг ёшимдай бор, ва унинг оёғи тўпиғига нимадир бўлган, Унинг оёғи бармоқлари ораларида шишлар бор ва уни олиб ташлаш учун онангизга жарроҳлик операцияси тайинладилар. МакХьюз ка, буни Раббий Шундай Дейди: Унга бу операция керак бўлмайди”.

Лагердаги барча одам ўз ишларини тўхтатдилар ва Биллига қулоқ солиб турдилар. У давом этди: “Мен гавдалик врач қандай сизнинг кўзларингизни текшираётганини кўряпман. Мен унинг кўзларингизни қандайдир вирусли инфекциядан зарарланганлигини айтганини эшитяпман. У сизнинг кўзларингизни икки йил давомида муолажа қилди ва мана ҳозир у шу учун ҳеч нарса қилолмайди. У сизга кўрмай қоласиз деяпти, аммо “Раббий Шундай Дейди: Сиз кўриш қобилиятини йўқотмайсиз”.”

Бу шунчалик ғалати эшитилдики, худди шу пайт овчилардан бири қуён чақирадиган ҳуштагини пуфлаб юборди. Чайиллаган товуш орқаларидаги водийнинг деворидан акс-садо қайтарди. Билли кўйлаги чўнтагини ковлади ва ўзининг қуён чақирадиган хуштагини олди ва унга бор кучи билан пуфлади. Кейин у оёғига бир шапот урди ва ҳаммани ишини тўхтатишга мажбур қилган оғир аҳволни юмшатиб, кулиб юборди. Ҳамма ўз ишига қайтди. Билли Поль ўз чодири ходаларини йиғди. Милтиғини қўйиб, Билли белкурагини олди ва гулханга қараб борди. Ёниб улгурмаган чўғ устига бир белкурак нам тупроқ ташлаб, у белкуракни ташлади ва Рой Роберсонга шундай деди: “Ҳозир нимадир содир бўлади. Асабий бўлма ва қўрқма ҳам. Фақат йўлдан кет, тез”.

Рой Роберсон у ердан сакраб кетган пайтида, қаттиқ товуш ҳаммани юқорига қарашга мажбур қилди. Билли шляпасини ечди ва уни қўлларида махкам ушлаб турди. Қуюн тўппа-тўғри водийга пасайиб тушди. Даранинг тубига тегмади, балки яқин орадаги мескит дарахтлари учларига тегиб, Биллининг бошидан бир неча фут юқорида тўхтади. Момоқалдироқ қалдирагандай гумбурлаш билан қуюн водийдан кўтарилди, кейин яна пасайди, бу сафар даранинг деворига яқинроқ тушди. Қумтошли қоя лагер жойлашган жойни майда тош ва чанг билан тўкиб потртлади. Қуюн учинчи марта кўтарилди ва пасайди; кейин узоқлашаган момоқалдироқ товушига ўхшаган шовқин чиқариб юқорига, осмонга кўтарилди.

Чанг-тўзон тинганидан кейин, Билли юқорига, даранинг деворига қаради. Қуюн атмосфера таъсиридан ҳали ўзгариб кетмаган, оч-қизғиш қумтошни яланғочлаб очиб, у қоянинг тахминан 5 фут чуқурликда, 20 фут кенгликда ва 40 фут узунликдаги қисмини қўпариб олган эди. Бошига ковбойлар шляпасини тақиб, Билли эгилди ва қуюн лагер территориясига сочиб юборган қоғоз тарелка, салфетгка ва бошқа енгил нарсаларни йиға бошлади. Бошқа эркаклар унга ёрдам беришди. Билли шу иш қилиб турганида, қоядан қўпарилган барча тошлар, уч қиррали пирамидага ўхшаш эканлигига эътибор берди. Лагер территорияси тозаланиб бўлингач, у ўзининг 22-калибрли милтиғини олиб, сайр қилиб кетди. У қайтиб келганидан кейин милтиғини мескит дарахтига суяб қўйди, ва ундан кейин Дуглас МакХьюзнинг ёнига келди, у эса катта қоя яқинидаги совиб қолган гулхан ёнида турган эди. Билаги билан унинг биқинига дўстона туртиб, сўради: “Энди кўзларинг қандай, ҳозир?”

“Бранхам ака, улар оғримай қолди ва бу сафаримизда биринчи марта менга қуёшдан

ҳимоя қиладиган кўзойнак тақишим керак эмас”.

Билли тушунганидан бош ирғади. “Қачонки мен онангиз ҳақида гаплашганимда, биласизми мен қандай билдим ўша тафсилотларни?

“Унчалик эмас”.

“Мен онангизни сиз ёнингизда ўтирганини кўрдим. Мен унинг пайпоғини туширганини ва оёғи бармоқлари орасидаги шишларни қандай кўрсатганлигини кўрдим. Мен унинг: “Агар сенда имконият бўлиб қолса, Бранхам акадан мен учун ибодат қилишини сўра”, деганини эшитдим. Шундан кейин, шу заҳотиёқ Раббий Фариштаси мен билан сизнинг орангизда турди ва: *“Бу одамлардан ажрал. Мен сенга бир нима дейишим керак”,* — деди.

Рой Роберсон бу гапларни яқинроқдан эшитиб турган эди. У сўради: “Бу нима, Бранхам ака? Раббий сизга нима деди?”

“Бу қуюн Америка устидан Илоҳий ҳукмнинг пайғамбарлик башоратидан аломат эди. Тез орада ғарбий соҳилни зилзила вайрон қилади. Бу ҳукмнинг фақат бошланиши бўлади”.

Бу 27 кундан кейин у қандай башорат қилган бўлса, аниқ шу тарзда содир бўлди. 1964 йил 27 март, жумада кечки 5:36 да кучли зилзила Аляскани тебратди. Рихер шкаласи бўйича 9,2 балл куч билан бўлган бу силкиниш Шимолий Америкада энг кучли зилзила эди. Бир неча дақиқа давомида минглаб атом бомбаларига тенг бўлган куч Аляскани жанубий сарҳадларини силкитди. Зилзила маркази Принц Уильям қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган, Анкоридж шаҳридан жануби-шарққа 75 миллда (120 километрларда) жойлашган эди. Ер юзидаги ёриқлар соатига минглаб милл тезлик билан тарқалди, зилзиланинг зарба тўлқинлари 500 миль таъсир доирасида ерларни кесиб, силкитиб ва ағдариб ташлади. Шоссе йўлларнинг участкалари кўтарилган ва бир хил жойларда 30 футлар (9 метргача) чўкиб кетган эди. Уйлар бўлак-бўлак бўлиб кетган, улардан баъзилари денгизга йиқилди. Бу зилзила Анкоридж шаҳрининг говжум марказида 30 та квартални йўқотди ёки шикастлади. Тоғдан музлар ва улкан қор кўчкилари қулади. Кейин цунамилар — ҳалокатли тўлқинлар пайдо бўлди. Қачонки зилзила эпицентри океан тубида бўлади, у гигант тўлқинларни келтириб чиқарадики, бу тўлқинлар Тинч океанининг жанубидаги сингари шимолий соҳилларига ҳам бориб урилади. Бу тўлқинлар Аляска портидаги юзлаб балиқчи қайиқларини йўқотиб юборди. Баъзи кемалар қуруқлик ичкариларига этиб ташланиб, у ерда улар тошларга ёки дарахтларга урилиб мажақланди, ёки бўлмаса, бутунлигича шаҳар кўчаларида қолиб кетди; бошқа қайиқларни денгизга оқизиб кетди ва уларни бошқа кўрмадилар. Бу зилзила етказган зарарни баҳолаганда, зилзила бўлган вақт кечки вақт бўлганлиги туфайли, одамлардан қурбонлар унча кўп бўлмади дейиш мумкин. (кундузи 5:36 да кўпчилик одамлар ўз уйқуларида бўлишганди) 1964 йилдаги 200 000 аҳолидан Аляскани 15 та одами бу зилзила натижасида ҳалок бўлди ва яна 110 та одам зилзила туфайли пайдо бўлган цунамидан ҳалок бўлди. Шу вақтнинг ўзида мол-мулкка етказилган зарар жуда катта бўлиб, у 311 миллионни (1964 йил долларида) ташкил қилди. Етказилган зарарнинг миққиёсини баҳолаш буни таққослаб кўрсатиш учун Аляскани қишлоқ хўжалигидан, ишлаб чиқариш ва кўмир саноатидан 1964 йилдаги ялпи даромади бор-йўғи 67 миллион долларни ташкил этди.

Бу зилзила жума куни Пасха олдидан, Христианлар кўпинча Жўшқин жума деб атайдиган куни содир бўлди. Бу рамзий (ёки пайғамбарона) куни, 1931 йил бурун Шаҳоншох жума куни хочга михланган эди. Матто бизга айтишича, Исо ўлган пайтида *“...ер қимирлади, тошлар ёрилиб кетди”.*[154] Уч кундан кейин Исо ўлимни енгди ва Ўз ғалабасини шогирдларига қолдирди (Мана шундан “Жўшқин” жума номи).

[154] Матто 27:51

Бутун 1964 йил давомида Уилльям Бранхам асосан икки мавзуда бутун вужуди билан берилиб ваъзлар қилди. Бутун шимолий Америка бўйлаб у одамларни Исо Ким бўлганини ва улар Унинг борлигини қандай билиб олишларини ўргатди. У “Масиҳ — Худонинг очилган сири”ни ваъз қилганидан кейин, унинг ваъзларининг асосий мавзуси Масиҳни — Исо танада Худо бўлгани, энди бўлса У — ораларимизда бўлиб турган Руҳда Худолигини очиб бериш бўлди. Унинг иккинчи мавзуси: Худо ҳар доим тарихдаги муҳим ўзгариш ҳақида пайғамбари

орқали эълон қилади,[155] ва буни фарқига борадиган ва шунга мувофиқ яшайдиган Христианлар жуда оз бўлади. Уилльям Бранхам етти черков даври тугаган бир пайтда яшаётганига ишонар эди. У мажусийларга яна қанча вақти қолганини билмас эди-ю, аммо у ўша моментда, қачонки Черков ўзининг Тўй Зиёфатиа кетади, мажусийлар даври тугаб ва ундан кейин Исо Масиҳ Исроилдаги яҳудийларга очилишига ишонар эди.

[155] Амос 3:7; Ибронийларга 1:1-7; Вахий 19:10

Билли мана шу икки асосий мавзуда 1964 йил Калифорниядан Флоридагача ваъз қилди. У 24 мартадан кўп Исо Масиҳнинг Илоҳийлиги ҳақида қуйидаги номли ваъзларини гапирди: "Уларнинг кўзлари очилганда" (Исо тирилганидан кейин У билан Эммаусга борган одамларни мисол қилиб), "Исо келди ва чақирди" (Исонинг буйруғи бўйича Лазарнинг тирилиши ҳақида), "Сулаймондан буюги" (Сулаймон подшоҳни Исо билан таққослаб), "Денгиздаги гувоҳлик" (қачонки Исонинг шогирдлари кўрганларини ва эшитганларини таққосладилар), "Ўз характеристикаси билан Ўзини тенглайдиган Худо", "Худонинг тан олинмаган мавжудлиги", "Исо Ким?", "Ҳамма даврларда ўхшаган Масиҳ", "Очилган Буюк Худо" ва "Худонинг дурдонага тенглаштиргани" деган мактубларини ваъз қилди. У иккинчи асосий мавзусини бу ваъзларнинг кўпларида ёритиб берди, лекин шу билан бирга уни "Аломат овози" ва "Вақтнинг руҳий белгиси" ваъзларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

"Аломат овози"да у Худованд қандай қилиб Ўз пайғамбарларини ғайритабиий аломатлар билан тасдиқлаганини, аммо ҳар бир аломатда унга эргашадиган Овози ҳам борлигини кўрсатди. Ғайритабиий аломат кўзларни қаратади, чорлайди, диққатни тортади ва эҳтиромни чақиради. Бироқ аломатга, белги, нишонага эргашадиган Овоз ҳаммасидан кўра муҳим қисмдир, чунки бу Овоз Худо Сўзини олиб келади, ва бу Сўз, агар унга ишонилса, имонлига Абадий Ҳаётни олиб келади. Мисолларидан бири сифатида у Тарс шаҳридан бўлган Савл исмли яҳудий фарисейни келтирди. Олдинига Савл Масиҳга қарши чиққан эди. Дамашққа Христианларни қамаш учун кетди ва ўшанда у осмонда ғайритабиий Нурни кўрди. Бу унинг диққатини ўзига тортди, аммо агарда унинг бошидан ўтказган ҳаммаси шуни ўзи бўлганда эди, бу нимани англатишини билмаган бўлар эди. Бу Нурдан Овоз гапирди ва деди: *"Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиляпсан?"* Шоул деди: "Ё Раббий, Сен Кимсан?" Овоз жавоб берди: *"Мен сен қувғин қилаётган Исоман"*. Бу сўзлар Савлнинг ҳаётини ўзгартирди ва Саул (ҳаворий Павел) тарихий жараённи ўзгартирди. Мана шу Овоз туфайли Шоул (ҳаворий Павел) ўзининг куни ва Унинг Мактубини таниди, шундай қилиб у башоратчилик инъоми бўлдики, унда биринчи черков даврининг барча мактублари ушланиб турибди. Билли бир неча мароталаб ўзининг ҳар бир ғайритабиий белги, аломат ўзига эргашадиган Овозга эгалиги ҳақидаги иккинчи мавзусига эътиборини қаратди. Ушбу Овоз мана шу олдиндан белгиланган соат учун Илоҳий Мактуби, Унинг мана шу вақтига башорати ҳисобланади. Малакиё 4:5 ва 6 да, охирги кунларда дастлабки имон тикланди, деб ваъда қилинган эди. Охирги ўн тўққизта юз йиллик давомида черков Библиядан кўплаб диний таълимот ва нобиблиявий тушунчаларга кетиб қолди. Мана шу соатнинг мактуби: "Худонинг Сўзига қайтинглар".

1964 йил июнида унинг болалари мактабдаги ўқув йилини тугатганларидан кейин, Билли яна ўз оиласини ёзда Жефферсонвиллига олиб бориб қўйди. Бранхам Чодирида ваъз қила туриб, у ўзининг икки мавзусига, уларни "Худонинг очилиши" ва "Ўз кунингни ва Унинг Мактубини таниб ол" деган ваъзларида анча батафсил тушунтириб, уларга эътиборини қаратишда давом этди.

Июль ўрталарида Билли Вахийнинг 8, 9 ва 11 бобларидаги етти карнайда яширин бўлган сир ҳақида еттита оқшомда ваъз қилишни мўлжаллаб, у бир ҳафта махсус йиғилишларни режалаштирди. У ҳар оқшом, 7 муҳрни ваъз қилгандаги каби ва у ҳар бирига келганда Худо унга ҳар бир карнайни очишини кутиб, ҳар оқшом биттадан карнай бўйича ваъз қилишни режалаштирди. Қачонки у бу йиғилишларга ўрганишда ва ибодатда бўлиб, тайёрланган пайтида, Муқаддас Руҳ уни у карнай мавзусига чуқурлашмаслиги учун огоҳлантирди. У бўйсуниб, ушбу махсус йиғилишларини бекор қилди. 19 июль, яхшанба эрталаб, у "Карнайлар байрами" деб номланган мактубини Бранхам Чодирида ваъз қила туриб, Билли нима учун шундай қилганини тушунтирди.

Эски Аҳдда яҳудийлар йилини безаган етти байрамдан карнайлар байрами бешинчиси эди. Улар қуйидаги тартибда жойлашган: Пасха, Хамиртурушсиз нон, Биринчи мевалар, Ҳафта (Эллигинчи кун), Карнайлар, Гуноҳни ювиш ва Чодирлар. Ҳар бир байрам яҳудийлар диний ҳаётининг маълум бир томонига даҳлдордир, бироқ (агар чуқурроқ қаралса) ҳақиқатдан ҳам ҳар бир байрам Исо Масиҳ Ҳаётининг маълум бир томонининг рамзидир. Карнайлар байрами сентябрь охири ёки октябрь бошида (ой фазасига боғлиқ равишда) нишонланади, уни кетидан эса тўққиз кундан кейин Гуноҳларни ювиш Куни келар эди. Карнайлар байрами вақтида Исроил халқи Илоҳий рағбат олишга уриниб, ишларини тўхтатиб дам олдилар, улар карнайлар чалдилар ва қурбонликлар қилдилар.[156] Билли, карнайлар байрамининг мақсади яҳудийларни Гуноҳ ювиш — Покланиш Кунига чақириш эди, деб ўргатди. Кейин у буни қутқарилиш режасини бутун контекстига кўрсатиб берди. У ер юзида улар орасида юрганида, яҳудийлар ўз Мессияларини рад этдилар. Бу мажусийларга қутқарилиш, нажот топишлари учун қулай имконият берди. Аммо 144 000 яҳудий ўз хатосини тушунадиган кун яқинлашаяпти. Худо Ваҳийнинг 11-бобидаги икки шоҳидни улар бу мўъжизаларни амалга оширишлари учун ишлатади. Бу икки одам Ваҳийнинг 8,9 ва 11-бобларидаги етти карнайда яширинган сирларни ҳам очадилар — ва қачонки улар шундай қилганларида, улар Исо Масиҳни қолган яҳудийларга очиб берадилар. Шу учун етти карнайнинг очилиши, ҳозирги Исроилни уларнинг ҳақиқий Покланиш — Гуноҳлардан сотиб олиниш Кунига чорлайди. Бошқа сўз билан айтсак, яҳудийлар учун 7 карнай ҳам, мажусийлар учун 7 муҳр каби — Исо Масиҳнинг Сўзга нур солаётган охирги очиқлиги, ваҳийси ҳисобланади. Шу учун у бошқа энди етти карнай ҳақида ҳеч нарса тушунтиролмайман, деди. Улар умуман мажусийлар черковига тегишли эмас. Улар қолдиқ яҳудийларга тааллуқлидир, шу учун фақат улар ушбу етти сирнинг очилишидан фойда (дуо) олиб биладилар.

[156] Левитлар 23:23-25; Сонлар 29:1-6

Ўзининг 1964 йил 5 июлда ваъз қилган “Дурдона” деган ваъзида, Билли Микеланжело ўйиб ясаган Мусо ҳайкалини тушунтирди. Микеланжело бу статуя устида 1505 йил иш бошлади ва уни қирқ йилдан кейин тугатди. У ҳайкалтарошнинг онгидаги фикр сифатида бошланиб ва Мусонинг қўлларидаги бўртиб турган пайлари каби шундай нафис детал билан мармартош ҳайкал бўлиб тугади. Қачонки Микеланжело ўз дурдонасидан охирги заррачани чертиб олганида, у қаттиқ илҳомланганидан, Мусонинг сонига бир урди ва “Гапир!” — деб бақирди. Ушбу ҳайкалдан нуқсон ҳосил қилиб, мармар бўлакчаси қўпарилиб тушди. Билли деди: “Мени ўйлашим бўйича, мана шу нуқсон уни дурдона қилди”. Билли ўзининг ваъзи учун намуна сифатида фойдаланиб, у Библиядаги конкрет мисоллар билан уни тасдиқлай бошлади. Худо ҳам дурдонани ўйлаб кўрди. У коинотни атом ва молекулалардан, туманликлар ва юлдузларни яратди. Кейин эса сайёраларни, шу сингари ерни ҳам яратиб, у ерда У ажойиб боғни кўзда тутиб, ҳайвонларни ва ўсимликларни яратди. Яратилишни охирида У инсонни, Одамни яратдики, у биринчи Илоҳий дурдона эди. Ундан кейин Ўз илҳоми бўйича амал қилиб, Одамни биқинини шикастлади ва ундан қовурғасини чиқариб олиб, ундан У Ўзининг биринчи ўғли учун келинни яратди. Бу аёл Худонинг биринчи дурдонасидаги нуқсон эди, нуқсон, қайсики у дунёга ўлимни келишига йўл қўйди. Аммо шошилманг, — бу маълум бир мақсадда қилинган эди... Тўрт минг йилдан кейин Исо Масиҳ туғилди. У мукаммал чақалоқ эди — Худонинг тугаллайдиган Дурдонаси эди. Ўттиз уч йилдан кейин Худо Пётр, Ёқуб ва Юҳаннога: “Бу Менинг севимли Ўғлим. У гапирганда, Унга қулоқ солинглар”,[157] — деди. Бундан кейин тез орада Худо, Исога хочга ўлишига қўйиб бериб, шундай қилиб, *“Шак-шубҳасиз У ғамларимизни олди ва қайғуларимизни Ўзида синади; аммо бизлар Уни Худодан урилган, жазоланган ва қийноққа солинган деб ҳисобладик. Аммо У бизларнинг гуноҳларимиз учун жароҳатланган, У бизнинг қонунсизлигимиз учун яраланган эди; дунёмизнинг жазоси Унда эди; ва Унинг яралари билан биз шифоландик. Бизлар барчамиз қўйлардек адашдик; бизнинг ҳар биримиз ўз йўлимизга бурилиб кетдик; ва Раббий Унга биз барчамизнинг қонунсизлигимизни юклади”,*[158] деган башоратни бажариб, Худо Ўз Дурдонасини жароҳатлади. Исо ўликдан тирилган вақтида, У 7 черков давридан ягона Келинни йиғиш учун ер юзига Руҳ формасида қайтди. Масиҳнинг Келини — бу нуқсон

(етишмаётган қисми), бу камчилик, қайсики у Худонинг ҳайкалини дурдона қилади. Яқин шу вақтларда Буюк Ҳайкалтарош Унинг баркамол яратганидан синдириб олинган мана шу бўлакчани тиклайди. Шундан кейин Куёв ва Келин худди бу Адан Боғида бўлганидек, баркамол дунёга қайтади.

[157] Матто 17:5

[158] Ишайё 53:4-6 (Қирол Джеймснинг янги таржимаси)

Билли 1964 йил 5 декабрда бу мавзуни кенгайтирди. У ўзининг "Худонинг тенглаштирилган дурдонаси" номли ваъзида шундай деди: "Бизнинг бошдан кечириш тажрибамиз қандайдир диний таълимотга, қанақадир ақида ёки қандайдир черков деноминациясига мос келиши керак эмас, балки у Худонинг Сўзи — Исо Масиҳга мос бўлиши лозим. Исо шунчалик мукаммал эдики, у Ҳайкалтарошни Уни Гўлготада уришига илҳомлантирди. Бу ҳақиқий Дурдона эди. Микеланжело Мусонинг ҳайкалини урганида, бу фақат рамзий эди. Агарда Исо энг тартибли ҳаёт билан яшаб ўтса, У бугунги кунда жамоатчилик (ахлоқий) Хушхабарини ваъз қилаётган одамлардан баъзиларига ўхшаган бўлар эди. Исо Пайғамбар эди, аммо У Пайғамбардан ҳам буюк эди. У Худо эди. У Эммануил эди. Қачонки Худо Гўлготада Ўз Ўғлини урганида, мана шу Уни мен учун ва сиз учун Дурдона қилди. Агарда У урилмаганида эди, У қанча одамларни ўликлардан тирилтиргани, ёки қандай У илҳомланиб ваъз қилганини, унда аҳамияти бўлмас эди. У ер юзида шу вақтгача яшаган ва Худо Уни қолган барча одамлар учун уриб биладиган яккаю-ягона Одам эди. Мана шу Баркамол барча баркамол бўлмаганлар учун урилган эди. Барча яратилганлар, қайсики Одам орқали йиқилган, гуноҳга ботган эди, Исо Масиҳ орқали гуноҳлари сотиб олинди".

"Худонинг Дурдонаси синовга дош берди. Буни У қандай қилди? У буни: "Тавротда: "Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди", деб ёзилган"[159] — дея Калом билан амалга оширди. О, Христиан-дўстим, Худонинг барча қурол-аслаҳаларини тақиб ол. Ўзингнинг қанақадир тушунчанг ёки қандайдир диний маълумотинг билан ёки шунга ўхшаган бирор нима билан четда қолма. Сен душманга қарши жангга борар экансан, худди Раббимиз қилган каби, Худонинг барча қурол-аслаҳаларини тақиб ол. У энг нозик Христианинни бор-йўғи Сўзни ишлатиб, иблисни енгиши мумкинлигини кўрсатди. Исода ҳуқуқ бор эди. У иблисни қандай истаса, шундай йўл билан енгиб билар эди. Аммо У бу ҳуқуқни ишлатмади. У бор-йўғи Каломни олди ва у билан иблисни енгди. Исо деди: "Ёзилганки, Ёзилганки, ҳамма жойда – Ёзилганки". Мана, У иблисни қандай қилиб енгди — Худо Каломи билан".

[159] Матто 4:1-11; Луқо 4:1-13

1964 йил 2 августда Билли "Самовий Қуёш ва ердаги келиннинг Келажак уйи" деган мактубини ваъз қилди. У Келиннинг Келажакдаги Уйи осмонда қандайдир эртакнамо мамлакат бўлмайди, деб кўрсатди; у тўппа-тўғри шу ерда, ер юзида бўлади, аммо биз бугун биладиган тиконли ўсимликлар босган ва ҳар хил пашшаларга тўлиб тошган континентларда бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам бу олов билан тозаланган ва Адан Боғидаги дастлабки аҳвол кўриниши бўйича янгидан обод бўлган ерни ўзи бўлади. Одамнинг қутқарилишини уч босқичи бўлгани сингари, ернинг қутқарилишини уч босқичи — бу қачонки у тавба қилади ва сувда чўмилиб, имонга киради. Иккинчи босқич мобайнида у муқаддасланади, покланади, қачонки у ҳаётини Худо Сўзига бўйсуниб яшайди. Ва ниҳоят, Муқаддас Руҳга тўлиши уни Исо Масиҳда янги ижодга айлантириб, уни Худонинг Руҳи оловига тўлдиради. Энди У янгидан туғилди ва у ўз Самовий Отасининг мазмун-моҳиятига эга бўлади. Шунга ўхшаб, ернинг ҳам уч босқич қутқарилиши бор. У ўзининг сувдан чўмдирилишини Нуҳ кунларида қабул қилди, қачонки тўфон уни бутунлай қоплаган эди. Қачонки Исо, Тирик Калом унга Ўз Қонини тўкканида, у муқаддасланган эди. Тез орада ер Буюк ҳалокатдан (Қайғу) кейин ўзининг олов билан чўмдирилишини олади. Ундан кейин бу ер юзида тинчлик ва фаровонликнинг минг йиллиги мобайнида Худонинг Руҳи бўлиб туради.

Билли Юҳанно осмондан тушиб келаётганини кўрган, Худонинг муқаддас шаҳрини ҳам таърифлаб берди.[160] Юҳанно, бу шаҳарни ёритишга ҳожат йўқ, чунки Исо Масиҳнинг улуғвор жамоли уни ёритади, деди.[161] Бу фақат, агар шаҳар пирамида шаклида бўлгандагина

ва Худонинг тахти унинг чўққисида бўлгандагина бўлиши мумкин. 117 Санонинг 22 ва 23 оятлари: *“Бинокорлар кераксиз деб ташлаган Тош нақ бинонинг пештоқидан жой олди. Бу Худованд иродаси туфайлидир, бизга эса ажойибот тимсолидир”* ва Захария 4:7: *...у Бурчак Тошини илтифот, илтифот Унга дея хитоб қилиб, садолар билан келтиради,* деган оятларини ижро этиб, Исо Масиҳ пирамиданинг айни Бурчак Тоши бўлади.

[160] Ваҳий 21:2

[161] Ваҳий 21:23

93 БОБ
ЕЛИЕЗАР ТАКЛИФНИ ТОПШИРАДИ
1965

1964 ЙИЛ КУЗИДА Уилльям Бранхам Аризона *штатида* кугуара овига бориш учун, рухсатнома сотиб ололди. 1965 йил январида у штатнинг шимоли-шарқ қисмидаги тоғлик жойга жўнаб кетди. Кейинги кун куни бўйи у тоғ йўлбарсини излаб тоғ туманлари ва дараларни текшириб чиқди. Учинчи куни эрталаб у кугуаранинг изига тушди ва уни куни билан изидан юрди. У мана шу йўлбарснинг изидан ўрмон бўйлаб йигирма миль юрди. Куннинг охирида баҳайбат мушук тоғли жойдан кўтарила бошлади. Қандайдир бироз вақт Билли столсимон тоғ чўққиси ёнида водий бўлиниб кетган жойда унинг изини йўқотиб қўйди. *(стол шаклидаги чўққи)* Билли отини тўхтатди ва баландликда жойлашган тик қояларни текшира бошлади. Қия тепаликларнинг қаерида тупроқ бўлса, у ерда қора арча ва қора қарағайлар билан жой учун курашиб, сариқ ва игна баргли қарағайлар кўп учрар эди. У қуриб қолган ирмоқнинг тубидаги тупроқда из топиш учун отдан тушди. Гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, ҳавода қаттиқ наъра эшитилди. Биллига йўлбарсни қайси томонга кетганини билдириб, товуш водийнинг чапга бўлинган томонидан акс-садо берди. Биллининг орқаси важиллаб кетди. Бу қўрқув эмас эди. Бу ҳозиргина содир бўлган муҳим бир нимани англаганликдан ҳаяжон эди. У ўн икки яшар бўлганида ёзган шеърини эслади. Охирги банди бундай эди:

Ва қаердадир водийнинг ичида
Мен тоғ йўлбарсининг наърасини эшитаман,
Ўша олис Каталина тоғларида,
Аризонанинг сарҳадлари ўтган.

Қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтиб, у Аризона штати чегараси яқинидаги шу тоғ йўлбарси наърасини эшитиб турган эди. У бунинг тўғри келиб қолган нарса эмаслигини ва етишмаган орзу ҳам эмаслигини тушунди. Бу, унинг қадамлари у ҳали ёш бола бўлган пайтидан бери Раббий томонидан бошқарилаётганининг тасдиғи эди. Қуёш столсимон тоғ ортига кирмаёқ, Билли бу йўлбарсни отди. (Кейинроқ у, Аризона *штатида* ўлдирилган энг йирик кугуар эканлигини билди) У эҳтиёт бўлиб унинг терисини шилди, чунки у чучело қилишни ва уни ўзининг янги овчилик хонасига ўлжа сифатида жойлаштиришни истаган эди.

Яқинда Билли билан Меда Муқаддас Каталина тоғидан узоқ бўлмаган бир жойда, Тусоннинг шимолий теварагидан уй сотиб олишган эди. Бу учта ётоқхонаси ва ялпоқ томли бўлган оддийгина уй бўлиб, у кактуслар ўсиб ётган бир акр майдонда (0,4 гектар) жойлашган эди. Тепалик ён бағридаги участкалардан жанубда *жойлашган*, Тусон *шаҳрининг* ажойиб манзараси кўриниб турар эди; ва шимолда *жойлашган* тоғларнинг гўзал манзараси кўзга ташланар эди. Ҳозир унинг оиласи Парк Авеню кўчасидаги икки хонали уйда яшар эди. Уларга кўчиб олгунларига қадар, уйда ғарб томондан уйга қўшиб катта қурилишни ҳам қўшиб айтса, бироз қайта қуриш қилиш керак эди. Бэнкс Вуд Тусонга шу хонани — қайсики у Биллининг барча ов ўлжаларини сиғдироладиган бўлиши керак эди, ана шу хонани қуриш учун келди. Ушбу овчилик хонаси уй билан фақат ёпиқ йўлак устидан том билан бирлашиб турар эди. Қурилиш лойиҳаси шимолий тоғларга қараб турадиган йирик венецианча деразаларини кўзда тутган эди. У ҳозиргина отган кугуар, у ўзининг ов ўлжалари учун мўлжалланган янги хонасининг табиий ички кўриниши учун жуда яхши мос келар эди.

Димос Шакарьян, тўлиқ инжилчи тадбиркорларнинг халқаро жамияти президенти Аризона *штати* Финиксда, 1965 йилнинг учинчи ҳафтасида ТИТХЖ съездини режалаштирди. Карл УильямсТИТХЖ Бошқарувининг аъзоси эди. Уильямс Финиксда яшаганлиги сабаб, у съездни ташкил қилишда ва шу билан бирга чиқувчиларни танлаш учун

ҳам масъул эди. У Уилльям Бранхамдан съездда душанба, сешанба ва чоршанба кечқурун, шанба эрталаб ва якашанба кечқурун чиқишлигини илтимос қилди.

Яқинда Меда эрига янги Библия совға қилган эди. Билли кўп йиллар давомида ўрганиш учун Скоуфилд Библиясини ишлатган (Қирол Иаков таржимаси) бўлиб, у ерда Исонинг сўзлари қизил ҳарфлар билан босилган эди. Билли Доктор Скоуфилднинг барча изоҳлари билан ҳам рози бўлмаса-да, аммо улардан баъзиларини фойдали деб ҳисоблар эди.

У бу Библиясини асосан ундан 1946 йил ўзининг хушхабарчилик хизмати бошланишидан бери фойдалангани учун севар, ҳозирда эса у эски қадрдон дўстидай таниш эди. У мундарижасига қарагандан кўра, ўзига таниш оятларни кўпроқ саҳифада жойлашган жойига қараб, билар эди. У бу Библияни ўзи билан бутун Шимолий Америка бўйлаб, Мексика, Атлантика океани орқали Англия ва Скандинавияга, Европа бўйлаб, Африка ва Ҳиндистонгача олиб юрган эди. Уни қўлида ушласа бу, худди аллақачон ишлатилиб бўлинган эски қўлқопни, уни янгисини олиш учун ташлаб юбориш керак бўлган бир пар қўлқопни ушлагандай ҳис қилар эди у ўзини. У бу Библиясини эскиртириб юборган эди. Энди унга, уни эҳтиёт бўлиб очишига тўғри келар, акс ҳолда қўпарилган саҳифалар полга тушиши мумкин эди. Меда унга бир неча бор янгисини олишни таклиф қилган эди, аммо эски қадрдон дўстидан айрилмаслик учун, гапини қайтарган эди. Бир шижоат қилганида, Меда Рождество байрамида совға сифатида унга ўрганиши учун Скоуфилднинг янги Библиясини харид қилди. Бу Библия ҳам унинг эскисини худди ўзидай эди.

Билли ўзи билан ТИТХЖнинг съездига, Финиксга иккала Библиясини ҳам олди, аммо ҳафта давомида ва шанба эрталаб ваъз қилганида, эски Библиясидан фойдаланаверди. Шанба кечқурун ўзининг меҳмонхона номерида бўлиб, эски Библиясидан фойдаланишга давом этиб, у кейинги кун учун Ёзув жойини топди ва ўз ёзувларига эслатма номерларини ёзиб қўйди: Юҳанно 16:20-21, қайсики бундай бошланар эди: *“Сизларга ростини айтайин: сизлар йиғлаб дод-фарёд қиласизлар, дунё эса қувонади...”*

Якшанба эрталаб ТИТХЖ съезди Рамада Инн *меҳмонхонасининг* катта банкетлар залида ўтказилди. Мана шу эрталаб меҳмонхона номеридан чиқиш олдидан, ниҳоят Билли янги Библиясига ўтишга қарор қилди. Эски Библиясини столда қолдириб, ўзининг эслаш учун қайдлари ва янги Библиясини олди ва съездга жўнаш учун зиналардан пастга тушди. Бир неча қўшиқ куйланганидан сўнг, Карл Уильямс хизматни унга топширди. Билли кафедрада турди ва банкет залда тўпланган эркагу-аёллар билан саломлашди. Кейин у уларга Библияларидаги Юҳанно 16 бобга қарашларини ва у 20-21 оятларни ўқиганида, бирга ўқишларини илтимос қилди. Уни топаман деган жойи — саҳифанинг ўнг томонида, ўнг томон пастдаги бурчакдан қидирганча, Билли Юҳанно баён этганХушхабарнинг 16 бобигача варақлади. Яна бир саҳифа очиб, у 20 оятни топди ва ўқиди: *“Мен фақат улар учунгина сўрамайман, балки уларнинг гапи бўйича Менга имон келтирадиганлар учун ҳам сўрайман. Ҳаммалари...”* У хохлаган жой эмаслигини тушуниб, ўзининг текстини топиш учун саҳифани орқага қайтариб, аудиториядагилардан кечирим сўради. Саҳифанинг ўнг томон пастки бурчагида 16 боб бошланган эди. Лекин у эҳтиёт бўлиб саҳифани олдинга варақлаганида, чап томон юқоридаги текст, топишини кутган текстга мос эмас эди. Ҳаяжонланганча, у саҳифаларни у ёқдан – бу ёққа варақлаб қолди, ундан кейин аудитриясига деди: “Хотиним менга янги Библия совға қилган эди, ва унда бу саҳифа нотўғри босилган”.

Моҳирона безаклари бор қизил кийим кийган католик руҳонийси, епископ Стэнли кафедрани ёнида ўтирган эди. Қўшма Штатлар холдейлар католик черковининг архиепископи эди. Стэнли стулдан турди, кафедрага келди ва Биллига: “Бу Худонинг қилган иши. Бу шундай бўлганини сабаби бор. Сабабини сизга Худо очади. Бу ҳайрон қоларли”.

Епископ Стэнлига миннатдорчилигини айтиб, Билли Библияни олди, топмоқчи бўлган жойни топди ва баланд овоз билан ўқиди: *“Сизларга ростини айтайин: сизлар йиғлаб дод-фарёд қиласизлар, дунё эса қувонади. Сизлар қайғурасиз, лекин қайғунгиз шодликка айланади. Ойи тўлган аёл дард билан туғади. Аммо бола туғилгандан кейин, дунёга одамзод келди деб қувонади ва чеккан дардини унутиб юборади”.* Берилган китобни ёпиб, у уни руҳонийга қайтарди.

“Тўлғоқ дарди” деган ваъзида, Билли бизнинг дунёмизни бола туғаётганида қийналаётган ҳомиладор аёлга таққослади. Аёл туғиш ой-куни яқинлашган сайин кучлироқ тўлғоқ дардини бошидан кечира бошлайди. Шунга ўхшаб дунёмиз йигирманчи асрда кучли тўлғоқ дардини бошидан ўтказади — биринчи навбатда бу Биринчи Жаҳон Уруши ва уни кетидан Иккинчи Жаҳон Уруши. Энди бизларда атом бомбалар бор, ва инсоният учинчи урушгача бормайди — ҳеч бўлмаганда ҳозир бизлар билган цивилизация. Лекин шундай кун яқинлашяпти. Ваҳий Китоби буни даҳшатли ҳалокат (қайғу), ёки Худонинг қаҳр-ғазаб чархи деб атайди, ва у Худонинг ғазабига тўлган етти косадан иборат ва уни етти фаришта ер юзига тўкади.[162] Бу ўша вақтки, Худо Каломини рад этган ёки бузган одамларга нисбатан ўч олиш вақтидир. Аммо, мана шу охирги тўлғоқ азоблари туфайли янги ер — Исо Масиҳ (Ваъда этилган Ўғил) унда яшаши ва Ўз Келини (ҳар бир черков давридан янгидан туғилган Христианлар) билан шоҳлик қилиши учун, покланган ер туғилади.

[162] Ваҳий 7:14; 14:19; 15:7 ва бутун 16 боб.

Гарчи ТИТХЖ съезди яна бир неча оқшом давом этса-да, якшанба йиғилиши тугаши билан Билли ўз оиласини, кейинги кун болалари мактабга бориши сабабли, орқага, Тусонга элтиб қўйди. Уйга кетаётиб, йўл-йўлакай кечки нонушта учун ресторанга тўхташди. Билли ҳали бери янги Библиясидаги хато босилган жойни ўйлар эди. Меда унга муқсонли Библия совға қилибман деб, ҳижолатда эди. У Ёзувдан керакли жойни излаб ўтказган ўша бир неча дақиқадагидек ҳеч қачон умрида бундай асабий бўлмагандим, деди Меда. Ресторанда ўтирганча, Билли Библиясини кўпроқ синчиклаб қараб чиқиш учун, уни очди. У қараб туриб, ҳақиқатдан ҳам унда готўғри босилган эмас, балки иккита жуда юпқа саҳифалар шундай ёпишиб қолиб, биттадай кўриниб турар эди. Билли унга епископнинг: “Бу Худонинг қилган иши. Бу шундай бўлганини сабаби бор. Сабабини сизга Худо очади. Бу ҳайрон қоларли”, — деганини эслади. Кутилмаганда уни эсига Луқо баён этган Хушхабарда бир жойи келди. Бу уни яшин ургандай ҳайратга солди.

Душанба куни Билли Доктор Риднинг ТИТХЖнинг съездида ваъзини тинглаш учун Финиксга қайтди. Йиғилиш олдидан Билли Карл Уильямс билан суҳбат чоғида, ўтган оқшом ресторанда Раббий унга нима очгани ҳақида айтиб берди. Карл Уильямс бундан таъсирланганидан, ундан Доктор Риднинг ваъзи олдидан ўтирганлар билан ўртоқлашишини илтимос қилди. Шундай қилиб, душанба оқшом Билли яна бир бор деноминацияларарo тадбиркор Христианлар гуруҳи ва уларнинг аёлларига мурожаат қилиб, кафедрада турди. Уларга кечаги таажжубланарли ҳолатни эслатганидан кейин, у уларга Луқо 4:16-30ни кўрсатди. Қачонки Исо Ўз она шаҳри Назаретга келганида, У Шабат Куни (шанба дам олиш куни) Синагогага кирди. Раввин Исога Ишайё Китобини узатди. Исо китобни 61-бобида очди ва биринчи гапнинг биринчи қисмини ўқиди: *“Худованднинг Руҳи Менга ёр. У Мени муқаддас мойла мойлади. Бечораларга мужда етказмоқ учун, дилабгорларга шифо бермоқ учун. Асирга: озод бўлгин, басирга: очилсин кўзинг, демоқ-чун, мазлумга эркинликни эълон этиб, марҳамат йили бўлгач, демоқ-чун, Худованд Мени юборди”.* Кейин Исо ўроғлиқ ёзувни ўраб, уни руҳонийга қайтарди ва хонадагиларга: *“Мана, шу кун сизлар эшитган Калом, бажо бўлди”,* — деди Билли. Исо фақат Ёзув жойининг фақат бир қисмини ўқиди. Бизларнинг ҳозирги замонавий Библиямизда Ишайё 61 бобдаги битта биринчигап 1, 2 ва 3 оятни эгаллайди. Исо биринчи оятни тўлиқ ва иккинчи оятнинг биринчи қисмини ўқиди. Нима учун энди У гапнинг ҳаммасини ўқимади? У ўқимаганини сабаби шундаки, гапнинг қолган қисми ўша тарихий даврга тегишли эмас эди; у қисм охирги вақтгача тааллуқли эмас эди. Аммо бугун у (*бу қисм*) мана шу даврга тааллуқлидир. Бир кун келиб Исо Ишайё 61 бобнинг 2-чи қисмида башорат қилган: *“Худовандимизнинг интиқом куни”* деб эълон қилиши лозим. “Наҳотки бу худди, айнан кеча бўлган нарса эмасми?” — сўради Билли. Агар бу ҳақиқат бўлса (Билли эса бу худди ўшанинг ўзи деб ишонган ва ваъз қилган эди), яъни энди, Инсон Ўғли[163] очилган “кун” бўлса, унда 1965 йил 24 январь якшанба оқшомида Аризона штати, Финиксда Инсон Ўғли Худовандимизнинг интиқом, қасос кунини эълон қилиши учун инсон ўғлини ишлатди. Билли ушбу боғланишни кўриши учун у руҳонийда Библияни олиб туриши, у руҳонийдан Библияни олиши учун ўзининг Библиясини иккита

саҳифаси бир-бирига ёпишиб туриши керак эди. У аудиториясига шама қилиб ўтирмай, дангал айтди-қўйди: “Мана шу кун бу Ёзув, сизлар эшитганингиз бажо бўлди!”
[163] Луқо 17:22-30

Финиксдаги съезд тугагандан кейин, Билли 1965 йил 6 февралда Аризона *штати* Флагстофф *шаҳрида* ўтиши керак бўлган навбатдаги режалаштирилган йиғилиш олдидан икки ҳафтани уйда ўтказди. Бу вақтда унинг фикри бир неча муаммолар билан банд эди. Ов учун мўлжалланган хона қурилиши лойиҳа этапида унинг фикрини чалғитди, аммо бундан кейин унга вақти-вақти билан бериладиган саволларгина туғилиб турди. Бэнкс Вуд ва Рой Бордерс қурилиш вақтида буларнинг ҳаммасини уддасидан чиқишди.

Билли черковнинг етти даври бўйича китобининг босишга тайёрланишидан ҳам ташвишланаётган эди. У 1960 йил декабри ва 1961 йил январида етти черков даври ҳақида ваъз қилганидан бери, черков даврлари бўйича ваъзлари битта китоб бўлиб босилишини хохлар эди. Унинг бу мавзуда ёзиб олинганлари 23 соат давом этган эди. 1962 йили Жоржия штати, Тифтондан Рут Самнер Биллида ушбу ваъзларнинг сўзма-сўз қўл-ёзмаси бўлишлиги учун, бу ваъзлар сериясини магнитофон тасмасидан қоғозга кўчирди. Ундан кейин унга қўл ёзма текстини, грамматикасини тартибга келтириб биладиган ва уни устида ишлайдиган, шу билан бирга Биллига мос бўлиб кўринадиган ҳар қандай янги материал билан тўлдирадиган бир киши керак эди. 1963 йил декабрида у Анна ДжинПрайсдан, у учун буни қилолмайсанми деб сўради. Анна Джин Биллининг Луизиана *штати*, Шривпортдан эски дўсти Джек Моорнинг қизи эди. Кўп йиллар давомида Анна Джин журналистлик қобилиятини ва Уилльям Бранхамнинг шифоланишлар хизматини бутун ўзининг тушунишларини ифода этиб, *Шифоланиш Овози* журналида муҳаррир сифатида ишлаб келар эди. Бироқ, у босилмаган қўлёзмани ўқиганида, ундаги Библиявий таълимотнинг бутун тўлиқлиги ва теранлиги билан тўғри узата олмаслигини тушунди. Унга бу ҳақида айтганида, Билли хафа бўлиб қолди, чунки у унинг ёрдамига умид қилганди. Ўша пайтда у нима қилишини билмас ва бу лойиҳадан воз кечишга ҳам тайёр эди. 1964 йил май ойида Анна Джин ташаббус кўрсатиб, Ли Вейлни бу китобни тайёрлаш ва таҳрирлаш учун муносиб одам деб ҳисоблаб, унга қўлёзмани жўнатди. Бу қўлёзмани ўқиб чиққач, Ли Вейл Биллига қўнғироқ қилди ва фақат Билли у ёзган ҳамма нарсани ўқийди, деган шарт билан, ундан китоб тайёрлашни таклиф қилди. Билли рози бўлди. 1964 йилнинг қолган қисми мобайнида Ли Вейл ҳар ой биттадан боб ёзиб юбориб турди. 1965 йил январида китоб қарийб тугалланган эди. Билли китобнинг бобларини диққат билан ўқиб, қўшимча ва тузатишлар қилиб, кўплаб соатларни кетгизди. У Ли Вейлни грамматикани тузатишига ишончи комил эди. Билли таълимот икир-чикирларигача тўғри келишлиги учун, бор кучини сарфлади.

У 1965 йил январнинг охирги ҳафтаси давомида ўйлаб юрган яна бир муаммо бор эди. Кўп йиллар давомида эркак ва аёллар никоҳ ва ажралиш ҳақида унга саволлар берган эди. Баъзан Христиан ундан, у имонсиз хотинидан ажраши ва бошқа аёлга уйланиши мумкинми, деб сўраб қолар эди. Баъзан Христианка аёл шу ҳақида: у имонсиз эридан ажралиши ва бошқага турмушга чиқиши мумкинми, деб сўраб қолар эди. Шахсий ҳаётлари тафсилотлари жуда фарқ қилса-да, бироқ у ушбу икир-чикирларга синчиклаб қараса, уларнинг бариси худди ўша битта асосий муаммога бориб тақалар эди. Гўё кўпчилик Христианлар ажралиш муаммосидан боши қотган ва ўзларининг тушуниб етмаганлиги оқибатида жиддий хатоларга йўл қўяр эдилар. У Арканзас *штати*, Хот Спрингс *шаҳридан* Жефферсонвиллига келаётганида, 1963 йил июнида Раббий унга никоҳ ва ажралиш ҳақидаги ҳақиқатни очган эди. Ўша пайтда Муқаддас Руҳ унга мана шу мавзуда ваъз қилишни ва ваъзини ёзиб олишни айтган эди. Аммо у, ҳақиқат унинг ҳаётларини мана шу сферасида хато қилган самимий дўстларидан кўпларига оғир ботишидан хавотирланиб, буни орқага қолдиришда давом этиб юрган эди. Бошқа томондан, у Муқаддас Руҳнинг раҳномалигига бўйсунмай туролмас эди. Мана шу қийин аҳволдан ташвишланиб, руҳида бу билан нимадир қилиш керак деган оғирлик ҳис қилар эди. Бир куни, ўзининг овчилик хонаси қурилиши қандай кетаётганини текшириш учун, янги уйига кетаётганида, у шу яқинда жойлашган шимолий тоғларга разм

солди, ва унинг нигоҳи Бармоқ деган қояда тўхтади. Кутилмаганда Билли Муқаддас Руҳнинг унга: *“Мана шу тоққа кўтарил ва у ерда мен сен билан гаплашаман”,* — деганини эшитди.

Бўйсуниб, токи у Пима дарасига элтувчи сўқмоқ ёнидаги машина тўхташ жойига етиб бормагунича, шимолга қараб кетди. У даранинг бошига етгунича сўқмоқдан ярим миль кўтарилди. У ерда сўқмоқ иккига бўлинди, битта сўқмоқ Пима дараси бўйлаб давом этган эди, бошқаси эса Бармоқ қоясига кўтарилиб кетганди. У Бармоқ қояга сўқмоқ бўйлаб кетди. Сўқмоқ тикка кўтарилган эди ва у тез орада зўриқишдан терлаб кетди. Қиялик бўйлаб кўплаб қоялар тарам-тарам слюдадан йилтирар эди. Майда-майда яшил геккон калтакесаклар соядан-сояга чопиб ўтар эди. Сариқ капалаклар қанот қоқар эди. Ҳар ерда дарахтлар ва ҳар турли кактуслар пастки қияликка ёпишган, аммо у баландроқ чиққан эди, у ерда анча қопқора игнабаргли дарахтлар жойлашган эди. У Бармоқ қояга кўтарилиб, қўшилиб кетадиган қоянинг этагида, қияликнинг юқорисида тўхтади. Бармоқ қоянинг ўткир чиқиб турган жойи юзлаб фут олисда, унинг устида қад ростлаб турганди. Гарчи Бармоқ қоя тизмадаги энг юқори чўққи бўлса-да, у ноёб ва жуда кўзга ташланиб турар эди. У битта бармоғи билан тўппа-тўғри баландни, осмонни кўрсатиб турган одам муштига ўхшаб кетар эди. Билли харсанг тошга ўтириб, Тусон водийсига қаради. Шарқ томонда Ринкон тоғлари жойлашган, жанубда эса у Санта Рита тоғларини кўрди, улар горизонт туманлигида кўк-яшилдай кўринар эди. Билли ўзидан бор-йўғи бир неча мил олисдаги янги уйининг жойлашган жойини аниқлади. Кейин унинг фикри асосий мақсадига қайтди, ва у ибодат қилди.

Христианлар ўртасида никоҳ ҳақида ҳар хил тушунчалар мавжуд. Бир гуруҳдагилар эркак киши токи унинг хотини ўлмаган бўлса, бир марта уйланиши мумкин, ва фақат хотини ўлсагина у яна уйланиш ҳуқуқига эга деб ўйлайди. Бошқа гуруҳдагилар, эркак хотини билан ёки хотин эри билан, агар бошқаси зино қилса, ажралиши мумкин деб ҳисоблайди. Аммо яна бир гуруҳ одамлар, улар ҳар қандай сабабларга кўра ажралишлари ва ўз хохишлари бўйича бунда Худодан ҳеч қанақа айбловни сезмаган ҳолда, яна никоҳдан ўтишлари мумкин деб ҳисоблайдилар.

Билли, никоҳ қасамёди кўпчилик одамлар буни тушунганларидан кўра анча маъсулятли бўлиши лозим, деб ҳисоблар эди. Бу Исо Масиҳ ва Унинг Келини тимсолидир. Эски Аҳд бу муносабатни, алоқани Ёзувнинг кўплаб жойларида кўрсатди. Сулаймон подшоҳда (Масиҳнинг тимсоли ҳисобланган Довуднинг ўғлида) мингта хотини бор эди — Исо Масиҳ ва Унинг Черковининг тимсоли ҳисобланган, битта шоҳ, лекин кўп малика. Подшоҳ ҳар қандай бирор хотини билан ажралиши мумкин эди-ю, бу хотинлардан бирортаси ҳам у билан ажрашолмас эди. Шунга ўхшаб, Худо биз билан ажралиши мумкин, агар биз садоқатсиз бўлсак. (У Еремия кунларида Исроил билан қилгани каби),[164] аммо биз У билан ажрашолмаймиз. Бу Христианлар орасида кўп никоҳлиликни маъқулламаслик эди. Кўп хотинлик Худонинг аввал бошдаги режаси эмас эди. Худо битта эркакни, ундан кейин эса битта аёлни, у бу эркакка ёрдамчи бўлсин учун яратди. Момо Ҳаво аввал-бошда яратилган жонзод эмас эди, ва шу нарса уни иблисона ёлғонга бурилувчан, таъсирчан, мойил қилди. У мана шу ёлғонни қабул қилган вақтда, у ўз эрига нисбатан зино қилди. Момо Ҳавони гуноҳи оқибатларидан бири сифатида, аёллар ўз эрлари билан тенг ўринларини, мавқеларини йўқотдилар. (Гарчи бу тенг мавқе Масиҳнинг қайтишида тикланади.)

[164] Еремия 3:8

Эркак ёки аёл никоҳга киришларида ваъда берганларидан кейин, улар токи улардан бири ўлмагунича эр-хотиндирлар.[165] Улар имонсиз эр ёки хотинлари билан ҳар турли сабабларга кўра ажралишлари мумкин, ва бу ҳолатда улар гуноҳ қилишмайди. Бироқ, агар аёл бошқа эрга тегса, Исо дедики, бу ҳолда аёл зинода яшайди. Агар у ҳатто фақат биттаси билан яшаса-да, уни иккита эри бўлади. Павел деди, зинокорлар Худо Шоҳлигидан баҳраманд[166] бўлмайдилар, шу учун бу жиддий жиноят (гуноҳ)дир.

[165] Римликларга 7:1-3; 1-Коринфликларга 7:1-16

[166] 1-Коринфликларга 6:9-10

Энг айёр саволлар никоҳда бўлган ва ҳали гуноҳкор бўлгани вақтида айрилган, ундан кейин бўлса ўз ҳаётларини Раббийга берган, ўзларига ўхшаган ёлғиз Христианларни

учратиб, турмуш қурган ва энди биргаликда бахтиёр яшаётган одамлардан келар эди. Билли бу одамлардан баъзилари унинг таълимотига қанчалик самимий эканликларини билар эди. Агарда у никоҳ ва ажралиш тўғрисидаги ҳиқақатни ваъз қилса, улар ўз никоҳларини Худо олдида тўғри бўлишликлари учун бекор қилишмасмикинлар? Бу оилаларни бузилишига у жавобгар бўлмасмикан? Бу оғирлик уни жуда қийнаб юрди.

Кутилмаганда у қуюннинг яқилашаётганига ўхшаш товуш эшитди. Юқорига қараб, ҳайронликдан донг қотди. Тўппа-тўғри Бармоқ қоя устидан қаҳрабо ранг нур осмондан тушиб турган эди. У нафас олишга улгурмай,нур ундан юқоридаги қояни кўриниб турган қисмини қоплади. Билли бу ғайритабиий Нурнинг уч марта кўтарилиб, ва уч марта яна Бармоқ қояга тушганинии кузатиб турди. У осмонга ғойиб бўлганида, Билли Раббий Фариштасини унга гапирганини эшитди. Мана ниҳоят, у ўзининг никоҳ ва ажралиш бўйича саволига жавоб олди.

Бармоқ қоясидан тушиб уйига қайтганидан кейин, у дўсти Уэлч Эванчга қарашли бўлган заправка станциясига тўхтади. Уни бензобакини тўлдираётган ёш йигит ундан сўради: “Бранхам ака, бир соат олдин сиз анави тоғда бўлдингиз, шундай эмасми?”

“Ронни, нимани назарда тутяпсан? Сен нимани кўрдинг?”

“Мен сизга сизни қаерда бўлганингизни кўрсатишим мумкин”. У кўрсатди: “Сиз ана у ерда, Бармоқ қояси олдида бўлгандингиз. Мен онамни чақирдим ва биз бирга қаҳраборанг булутни кўтарилгани ва тушганини кўрдик. Мен онамга: “Бу, Бранхам ака ўша ерда ўтирган бўлиши керак ва у билан Худо гапиряпти”, — дедим.

Билли худди шу нарсани болалари мактабдан уйга келганларида ҳам эшитди. Ўқитувчиларидан баъзилари ўқувчиларига Бармоқ қояси устида сузаётган оловли-қаҳрабо булутни кузатиш учун синфдан чиқишларига рухсат бердилар. Улар уни ғойиб бўлишидан олдин уч марта кўтарилганини ва тушганини кўрдилар.

Жефферсонвиллига, Орман Невиллга қўнғироқ қилиб, Билли 1965 йил 17-чидан 21-январгача, чоршанба оқшомидан бошлаб ва якшанбагача, махсус йиғилишлар ўтказишни режалаштирди. У мана бу тартибда ваъз қилди: “Худонинг Ҳузуридан қочаётган одам”, “Уруғ қобиқ билан меросхўр эмас”, “Мана, бугун сиз эшитган Ёзув бажо бўлди” (у Финиксда қилган ваъзининг анча муфассал фикрлари), “Худо танлаган сажда жойи”, “Никоҳ ва ажралиш” ва “Бу Малкисидқ ўзи ким?”

Бу мавзу шундай оғир бўлгани сабаб, Билли никоҳ ва ажралиш бўйича фақат Жефферсонвиллида ваъз қила олишини билар эди, қайсики у ерда унда ваъз қилишига тўлиқ эркинлик бор эди. Ҳатто у ерда у анча тушунарли ва осон тушунадиган қилиб гапириш учун ҳаракат қилди ва шу учун у аудиториядаги аёл ва болалар сабаб ҳушёр бўлиб, сўзларини топиб гапирди. 1965 йил 21 февраль, якшанба эрталаб, у “Никоҳ ва ажралиш” деган мактубини ваъз қилди. Билли тингловчиларни Адан Боғига қайтиб олиб келди ва никоҳнинг Библиявий асосини тушунтирди ва илон қандай қилиб ажралиш уруғларини экканини, Момо Ҳаво эса уларни қандай суғорганини кўрсатди. У Худонинг Мусога қандай қилиб уни халқи орасида никоҳдан чиқиб, ажралишга йўл қўядиган махсус рухсат берганини кўрсатди.[167] Бу нарса Худонинг ҳақиқий иродасининг бир қисми эмаслигига қарамай, Худо бунга йўл берди. Павел ҳам ўз фикрини баён этиб, бу мавзуда тўхталдики, уни Раббий ҳурматлаб, уни Ўзининг Абадий Каломига жойлаштирди.[168]

[167] Матто 9:3-9

[168] 1-Коринфликларга 7:6, Мен буни буйруҳ тариқасида эмас, ижозат тариқасида айтяпман.

Ниҳоят Билли Худо унга ўша куни Бармоқ қоясида очгани бўйича — хулосага етиб келди. У шундай деди: “Мен фақат менга ва ушбу мактубга эргашаётганлар учун гапираман, аммо, лекин Мактубга эргашмаётганлар учун эмас.Худо олдида менинг гувоҳларим бўлинг: бу фақат менинг гуруҳим учун. Сизлардан баъзиларингиз, аёл ва эркаклар, хато тушунтирилган таълимот туфайли, иккинчи никоҳда турибди. Агар Худо Мусога ва Павелга никоҳ ва ажралиш хусусида маълум бир рухсат берган экан, Худо менга ҳам худди шундай қилишимга қўйиши лозим эмасмикан? Мен буни тоғдаги Унинг қаҳрабо булути билан тасдиқланиши орқали ва мени шу моментга олиб келган Унинг Мактуби орқали айтаяпман. Сиз, эркаклар, қайсики хато қилгансизлар, қандай яшаётибсиз, шу зайлда яшашда давом

этаверинг ва хотинларингиз билан тинч-осуда яшанглар, аммо энди бошқа бундай қилишга уринманглар. Бошда бундай (эркакларда биттадан кўп хотин бўлиши) эмас эди ва охирида ҳам бундай бўлмайди. Аммо, мана ҳозирги ҳолатда, агар сиз рафиқангиз билан бахтли бўлсангиз, унда у билан яшанг ва болаларингизни Худонинг ўгитларида вояга етказинглар; аммо Худонинг Ўзи агарда сиз яна шундай қилсангиз, раҳм-шафқат қилсин! Фарзандларингизни бунга ўхшаган ҳеч нарсани қилмасликка ўргатинг. Худо менга тоғда, мен буни айта олишимни тасдиқлади — улар ҳозир қандай яшаётган бўлса, шундай яшайверишсин ва бошқа гуноҳ қилишмасин. Бу ғайритабиий очиқлик-ваҳий 7 муҳрнинг очилиши натижасида бу савол тартибга солинмаган ҳолда қолмаслиги учун берилди”[169].

[169] Агар сизда никоҳ ва ажралиш хусусида савол бўлса, унинг ваъзини ушбу қисқача абзоридан ҳаётингизни ўзгартирадиган, сиз қабул қилишингиз зарур бўлган ҳар қандай қарор учун асос сифатида фойдаланманг. Уилльям Бранхамнинг “Никоҳ ва ажралиш” деган ваъзини тўлиқ жойини ибодат билан ўқинг.

Ўзининг “Бу Мелкисидқ ким Ўзи” деган ваъзида Билли олдинги саволига тўхталди. Ибтидо 14 бобда қийин айтиладиган исмли шоҳлар томонидан Садўмни қандай хонавойрон қилингани айтилган. Лут бутун хонадони билан аср қилиб олиб кетилган эди. Иброҳим бу шоҳни қувиб етиб, уни енгди ва шундай қилиб жияни Лутни асирликдан қутқарди. Бу жангдан кейин Иброҳимга Малкисидқ деган руҳоний келди ва У уни дуо қилди ва ундан сўнг у билан нон еди ҳамда у билан вино ичди[170]. Ўз навбатида Иброҳим ўзида бор бўлган ҳамма нарсадан ўндан бир қисмини бериб, Малкисидққа ўнлик тўлади. Бу тарих хийла тушунарсиз бўлар эди; аммо Павел Ибронийларга мактубининг 7 бобида бу Малкисидқ тинчлик ва солиҳлик Подшоҳи ҳисобланади деб ёзади ва У отасизу-онасиздир, умуман насабномасиздир. Умрининг на бошланиши на охири қайд этилган. Бу қандай сирли шахс экан? Билли Малкисидқ Худонинг Ўзи бўлиши керак, чунки Худонинг бошланиши бўлмаган, деб тушунтиради. Малкисидқ Иброҳимга келган Илоҳий теофанияда — яъни инсон кўринишида келган эди, ва Исо Масиҳнинг ҳақиқий рамзи эди, чунки Исода ота ва она бор эди, бу Одамда эса бўлмаган эди. Исода бошланиши бор эди, бу Одамда эса у йўқ эди. Исо Ўз Ҳаётини берди, бу Одам бундай қилолмади, чунки Унинг Ўзи Ҳаёт эди. Бироқ Уларнинг ораларида чамбарчас алоқа мавжуддир.

[170] Бу буюк тўй зиёфатининг рамзидир, у ерда, жанг тугагандан сўнг, Исо Ўз Келини билан нон ейди ва вино ичади. Марк 14:22-25

Бу алоқани тушунтириш учун Билли коинотнинг бошланишига қайтди, қачонки Худо Ўз фикрлари билан бирга яшар эди. Худо бу Руҳ. У коинотни фикрлаганидан кейин Руҳ – Худо уни мавжуд бўлсин деди. Унинг Сўзлари “Логос” ёки “Худонинг Сўзи” бўлдилар. *Сўз* — равшан ифодаланган фикр. Руҳ – Худо формага эга эмаски,биз кўролсак. Азалда Унинг фикрларида жисмоний форма, шакли йўқ эди, биз уни кўра олсак. Аммо У Ўз фикрларини ифодалаш учун сўз ишлатиши биланоқ, шунда Унинг фикрларида форма пайдо бўлдики, уни кўриш мумкин бўлди, аммо аввал бошда буни кўриш учун ҳеч ким бўлмаган эди. Руҳ – Худодан чиқиб келган Логос Унинг “теофанияси” ёки “Сўз-тана”си эди. Илоҳий теофания жисмоний тана эмас эди; балки бу ғайритабиий Тана эди. Аммо энди, қачонки Унинг фикрлари ифодаланган эди, Унинг теофанияси жисмоний тана *бўлолди*. Мана нима содир бўлди Иброҳим кунларида. Билли тушунтирди, Малкисидқ У Исо Масиҳда “мужассам бўлган Худо” бўлишидан икки минг йил олдин Иброҳим олдида танада зоҳир бўлган “Худо-Сўз” эди. Шундай қилиб Иброҳим Масиҳни теофания формасида у ҳали мужассамлагунга қадар кўрган эди. Кейинроқ, қачонки Худо мужассамланганида ва одамлар орасида юрганида, Исо яҳудийларга шундай деди: *“Отангиз Иброҳим Менинг кунимни кўришини билиб, шод-хуррам бўлган эди. Энди кўриб хуррам бўлди”. “Сен ҳали эллик ёшга тўлганинг йўғ-у, Иброҳимни ҳам кўрибсан-а?!” — дейишди яҳудийлар унга. Исо уларга: “Сизларга ростини айтай: Иброҳим вужудга келмасидан олдин Мен бор эдим”, — деди.*[171] Ибронийларга мактуб, Мусо замонида бошланган қадимги Левитлар руҳонийлик хизмати Исони хочда гуноҳ учун Қурбонлик бўлиб ўлиши билан тугаганини очиб беради. Энди Исо Масиҳ Мелкисидқ хизмати орқали намоён бўлади.[172]

[171] Юҳанно 8:56-58
[172] Ибронийларга 5-7

Бунинг барчаси, токи Билли ҳар бир янгидан туғилган Христианда ҳам теофанияси

борлигини тушунтиргунича, тушуниш қийин ва жуда ҳам схематик кўриниши мумкин эди. Улар унга (теофанияга) эга бўлишлари лозим, чунки улар азалдан Худонинг фикрида бўлган эдилар. Аслини олганда, бу уларни Худонинг атрибутлари қилади. Қачонки Исо Масиҳ ерда туғилган вақтида, Унинг теофанияси Ўзи билан бирга эди. Мана нима учун У баркамол одам эди, чунки У ҳеч қачон Ўз Отасининг Сўзидан четга чиқмаган эди. У четга чиқолмас ҳам эди, чунки У ва Худо Каломи бир, худди Ўшанинг Ўзи эди. Қолган Худо фарзандлари, улар синовларда текширила олинишлари учун ва гуноҳни енгиш учун (эсингизда бўлсин, гуноҳ — бу "Худо Каломига ишонмаслик") Худо Сўзини ишлатиб билишлари учун, ўз теофанияларисиз туғилдилар. Қачонки эркак (ёки аёл) Худо Каломи унинг жонини тўйғазадиган ҳақиқий овқат эканлигини ниҳоят тушунса, ўша моментда у буни ўзининг теофаниясидан эшитган бўлади. Энди у бу ҳаётдан ташқарида уни кутаётган "тана-Сўз" бор эканини билади. Бу Коринфликларга иккинчи мактуб 5:1: *"Биз биламизки, бу фоний уйимиз (баданимиз), бу қулбамиз хароб бўлганидан кейин, Худо бизга мангу бир уй, қўл билан қурилмаган осмондаги маконни беради",* — деган Каломнинг ҳақиқий маъносидир. Мингйиллик Шоҳлик вақтида ва абадийликда Худо фарзандлари ўзларининг жисмоний таналарида ўзларининг теофаниялари билан яхлит, бир бутун боғланган ҳолда яшайдилар. Билли бу ҳолатни "улуғланган бадан" деб атади.

Апрелда кўрган ваҳийси Биллини жуда ҳаяжонлантирди ва қўрқитди. Бир куни Худонинг Руҳи уни уйидан олди-да, ҳарбий парадни кўриб турадиган бир кўтариб ўрнатилган платформага этиб қўйди. У ғарбга қараб турар эди, қуёш ботишига. Кузатадиган жой тепаликни энг чўққисида жойлашган эди — шундай катта ва айлантирилган бир жой эдики, у унинг контуридан ташқарида осмондан бошқа ҳеч нарсани кўролмас эди. Раббийнинг Фариштаси унинг орқасида, ўнг томондан турар эди. Билли Фариштани кўриш учун бурилолмас, аммо у уни шу ердалигини билиб турар эди, чунки Фаришта: *"Бу Келин",* — деб хабар берди.

Ҳаво қандайдир қудратли черков гимнига ўхшаган марш қўшиқнинг аниқ-тиниқ ритми билан тўлган эди: "Олға, Христиан солдатлари, олдингизда Исони хочини олиб, урушдаги каби марш юринглар". Биллидан ўнг томондаги парадни кўриш жойи олдидан ёш аёллар қаторлари ўтар эди. Бу ёш аёллар Христианлар қандай бўлишлиги лозимлигини мукаммал, бекаму-кўст намунасини кўрсатганча, шундай тоза, пок, гўзал кўринардилар. Уларнинг ҳаммасини сочлари узун ва уларнинг барчаси узун кўйлак ёки юбкаларда эдилар. Бу ўхшашликлардан ташқари, уларнинг ҳар бири бошқасига ўхшамасди ҳам. Улар, Исо Масиҳ Ўз Келинини бутун дунёдан олганлигини кўрсатиб, ўз мамлакатларининг анъанавий миллий кийимларини кийиб олгандилар. Билли унинг хушхабарчилик меҳнати ажойиб Келинни Масиҳга олиб келишда ёрдам берганига ишониб, бахтиёр эди.

Бу аёллар кўриш жойи яқинидан ўтиб бўлишгач, улар унинг орқасида айлана бўлиб турдилар. Унинг назарида охиргиси ўтиб бўлгач, Фаришта деди: *"Энди кўриб чиқишлик учун замонавий черков ўтади".*

Мусиқа ўзгарди. Барабанларнинг тез уришлари билан борадиган ритм тезлашди. Гитаранинг баланд товуши саксафон товушлари билан бирга, оҳангсиз ёки бирор-бир қандайдир гармониясиз какофонияга қўшилиб кетди — фақат зарблар эшитилди. Кимдир бу мусиқа тактига куйлади (ёки улиди), аммо у сўзларини тушуна олмади.

Фаришта деди: *"Биринчи бўлиб кўрикдан Осиё черкови ўтади".*

Билли Осиёнинг замонавий ҳозирги замон черковини кўрганида, у даҳшатдан қотиб қолди. Ва у қандай ўзини Масиҳнинг келини деб эътироф этишига ҳайрон қолди. Унинг сочлари калта қирқилган ва унинг юзи лаб бўёқлари ва кўз сурмалари билан бўяб ташланган эди. У кўкраги ва белининг жуда кўп қисмини очиқ қолдириб, ахлоқсиз кийинганди. У кўрик жойи ёнидан ўта туриб, бутун танаси билан мусиқага мос равишда биланглаб, буралиб, том маънода танцага тушаётган эди. Бошқа аёллар, Ҳиндистон, Африка, Европа ва дунёнинг бошқа қисмларидан ҳозирги замон черковларини кўрсатиб ўтишди. Фаришта ҳар бир черковнинг миллатини эълон қилиб турди, у ўтаётган пайтда, шу учун Билли кимга қараб

турганини аниқ билар эди. Кейингилари олдин ўтганларидан ҳам хунукроқ кўринаётгандай туюлди унга. Ҳаммасини сочи калта ва юзлари бўялганди. Уларнинг барчаси шаҳвоний, жирканч кийинган ва ўтаётган пайтда рок-н-ролл ритмларида рақс этишарди. Биллини жирканганидан қусқиси келиб кетди.

Фаришта эълон қилди: *"Энди кўрик учун Америка черкови ўтади".*

Билли Американинг замонавий черковини ифодалайдиган аёлни кўрган пайтида, сал қолди унинг ҳушидан айрилишига. У ялонғоч эди — бутунлай ялонғоч! Ҳақиқатдан ҳам, унинг олдида бир парча кўкрак газламаси бўлиб, у уни одоб-ахлоқли кўрсатади деб ўйлаётгандай эди. Аммо одоб-ахлоқлилик — бу одоб-ахлоқли бўлишликдир, бу аёл эса ўзини одобли тутмас эди. Унинг лаблари чўччаяр эди ва оёқлари силкинар эди, у танца тушиб кўрик жойидан ўтаётган вақтда, унинг лаблари учиб-учиб қўяр ва оёқлари каловланар, силкинар эди. У ахмоқона кулар ва бошини мусиқа ритмида силкиллатар эди.

Билли чуқур умидсизликка чўкди. Америка христианлик хонимининг энг ахлоқсизи эди. У ўйлади: "Мен қанчалик ваъз қилдим, ва одамларни Масиҳ учун яшашга қанчалик ундадим, ва Унга кўрсатолган энг яхши нарсам шуми? Худойим, мен жазога ҳукм қилинган одамман. Мен ҳозирни ўзида ҳаммасини ташлашим мумкин. Менга энди бошқа уринишга ҳожат йўқ. Мен мағлуб бўлдим".

Замонавий черковларнинг сафлари рақсга тушганча тепаликнинг нақ четига келган пайтда, баланд мусиқа эшитилмай қолди. худди мусиқа уларнинг ортидан ҳарбий формадаги у бир гуруҳ қизлар кетидан парадда марш қадамлар билан юрадиган оркестрга ўхшаб, келаётгандай туюлди. Гўё, параддаги каби, Биллининг ўнг томонидан, кўрик ўтадиган жойга бошқа гуруҳ етиб келди. Қачонки бу янги мусиқа баланроқ эшитилган эди, уни бошда эшитган, ўша: "Олҳа, Христиан сипоҳлари,урушга сингари одимланг, олдингизда Исони хочини олиб", — деган гимннинг оҳанги билан ўша қўшиқ эканлигини англади. Бу унинг қулоғига жуда ёқди. Юрагида кичкинагина умид оловчаси исий бошлади. Ким келаётибди экан деб, бошини бурмоқчи бўлди, аммо унга бундай қилишга йўл қўйилмаган эди. Тез орада унинг кўриш доирасига аёлларнинг бошқа сафи пайдо бўлди. Чуқур енгиллик тортиб, бу уни бошда кўрган ўша гуруҳ аёллар эканлигини кўрди. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллий кийимида одоб-ахлоқ билан кийинган эди. Қачонки улар кўрик жойидан ўтишар экан, ушбу мўмина-мўмина аёллар гўё кўринмас зиналардан булутларга кўтарилаётгандай, ҳар бир қадамда юқорига кўтарилавердилар. Худди шу вақтнинг ўзида беодоб, уятсиз аёллар тепалик четида рақсга тушиб, бирин -кетин горизонт ортида ғойиб бўлар эдилар.

Художўй мўмина аёллар гўё кўринмас раҳбарнинг овозини эшитаётгандай, ўзаро уйғун равишда, иноқлик билан қадам ташлашар эдилар. Билли ўйлади: "Ахийри, мен муваффақиятсизликка учрамабман. Менинг ҳаракатларим беҳуда бўлмабди. Охирги вақтда Масиҳда Келин бўлади".

Кейин у художўй аёллар иккитасини ҳозирги замон черковларига қараб қолганига эътибор берди. Гўё шу нарса уларнинг одимига халақит бераётгандай эди ва улар бошқалардан қолиб кета бошлашди.

Қўлларини карнай қилиб, Билли уларга қичқирди: "Опалар, бундай қилманг! Сафни бузманг!"

Ваҳий уни қолдирди. У табиий дунёга қайтган пайтида, унинг қўллари оғзининг сатғида кўтарилган ҳолда эди. Унинг юраги ҳали бери тез-тез урарди.

1965 йил 29 апрель, пайшанба оқшомида Билли Калифорния штати, Лос-Анжелос тўлиқ инжилчи тадбиркорлар Жамиятига мурожаат қилди. Унинг ваъзи олдадан Флоренс Шакарьян ажойиб қўшиб ижро этдики, ундан ҳар бир юрак ларзага келди. Флоренс ХТИТЖ президенти, Димос Шакарьяннинг синглиси эди. Бу қўшиқ айниқса кўпроқ Флоренсни ракдан ўлаётганлигидан хабардорларга кўпроқ таъсир қилди.

Бунгача икки ой олдин Димос Биллидан синглиси учун ибодат қилишини илтимос қилди. Димос Биллининг айрим шифоланиш кампанияларини молиялаштиришда ёрдам берган эди. Шу учун у юзлаб мўъжизали шифоланишларни кўрганди. Баъзан у Билли ибодат

қилганида, одамлар платформага кўтарилган пайтда ибодат карточкаларини йиғиб олиб, у ёрдамчи каби хизмат қилганди. Димос ҳар доим одамлар ушбу ибодат карточкаларида ёзганлари билан Биллининг ғайритабиий билиши орқали қўйган диагнозини солиштирар эди. Димос ҳеч қачон, ҳаттоки майда икир-чикирида ҳам битта бўлса-да хатоликни кўрмади. Мана нима учун у Биллини синглиси учун ибодат қилишига чанқоқ эди. Аммо қачонки Билли Худодан Флоренсни тақдири ҳақида сўраган эди, Худо унга уни тобутда ётгани ҳақида ваҳий кўрсатди. Билли афсусланиб, Димосга синглиси Раббийнинг Келишигача яшамаслигини, балки бир куни тонг отиши олдидан 2 билан 3 орасида вафот этишини айтди.

Энди, Билтмор меҳмонхонасининг одамлардан тўлган биносида бир эркак ўзга тилда гапирди, ундан кейин эса бошқа одам таъбирлади: “Раббий Шундай Дейди: О Сион қизи, қўрқма, ташвишланма, чунки сен Раббий Келишигача яшай оласан”.

Маъқуллашлар шовқини хонани ҳаракатга келтирди. Аммо Билли Поль ушбу башоратдан тинчини йўқотди, чунки у отасини нима деганини эслар эди.

Гарчи катта хона одамлардан тўлиб кетган бўлса-да (у ерда бўлишни истаганларнинг кўплари ичкарига киролмадилар), Билли унданда катта аудиторияни унутмаган эди. Бобинали ёзиб олувчи магнитофон айланар эди, шу учун у “Келиннинг сайланиши”ваъзи, бутун дунёга кетишини билар эди. У Ибтидо 24 бобдан лавҳа олди, у ерда Иброҳим ўғли Исҳоқ учун келин топишга ҳаракат қилади. Иброҳимни Каноннинг Худога ишонмайдиган халқларидаги чиройли қизлари қизиқтирмас эди. У лойиқ келинни ўзининг ватанидан, ўз қариндошлари орасидан топишни истар эди. У ёққа бориш учун Иброҳим жуда қариб қолгани туфайли, у бу топшириқни ўзининг катта хизматкори Елизарга топширди. Елизар Нахўр яшаган шаҳар яқинидаги қудуққа етиб келганида, ибодат қилди: “Ё Худоё Худовандо, хўжайиним Иброҳимнинг Худоси!... Мен қайси қизга: “Кўзангни пасайтир, мен сув ичай”, десам, у эса: “ўзинг ич, туяларингни ҳам суғораман”, деса, Сен банданг Исҳоққа лойиқ кўрганинг ўша бўлсин. Сен хўжайинимга иноят қилишингни мен шундан биламан”. Бу қандай ибодат қилган бўлса, айнан шундай бўлди. Ривқо Елизар келтирган таклифни қабул қилди. Худди ўша туялар, у суғорган, Ривқони унинг Исҳоқига олиб борди. Бу муҳаббат тарихи Масиҳ билан Унинг Келинини ажойиб тимсолидир (Худди Ўша Муқаддас Руҳ, қайсики Уни имонли одам *Сўзнинг сувлари* билан суғоради, уни унинг Куёвига етказади).

Бизнинг никоҳда сайлайдиган рафиқамиз ўз ҳаётимизда сайлайдиганларимизнинг ҳаммасидан кўра бизга жуда кўп таъсир этади. Яхши хотин — Худо эркакка бериши мумкин бўлган энг яхши, аъло нарсадир;аммо ёмони, Сулаймон айтганидай, унинг қонида сув бўлади. Яхши хотин — унга ҳаммадан яхшироқ мос келади, у эрининг характеридан боши кўкка етади ва унга унинг мақсадга эришишида ёрдам беради. Эркак киши сайлашидан олдин ибодат қилиши лозим. у ўз қарорини аёлларнинг ташқи гўзаллигига асосламаслиги керак; у Христиан аёлнинг характеридаги ички гўзаллигини қидириши керак. Ташқи гўзаллик алдамчи бўлиши мумкин. (Эсланг, Люцифер шунчалик гўзал бўлганлигидан учдан бир фаришталарни ортидан эргаштиришга кўндирди). Ички гўзаллик абадий қолади. Агар йигит янгидан, юқоридан туғилган қизни учратса, ва иккаласи бир-бирини яхши кўрса, ва уларни иккиси бу ҳақида ибодат қилишса, ва уларнинг иккиси ҳам бу Худонинг иродаси эканлигини ҳис этишса, унда улар турмуш қуришлари керак. Йигит никоҳ учун танлайдиган қизнинг характери, унинг характерини ва унинг интилишларини акс эттиради. В конце концов, она будет помогать ему создавать будущий дом.

Бу табиий принциплар муҳим илоҳий тадбиққа эгадир. Қачонки инсон черков танлайди, қайсики унга унинг оиласи боради, у чиройли бинога, ажойиб хорга, ёки бу черковни нечта бирлашган проектлар молиялаштираяпти, буларга қарамаслиги керак. У шундай черковни қидириши керакки, бу черков тўлиқ Хушхабарни ваъз қилсин, қайсики бу черков Библияни ўзининг узил-кесил, авторитети, нуфузи, обрў-эътибори қилиб қўяди.

Айнан шундай, худди эркак аёл учун яратилмаган, балки аёл эркак учун яратилганидек, худди шундай Масиҳ Черков учун яратилмаган, балки Черков Масиҳ учун яратилган. Исо Масиҳ Кимни бугун Ўз Келини сифатида сайлайди? У Муқаддас Руҳга тўлган ва Унинг Сўзини ҳурмат қиладиган эркак ва аёлларни танлайди.

Билли деди: «Исо фақат Худога нима керак бўлса, шуни қилди — яъни У Худо Каломини ҳурмат қилди ва намоён қилди. Унинг Келинига худди шундай характер бўлиши керак. У деноминациядан танланиши мумкин эмас. Ҳар бир деноминацияда қаердадир қўлланмаси бор, ва бу қўлланма одамларга нима қилиш керак, нимани эса қилиши керак эмас, айтади — ва кўпчилик ҳолларда бу ҳақиқий Каломдан миллион миль нарида турган бўлади. Худонинг ҳеч қачон Черковини папалар, кардиналлар, епископлар, руҳоний ва пресвитерлар орқали бошқариш мақсади бўлмаган. У Черковини бошқариш учун Муқаддас Руҳини юборди. Исо деди: Қачонки Юпатувчи (Муқаддас Руҳ) келади, У Мен сизларга нима айтган бўлсам,очади ва сизларни бутун ҳақиқатга олиб боради. Ҳозирги замон черкови бу режани ёмон кўради, шу учун у қандай қилиб Масиҳнинг Келини бўла олади? Қачонки Христианлар бугун деноминацияни танлаганларида, бу уларнинг Худо Каломини етарли даражада тушунмаслигини акс эттиради, кўрсатади. Мен сизни дилингизни оғритмоқчи эмасман, балки бу, токи сиз буни кўрмагунингизгача чуқур ўрнашишини мен истайман".

У уларга Масихнинг Келини ҳақида ва замонавий черковни кўрикда кўргани ҳақидаги ваҳийни сўзлаб берди. У ваъзини охирига келган пайтида, у эркин гапириш учун ғалати бир майл ўзида ҳис қилди, шу учун у нимани гапираётганини базўр англар эди: "Эркаклар, сизлар хизмат қилаётган диний таълимотга бир қаранглар. Черковингиз Худо Каломига мувофик келадимикин? Аёллар, ойнага қаранглар — черковингизни ойнасига эмас, балки Худо Каломининг ойнасига, ва қараб кўрингчи, Исо Масиҳнинг даъват қилган Келини бўлиши ҳуқуқига эгамикинсиз? Сизнинг ҳаётингиз илоҳий гувоҳлик (Библия)нинг никоҳ тузиш ҳақидаги ўша намунага мос келадимикин? Хизматчилар, худди ўша саволни ўзингизга беринг. Ўзингиз қилаётган ваъзингизни кимнидир хафа қилиб қўймаслик учун ва сизни черковдан қувмасликлари учун, юмшатмаяпсизми? Черков аъзоси, агар черковингиз Худо Каломи таърифига мос келмаса, ундан чиқинг ва Масиҳга киринг. Бу — жиддий огоҳлантириш. Сиз билмайсиз, қачон бу шаҳар мана шу океан тубига чўкади".

Унинг мурожаати башоратга ўтди. "Лос-Анжелос, фаришталар шаҳриман дейдиган шаҳар, осмонгача юксалган ва ўзининг ахлоқсиз модаларини ва ифлос фильмларини бутун дунёга тарқатаётган шаҳар — сенинг ажойиб черковларинг бўлишига қарамай, эсингда бўлсин, бир кун келиб сен бу денгиз тубида ётасан. Остингдаги замин асалари уяси (бўшлиққа)га ўхшайди. Сенинг нақ тагингдан Худонинг ғазаби отилиб чиқмоқда. Мен билмайман, яна қанча узоқ вақт У бу қумли тўсиқни ушлаб тураркан, ва ҳали бу океан у ерда сени бир километрли тубликка то нақ Солтон Си[173] кўлигача ботирмай тураркан. Бу Помпейнинг[174] сўнги кунидан ҳам баттар оғир бўлади. Лос Анжелос тавба қил! Ҳамма қолганлар ҳам тавба қилинглар ва Худога келинглар! Унинг қаҳр-ғазаб соати аллақачон ерда энди. Ҳали қутқарилишга ва Масиҳга киришга вақт бор, қутқарилинг!"

[173] Солтон Си — бу Калифорния штатининг Империаль водийсида, Лос Анжелосдан жануби-шарқда жойлашган йирик кўл. Солтон Си денгиз сатҳидан пастда жойлашган.

[174] Помпей — Италиядаги шаҳар бўлиб, у 79 йилда Везувий тоғидаги вулқон отилган вақтда вулқон кўллари остида бутун аҳолиси билан қолиб кетиб, йўқ бўлиб кетган.

Аудиториядаги йиғилар ва тавба қилишлар вақтида, у охирги ибодатини қилди. Кейин у шундай деб қўшиб қўйди: "Менинг акаларим ва опаларим, мен билмайман яна нима дейишни. Агар сиз мен Унинг пайғамбари эканимга ишонсангиз, — бу биринчи марта мен буни очиқча айтдим, аммо мен ғалати бир одатдан ташқари огоҳлантиришни сезяпман. Мен буни истамаган эдим. Буни шундайлигини сиз биласиз. Одатда мен бундай қилмайман. Мен мактубни айтишга қарор қилмаган эдим, аммо энди у айтилди; ва у мен Ҳақиқатни айтганлигим гувоҳи бўлиб, ҳукм кунида туради. Бу Раббий Худо Шундай Дейди".

"О, элликчилар, ҳаётингизни қутқаринглар. Алтарга чопинг ва ҳали жуда кеч бўлмай, фарёд қилинг; чунки шундай соат келадики, сиз қичқирасиз, бу эса сизга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Эсланг, Эсов ўз тўнғичлигининг жойини топишга интилди ва уни тополмади.[175] О, мен бутун қалбим билан севган тўлиқ Инжилчи тадбиркорлар жанияти аъзолари, сизларни ишонтириб айтаманки, бугун оқшом мен сизларни Исо Масиҳга топшираман. Унга чопинг. Ҳеч қачон иблисга ўзингизни мана бу Сўзга совутишига мажбурлашига йўл берманг. Сиз эркаклар ва аёллар ўз ҳаётингизни Каломга мувофиқ

тузатиб, ва художўй ҳаёт кечириб, Муқаддас Руҳга шу қадар тўлмагунингизга қадар, умуман У билан бирга қолинг. Агар сиз Муқаддас Руҳга эгаман дейсиз-у, аммо Сўзни қабул қилмас экансиз, унда сизда бошқа руҳ турибди. Худо Руҳи Унинг Сўзидадир. Масиҳнинг Келини Сўз билан мойланган бўлиши керак".
[175] Ибронийларга 12:14-17

Йиғилиш тугаган вақтида, Билли ўзини ибодат навбати вақтида, унинг қувватини оладиган ваҳийлардан кейин бўладигандек холсизланганини ва донг қотиб қолганини ҳис этди. Аммо ўша моментда уни тилини нимадир ҳаракатга келтирган эди. Натижада у ваъзининг охирги ўттиз дақиқаси давомида нима деганини эслолмади. Билли Поль унга уни Лос Анжелос бир кун келиб океан остига чўкиши ҳақида башорат қилганлигини айтди. Билли ўғлидан сўради: "Сен шу учун шундай ғамгин кўриняпсанми?" Билли Поль отасига, Флоренс Шакарьян тўғрисида башорат қилган, у Раббий Келишигача яшайди деган номаълум тилни таъбирлаган одамни ёдига туширди. Поль тараддудланди, кейин эса таажжубга қолганини айтди: "Дада, сен уни Раббий Келишигача яшайолмайди, балки у бир кун тонг отишдан олдин соат 2 билан 3 орасида ўлади деган эдинг".

"Ўғлим, мени сенга айтадиганим шуки, бу менга ваҳийда, Раббий у ҳақида ўткан ойда кўрсатганидан бошқа ҳеч нарса кўрсатмади".[176]
[176] Флоренс Шакарьян 1965 йил 10 сентябрда тонгги 2:45 да вафот этди.

Кейинроқ, ўша оқшом Билли Матто 11:23 ни ўқиди, у ерда Исо башорат қилган эди: "Ё сен, эй кўккача юксалувчи Кафарнахум! Сен тамуғгача (ўликлар диёри) тушиб кетурсан. Чунки сенда содир бўлган мўъжизалар Садўм ерида содир бўлганида эди, у ер шу кунгача сақланиб қолган бўлар эди". Библия луғатига қараб, у ер қимирлаши Садўмни Ўлик денгизига чўктирганини билиб олди; Кафарнахум ҳам худди шундай зилзиладан йўқ бўлиб кетган эди.

1951 йил Жанубий Африкага борганидан бери Уилльям Бранхам яна боришни ва маҳаллий аҳолига ваъз қилиб, кўпроқ вақтини ўтказишни истар эди. Унга уларнинг оддий имон билан уни мактубларини қабул қилишлари ёқарди, шу сабабли, нафақат шифоланиш ва мўъжизаларда, балки уларнинг Исо Масиҳ учун ҳаётларидаги ўзгаришларидаги ҳайратланарли натижалар бўлган эди. Унинг Африкадаги меҳнати тугамаганлигини у сезар эди. Кўп йиллар давомида уни Африкада кўпроқ имон билан шифоланиш кампаниялари ўтказиши учун унда молиявий ёрдам бўлмаган эди. Кейинроқ унга молиявий ёрдам ваъда бердилар, аммо, кейин эса у виза оломади. У жанубий Африка диний раҳбарлари томонидан қаршиликдан шубҳаланди, қайсики улар ўзларининг Миллий Қўмиталари орқали кучли сиёсий таъсирга эга эдилар. 1965 йили жанубий Африка ва Мозамбикка виза олиш учун яна мурожаат қилди. Иккала виза ҳам олинди; бироқ бу визалар чегараланган бўлиб, улар унга ов қилишига рухсат берар, аммо унга ҳеч қандай диний йиғилиш ўтказишига қўймас эди. Афтидан, жанубий Африка сиёсий ғалаёндан қайнаётган кўринади. Ҳукумат амалдорлари маҳаллий аҳолининг ҳар қандай тўпланиши (1951 йилда Дурбанда унинг йиғилишида ўн минг одам қатнашганини эсланг) ғалаёнган айланиб кетишига ҳавотирланар эди. Гарчи у бундай чекланишлардан хафа бўлса-да, шунга қарамай, ўзи ва Билли Поль учун самолётга чипта олди.

Улар жанубий Африканинг Йоханнесбургига 1965 йил 26 май куни келиб қўнишди. Уларни аэропортда Сидни Джексон кутиб олди. Бир неча кундан кейин учовлари Мозамбикнинг соҳилларида Бейруга учдилар ва у ерда йўл кўрсатувчи ёлладилар ва уч ҳафтага ов экспедицияси учун керакли яроғлар билан жиҳозландилар. Улар Англияда ишлаб чиқарилган, қути формасига эга бўлган тўлиқ приводли Лэнд Ровер юк машинасини ижарага олишди. Ҳамма жиҳозларини Лэнд Роверга юклаб, улар ўзлари танлаган, одам оёғи етмаган жойга қараб ғарб томонга 150 миль кетишди. Африка саваннаси майда тикон-баргли дарахтлар билан қопланган субтропик ўтлоқлардан иборат эди. Саванна бўйлаб ўтхўр жониворларнинг катта-катта тўдалари кўчиб юрар эди: филлар, жирафалар, гну антилопалари, тоғ эчкилари ва бошқалар. Кўпчилик йиртқич ҳайвонлар (йўлбарслар, леопардлар, гепардлар, сиртлонлар, чиябўри, бургутлар, лочин ва калхатлар) мана шу

подаларда ов қилар эди.

Уч ҳафта давомида Билли ва унинг ҳамроҳлари шу ёввойи жойларда яшадилар, кундузи ов қилдилар, кечқурун гулханда овқат тайёрладилар, кечаси бўлса чодирларида ухладилар. Ҳар кеча кунда ўз лагерларини янги жойга кўчирдилар. Бир куни кундузи соат бешларда яқин Билли икки маҳаллий одам учинчисини замбилда олиб юрганини ваҳийда кўрди. ваҳийда учинчи одам юқумли касалликдан азобланаётгани кўрсатилган эди.

Ваҳий тугагач, Билли Сидни Джексонни чодирига келди ва унга: “Джексон ака, бир неча соатдан кейин қора чечакдан қийналаётган одамни олиб келадилар”, — деди. Мени билишимча, Мозамбик қонуни, агар инсон биздан ёрдам сўраса, биз уни яқиндаги врачга ёки касалхонага этишимиз кераклигини айтади”.

“Бу тўғри, Бранхам ака. Ҳозирги ҳолатда яқинроқдаги касалхона Байруда, 150 миль масофада жойлашган. Биз йўл кўрсатувчимизни жўнатиб юборамиз-да, ўзимиз эса шу ерда машинасиз икки кун қоламиз”.

“Джексон ака, агар сиздан шу одам учун ибодат қилишингизни сўрасалар, сиз бу чечак юқумлилигини била туриб, унга қўл қўярмидингиз?”

Джексон жилмайди. “Мен Ирландец нима деса шуни қилар эдим — олдин отаман, кейин бўлса баҳслашаман”. Нафасни қисадиган Фаренгейт бўйича 100 градусли жазирама эди. Билли сўқмоқ йўқ жойдан юриб бораётган эди; у фақат ўзига фил ўтлари орасидан йўл очиб борар эди, унинг баландлиги 7 фут (210 сантиметр) келар эди. Табиийки, унда олдида нима борлигини кўришга имконияти йўқ эди. Лагердан тахминан 200 ярдча (182 метрлар) масофада у тўхтади ва: “Тинчгина туриб тур”, — деди.

“Ортимдан юр”, — деди Билли. У қайтди ва легерларини ўраб турган баланд бўйли ўтлар оралаб кетди. Джексон унинг ортидан эргашди.

Бир дақиқадан кейин улар яқинлашиб келаётган шитир-шитирни эшитишди. учта одам ўсиб кетган ўтлардан ўтиб келар, улардан иккитаси дарахт пўстлоғидан тўқиб ясалган замбилда учинчисини олиб келаётган эди. Олдинда келаётган одам олдинда турган иккита оқ танли одамни кўриб, гаранг бўлиб, нима қилишини билмай туриб қолди. Сидни Джексон ўзи ва Америка хушхабарчисини уларнинг дўсти учун ибодат қилиб билишлари учун, замбилни ерга қўйишларини сўраб, уларнинг тилида гапирди. эркаклар замбилни ерга қўйганларида, касал одам оғриқдан инграр эди. Билли ва Сидни тиз чўкиб, касалнинг бошига қўл қўйганларида, ҳатто шундай жазирамада ҳам унинг иситмадан юқори ҳароратини сезишди. Қисқа ибодат қилиб, Билли туриб ортга, лагерга борди. Бошқа эркаклар унинг орқасидан келдилар. Учта туб аҳоли одами майдонга чиққанларида, улар йўл кўрсатувчи билан гаплашдилар, у эса шу заҳоти замбилдаги одамни Лэнд Ровернинг орқа ўриндиғига юклади ва жўнаб кетди. Қолганлар ҳаммаси кечки нонуштани қилиб, дам олиш учун ётишди.

Эрталаб Сидни Жексон Лэнд Ровер аллақачон қайтиб келганини кўриб ҳайрон бўлди. У йўл кўрсатувчини уйғотиб, унга: “Сиз Бейруга жуда тез бориб-келибсиз”, — деди.

Ҳайдовчи деди: “Йўқ, мен бормадим. Лагердан бор-йўғи бир неча мил кетганимизда, замбилдаги ўша одам кабина томини тақиллатди ва: “ Мен тушай. Менинг уйим шу ерга яқин жойлашган”, — деди. Шу учун мен уни тушурдим ва қайтдим”.

“Ахир у касал эмасмиди?”

“Йўқ. У менга ўзини ёмғирдан кейингидай тетик сезаётганлигини айтди”.

Бир куни Билли Поль леопардни отди, у қишлоқ яқинидаги молларга қирғин келтирар эди. Маҳаллий одамлар бу учун миннатдор бўлишди ва леопарддан қутилганлигини нишонлаш учун байрам қилдилар. Овчилар бу байрамга нафақат қатнашибгина қолмай, балки Билли ўзи отган зебра гўштидан улар учун ҳадя қилди.

Бир неча кундан кейин овчилар африка буйволи сўқмоқчасини топдилар. Африка буйволлари — бу йирик ҳайвон бўлиб, уларнинг қалин шоҳлари пастга қайтган ва баджаҳл бўладилар. Жексон Биллига буйвол овига 0,416 калибрли Ригби Нитро деган қуроли билан ов қилиш кераклигини уқтирди; аммо Билли унинг портлаб кетган милтиғи ўрнига совға қилишган 0,300 калибрли Визербисини ишлатишни хохлади. Буйволни пастқам ўтлоқда ўтлаб юрган жойида топгунларигача, уни изидан бир неча соат юрдилар. Овчилар унга

ўрмалаб яқинлашганларида, буйвол уларнинг ҳидини сезди. У шу заҳотиёқ бошини паст қилиб, уларга ҳужум қилди. Билли уни бир ўқ билан йиқитди (Жексон жуда қувонди, чунки уларда иикинчи ўқни узиш учун вақтлари йўқ эди).

Билли йўлбарсни ҳам отиб олмоқчи эди, аммо икки ҳафта ўттидиямки, у бўлса битта ҳам йўлбарс кўрмади. У ёлғон ем қўйишга уриниб кўрди. У аввал зебра отди. Зебрани сўйилган танасини Лэнд Роверга боғлаб, уни дарахт атрофидан судраб ўтди, ундан кейин йўлбарс зебрани ҳидига келади, деган умидда, уни дарахт тагида қолдирди. Бир неча кунни самарасиз кутиб ўтказгач, у бошқа усулни ишлатмоқчи бўлди. У маҳаллий овчилардан тўрттасига, шу атрофларда иложи борича кўпроқ шовқин қилиб, тортаракларига йўлбарсни ҳуркитиб, уларни овчилар томонга жўнатишларини илтимос қилди. Бу усул ҳам иш бермади.

Шундай бўлишига қарамай, бу жуда муваффақиятли ов экспедицияси бўлди. Билли ва Билли Поль биргаликда 33 та ўлжа йиғишди. Бейруда Билли ҳайвонларнинг тулуми ясашни ва уларнинг терисини ошлашни ташкиллаштирди. Кейинроқ уларни Тусонга олиб келишлари керак, у ерда у ўзининг ов ўлжалари учун янги уйида ўрнатишни режалаштирди.

Бейрудан овчилар кетиши олдидан, бир ерли аҳолидан бир одам Сидни Жексонга чопиб келди ва кимдир “жанобни” кўрмоқчилигини айтди. Жексон унинг кетидан хонага борган эди, у ерда уни ёшроқ одам кутиб турган эди. Бу, улар у пўстлоқдан ясалган замбилда ётган ва у учун улар ибодат қилган ўша одам эди. Ақлга сиғмайди, аммо бу одам овчилар ортидан 150 миль (241 километр) фақат “жанобга” у учун ибодат қилгани учун, миннатдорчилик билдириш учун пиёда келган эди. Сидни Жексон бу одамни Уилльям Бранхамга келтирди.

У Африкадан қайтганидан кейин бир неча кун ўтиб, Билли туш кўрди. Тушида яна ўзининг Индиана Умумий хизмат Кампаниясидаги биринчи ишида ишлаётган ёш йигит эди. Тушида у истеъмолчилардан электр токи учун ҳисоблари бўйича пул йиғиб юриб, ўзининг эски маршрути бўйича кетаётган эди. Кун иссиқ эди ва у дарё яқинидан ўтаётганида, унинг чаккаларидан тер ағанаб келар эди. Ерга пулларни ва квитанцияларни қўйиб, ечинди, кейин совуқ сувга шўнғиди. У ўйлади: “Бу ишим нотўғри. Мен иш вақтимда чўмилмаслигим керак”. Дарёдан чиқиб у яна формасини кийиб олди. Кутилмаганда кучли шамол эсиб, унинг нақд пулларни қолдириб, квитанцияларини учириб кетди. У ўйлади: “Энди мен нима қилсам экан? Мен ким қанча ўзининг квитанцияси бўйича тўлаган, аслолмайман. Биргина қиладиган ишим бу, пулларни кассирга қолдираман, ва қачонки бу истеъмолчилар ўз ҳисобларини тўламаганлик ҳақида хабарнома оладилар, улар квитанциянинг бошқа қисмини келтирадилар. Албатта, бу менинг бунга эҳтиётсиз муносабатим туфайли кўп ташвиш келтиради”.

У уйғонганида, кроватида ўнгарилди. Меда кўзларини пирпиратиб ва кўзларини очиб эснади. “Яхши ухладингми?” — сўради у.

“Йўқ. Мен туш кўрдим, унда мен умумий хизмат Кампаниясида эдим”.

“Яна?” — сўради Меда ҳайрон бўлиб.

Охирги йил ичида Билли бир неча бор туш кўрди, унда у ўзининг эски кампаниясида ишлар, ва ҳар сафар қандайдир ёмон нарса бўлар эди. Бу уни ҳавотирга солар эди. Раббий унга нимадир демоқчи эмасмикан? Олдинроқ шу йил у Худодан унга бирор нарсани нотўғри қилмадимикин, ва у буни тузата оладимикин, шуни кўрсатадиган ваҳий беришини сўраган эди. Ҳозирча Раббий бу тушларни тушунтирадиган унга ваҳий бермади.

Улар ҳар эрталабки одатлари бўйича, бирга ибодат қилдилар. Кейин Меда болаларини уйғотиш учун қўшни хонага ўтди. (улар иккита яримталик уйда яшашини эсланг.)

“Раббий, — ибодат қилди Билли, — мен нима қилдимки, менинг ҳаёлимдан эски ишим кетмайди? Мен ярамас одам бўлсам керак”. У ювиниб кийинганидан кейин унга: “Эҳтимол, мен Раббий учун етарлича меҳнат қилмаётгандирман? Мумкин, бу Раббийни менга шу тушлар орқали айтмоқчи бўлаётган нарсанинг ўзидир?” — деган фикр келди.

Библиясини олиб, у столга ўтирди. Бу оддийгина ёғоч стол эди-ю, фақат унга озгина кенгроқ қўйилган стули бўлиб, у ҳам шу кичкина хонага ярашиғлиқ эди. У деди: “Раббий,

Эски Аҳдда, Сенинг болаларинг тушнинг маъносини билишни истаганларида, Сен уларга Урим ва Туммим орқали — бу ғайритабиий Нур орқали гаирган эдинг, қайсики У Сенинг олий руҳонийингни кўкрагидаги қимматбаҳо тошида акс этар эди.[177] Аммо бу хизмат ўзгарди, ва энди Библия Сенинг Урим ва Туммиминг ҳисобланади. Раббий, менинг бу тушларимни тушунтириш учун Сен ваҳий бермаган экансан, мен Сендан Ўз Библиянгдан бирор нима кўрсатишингни сўрайман, у тушунтирсин тушларни. Шубҳасиз, бу ерда қандайдир шахсми ёки ҳолатми бўладики, у менга тааллуқли бўлади. Агар кимдир бу ерда (Библияда) ниманидир нотўғри қилган бўлса, ва бу менинг Сенда норозиликни туғдирадиган қилган ишим бўлади, унда менга буни билишим ва уни тузатишим учун, шу жойни очишимга йўл қўй. Агар бу ерда кимгадир бажариш керак бўлган топшириқ бўлса, ва Сен мени ҳам шуни қилишимни хохлайсан, унда менга буни кўрсат".

[177] Урим=чироқлар; Туммим=Худонинг иродаси сифатида Урим сўзи билан бирга ишлатилар эди. Чиқиш 23:30; Левитлар 8:8; Сонлар 27:21; Саҳрода 33:8; 1-Шоҳлар 28:6; Ездра 2:63; Неемия 7:65.

Билли Библияси тўппа-тўғри ўзининг олдида ушлаб турар, у столда эди, унинг муқоваси унинг кафтлари орасида қисилган эди. Кўзларини юмган ҳолда қўлларини шундай олдики, Библиянинг ўзи шундай очилди. Кўрсатгич бармоғини саҳифага қўйди, кўзини очди ва бармоғи тегиб турган оятни ўқиди. Бу Ибтидо 24:7 эди. *"Мени отам уйидан, қавмим еридан олган, осмонни яратган Худованднинг Ўзи..."*

"Ҳммм", — ўйлади у. "Бу ерда Ким кимга гапиряпти?" У маъносини тушуниш учун бобнинг бошига қаради. Иброҳим ўз ўғли Исҳоққа хотин топишга ҳаракат қиляпти. Бу ерда 7-оятда Иброҳим хонадонини бошқарадиган хизматкори Елезарни Месопотамия ўлкасига юборади. Иброҳим деди: *"Мен отам уйидан, қавмим еридан олган, осмонни яратган Худованднинг Ўзи менга қасамёд қилиб: "Мана, шу ерни зурриётингга бераман", — деб айтган эди. Энди эса У сенинг олидингга фариштасини юборади ва сен ўғлимга ўша ердан хотин топасан".*

У сенинг олдинга Ўз Фариштасини юборади? Қанчалик ҳайратланарли. Билли сесканиб кетди. У Раббий Фариштаси ҳақида ўйлади. У унинг хизмати бошланган ўша кунидан бери, унинг йўл бошловчиси ва ҳамроҳи эди. Билли Елезардаги бўлган топшириғидай, ўзида ҳам топшириғи бор эканини англаб, етди; фақат унга Исҳоқдан кўра анчайин Буюк, Кимга-дир хотин топиш вазифаси бор эди. У Раббий Исо Масиҳ учун Келин топишга ҳаракат қилди.

94 БОБ
КАБУТАР БУРГУТНИ БОШЛАБ ЮРАДИ
ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ 1965

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ 1965 ЙИЛ июль ва август ойларида ўз оиласини Жефферсонвиллига олиб келди. У ҳафта давомида Ваҳийнинг 15 ва 16 бобларида айтиб ўтилган охирги етти косалар бўйича ваъз қилиб, махсус йиғилишлар ўтказмоқчи бўлди. Афсуски у мактаб аудиториясини ижарага оломади. У Бранхам Чодири бу йиғилишга келишни хохловчи ҳамма одамни сиғдиролмаслигини билар эди, шу учун у йиғилишни кейинга қолдирди. У Чодирнинг нозирлар советидан қидиришларини ва улар сотиб олса бўладиган энг катта чодирни топишларини сўради. Билли циркникига ўхшаган чодир билан, у фермердан майдонни ижарага оламан, у ерда чодирни ўрнатиб, унинг мавзуси талаб қилганча махсус йиғилишлар ўтказаман, деб ҳисоблади. Бундан ташқари, у ҳали ҳам унинг 1955 йил декабридаги чодир (ёки кафедрал собор) ва мўъжизалар бўлиб ўтган платформадаги кичкина хона ҳақидаги ваҳийси тўлиқ тушунтириши амалга ошиши керак, деб ўйлаб юрган эди.

Билли ушбу икки ой давомида Бранхам Чодирида ҳар якшанба ваъз қилишидан мамнун эди. 1965 йил 18 июль, якшанба эрталаб у "Худога хизмат қилишга уриниб, қайсики бу Унинг иродаси эмас", — деган мавзуда ваъз қилди. У ўз мавзусини 1-Паралипоменон 13 бобдан олди, у ерда подшоҳ Довуд Аҳд Сандиғини Қуддусга қайтариб олиб келади. Довуд сандиқни Худо тайинлангани бўйича Левитлар елкаларида олиб юриши ўрнига, у уни буқалар қўшилган араваларга қўйди. Буқалар тўхтаганида, Оза (қайсики у левит эмас эди) уни ушлаб туриш учун, қўлини сандиққа қўйди. Худо шу заҳотиёқ бу одамни ўзига ортиқ даражадаги ишончи учун ўлдирди. Оза Худога хизмат қилишни самимий хохлаган эди, аммо Худо уни қабул қилмади, чунки бу нарса Худо тайин этганларига қарама-қарши эди. Билли бу нарсани ҳозирги замон диний дунё мисолида, Марк 7:7 ни келтириб, кўрсатди. У ерда Исо шундай деган эди: *"улар Менга беҳуда ўқир санолар, инсонлар амру-таълимин фарз деб".*

Ўша оқшом "Керакли вақтдаги руҳий озуқа", унинг мавзуси эди. Унинг Ёзув жойи 3-Шоҳлик 17 боб эди. Қурғоқчилик ва у туфайли бўлган очарчилик давомида, Илёс Харит жилғаси ёнида шоҳ Ахабдан яширинib юрди ва Худо қарғаларни унга озуқа олиб келиш учун ишлатди. Билли буни бугунги кун диний ҳолатининг тимсолидир, деди. Бу дунёни улкан руҳий қурғоқчилик ва очарчилик қоплади. У Амос пайғамбарнинг китобидан 8:11 ни келтирди: *"Мана, шундай кунлар келади, дейди Раббий Худо, ўшанда мен ерга очарчиликни, нон очарчилигини эмас, сув очарчилигини эмас, балки Раббий Сўзини эшитиш очарчилигини юборaман".* Билли, Худо ҳар доим Ўз болаларини керак вақтда зарур озуқа билан боқишини кўрсатиш учун, бошқа Библиявий сюжетлардан фойдаланди. Билли деди: "Нима учун менинг бу мактубимни деноминация ўртасида қабул қилишмайди? Бу — уларнинг овқати эмас. Бу унинг илиқ черковини тўйдириш учун бўлган озуқа эмас. Бу – маълум бир вақт учун руҳий озуқадир. Бу номигагина Христиан деб аталадиганларда қусқисини келтиради. Улар учун бу жуда қаттиқ озуқа. Бироқ, Шоҳликнинг болалари учун бу — Нон, бу – Ҳаёт, бу – Исо Масиҳ, кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзидир".

1965 йил 25 июлда у "Вақтнинг охирида мойланганлар" деган ваъзини қилди. Бошида у Матто 24:15-28 ни ўқиди. У ерда Исо Ўз шогирдларига охирги кунлар ҳақида, буюк фалокат (қайғу) ҳақида ва Иккинчи Келиши ҳақида гапирди. Билли Матто 24:24 дан Ёзув жойи олди: *"Чунки сохта Масиҳлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложини топсалар, ҳатто танланган кишиларни ҳам йўлдан оздириш учун ғаройибот ва мўъжизалар кўрсатадилар".* Шу нарсага эътибор беринг: Исо "сохта Исолар" ўрнига, "сохта Масиҳлар" терминини ишлатди. Масиҳ деган сўз "мойланган" деган маънони англатади. Бизлар охирги вақтда кўплаб сохта мойланганлар бўлишини билиб олишимиз учун, Исо бу сўзни кўплик сонда ишлатди. Исо бу сохта мойланганлар ва сохта пайғамбарлар орасида алоқа ўрнатди. Пайғамбар Худодан эшитади, ундан кейин эса одамларга ўз ваҳийсини ўргатади. Бу сохта

мойланганлар ёлғон таълимотга ўргатадиган ва миллионлаб одамларни алдайдиган ёлғончи, сохта ваъзхонлардир. Баъзан уларнинг таълимотлари ҳақиқатга жуда яқин бўлади, бироқ улар бир ёки иккита асосий саволларда нотўғри, янглишилган бўлади. Эслаб кўринг, Момо Ҳавони Адан Боғида иблис қандай алдаган эди. Худо, агар Момо Ҳаво маълум бир дарахт мевасидан еса, у ўлади деди. Иблис эса, агар у еса, ўлмайди, балки Худога ўхшаб қолади, чунки у яхши ва ёмонни фарқини билиб олади, деди. Иблис Момо Ҳавога бир нарсани айтдики, у ҳақиқатдай эди, аммо уни ёлғони бор-йўғи иккита ҳарфдан – "ма" – сўзда эди, қайсики бу сўз Худонинг амрини бузди. Бу охирги вақтда сохта, ёлғон мойланганлар (руҳланганлар) Худо Каломини шундай буздиларки, Худонинг айни мақсади энди бошқа англатмай қўяди ва шундай қила туриб улар танланганлардан бошқа ҳаммани алдайдилар. Ҳайриятки, танланганларни (Масиҳ Келинини) алдашнинг иложи йўқ, чунки Муқаддас Руҳ бу одамларни бутун ҳақиқатга олиб боради.[178]

[178] Юҳанно 16:12-15

Бу сохта пайғамбарларнинг мойланиши айнан нима ўзи? Ҳайрон қоласан, аммо улар ҳақиқий Муқаддас Руҳдан мойланганлар (Муқаддас Руҳ уларни уйғотади, қўзғатади, илҳомлантиради), бироқ улар сохтадирлар. Бу қандай бўлиши мумкин? Матто 5:45 да Исо деди: *"Осмондаги Отангиз... қуёшини ёвузлар устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солиҳлар устига ҳам, фосиқлар устига ҳам ёғдиради".* У нафақат табиий ёмғирни далил қилиб келтиради; У худди шундай Муқаддас Руҳнинг руҳий ёмғирини ҳам далил келтиради. Ҳаворий Павел Ибронийларга Мактубнинг 6:4-8 да худди шу нарсани айтди: *Бир марта зиёни кўрган, самовий инъомдан лаззат олган, Муқаддас Руҳдан баҳраманд бўлган, Худонинг хайрли Каломини ва келажак оламнинг қудратларини тотиб кўрган кишилар агар кейин имондан қайтсалар, уларни яна тавба қилдириб тузатиш имконсиздир. Чунки бундай кишилар Худонинг Ўғлини янгидан хочга қоқиб, масхара қилган бўладилар. Устига мўл-кўл тушган ёмғирни ичган ва деҳқонлар учун фойдали ўсимлик берган ер Худодан баракат олади. Аммо тикану-қушқўнмасни берган ер эса ярамасдир ва лаънатга қолади. Унинг охирати — ёнишдир.* Қандай қилиб ҳақиқий Муқаддас Руҳ сохта ўқитувчини мойлаши (илҳомлантириши) мумкин? Билли яна танасига бошқа цитрус дарахтлари новдалари пайванд қилинган апельсин дарахтини тушунтириш учун мисол қилиб ишлатди. Грейпфрут дарахти новдаси грейпфрутлар солади; лимон новдалари лимон солади; лайм новдаси лайм солади. Бу барча новдалар апельсин дарахти илдизидаги ҳаётдан озиқланади. Аммо қачон апельсин дарахти ўз танасидан янги новда чиқарса, у апельсинларни пишади. Худди шундай католик, методист, баптист деноминациялари — барча деноминациялар Муқаддас Руҳдан озиқланади. Афсуски, католик яна бошқа католикларни келтиради, методистлар яна бошқа методистларни келтиради ва ҳоказо. Бироқ, агар (аниқроғи, қачонки) она дарахт янги новда чиқарса, у фақат Ҳаворийлар китобидан ҳақиқий новдага ўхшаган бўлади — у шундай одамларни етиштирадики, улар Исо Масиҳ исмида имонга келадилар, Муқаддас Руҳни оладилар ва Пётр ва Павел таълимотидан юрадилар; у одамлар олдингидай ҳозир ҳам мўъжизалар қиладиган Худога ишонадилар.

Худо бошда Биллини, у 1934 йил Индиана штати, Мишавака эллингинчилар съездида бўлганида, бу дарсни ўргатган эди. Съезд вақтида у ўзга тилда гапирган ва башорат қилган иккита одамни кўрганди. Йиғилиш тугагандан кейин Билли бу икки одам билан гаплашди. Худо унга ваҳий орқали бир одам ҳақиқий Христианлигини, бошқаси эса иккиюзламачи эканлигини кўрсатди. Бу иккала одам ҳам қандай қилиб худди ўша ғайритабиий инъомга ҳақиқатдан эга бўла олади экан? Бу уни, токи Худо унга бу парадоксни тушунтирадиган ваҳий бермагунича ташвишлантириб юрди. Аввалига Билли ўз ўқи атрофида айланаётган ер куррасини кўрди. Кейин у оппоқ кийим кийган, буғдойни ва бошқа шу сингари яхши уруғлар сепиб, ерда бораётган одамни кўрди. Ундан кейин Билли қушқўнмас ва бошқа ёмон уруғлар сепиб бораётган қора кийимли одамни кўрди. Ҳамма уруғлар бирга ўсди. Қурғоқчилик бўлган эди, уларнинг ҳаммаси чанқадилар ва ёмғир сўрадилар. Қачонки ёмғир келиб уларни суғорган эди, қушқўнмас буғдой билан бирга Худони улуғлади. Худо Ибронийларга 6:4-8 ни бу ваҳийни тушунтириш учун фойдаланди — худди ўша ёмғир яхши уруғни ҳам, ёмон уруғни ҳам суғоради, аммо уруғнинг асл моҳияти ўзгармай, ҳамишагидек қолаверади. Матто

7:15-20 да Исо деди: “Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! Улар сизнинг олдингизга қўй кийимида келадилар, лекин ичларидан йиртқич бўрилардир. Уларни меваларидан билиб оласизлар. Тиканакдан узум, ёки янтоқдан анжир теришармикан? Ҳар бир яхши дарахт яхши мева берар, ёмон дарахт эса ёмон мева берар... Шундай қилиб, сохта пайғамбарларни меваларидан билиб оласизлар”. Уларнинг “мевалари” — бу уларнинг таълимоти. Тўғри таълимот Ибтидо китобидан то Ваҳий китобигача Библияга мос келади. Исо давом этиб дейди: *“Мени “Ё Раббий, ё Раббий”, деб чақирган билан ҳар бир одам Осмон Шоҳлигига киравермайди. Бунга Осмондаги Отамнинг иродасини бажо келтирувчигина эришади. Қиёмат кунида кўплар Менга: “Ё Раббий, ё Раббий, бизлар Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизалар яратмадикми?” — дейдилар. Ўша вақтда Мен уларнинг юзига қараб: Мен сизларни ҳеч қачон таниган эмасман. Эй бадкирдорлар, Менинг олдимдан кетинглар! — дейман”.* Юҳанно 15:5-6 да Исо деди: *“Мен — ток, сизлар — новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар. Ким Мен билан алоқани узса, новда каби ташлаб юборилади ва қурийди. Бундай новдаларни эса териб, ўтга улоқтириб ёндиришади”.*

Билли деди: “Сизлар эшитгансиз, мен анча йиллар олдин ҳақиқий ва сохта токлар ҳақида ваъз қилган эдим. Мен Қобил ва Ҳобилни альтарда учрашганини, уларнинг иккаласи ҳам диндор эканини, иккиси ҳам мойланганини, уларда ҳаётга худди Ўша Худога сажда қилишга хохишлари борлигини кўрсатиб берган эдим. Ҳобил қабул қилинган бир пайтда, Қобил инкор этилган эди. Ҳобилга альтарга у қўзининг қонини қурбон қилиши лозимлиги очиқ эди. Ибронийларга 11:4 да айтилган: *“Имон билан Ҳобил Худога Қобилдан кўра яхшироқ қурбон келтирди. Ҳобил имони туфайли солиҳ киши деб қабул қилинди. Худонинг Ўзи унинг бағишловларини тасдиқлаб, ундан розилигини билдирди...”* Сиз ўйлашингиз мумкин, бу очиқлик эмас эди деб. Имон бу нима? Имон — бу қандайдир бир сизга очиқ бўлган нарса; қандайдир бир нарсаки, уни ўзи ҳали йўқ, аммо сиз буни содир бўлади деб ишонасиз. Имон — бу Худо иродасини очилиши. Исо Ўз Черковини, Унинг Ўзи Ким бўлса, Ўша Очиқлик тоши устида қураман, деди.[179] Аммо бугун кўпчилик черковлар руҳий очиқликка ҳатто ишонишмайди. Улар бирор бир системанинг догматик таълимотига ишонадилар”.

[179] Матто 16:15-18

“Яқинда мен Христиан-олим билан гаплашдим. У: “Жаноби Бранхам, биз барча очиқликларни инкор этамиз”, — деди. Мен айтдим: “Унда сиз Исо Масиҳни инкор қилишнгиз керак, чунки У Худонинг Очиқлиги — инсон танасида очилган Худо ҳисобланади. Сиз токи буни кўрмас экансиз, сиз адойи-тамом одамларсиз. Исо деди: *“Агар Ўша Мен эканлигимга ишонмасангизлар, гуноҳкор бўлиб ўласизлар”.*[180] У Худонинг очиқлигидир; Худонинг Одам формасидаги очилган Руҳидир. Агар сиз бунга ишониб билмасангиз, сиз йўқолгансиз. Агар сиз Уни Худодан бошқа учинчи шахс каби, иккинчи ёки ҳар қандай бошқа шахс сифатида қўйсангиз, сиз йўқолгансиз. Исо деди: *“Агар сиз Мен У эканлигимга ишонмасангиз, сиз ўз гуноҳларингизда ўласизлар.* Бу очиқлик”.

[180] Бу Ёзув жойи Қонунлар 32:39-43, Юҳанно 8:23 ва 13:19 билан таққосланг; Худди шундай Қонунлар 18:15-19 ва Ҳаворийлар 3:22-26 билан; шу сингари Чиқиш 3:13-15 ва Юҳанно 8:58 билан таққосланг.

Билли учун август ойи “Бу Ёвуз аср тангриси” деган ваъзи билан бошланиб, “Иблис адан боғи” деган ваъзи билан тугади. “Бу ёвуз аср тангриси” ваъзида у Ёзув жойини 2-Коринфликларга 4:3-4 дан олди: *Бордию Хушхабаримиз ёпиқ бўлса, У ҳалок бўладиганлар учун ёпиқдир. Худонинг тасвири бўлган Масиҳнинг улуғвор Хушхабарининг нурини одамлар кўрмасин деб, бу дунёнинг тангриси имонсизларнинг зеҳнини кўр қилган.* “Бу дунёнинг тангриси” деган ибора Адан Боғида Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганларидан бери бу дунёни бошқариб, унга худолик қилиб келаётган шайтонга тааллуқлидир. Ўзининг “Иблиснинг адан боғи” ваъзида Билли шайтоннинг энг аввало мақсади унга худо каби сажда қилишлари учун, ер юзида ўз шоҳлигини ўрнатиш эди.[181] Асрлар оша, минг йилликлар оша, у ёлғоннинг ҳар турли воситаларини ишлатиб, бу мақсади йўлида ишлади. Бугун у, ахийри, ўз мақсадига эришди. Иблис Адан Боғининг ўз намунасини ишлаб чиқди. Бу дунё ўзининг

олий даражада уюшган динлари (уюшган христианликни ҳам қўшиб) билан, ва ўзининг ҳар бир муаммосига жавоб сифатида фан ва технологияга урғу бериб — бу дунё ҳақиқий “Иблис адан боғи” бўлди.

[181] 2-Солоникияликларга 2:3-4

Бу икки ваъзлари орасида орасида у “Масиҳ Ўз Сўзида очилди”, — деган мактубини ваъз қилди. У Ёзув жойини Тимофейга 2-мактубнинг 2:15 ни олиб, у ерда Павел шундай деган эди: “Сен эса ҳақиқат каломини адаштирмай, тўғрилик билан ўқит, ўзингни Худога мақбул, ҳалол бир ишчи сифатида кўрсатишга ғайрат қил”. Билли деди: “Учта нарса бор-ки, уни сиз Худо Сўзини ишлатиб туриб қилишингиз керак эмас. Сиз Сўзни нотўғри таъбирлашингиз, Сўзни ўзга жойга қўйишингиз ёки Худо Сўзини жойини кўчиришингиз мумкин эмас”. У, агар кимдир Исо Масиҳни нотўғри тушунтириб, Уни Худонинг Ўзидан бўлак бошқа биров деб кўрсатса, қачонки сиз Уни худди бир У бор-йўғи учтадан битта худо деб, Илоҳийликда иккинчи шахс қиласиз — бу бутун Библиядаги барча сўзларнинг тартибини бузади, — деб мисоллар келтирди. Бу биринчи амрни бузади: *Менинг олдимда сени бошқа худоларинг бўлмайди.*[182] Бу бутун Христианликни учта турли худоларга сиғинадиган мажусийлар гуруҳига айлантиради. Шу учун, сиз Библияда Исонинг ўрнини нотўғри тушунтирмаслигингиз керак. У оддийгина ичида Худо Руҳи бор одамдан кўра ортиқ эди. У бизлардан фарқ қилар эди, чунки Унинг генлари ва хромасомалари Мариянинг бағрида Худо томонидан яратилган эди; бироқ, шу вақтнинг ўзида У оддий одам каби туғилиб, ўсганлиги билан У бизга ўхшаган эди. Бу Уни ҳам Худо, ҳам одам қилади.[183] У Худо-Одам эди. Бизлар Исо Масиҳни баданда, танада бўлиб турган Худо Сўзидан бошқача тушунтирмаслигимиз керакки, Исонинг Ўзи Библиянинг шархи ҳисобланади. У Ўз Танаси – Черковда намоён бўлишидир. У Ўзини турли черков даврлари давомида очди — энг аввал Ўз оёқлари орқали, ҳаворийларнинг асос солувчи меҳнатларида, энди бизлар кўз даврида, башоратчилик даврида турибмиз. Унинг кетидан ақл, Исо Масиҳнинг Ўзи келаяпти. У Ақл ҳисобланади, ва У Танани бутунлай бошқариши лозим. Ундан кейин Масиҳнинг бутун Танаси Келин формасида, очилган, қайсики бошда Момо Ҳаво Одамнинг биқинидан олингандай, у Келин Унинг биқинидан олинган эди.

[182] Чиқиш 20:3

[183] Эҳтимол, Уилльям Бранхамнинг бу фикри бу муҳим саволни ёритиб берар. У деди: “Исо Худодан эмас, балки У Худо эди. У Одам эди, бироқ У Худо эди. У йиғлай билар эди, ва бироқ, У ўликни тирилтира олар эди. У ўлган одам учун йиғлай билар ва уни яна тирилтира олар эди. У Иегова-ире, Иегова-рафа, Иегова-Манассия; У бутунлай Иегова эди. У Иегова эди, ва лекин У Одам эди. У ернинг эгаси эди, ва ерни яратди, ва Унда бошини суқишга жойи йўқ эди. У шундай деди: “Қушларда, қайсики уларни Мен яратдим, инлари бор, Мени эса бошимни суқишга жой йўқ. Мен яратган тулкиларда уялари бор, Менда эса ҳатто Мени кўмиш учун Ўз жойим йўқ. Бу ҳақиқат. У дафн қилиниши учун бошқанинг қабрини олиб туришига тўғри келди. У аёлдаги бағирни яратди. Унда туғилиши учун бағир йўқ эди; Унга бағирни вақтинча олиб туришига тўғри келади. У ерни яратди, ва Уни кўмиш учун жойи йўқ эди; Унга дафн қилиниши учун ерда ғорни қарзга олишига тўғри келди. У жойни Аримотея шаҳридан бўлган Юсуфдан қарзга олиб туришига тўғри келди, лекин У Худо эди. У Худо эканлигини исбот қилди. Энди сиз тушуняпсизми? Биз кичкина-кичкина, лекин биз Масиҳлардирмиз, лекин ўша Исо эмасмиз. У бизнинг Отамиз; биз фақат Унинг Руҳи билан мойланганмиз ва мана шу Унинг ҳаёти... Элликчилар кунида бўлиниб, тақсимланиб кетганининг сабаби мана шу. Ўша Олов Устуни тушган вақтида, у тилларга ўхшаб бўлиниб, уларнинг ҳар бирига тушди, Худо Ўзининг Ўз халқи ўртасида бўлди, чунки Черков ва Масиҳ худди эр билан хотин бир бўлгандай, Битта бўладилар. САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР ДЖЕФФЕРСОНВИЛЛ, ИНДИАНА КОД ЯКШАНБА эрталаб 30.08.1964 й. 1085-110 дан 1085-111 гача.

Сўзларни кўчишга, Ёзувни ўқиб туриб, шифоланиш ва мўъжизалар фақат ўтиб кетган ўн икки ҳаворийлар кунларига тегишлидир, деб ўйлайдиганларни мисол қилса бўлади. Худонинг қудрати қадимги тарихгагина даҳлдор бўлмаслиги керак. Исо — кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзидир.

Агар сиз Ёзувни танимас, билмас экансиз, сиз Сўзни Ўз жойидан кўчирасиз,қайсики улар айни сиз яшаётган черков даври ҳақида гапиради. Ваҳийнинг иккинчи ва учинчи бобларида Худо шундай деди: *“Руҳнинг жамоатларига айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин”.* Исо Масиҳ бу етти мактубни ўша етти черковга айтиб туриб ёздирди ва ҳар бир мактуб бошқасидан фарқ қилар, чунки ҳар бир черков даври бошқасидан фарқ қилар эди. Худода ҳар бир давр учун алоҳида мактуби бор эди. Унинг ҳар бир даврдаги Келини буни эшитади ва У (Келин) Ҳақиқат Каломини тўғри тақсимлайди. Иблис У (Келин) қандай қилиб, шайтон Унга қарши нималарни отмасин, буларнинг ҳаммасига қарамасдан У (Келин) ғалаба қилади. Ўшалар, яъни еттинчи черков даврида ғалаба қиладиганлар, (Лаодикия)

Малахиё 4:5-6, Луқо 17:30, Ваҳий 10:1-7 ва Ёзувнинг бошқа жойларини тушуниб оладиларки, бу жойлар бевосита уларни кунига тааллуқли бўлади.

1965 йил ёзи ўтиб бўлгач, Уилльям Бранхам болалари мактабга қайтиши учун, оиласини Тусонга олиб келди. Ўн яшар Иосиф 5 синфга, ўн тўрт яшар Сарра бўлса 9 синфга ўтди. Ривқо 19 да эди, ва у ўрта мактабни тугатди, бироқ ҳали ҳам ота-онаси билан Парк Авенюдаги икки бўлакдан иборат уйчада бирга яшар эди. Меда ўзининг 46 ёшида ўқувчи болалари тарбияси билан банд эди. Билли ҳозир 56 ёшда бўлиб, Худо ҳозир ундан нима исташини билмас эди. Унинг шу яқиндаги ишлари, асосан, равшан эди. Йилнинг охиригача унда фақат битта катта кампания режалаштирилган эди — тўрт кун Шривпортда, Луизиана штати ноябрь охирида. Бундан ташқари унда иккита алоҳида йиғилиш режалаштирилган эди — биттаси 11 сентябрь шанба эрталабида Финиксда, ТИТнинг нонуштасида; бошқа йиғилиш эса ундан кейинги ҳафтада ТусоннингГрантвэй Худо Ассамблеясида эди. У Хушхабар билан яна бир бор ўртоқлашишдек яхши имконият учун миннатдор эди, аммо шу вақтнинг ўзида у кафедрада турганда гапирадиган гапига ҳушёр бўлиши керак эди. Бу черковнинг пастори Биллининг шифоланишлардаги афсонавий ютуқларига ҳурмат билан қарар эди-ю, аммо уни Биллининг Худонинг моҳияти ҳақидаги Библиявий таълимоти қизиқтирмас эди.

Охирги уч йил давомида Билли Тусондаги ҳар хил черковларда бўлди ва у ҳозирга қадар уни мактубини маъқуллаб қабул қиладиган черковни топмади. У бундан ташвишда эди. У болаларини ҳар якшанба куни ваъз қилинадиган Хушхабарни эшита оладиган черковга этишни истар эди. Биргина шу эмас, аммо у унинг хизматига яқинроқ бўлиш учун, Тусонга кўчиб келган одамлар учун ҳам қайғурар эди, аммо шаҳарда ҳали бери черков йўқ эди-ки, у ерга улар доим борсалар ва у қандай ўқитишини эшитсалар. Ҳали Худо унга ўзининг пастор хизматига қайтишини айтмаган экан, у яна бир черков ташкил этишга раҳбарлик сезмади. У хушхабарчилик меҳнатини бажо келтириш учун эркинлигида қолишлиги керак. Лекин бу одамларнинг руҳий аҳволи уни Тусонда мактубни ўргатиш учун Худо кимнингдир юрагига черков ташкил этишни солиши учун ибодат қилишга мажбур қилди.

Озроқ вақт ўтиб, унинг ибодатига жавоб келди. 1965 йил 10 сентябрь, жума эрталаб Билли Финиксга жўнаб кетди. Кейинги эрталаб Рамада меҳмонхонасининг банкет залида у тадбиркорлар ва уларнинг оилаларига “Худонинг қиёфани ўзгартириш қудрати” мавзусидаги мактуби билан мурожаат қилди. Йиғилиш тугаганидан сўнг, Билли Техас штати, Бомонтдан тадбиркор Пэрри Грин билан суҳбатлашди. Пэрри Грин 32 ёшда бўлиб, у Билли Польдан бир ёшга катта эди. Пэрри ва Билли Поль 1952 йил Библия мактабида ўқиган кезларида учрашиб, дўст киришган эдилар. Пэрри 1964 йилда Биллининг Бомонтдаги шифоланишлар кампаниясини маблағ билан таъминлаган эди. Энди Пэрри Биллига тадбиркор эканлигидан, ўзининг Техасдаги бизнесини сотмоқчилигини, Тусонга кўчиб келиб, бу шаҳарда Биллининг мактубига эргашаётган одамлар учун сиғинишларига жой очмоқчилигини айтди. Билли буни иложи борича тезроқ қилишига кўндирди.

Пэрри Гриннинг Тусонда черков очиш нияти Биллини ташвишларидан биридан озод қилди. У ҳали бери босишга тайёрланган, черковнинг 7 даври бўйича китобидан ташвишда эди. Тусондаги уйида нашрга узатишдан олдин у яна бир бор қўлёзмани кўриб чиқди. У унга айрим материалларни қўшмоқчи бўлди. 1964 йил январида Рим папаси Павел 6 Қуддусга борди, бу Рим папаларининг у ерда биринчи марта бўлиши эди. Ўша кечасининг ўзида ойнинг бутунлай тутиилиши содир бўлди. Билли газетада бу икки воқеа ҳақида ўқиди. У ерда ой тутилишини кўрсатиб турган бир қатор фотосуратларни босилган эди. У бу олтита фотосуратдаги ой тутилиши фазаларини Бранхам Чодиридаги синф доскасида у ҳар бир черков даврида ёруғлик миқдорини кўрсатган доиралардаги қоронғуликларга мос келишига эътибор берди. 1964 йилда бу тутилиш унинг 7 черков даври ҳақидаги мактубини тасдиқловчи осмондаги аломат бўлди. У газетадаги мана шу олтита фотосуратни ўзининг китобига қўшмоқчи ва унинг маъносини тушунтирмоқчи бўлди.

Унинг бошқа бир катта дарди, унинг соғлиги эди. Йилнинг бошида унинг ошқозони яна зарда қила бошлади. Бутун ёз давомида унинг қайт қилгиси келиб ва овқат ҳазм

қилолмай юрди. Энди, ҳозир кузда, ошқозони бундан ҳам баттар бўлгандай эди. У озиб борар ва уйқусизликдан қийналар эди. Баъзан оғриқ уни шундай тешиб юборгудай бўлар ва юракка берар, бу худди инфарктга ўхшар эди. Унинг врачи уни юрагини электрокардиограмма қилди. Текширишлар унинг юраги нормадалигини ва у юз ёшгача яшаши мумкинлигини кўрсатди. Бу натижалардан ҳайрон қолган врач, уни ошқозон-ичак касалликлари бўйича мутахассисга жўнатди. Билли бу мутахассис — доктор Ван Равенсвортга у қандай ёшлигидан бери бу ошқозон касаллигидан қийналиб келаётганини айтиб берди. Биринчи оғриқ у етти ёшлигида хуруж қилди ва бу оғриқ уни бир йилга яқин азоб берди. Кейин оғриқ уни қолдириб, у ўзини 14 – 15 ёшигача яхши ҳис қилиб юрди. У 23 ёшга кирганида ва 31 – 32 ёшларида ҳам оғриқ яна хуруж қилди. Ҳар сафар касаллик хуружи кучаяверди. Уни 1948 йилда шундай кучли қийнадики, бу уни кўплаб ой хизматни қолдиришига мажбур қилди ва уни ўлдиришига сал қолди. Шу пайтда уни ошқозонида нотўғрилиги сабабини аниқлаш ниятида Миннесота штати, Рочестердаги Майо Клиникасига тушди; аммо врачлар унга ёрдам беролмадилар. Худога шукур, у соғайди. 1955 йил у Ҳиндистондалигида бу касаллик олтинчи марта уни қийнади, ва бу 1956 йилнинг анча қисмида азоб бериб юрди. Шундай қилиб, бу унга ҳар етти йилда келиб, ва одатда бир йилга яқин, *баъзан* эса бир неча ой оз ёки кўпроқ давом этар эди. Бундан кейин у саккиз йил жиддий оғриқларсиз яшади, ва у бу касаллик уни безовта қила бошлагунига қадар, уни қолиб кетди деб ўйлаган эди.

Доктор Ван Равенсворт Биллига янги процедура — гастродуоденоскопиядан ўтишни таклиф қилди. Бунда у тинчлантирувчи (*ухлатувчи*) қабул қилиб, прубка эндоскоп ютади, у унинг ошқозони орқали ўтади. Бу эндоскоп орқали врач унинг ошқозонини ички қисмини кўздан кечиради ва эҳтимол, ўшанда унинг ошқозонига нима бўлганлигини аниқлай олади. Билли бундай процедура ўтишга рози бўлди.

1965 йил 17 сентябрь, жума куни доктор Равнсворт Эндоскоп ёрдамида Биллининг ошқозонини ички қисмини кузатди. Анестезиолог Биллига у уйқу дори *таъсири вақтида* 10-15 дақиқа ухлайди деб тахмин қилиб, натрий пентотолнинг озроқ дозасидан берди. Бунинг ўрнига у 10 соатлар ухлади.

Кейинги эрталаб Билли Грин ака тўхтаган Рамада меҳмонхонаси кафетерийсида, Пэрри Грин билан нонушта қилди. Қари ва ёш биродарлар Тусонда черков очиш учун қилиш керак бўлган ҳаракатлар хусусида гаплашиб олишди. Кейин Билли Пэррига уни Ваҳий китобидан 7 муҳрнинг очилишига олиб келган кўплаб ғайритабиий воқеалар ҳақида ва унинг кетидан Жефферсонвиллидаги ҳовлисидаги устунчалар ҳақидаги ваҳийси, Сабино дарасида пайдо бўлган қилич, унга Сансет тоғида учраган 7 фаришта ва бошқалар ҳақида гапириб берди. Улар кўп ўтириб қолганларидан, тушлик заказ қилишларига тўғри келди.

Шанба кечқурун Билли Грантвэй Худо Ассамблеяси черковида ваъз қилди. Ваъзининг мавзуси “Чанқоқлик” эди. Ёзув жойи сифатида 41-санодан фойдаланиб, у сувга жисмоний чанқаш билан кўнгилни Худога ташналигини таққослади. Телефон алоқаси орқали бу ваъз Техас штатидан Нью Йорк штатигача 28 та черковга олиб эшиттирилди.

Душанба эрталаб, 1965 йил 20 сентябрда у тонгги 5 да уйғонди ва шу заҳотиёқ бугун бўлиши керак бўлган доктор Равенсворт билан учрашуви ҳақида ўйлаб қолди. Бугун у унга жума куни қилинган гастродуоденоскопия натижаларини билиб олади. У Меда ётган икки кишилик кроватга қаради. У ҳали ухлаётган эди. Кроватга ўтира туриб, билли деразадан Каталина тоғларига қаради. Унинг нигоғи Сабино дарасига киришдаги уфқ чизиғига қадалди. Кутилмаганда уфқ чизиғи ғойиб бўлди. У энди ётоқхонасида бўлмади, балки ўрмон ўртасида турган эди. Унинг олдида қуриган дарахт турган эди, шундай қуриганидан унинг пўстлоғи ва кўпчилик шохлари йўқ эди. Билли бу қуриган дарахтни кўриб, у 1948 йил текшириш натижаларини олишдан олдин кўрган ваҳийсидаги ўша қулатилган дарахтни таниди. Ўша ваҳийда у ғалати олмахонни ковакдан чиқишга мажбур қилиб, дарахтни калтак билан тақиллатган эди. Шунда олмахон унга сакраб чиқиб ва оғзига кирган ва унинг ичини ўткир тирноқлари билан тирналаб, ошқозонига тушган эди. Шунда у Раббийдан ёрдам сўраб бақирган эди ва Овоз унга: *“Ёдингда тут, унинг бўйи олти дюйм (15 сантиметр)”,* — деган

эди. Кўп йиллар давомида ошқозони зарда қилганида ва у ҳолдан кетганида, у бу вақий ҳақида ўйлар ва Раббий бу билан унга нима демоқчилигини билмас эди. Энди ҳозир, 17 йил ўтиб, у яна ўша ерда, яна ўша қулаган дарахтга қараб турган эди.

“Мен ишонаман, бу ўша олмахоннинг коваги”, — ўйлади у. “Қизиқ, ўша ғалати кичкина олмахон шу ердамикин”. Ходани олиб дарахтни тақиллата бошлади. У ёқдан олмахон сакраб чиқди. У тўппа-тўғри ҳайрон бўлиб турган одамга сакради, аммо бу сафар Биллининг елкасига ва кейин оғзига сакраб кириш ўрнига, бу олмахон хато қилди, унинг кўкрагига урилиб сапчиб кетиб, ерга ожиз ва ўликдай йиқилди. Шу моментда Овоз деди: “Каталина тоғларига жўнаб кет”. Бу вақий кутилмаганда қандай келган бўлса, худди шундай ғойиб бўлди. Билли яна кроватига ўтириб, Сабино дарасига деразадан қараб тураверди.

Уни худди чўлу-биёбонда момоқалдироқ гумбурлашини эшитиб ва ниҳоят ёмғир келишини билганингиздаги сингари, умидворлик ҳаяжони қоплади. Бир неча соатдан кейин у Сарра билан Иосифни мактабга этиб қўйди, ундан кейин Сабино дарасига кетди. У паркка кирди ва ирмоқ бўйлаб йўлдан кетди. Сентябрда сув бир қўлтиғдан иккинчисига ўтиб, улкан ҳарсанглар ораларидан жилдирар эди. Баланд-баланб яшил дарахтлар даранинг тубида, баланд қияликкача тўшалиб ётган оч-яшил ўсимликлардан ажралиб турар эди. Паркка кирганидан кейин тахминан икки миль масофада, у машинасини автотураргоҳда қолдирди ва даранинг шарқий ён бағридан сўқмоқ бўйлаб юқорилаб кетди. Кейинроқ сўқмоқ бўлинди — сўқмоқнинг бири жанубга, бошқаси бўлса шимолга кетган эди. Билли жанубга кетди. Бу сўқмоқ уни кунгурадор чўққилар ёнидан олиб ўтар, у ерда унинг қўлида Подшоҳ Қиличи пайдо бўлган эди. Соат салкан ўн бирлар бўлган эди. У даранинг ён бағридаги ўтиш жойига келганида, соқмоқ 90º буриладиган жойда, кутилмаганда Раббий Борлигини ҳис қилди. Шу заҳот тўхтади ва “У шу ерларда”, деб ўйлаб, шляпасини бошидан суғурди. Билли яна бир неча қадам юрди, кейин яна тўхтади ва: “Раббий, мен биламан, Сен шу ерлардасан. Нималар бўляпти?” — деди.

Қоядор ўтиш жойларига аланглаб, ўлиб қолган жониворга эътибор қилди. Яқинроқ бориб қараб, бу, гарчи унинг фикрича бу анчайин бошқача бўлса ҳам, олмахонлигини кўриб, ҳайрон бўлди. Бу ҳайвон Аризона ва Мексикада яшайдиган турга тегишли эди. У унинг Индиана ва Кентукки штатларида овлайдиган олмахонларидан кичик эди ва унинг шимолий уруғларидагидай момиқ думи йўқ эди. Нима учундир у одатда учратадиганидан кўра кўпроқ сув сичқонига ўхшар эди. Бу худди ўша, шу эрталаб вақийда кўрган ҳайвон эди. У юқоридаги қоядан сакраганга ўхшайди ва тўппа-тўғри чолла кактуснинг шоҳига тушган. Эҳтимол, олмахон йиртқич ҳайвондан шошиб қочганида, қаёққа сакраганини қарашига имкони бўлмагандир. Қанақа сабаб бўлмасин, у ҳалокатга этадиган хато қилган эди. Чолла кактуси новдаларини икки дюймли (5 сантиметр) тиконлар қоплаган бўлиб, унинг айрим тикончалари олмахоннинг боши, кўкраги ва қорнига санчилган эди.

Қаердандир, юқорилардан, ундан баланддаги қоялардан Овоз: “Сенинг душманинг ўлик” — деди.

У оёғи билан уни тепиб кўрди. Танасининг қаттиқлигига (*қотиб қолганга*) қараганда, у бир неча кун олдин — тахминан, у касалхонага ошқозонини текширтириш учун борган вақтида ўлган эди. Шу кунгача уни қарғалар чўқиб ташламагани ҳайрон қоларли эди.

Билли сўқмоқдан юришда давом этди ва қўлида Подшоҳ Қиличи пайдо бўлган жойда тўхтади. У у ерда, даранинг гўзаллигидан ҳузур қилиб ва Раббийнинг севгиси ва раҳм-шафқати учун миннатдор бўлиб, озроқ тўхтади. Кейин у сўқмоқдан машинасига қараб кетди. Унга врач билан учрашиши керак эди.

Ўша куни, кейинроқ, доктор Ровенсворт унга: “Жаноби Бранхам, сизда гастрит бор, яъни ошқозонингизни ички девори шамоллаган. Мана нима учун ошқозонингиз шундай таъсирчан ва шу туфайли кўнглингиз айнийди, вақти-вақти билан қайт қилгингиз келади. Ошқозонингизни ички қисми юмшоқ ва эластик бўлиши керак, аммо сизни ошқозонингизни шиллиқ пардаси шундай қотганки, у кўпроқ ишлов берилган терига ўхшайди. Афсуски, тиббиёт фани сиз учун ҳеч нарса қилолмайди. Мен жуда ачинаман”.

Чорасизлик, худди шақилдоқ илон каби унинг оёғига ўралди, аммо у эрталабки

ваҳийси ва дарада кўрган ўлик олмахон билан мустаҳкамланган имон билан уни итариб юборди. У хотинига деди: “Азизам, мен билмайман қандай бўлади, аммо бу ошқозон касалига барҳам берилади”.

Сешанба эрталаб у яна Сабино дарасига кўтарилди. Ўша сўқмоқ иккига ажраладиган жойдан у яна ўнгга бурилди ва шарқий қиялик бўйлаб жанубга кетди. У борар экан, унинг ақли доктор Ровенсвортнинг берган прогнози билан сира рози бўлмас эди. Прогноз шундай узил-кесил, қатъий эшитилар, бироқ юқоридан Овоз унинг душмани ўлганини эълон қилар эди. Баъзан имон ва мавжуд воқелик бир-бирига қарши курашади. У 1948 йилда Майо клиникасида врачлар ўтказган текширишлар ҳақида ўйлади. Улар ҳам унга, унинг ошқозонига ҳеч ким ёрдам беролмайди деганди. Кейин у учиб келиб унинг кўкрагига қўнган олтита оқ кабутарни кўрди. Улар гўё унга бир нима демоқчидай, ғуғулашдилар. Ундан кейин улар “S” ҳарфи шаклида учиб кетишди. Билли тез-тез онасининг туши устида ўйланар, чунки у унинг ваҳийси ва Раббийнинг: *“Эсингда бўлсин, унинг бўйи бор-йўғи олти дюйм”,* — деган кўрсатмасига мос келар эди. Худонинг номерлашида олти сони одам билан боғлиқ, чунки Худо одамни олтинчи куни яратди. Олти — бу тугалланмаган сон. Етти сони тугалликни англатади. Онасининг тушидаги олтита кабутарлар, бу унинг ҳаёти давомида олти марта келадиган ва уни ошқозон касаллигидан шифолайдиган Худонинг раҳм-шафқатини ифодалайди. Ҳар бир шифоланиш етти йилга яқин ёки саккиз йилгача давом этган, вақтинчалик эди. 1948 йилдан бери унинг азоблари тугаганини айтадиган еттинчи кабутарни кўришни жуда кутган эди.

Сўқмоқнинг эгри-бугрилигидан у теп-текис эмас эди, у гоҳ кўтарилар, гоҳ у бурундан-бунисига тушар, шу учун Билли депиниб ва оёғини қайириб олмаслик учун ҳушёр бўлиши керак эди. Бирдан у олдинда, қиялик юқорисидаги қуриган ўсимликларнинг бир хил тусдаги кўринишида ғалати бир нарсани — оппоқ нурнинг ярқираганига эътибор берди. Бошини кўтариб, сўқмоқда ўтирган кабутарни кўриб, ҳайрон бўлди. Унинг парлари қордай оппоқ эди. “Бу ваҳий бўлишлиги керак”, — кўзларини ишқаганича, ўйлади Билли. “Албатта, бу ваҳий”. Қушнинг боши ёнига эгик бўлиб, унинг кўзи тўппа-тўғри унга қараб турар эди. Кейин у бир неча бор кўзини очиб юмди. Бу Биллига бу ҳақиқатда бўлаётганини айтаётган эди. Кабутар ваҳийда кўз қисмайди. Билли сўқмоқдан тушиб, кабутарнинг яқинида пастдаги қияликдан ўтди. У учиб кетмади. Билли сўқмоққа қайтган вақтида, кабутар ҳали ҳам унга, энди бошқа томондан қараб турар эди. Кабутар Биллининг орқасидан, токи у сўқмоқнинг кейинги бурилишида кўринмай қолгунича, қараб тураверди. Билли бир соатдан кейин қайтиб келганида, кабутар энди йўқ эди. Билли ўйлади: “Мен Иброҳим ўғли эканман, врачнинг менга айтганига эътибор қилмайман; барибир мен соппа-соғ бўламан!”

Чоршанба эрталаби, 1965 йил 22 сентябри, у яна бир бор Сабино дарасига қайтди. Бу сафар унда, унга таҳдид соладиган илон сингари, шубҳа йўқ эди. Бу эрталаб унинг мақсади Раббийга, Унинг меҳрибонлиги ва шафқати учун шукроналар айтиш эди. У сўқмоқдан бўлинадиган жойга келганида ўнгга бурилиб ва жанубий бўлиниш томон кетиш ўрнига, у чапга бурилди ва шимолга қараб кўтарилди. Ўн бир яримларда у чанқоқ сезди, шу учун у даранинг тубига тушди ва ҳарсанглар орасидан чуқур ҳавзадан сув ичди. Кун исигандан исиб кетди. Кўйлагини ечиб, уни белига тугиб олди ва сўқмоққа етиб олиш учун яна қияликдан кўтарилди. Уларнинг устидан жуда юқорида қоя чўққилари кун чиқар осмонига тегиб турар, уларнинг айримлари, йиғиштирилган қанотларига бурилиб қараб турган бургутни эслатар эди. Кўтарилишда чарчаганидан, ўзидан иккита келадиган ҳарсанг соясида дам олиш учун тўхтади. Соатига қараб, туш яқинлашганини тушунди. Ичидан бир овоз: “Мана шу ҳарсангга қўлларингни қўй ва ибодат қил”, — деди. У бўйсунганча, шу катта юмалоқ тошга тирсаклари билан шундай тираб қўйдики, унинг юзи тошнинг салқин юзасига тегиб турди. Қоянинг чўққисида турган бу улкан тош бургутга бурилиб қараб, Билил ибодат қилди: “Осмонлар Худоси. Мен Сенга миннатдорман, чунки...”

Чўққилардан Овоз жаранглаб, қияликдан тошдан ҳам тез тушиб келди: *“Юрагинг баландлигида кўкрагинг билан сен нимага суяниб турибсан?”* Билли тисарилди ва учбурчак шаклидаги катта тошга қаради. У ерда унинг кўкраги тўғрисида: E – A – G – L – E *(Б-У-Р-Г-*

У-Т) ҳарфлари тошнинг юзасига туширилган эди. Ҳарфлар оқ кварцдан ҳосил бўлган ва қора тошнинг фонида равшан билиниб турган эди. “Бургут” сўзининг биринчи ҳарфи “Е” “Б” бош ҳарфдек кўринар эди. Гарчи улар одатда ёзувда бўладигандай бир-бирига қўшиб ёзилмаган бўлса-да, қолган бошқа тўртта ҳарфлари инглиз шрифти билан, ҳар бири бошқасидан алоҳида турган эди. Ҳамма ҳарфлар тахминан бир хил баландликда эди ва бир-биридан бир хил узоқликда турган эди. Бу дарадаги улкан тошлар шаклланаётган вақтда, Худо бу тошга озроқ оқ кварцдан солганга ва уни осилиб турган қояларнинг чўққисига жойлаштирганга ўхшар эди. Кейин, қайсидир зилзила вақтида у дарага думалаб кетган, қияликнинг пастдаги шу жойига тушиб, йиқилган пайтида бўлакланган ва ўз мактубини номасини келтириш учун мана шу кунни кутган эди. Бу Уилльям Бранхам хизматини охирги тасдиғи бўлиб чиқди.

95 БОБ
ОХИРГИ КУНЛАР
НОЯБРЬ – ДЕКАБРЬ 1965

ШУКРОНАЛАР КУНИДАН БОШЛАБ,Уилльям Бранхам Луизиана штати, Шривпортда, Жек Моор пастори бўлган черков — Ҳаёт Чодирида тўрт марта ваъз қилди. Пайшанба кечқурун, 25 ноябрь куни у "Масиҳ Келинининг кўринмас иттифоқи" деган мавзуда ваъз қилди. Бу никоҳ, деди у, мана ҳозир тузилади. Бу нарса, қачонки инсон мана шу даврга тасдиқланган Сўзни эшитади ва қабул қилади, мана шу моментда юз беради. Исо, Куёв, бу тасдиқланган Сўз ҳисобланади. Павел бу сирни Эфесликларга мактубида, 5:25 да очиб берди: *Эй эрлар, Масиҳ имонлилар жамоатини севиб, улар учун Ўзини қандай фидо қилган бўлса, сизлар ҳам хотинларингизни шундай севинглар.* Билли деди: "Агар сиз Худо Каломи билан турар экансиз, унда сиз баркамол, оқлангандай — сиз умуман буни қилмагандек, турасиз. Ҳаллелуя! Сиз Шукроналар куни ҳақида гапирасиз. Мен нимаики билсам, Бу учун, қолган ҳамма билганларимдан ҳам кўпроқ миннатдорман. Сиз — тирик Худо Ўғлининг тоза, яхши фазилатли, бегуноҳ Келини. Ҳар бир эркак ёки аёл, қайсики улар Худо Руҳидан туғилганлар, Исо Масиҳ қонида ювилган ва ҳар бир Худо Сўзига ишонадилар, улар худди ҳеч қачон гуноҳ қилмагандай турадилар. Сиз Исо Масиҳ Қони орқали баркамолдирсиз. Чоридан ажралинглар ва бу ёққа қуёшга чиқинг, бу ерда сиз қолган буғдой ҳосили билан пишишингиз мумкин. Мен камбайннинг қандай келаётганини эшитяпман. Сизлар осмондаги тўйга ҳозирланаяпсиз, ва сизларга асоссиз меҳр-шафқатнинг тақдир этилган никоҳ узуги тақилган. Буни Худонинг Ўзи қилди. У сизларни дунё яратилишидан олдин билган эди, шу учун сизнинг исмингизни Қўзининг (Қурбонлик Қўзисини) Ҳаёт Китобига жойлаштириб, сизга никоҳ узугини тақди. Қанақанги Шукрона! Ҳаллелуя! Худовандимизга ҳамдлар бўлсин!"

Жума кечқурун у "Ишлар — бу имоннинг ифодаси" деган мавзудаги мактубни ваъз қилиб, у ерда у Ёзувдан иккита жойни тушунтирди, қайсики улар бир қарашда бир-бирига қарама-қаршидек кўриниши мумкин. Ёқубнинг мактуби 2:21-23, Иброҳим нафақат имони билан, балки ишлари билан оқланган дейди; унда Павел РимликларгМактубнинг 4:1-8 да, Иброҳим имони орқали оқланди, ишлари билан эмас, дейди. Бу Ёзув жойлари бир-бирига зид эмас; улар бор-йўғи битта танганинг турли томонларидир, холос. Ёқуб Иброҳимга инсон позициясидан қаради, Павел бўлса унга Худонинг позициясидан қаради.

Шанба эрталаб Жек Моор маҳаллий меҳмонхонада нонушта уюштирди, ундан кейин Билли, "Худога хизмат кўрсатишга уринманг, агар бу Унинг иродаси бўлмаса" деган мавзуда мактубини ваъз қилди. Ўша оқшомни ўзида Ҳаёт Чодирида у: "Мен эшитгандим, аммо энди бўлса кўряпман", деган мавзуда мактубини ваъз қилди. У бу сарлавҳани Аюбнинг китоби, 42:5 дан олди. Худо қуюндан Аюбга гапирганидан кейин, Аюб деди: *"Мен Сен ҳақингда эштган эдим: энди эса мени кўзларим Сени кўряпти".* Аюб нимани кўзда тутиб гапирганини Билли тушунтирди, кейин эса у ўзининг хизматини мисолда, бу Ёзув жойини йигирманчи асрга қандай қўлланилишини кўрсатиб берди. У қайси воқеани ишлатди? У юз минглаб ваҳийлар, башоратлар, мўъжизалар ва у 56 йил ичида бошидан ўтказган ғайритабиий ҳодисалардан ҳар қандайини олиши мумкин эди. У 1959 йилдаги бошидан ўтганини айтиб берди. Ўшанда Худо унга Марк 11:23 — *Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: "Қўпарилиб денгизга отил", — деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади"*ни маъносини тушунтирган эди. У уларга қандай олмахон овлагани юргани ва битта ҳам отмаганини айтиб берди. Худо унга, у нима истаса айтишини ва шу юз беришини буюрди. У қонун рухсат берадиган олмахонга эга бўлишни хохлашини айтди ва олмахонлар ғойибдан пайдо бўлдилар, қайсики улар у ерда бўлишлари мумкин эмас эди, ва у уларни отди.

1965 йил 28 ноябрь, шанба эрталаб у "Худо томонидан тайёрланган ягона сажда жойи", деган мавзуда мактубини ваъз қилди — яъни бу жой ҳар доим Худонинг Қурбон

Қўзиси — Исо Масиҳнинг тўкилган қони остида бўлган ва бўлади, — деди. Кечқурун у “Оппоқ кабутар қанотларида”, деган мавзусидага мактубини ваъз қилди. У бу мавзуни ғарб *(қишлоқлари мусиқаси)* стилида ижро этиладиган, диний мавзудаги машҳур қўшиқдан олди. Билли Раббий унга Сабино дарасидаги ўша сўқмоқда учрашганини ва оппоқ кабутар орқали унга белги берганини айтиб берди. Бу ваъзининг охирида у “Оппоқ кабутар қанотларида”ни куйлади.

У куйлади:

Нуҳ кемада, сувда кўп кунларни ўтказди,
У Ерни тезроқ топишни истади.
Гарчи қийинчиликлар бўлди, аммо уларни Худо бермаганди,
Оппоқ қанотларда У Осмондан белги юборди.

Нақорат бундай эди:

Унинг Муқаддас севгиси оқ кабутар бўлиб яна тушади,
Оппоқ қанотларда Худо осмонлардан белги беради.

Иккинчи банд:

Исо бизларнинг Қутқарувчи, Ерда, танада яшади,
Ҳайвоннинг охури бошпана Унга бўлди.
Гарчи одамлар рад этсалар ҳам, аммо Раббий унутмади,
Оппоқ қанотларда осмондан бизга белги кўрсатди.

Ўзига алоҳида тарзда тааллуқли бўлган учинчи бандни қўшди:

Мен кўп дард-алам билгандим, Шифо излаган эдим.
Кечаси ҳам ва кундузи Мен Худога ялиндим.
Ва Худо менга жавоб берди, Имонни кўрди У,
Оппоқ қанотларда осмондан менга белги юборди.

Бу қўшиқдан кейин олдинги усулдаги ибодат навбати ўтказилди. Кейинчалик Жек Моор шундай деди: “У Уилльям Бранхам билан бирга бўлган йиғилишларнинг барчасидан ҳеч қайсисини, ўша оқшом Ҳаёт Чодирида таралган муҳаббат, имон ва сиғиниш руҳи билан таққослаб ҳам бўлмас эди.

Декабрнинг биринчи ҳафтаси давомида Билли ваъз қилиш учун Жанубий Калифорнияга қиқагина сафар қилди. Олдинига у Калифорния ва Мексика чегаралари яқинидаги, Аризона штатининг жануби-ғарбий чеккаларида жойлашган Юмада тўхтади. 1965 йил 4 декабрь, шанба кечқурунида тўлиқ Инжилчи тадбиркорлар Жамиятининг Рамада меҳмонхонасидаги банкетида сўзга чиқди. Унинг ваъзини мавзуси “Қутқарилиш” мактуби эди, яҳни буюк ҳалокат (қайғу) тушиши олдидан Масиҳнинг Келинини сирли олиниши эди. У Салоникаликларга Биринчи мактуб 4:13-17 ни ўқиди:(*13) Эй биродарлар, умидсизликда яшаётган бошқа одамларга ўхшаб ғамгин бўлманглар, деб бу одамдан кўз юмиб кетганларнинг аҳволи ҳақида сизларни хабардор қилмоқчимиз. (14) Биз Исонинг ўлиб, тирилганига ишонамиз. Шунга ўхшаб, Худо Исога ишонган марҳумларни ҳам У билан бирга қайтариб келтиради. (15) Буни сизларга Раббимиз каломи каби айтяпман: биз, тириклар, яъни Раббимиз Исо келишига қадар ҳаёт бўлганлар, ўлганлардан илгари келмаймиз. (16) Чунки Раббимиз Исо Ўзи буюк нидо, бош фариштанинг садоси, Худонинг карнайи билан осмондан тушади. Аввал Масиҳга ишонган марҳумлар тириладилар. (17) Сўнгра биз, тирик қолганлар, улар билан бирга Раббимизни ҳавода кутиб олиш учун булутлар билан кўтариламиз. Шу тариқа ҳамиша Раббимиз билан бирга бўламиз.*

Унинг айтган кўплаб фикрлари орасида, уни хитоб, бош фариштa овози ва Худонинг карнайини тушунтирганлари энг муҳими эди. У деди: “Биринчи эшитиладигани, бу — одамларни тайёрлайдиган чақириқ, яъни фариштанинг (элчининг) мактубидир. Иккинчи бўлиб Тирилиш Овози — Юҳанно баён этган Инжил 11:38-44 да Лазарни қабрдан чақирган худди Ўша Овознинг Ўзи. Учинчиси бу — одамларни осмонга Қўзининг (Қурбонлик Қўзиси) Унинг Келини билан осмондаги Зиёфатига чақирадиган карнай жаранглайди. (Эски

Аҳддаги тимсолни эсланг — карнай ҳар доим яҳудийларни уларнинг карнайлар байрамига чақирар эди.) Кўряпсизми, биринчи нима эшитилади, бу — Келинни чақирадиган Унинг мактуби. Навбатдагиси — уйқудаги Келинни ўтган даврларда ўлган ўша имонлилларни тирилиши. Улар бирга олинади ва уларнинг ҳаммасини карнай осмондаги Байрамга чақиради. Биз ҳозирни ўзида тайёрмиз. Биргина қолган нарса шуки, бу чиққан черков тўлиқ пишгунича, қуёшда ётиши керак. Бу орада катта комбайн етиб келади. Поя (*сомон*) ёндирилади, аммо буғдой (*дон*) омборга йиғилади".

"Мен буни айтаяпман, чунки бу — Ҳаёт; чунки мен буни айтиш учун Худо олдида жавобгарман. Мен буни айтишим лозим. Менинг шифоланиш хизматим, фақат одамларни эътиборини тортиш учун эди. Мен ҳар доим мактуб келишини билар эдим ва мана у келдиям. Бу 7 муҳрлар очиқ ва бу сирлар очилди".

"Бир куни, мен 7 черков даврларини ваъз қилишни бошлаганим вақтида, мен кучли теолог ҳисобланадиган, Жек Моорга қўнғироқ қилдим. Мен шундай дедим: Жек, Ваҳийнинг биринчи бобидаги ушбу Одам Ким, сочлари бамисоли оқ юнг, қордек оппоқ Инсон Ўғлига ўхшаш бир кимса. Исо ёш одам эди, — дедим мен. Унда қандай қилиб Унинг сочлари оқ юнгдай, қордек оппоқ бўлади? Бранхам ака, бу Унинг улуғланган Танаси, деди Жек. Мен учун бу тўғридек эшитилмади. Мен хонамга кирдим ва ибодат қила бошлаганимда, Худо менга бу ҳақиқатдан ҳам шундай эканини айтди. Кўряпсизми, мен ҳар доим Исо оддий одам эмас, У Худо деб ваъз қилганман. У танада намоён бўлган Худо эди — Илоҳий севгининг Атрибути тушди ва бу ерда ер юзида намоён бўлган эди. Исо Илоҳий севги эди, бу севги Танани яратди, Унда Иегованинг Ўзи яшади. У тўлиқ танавий Илоҳийлик эди. Худо Ким бўлган бўлса, У барчасини ушбу Тана орқали намоён қилди. У Ўз Қони билан Келинни юва олиши учун, Бу Танада ўлишлиги керак эди. Унинг Келини нафақат ювилган ва кечирилган, балки у оқланди ҳам. Худонинг назарида У (Келин) ҳеч қачон бундай қилмади. У у ерда тоза Худо Ўғлига турмушга чиққан ҳолатда турибди. У шунга олдиндан атаб қўйилган эди. У бу дунёнинг гуноҳи тузоғига тушди, аммо қачонки У Ҳақиқатни эшитди ва олдинга чиқди, Худонинг Қўзиси *(Қурбонлик Қўзиси)* Қони уни тозалади. Ва у у ерда покиза бўлиб турибди — Унда умуман гуноҳи йўқ. Шу учун Мактуб Келинни чақиради. Бу — нидо".

Якшанба оқшомида у Лос-Анжелосдан 50 миль шарқроқда, Калифорния *штати*, Риальтодаги Худо Ассамблеясида, ваъз қилди. У ваъзнинг мавзусини "Келажакда бўладиган воқеалар" деб номлади ва у ўтган оқшом Юмада қилган ваъзини давом эттиришини айтди. Унинг Библиядан тексти, Юҳанно баён этган Инжилнинг 14:1-7 оятлари эди. У ерда Исо шогирдларига деди: *"Юрагингиз ғаш бўлмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонингиз! Отамнинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмаса эди, Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман, деб айтармидим? Мана, Мен бориб сизларга жой тайёрлайман-у, яна келиб, Мен бўлган жойда бўлишингиз учун сизларни олдимга олиб кетаман. Мен борадиган жойни сизлар биласизлар, йўлни ҳам биласизлар. Раббим! – деди Унга Фома, - Қаерга боришингини билмаймиз-ку, йўлни ҳам қандай била оламиз? Исо унга деди: Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди. Агар Мени билсангиз, Отамни ҳам биласизлар. Бундан буён Уни биласизлар, Уни кўргансизлар.*

Билли бу Ёзув жойи кўпинча дафн маросимларида ишлатилганлигига эътибор берди. Орқага бир назар ташлаб, бу ваъз, гўё у буни ўз дафн маросимларида — аммо ғамгин ваиккиланиб эмас, балки келажакда бўладиган яхши воқеаларни кутиб, қувонч билан ваъз қилган эди. У Исо ҳар бир Христиан учун тайёрлайдиган "маскан" ҳақида гапираётиб, уни яъни "маскан" аслида имонли одамнинг янги танасини англатишини тушунтириб берди. У ўша ваъда бўйича, қайсики бизга Исо берган, ишончимиз ҳақида гапирди, чунки Исо кўплаб аломатлар ва мўъжизаларни қилиб, У танада намоён бўлган Иегова эканлигини исботлади. Ҳаётни олдиндан айтиб бўлмайди; ҳар биримиз олдида ўлим турибди. Биз ўлишимиз мумкин бўлган кун ва соатни билмаймиз, ҳар биримиз учун ўлим муқаррар эканини биламиз холос.[184] Билли Исо Масиҳни Калом эканлигини таъкидлади ва келин қанчалик ўзининг соатидаги Сўзга позицион жойлашиши кераклигини тушунтирди . Билли деди: "Бизлар агар Худонинг ушбу атрибутлари эканмиз, биз имон таълимоти ва деноминационизм воситасида

яшай олмаймиз; биз Сўз воситасида яшашимиз лозим. Масиҳнинг Келини, ҳар қандай хотин ўз эрининг бўлаги бўлганга ўхшаб, У ҳам Куёвнинг бир қисмидир; шу учун бизлар Сўз – Келини бўлишимиз керак. Сўз – Келин нима? Бу Сўзнинг мана шу соатда намоён бўлиши. Келин — бу диний ақидалар ёки деноминация эмас,балки Худонинг тирик атрибути". У охирги эллик йил ичида Христианларда осмон ҳақидаги тушунча қанчалик ўзгариб кетганини айтди, ва ўз ваъзини, ўзининг вақт пардаси ортидаги бошидан ўтказган кечинмалари ҳақида гапириб берди. Қайсиники, Худо унга олтинчи ўлчовда бўлган жаннатни қисқача таништирган эди.

[184] Биргина истисно, Масиҳ Келини Кечки Зиёфатга олиниши вақтида ер юзида яшайдиган имонлиларга қилинади.

Кейинги оқшом Сан Бернардино шаҳридаги тўлиқ Инжилчи тадбиркорлар банкетида Билли "Башоратларда ёритилган, ҳозирги воқеалар", деган мактубини ваъз қилди. Унинг Ёзув жойи Луқо баён этган Инжилнинг 24:13:35 да эди. Исо ўликлардан қайта тирлганидан кейин, У шогирдларидан иккитаси билан Эммаус деган қишлоққа борди. Аввалига улар Уни танимадилар, ва улар Унга насролик Исони билишларини ва Унинг бир неча кун олдин хочга михлангани ҳақида айтиб бердилар. Исо уларга деди: *"Эй фаросатсизлар! Барча пайғамбар сўзларига ишончи суст одамлар! Масиҳ Ўз улуғворлигига эришмоқ учун шу азобларни бошидан кечирмоғи керакмасмиди? – деди. Шундай қилиб, Исо Мусо пайғамбардан тортиб, барча пайғамбар китобларида Ўзи ҳақида ёзилган оятларнинг ҳаммасини уларга тушунтира бошлади.*

Билли ўша куни Исо Эммаус йўлида мурожаат қилиши мумкин бўлган Ёзувнинг баъзи бир жойларини келтирди:

Санолар 15:10—У ўликлардан тирилган эди.
Санолар 21:1-18— У хочда фарёд қилди: «Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?»
Санолар 21: 7-8— Унинг устидан Унинг душманлари кулди.
Санолар 21:17— «Улар Менинг қўлларим ва оёқларимга санчдилар», бажарилди.
Санолар 21:19— «Улар кийимларимни ўзаро бўлишиб олдилар», ҳам бажарилди.
Санолар 34:11— Уни ёлғончи шоҳидлар алдадилар.
Санолар 40:10— Унинг дўстлари хиёнат қилдилар.
Ишайё 7:14— қиз бола ҳомилали бўлади.
Ишайё 9:6— Бизга Чақолоқ туғилди ва ҳоказо.
Ишайё 50:6— Уни қамчин билан урдилар
Ишайё 53:7— У айбловчилар олдида жим турди.
Ишайё 53:9— Уни бойнинг қабрида дафн қилдилар.
Ишайё 53:12— У жиноятчилар билан ўлди.
Захариё 11:12— Уни ўттиз кумуш тангага сотдилар.
Захариё 13:7— Шогирдлари Уни ташлаб кетдилар.
Малахиё 3— Яхё Чўмдирувчи Унинг даракчиси эди.

Бундан ташқари, барча тимсолларни қараб кўриб, Исо бутун Эски Аҳд бўйича мурожаат қилса бўладиган жой — Ибтидо китобининг 22 бобида, Иброҳим Худонинг талабини бажариш учун, ўғли Исҳоқни тоғ чўққисига, уни қурбонликка келтириш ниятида бошлаб боргани кабиларни ҳам айтиш мумкин.

Биллининг муҳим фикри қуйидагича эди: Исо, ўша куннинг энг муҳим воқеаларини тушунтириш учун, Ёзувни ишлатди. Худди шу тарзда Христианлар ҳам, бугунги куннинг энг муҳим воқеаларини, Ёзувнинг бугунги кунга мўлжалланган, белгилаб қўйилган башоратлари билан боғлаган ҳолда тушунишлари мумкин. Билли ўзининг хизматини далил қилиб кўрсатди, лекин унинг хизматига тааллуқли бўлган Ёзув жойларининг ҳаммасини айтиб ўтишига банкетда етарлича вақти йўқ эди. У деди: "Унинг ортидан кузатинг. Исо уларни Худо Каломига мурожаат қилдирар, йўллар эди. У ҳеч қачон: Наҳотки, Мени билмайсизларми? Мен Ўша, Тирилган Масиҳман, — деб чиқмади ва гапирмади. У бундай деб айтмади. У уларга Ёзув жойи берди, ва уларнинг ўзи хулоса қилишлари керак эди. Яхё

Чўмдирувчи ҳам худди шундай қилди. Энди, одамлар, сусткашликда қолманглар; ўзларингиз хулосалар қилинглар”.

1965 йил биринчи ноябрига келиб, Пэрри Грин Тусон шаҳри маркази яқинида жойлашган бўш турган черков биносини топди. Ойнинг ўртасида у уни ижарага олди ва уни тартибга келтирди ва хизмат учун эшикларини очди. У уни Тусон Чодири деб атади. Уилльям Бранхам Тусон Чодирида якшанба куни, 1965 йил 21 ноябрда биринчи марта ваъз қилди. У Пэрри Гриндан, у унга беш дақиқа давомида йиғилганларга мурожаат қилиб ва шу ердаги одамларнинг барчасига Тусонда ниҳоят, у ҳар доим келадиган черков борлигидан қанчалик бахтиёр эканини айтишга имкон берасанми, деб сўради. У Тусон Чодирида охирги марта якшанба куни, 1965 йил 12 декабрида ваъз қилди. Пэрри Гриннинг ваъзидан кейин, Билли 30 дақиқа нон синдиришни қабул қилишнинг муҳимлиги ҳақида (яъни, Раббийнинг *Қутлуғ Кечаси*) гапирди. У деди: “Бизларга учта жисмоний ҳаракатни бажо келтириш буюрилган — сувда чўмдирилиб имонга келиш, Раббийнинг Қутлуғ Кечаси ва оёқ ювиш. Бу — Худо томонидан ўрнатилган тартиб. Биз бу аломатларни тимсол сифатида бажаришимиз лозим”. Унинг “Қутлуғ кеча” ваъзи унинг ёзиб олинган охирги мактуби бўлди. Қачонки ўзининг кичикроқ ваъзини тугатгач, у Раббийдан вино ва нонни дуо қилишини илтимос қилди, ва ундан кейин ўша оқшом черковга келган юзлаб одамларга нон берди. Ундан кейин, ҳамма нонни қабул қилиб бўлгач, у патносдан стаканчада винони олди, уни йиғилиш олдида кўтарди ва (Исонинг сўзларини келтириб) деди: “Худонинг Шоҳлигида мен янги шароб ичадиган кунгача узум неъматини бошқа ичмайман”.[185]

[185] Марк 14:25

Кейинги куни Билли янги овчилик хонасини кўрсатишга ўзи билан Пэрри Гринни олди. Улар Биллининг янги уйига етиб келганларида, Пэрри киришдан унга узоқ бўлмаган жойда, ҳовлига ярашиб турган фойтун аравaнинг синиқ ғилдирагига эътибор қилди. Ғилдиракнинг кегайлари ёғочдан, тўғини эса темирдан эди. Аризонага илк бор келиб ва биринчи келиб ўрнашган одамлар ўзининг фойтунларига мана шунақа ғилдираклар ўрнатишган эдилар. Пэрри бу синиқ ғилдирак ҳақида сўраганида, Билли бу унинг биринчи оиласини эслатишини айтиб берди. Хоуп ва Шарон роуз ўлганларидан кейин у туш кўрган, тушида Шарон Роуз уни Ғарбда, ғилдираги синиқ фойтун олдида учрашган эди. Албатта, у вафот этганида у ёш бола эди, аммо унинг тушида у ёш қиз эди. У унга салом берди ва уни Хоуп кутиб турган Жаннатга борадиган йўлни кўрсатган эди.

Билли ва Пэрри овчилик хонасига уйнинг шарқ, кунчиқар томонидаги эшигидан киришди. Ёғоч панелни ёғоч ўймакорлиги формасида ишланган, ёввойи ҳайвонлар панноси билан безатилган эди. Энг ҳайратланарли ўймакорлик иши каттакон африка йўлбарсини тасвирлаб турар эди. Хонанинг учта деворида ёғоч панел бор эди, шипда ёғоч болор бор эди, полда эса овчилик хонасига содда эркаклар руҳини бериб турган тош плитка бор эди. Катта венеция деразаси Каталина тоғларига ажойиб манзарани очиб, шимолий деворни безатиб турган эди. Тошдан терилган зўр таассурот қолдирадиган камин хонанинг шимоли-ғарбий бурчагида ўрнатилган эди. Кун ботар деворда дашт-биёбон дараси тасвири солинган эди. Унда юқоридан, қизғиш ҳарсанглар орасидан оқиб тушган жилға устида туртиб чиқиб турган қизғиш қоялар тасвирланган эди. Эркак ва урғочи буғу хонанинг шимоли-ғарб томонидан оқиб турган жилғани кузатиб, юқорида туришган эди. У ерда, фрескада расми солинган жилғача ҳақиқийси — бир неча тошлардан поғонали шаршарача бўлиб, кичикроқ сув оқими ҳавзага тушаётгани билан бирлашиб кетган эди.

Хонада кўплаб милтиқлар, куроллар, ов ўлжалари ва у ўз сафаридан олиб қайтган эсдалик совғалари бор эди. Деворлар унинг кўплаб ов сафарлари вақтида отган жониворларнинг тулумлари билан тўлиб кетган эди: буғулар, антилопа, лослар, карибу, америка лоси, тоғ эчкиси, қўй ва учта пекари қобони.[186] Бу ўша, у Британия Колумбиясида 1961 йил сентябрида ўлдирган, Худо унинг шохини узунлиги 42 дюйм (105 *сантиметр*) бўлади деб кўрсатган ўша карибу эди. Каминни олдида, ерда ўша сафари вақтида отган тепаси кумушранг йиртқич айиқнинг терисидан қилинган гиламча ёзилган эди. Айиқ терисидан ташқари у ерда унга Сидни Жексон совға қилган африка леопарди териси ётган

эди. Деворда у Айдахо *штати*, Қайтиб келмас дарё рекорди бўлган форели балиғининг тулуми осиғлиқ эди. Қизил дарахтдан сайқалланиб ясалган столда қанотларини ёзиб, учишга тайёр бургутнинг тулуми турар эди. Дераза олдидаги бурчакда олмахонга қараб оғзини очиб турган малла силовсин тулуми, бу пайтда юқоридан уларга оппоқ кабутар қараб турган эди. Билли январь ойида ўлдирган тоғ йўлбарси тулум устида таксидермист ўз ишини тугатгач, Билли уни бурчакдаги сув ҳавзаси ёнига шундай қўймоқчи эдики, гўё у сув ичишга келгандай кўриниши керак эди.

[186] Афсуски, овчилик ўлжалари учун хонада Уилльям Бранхамнинг Африка сафаридан ўлжалари келмади. У Мозамбикнинг Бейру шаҳри аэропортида 33 та ов ўлжасини, авиаташувчига уларни Қўшма Штатларга келтиришини айтиб қолдирган эди. Ўлжалар шундай қилиб етиб келмади, бу дегани, улар Мозамбикда ўғирланган бўлса керак. Бу нарса авиакампаниясининг айби бўлганлиги сабабли, кампания Биллига яна битта ов экспедицияга, Африкага бепул чипта таклиф этди. Албатта, унда уларнинг таклифидан фойдаланиб қолишга имконияти йўқ эди.

Албатта, овчилик хонасида стол бўлиб, унда бир неча ўнлаб Библия справочниклари турган эди. Стол ва китоблар Библияни ўрганаётган одам учун мўлжалланган эди. Айиқнинг териси ибодат қилувчи одам учун эди. Фреска, яъни ўйиб ишланган суратлар ва дераза зийрак одам учун эди. Қуроллар ва ўлжалар эса ёввойи жойларни севадиган одам учун эди.

Сарра ва Иосифни Рождество байрами таътилига жавоб беришлари билан, Меда кийимларни чемодонга йиғди, Билли эса уларни ўзининг 1964 йилда ишлаб чиқарилган универсал Форди юкхонасига жойлаштирди. Билли Рождество ва Янги йил байрамларини Жефферсонвиллида ўтказишни режалаштирган эди. Уни ўзи шимолий иқлим зонасида улғайгани учун, Рождество байрамини қор билан дўстлари даврасида ўтказишнинг қандайдир ўз гашти бор эдики, бундан унинг дили яйраб, руҳи мустаҳкамланар эди. У 26 декабрда Бранхам Чодирида режалаштирган ваъзи учун қайдлар ёзиб қўйган эди. Бу ваъзини у “Бизга Ўғил берилди; Бизга Ўғил туғилди”, деб номламоқчи эди. Янги йилдан кейин у болаларини Тусонга, мактабга қайтариб келтирмоқчи, ундан кейин эса январда, у Жефферсонвиллига қайтишни ва Бранхам Чодирида ўзига хос йиғилишлар ўтказишни режалаштирган эди. У “Илоннинг изи” деган мавзуда ўргатмоқчи эди. Адан Боғидаги ҳайвондан (*илондан*) бошлаб ва Қобилнинг генетик линияси бўйлаб Ваҳий китобидаги ҳайвонгача бутун кўламда, бутун Библия бўйлаб илон изига тушиш учун унга тўрт соатча вақт керак бўлади, деб ҳисоблади.

Билли, Меда, Сарра ва Иосиф Тусондан 18 декабрь, шанба эрталаб, Рождестводан бир ҳафта олдин йўлга чиқдилар. (Ривқо Тусонда қолди.) Билли шарққа қараб 10-шосседан Нью Мексико *штати* йўналиши бўйлаб жўнади. Билли Поль ўзининг машинасида хотини Лоис ва икки ўғилчаси билан уларнинг ортидан жўнади. Шу кечқурун соат олтиларга яқин икки оила Нью Мексико штати, Кловисдаги Дэнни ресторанида нонушта учун тўхтадилар. Бу жой Техас штати билан чегарадан бор-йўғи бир неча миль масофада эди. Улар ресторандан чиққанларида Билли Иосифни Билли Поль билан бошқа машинада боришини сўради.

Билли машинасини юргизди ва шоссега чиқди. Меда олдинда пассажир ўтирадиган жойда ўтирган эди. Сарра орқа ўриндиқда ётди ва ухлаб қолди. Штатнинг чегараси яқинида Нью Мексико *штатининг* Тексако шаҳарчаси жойлашган эди. Тексаконинг шарқий теварагидан ўтиб, улар шоссега чиқишлари учун чап томонга бурилишлари керак эди. Бу шосседан улар шимоли-шарққа Техас *штати*, Амариллога кетдилар. Билли мана шу бурилиш жойидан ўтиб кетиб қолди, шу учун навбатдаги чорраҳадан универсалини орқага бурди, шоссенинг кесишган жойига қайтиб келди ва ўз вақтида керакли томонга бурилди. Тез орада Билли Польни кўрди, қайсики у ўз вақтида чапга бурилган ва уни кутиб йўл четида турган эди.

Қачонки Билли Поль ортни кўрсатадиган ойнадан отасини кўрган эди, у рулни чапга бурди ва газни босиб олдинда кетди. Икки қаторли шосседа узун-узун кўланкалар ташлаб, қош қорайди. Тез қоронғи туша бошлади. Билли Поль машинаси чироғини ёқди. Энди уларнинг йўлида Техас *штати*, Фриона шаҳри турган эди. Фрионагача тахминан уч милча етмай, Билли Поль паст тезликда кетаётган машинага яқинлашиб, уни қувиб ўтди. Қачонки у бу машинанинг олдига ўтган эди, у горизонт бўйлаб яқинлашиб келаётган бир фаранинг светига эътибор берди. Олдинига у буни яқинлашиб келаётган мотоцикл деб ўйлади. Қарийб,

охирги моментда у буни автомашиналигини тушунди. Унинг ҳайдовчи томондаги фараси ишламас ва ўнг фараси бўлса йўлнинг ўртасига тўғри келар эди. Рулни ўнг томонга кескин буриб, Билли Поль йўл четига чиқиб кетди ва сув оқадиган ариқчага кириб, базўр ўлимдан қочиб қолди. Тартиб-бузар машина бурилмай, унинг ёнидан ўтиб, гўё ҳайдовчи маст эди ва ўзига хавфнинг таҳдидини сезмас эди. Қачонки Билли Поль яна машинасини шоссега бургач, у бу машина, у ҳозиргина қувиб ўтган машина ёнидан ўтиб кетдими-йўқми деб, кўриш учун орқани кўрсатадиган ойнага қаради. У тўқнашишни кўриб қолди, уни эшитиши биланоқ, у ўз бағрида қандайдир оғир бир нарсани ҳис қилди. Жабрланганларга ёрдам бериш учун отаси тўхтайди деб ўйлаб, Билли Поль машинасини орқага бурди ва авария жойига етиб келди. Қачонки унинг фаралари авария жойини ёритган эди, у кўрганларидан ларзага келди — унинг отасини Форди мана шу 1959 йилда ишлаб чиқарилган Шевролет автомобили билан тўқнашган эди.

Билли Поль йўлнинг қарама-қарши томондаги четига тўхтади. У болаларига машинада қолишини буюрди, кейин у хотини Лоис билан шоссени кесиб авария бўлган жойига ўтдилар. Иккала машина капоти чирмашиб кетган ва металл крилолари пачоқланиб кетганди. Билли Поль отаси машина капотида юзи билан пастга қараб ётганини кўриб қўрқиб кетди. Зарб шундай кучли бўлганидан, уни бунда рул чамбарагини синдириб, олдинга отган, танаси билан эса олд шишани синдирган эди. Унинг чап билаги эшикка қисилиб қолган, чап оёғи эса рул колонкасига ўралиб қолган эди.

Ноиложликда Билли Поль қичқирди: “Дада, сўз дегин!”

Билли ғўлдиради: “Демайман”.

“Меда ўлик!” — Лоис машинанинг бошқа томонидан бақириб юборди.

Меда приборлар шити остида полда бир тўда бўлиб ётган эди. Билли универсалнинг бошқа томонидан чопиб ўтди ва ўгай онасини *(Меда опани)* билагидан пульсни билиш учун ушлади. У томирни ушлаб, пульс сезмади. У яна ҳайдовчи жойига югуриб келди ва буни отасига айтди, аммо бу сафар жавоб олмади.

Шоссенинг у ёғидан машинадан Иосиф қичқирди. Билли салгина бошини кўтарди ва сўради: “Нима эди бу?”

“Бу Иосиф, лекин у билан ҳаммаси жойида. Дада, онам ўлганга ўхшайди”.

“Қаерда у?” — сўради Билли.

“У машина полида”.

“Уни қўлини меникига қўй”. Аста-секин, қаттиқ оғриқ билан, Билли ўнг қўлини машина ичига олди ва уни пассажир жойига чўзди. Билли Поль Меданинг жонсиз қўлини олди ва уни отасининг қўлига қўйди. Билли ибодат қилди: “О Худойим, она ўлишига йўл қўйма. Уни шу ерда биз билан қолдир”. Билли яна бир бор Меданинг пульс уришини пайпаслаб кўрди ва бу сафар у уни сеза билди — жуда паст, лекин у бор эди.

Бу вақтга келиб авария бўлган жой яқинида бир неча машина тўхташди, ва улардаги одамлар ўз ёрдамларини таклиф қилишди. Кимдир штатнинг йўл полициясига тўқнашиш ҳақида хабардор қилиш учун Фрионага жўнаб кетди. Тўқнашиш жойига полиция машиналари, тез ёрдам ва техник ёрдами машиналари йиғилди. Қутқарувчилар Меда билан Саррани тез ёрдам машиналарининг бирига жойлаштирдилар ва уларни шу яқиндаги касалхонага олиб кетишди. Иккинчи машина пачоқ бўлган Шевролетнинг орқа ўриндиғида бўлган иккита ёш йигитни олиб кетди. Олдинги ўриндиқдаги иккита йигитни олиб кетишга шошилишни кераги йўқ эди. Улар жонсиз эдилар. Эҳтимол, улар урилган моментда ўлгандирлар. Алькогол яна иккита қурбонни (*ҳаётини*) олиб кетди.

Уилльям Бранхамни машинадан чиқариш муаммо бўлди. У авариядан шунчалик қисилиб қолган эдики, уни тирик чиқариб олиш учун кимдир ҳаёти билан таваккал қилиши керак эди. Билли Поль мен қиламан деб чиқди. Машинани иккита юк машинаси икки томонга чўзган пайтида, Билли Поль олдинги ўриндиққа эмаклаб кирди ва отасининг оёғини рул колонкасидан озод қилди. Кейин у оёғи билан ҳайдовчи эшигини уриб чиқарди ва қутқарувчиларга отасини чиқаришда ёрдам берди. Бутун бу жараёнга қирқ беш оғир дақиқа кетди.

У касалхонага тушиши билан, оиласи ва дўстлари билан боғланиб, улар эса жуда кўп эди, Билли Поль телефонда навбатчилик қилди. Бахтсиз ҳодиса ҳақидаги янгилик тез тарқалди, қабулхонадаги телефон кечаси билан жиринглади. Хавотирдаги қўнғироқ қилувчиларга уни деярли айтадиган гапи йўқ эди. Эрталабки соат 8 да Пэрри Грин қабулхонага кирди, Билли Полнинг чарчаган қўлидан гўшакни олди ва уни кушеткага этди, у ерда у ўша заҳоти ухлаб қолди.

Пэрри Грин Билли Поль ўрнига телефон қўнғироқларига жавоб бера бошлади. Тез орада унда баъзи бир янгиликлар пайдо бўлиб, уларни у бошқаларга айтса бўладиган эди. Ҳамшира унга Уилльям Бранхамни ҳозиргина жарроҳликдан интенсив терапия блокига ўтказилганини ва унинг аҳволи оғирлигича қолаётганини айтди. У Биллини кўришни истармикан деб, ҳамшира ундан сўради. Пэрри Грин Билли Полни уйғотишни таклиф қилди, бироқ ҳамшира уни ухлайвергани яхшироқ деди.

Пэрри интенсив терапия блокига кириб, Меданинг кровати ёнида тўхтади. У ҳозир ҳушида эмасдек эди гўё ва шу учун унга жавоб бермади. Унинг юзи жуда ҳам шишиб кетган эди. Сарра Бранхам бу блокда йўқ эди, шу тафайли Пэрри Биллининг кроватига келди. Биллининг чап қўли ва чап оёғи тортиб қўйилган ва у бўғзига ўрнатилган трубка орқали нафас олар эди. “Бранхам ака, агар сиз фақат сўз айтсангиз эди...”

Билли жавоб берди. Пэрри паст овозда куйлади: “Оппоқ кабутар қанотларида”. Қўшиқнинг охирида Билли кўзларини очди ва салгина жилмайди. Пэрри деди: “Бранхам ака, ўтган кеча мен ойни ярим ой кўринишида пастидан ёш томчисидай шаклдаги қизил қон рангида бўлакчаси билан кўрдим. Мен олдин ҳеч қачон бунақасини кўрмаган эдим”.

Билли осмондан бу белгини эшитган эди, ҳаяжонда ўтиришга ва ниманидир айтишга уринди, аммо унинг нималар дегани трахеотомик трубкада қолиб кетди. Ҳамшира кирди ва шундай деди: “Жаноб Грин, сизнинг беш дақиқангиз тугади”.

Кейинги уч кун давомида қабулхонада навбатчилик қилиш учун жуда кўп одам келди. Сешанба куни врачлар Билли Полга отасининг кўз қорачиғлари кенгайганлигини айтиб, мияси қаттиқ силкинганини билдирдилар. Врачлар бош суяги ички босими камайтириш учун, операция қилишни таклиф қилишди. Бу ерга ўз ёрдамларини таклиф қилиб келган 65 та биродар билан ибодат қилгач, Билли Поль операцияга рухсат бериб, имзо чекди. Операция врачлар умид қилганидек кутилган натижаларни берди, бироқ Уилльям Бранхам беҳушлигича қолаверди. Чоршанба, пайшанва ва жума кунлари ҳам унинг аҳволи яхши бўлмай ўтиб кетди. Қабулхонада навбатчилар телефон қўнғироқларига жавоб бериб, бир-бирлари билан алмашиб туришди. Пэрри Грин кўнгилли бўлиб, эрта саҳарда, соат 3 дан 6 гача навбатчилик қилишни ўзига олди. Жума куни эрталаб, соат 4:37 да ҳамшира Пэррига Уилльям Бранхам нафас олишдан тўхтаганини ва у уни сунъий нафас олиш аппаратига қўшганини айтди. Яна бир кун ўтди — кўча совуқ ва шамол эди, қабулхонада эса ғамгин ва нохуш эди. Тахминан 16:30 да Билли Поль овқатланишга кафетерийга кетди. Қабулхонада Пэрри Гринни бир ўзи ўтирганди. Интенсив терапия блогидан ҳамшира кўзларида ёш билан чиқди. “Жаноб Грин, илтимос, жаноб Бранхамни топинг. Доктор Хайнс уни кўрмоқчи”.

“Ҳаммаси тугадими?” — сўради Пэрри.

У бош ирғади ва кетди. Пэрри Билли Полни топди ва унга ҳамширани илтимосини узатди. Улар бирга доктор Хайнснинг кабинетига киришди. Доктор Хайнс деди: “ Жаноб Бранхам, мен сизга чукур қайғу билан маълум қиламанки, отангиз бугун соат 16:37 да вафот этди”.

Бу Рождество арафаси эди. Билли Поль: “Пэрри, отамни уйга олиб бор”, — деди.

Видолашиш хизмати 1965 йил 29 декабрда, Жефферсонвиллида бўлиб ўтди. Меда билан Сарра у ерда бўлишлик учун жароҳатларидан етарлича тузалгандилар. Дафн маросимига бир неча минглаб одам келди. Уларнинг ҳаммаси бир вақтни ўзида Бранхам Чодирини ичига сиғмаслиги туфайли, юзлаб одамлар бу хизматни автомобиллари радиоси орқали эшитдилар. Хизмат тугаганидан сўнг, ҳар бир хохлаган одам тобут олдига келиши ва унинг танасига охирги марта қараши учун бир соатдан кўп вақт керак бўлди.

Агар Билли Поль ўгай онаси *(Меда она)* эрини қаерда дафн қилишликни ҳал

қилишини хохлар эди. У бош мия силкинишидан азобланаётганлиги сабабидан, токи у қандай қарорни қабул қилишигача, икки ой кутишга тўғри келди. 1966 йил 11-апрелда Уилльям Бранхам Идиана штати, Жефферсонвиллидаги Саккизинчи кўча ва Грэхам кўчалари бурчагидаги шарқий қабристонда, Бранхам Чодиридан бор-йўғи бир квартал масофада дафн қилинди.[187] Кейинроқ қабр устида пирамида формасидаги ёдгорлик ўрнатилди. Пирамиданинг чўққисида баландлиги 5 фут (1,5 метр) келадиган бронза бургут ўрнатилди. Бургут қанотларини кўтарган ва панжаларини чиқариб, гўё у осмондан тушаётгандай ясалган эди. Бу пирамиданинг ён томонида Ёзувнинг икки жойи ўйиб ёзилган эди. Малакиё 4:5, Ваҳий 10:7 билан ёнма-ён ёзиб қўйилган эди.

[187] 1981 йил Меда Бранхам ўз эрини ёнида дафн қилинган эди.

“Мана, Мен сизларга Раббийнинг буюк ва қўрқинчли куни олдидан Илёс пайғамбарни юбораман. Мана, еттинчи фаришта карнай чалиб, овоз берадиган кунларда, Худо Ўз қуллари — пайғамбарларга маълум қилган Ўзининг сирли мурод-мақсадини буткул амалга оширади.*

Агар Уилльям Бранхам бор-йўғи, фақат узоқ давом этувчи шифоланиш хизмати билан буюк хушхабарчи бўлганида эди, унинг тарихи 1965 йил Рождество байрами арафасида тугаган бўлар эди. Кейинги авлодлар унинг ҳаёти ҳақида худди бизлар ўтган асрнинг буюк хушхабарчилари ҳақида ўқиганимиз каби, қизиқиб ва жуда диққат қилиб ўқиган бўлар эдилар. Чарльз Финни, Чарльз Сперджен, Дуайт Муди, ва Смит Вигглсвортга ўхшаган одамлар ҳақида ўқиганларида улар руҳланиб кетадилар, аммо оз одам бугун улар айтган ваъзларини ўрганадилар. Уилльям Бранхам улардан фарқ қилади. У буюк хушхабарчидан ортиқ эди, ва унинг таъсири оддий одамга хос илҳом чегарасидан чиқиб кетади. Қачонки у 1956 йилда Илоҳий шифоланишдан Библиявий ҳақиқатларнинг кенг кўламли ваъз қилишга ўтганида, унинг қарори узоққа борадиган натижаларга эга эди.

Унинг ўлимидан кейин Уилльям Бранхамнинг плёнкага ёзилган ваъзлари Бранхам Чодиридан кимки сўраса, ҳаммага тарқатилаверилди. 1966 йил мартида Рой Бордерс Уилльям Бранхам ваъзларини рисолаларда нашр қила бошлади ва Тусондан тарқатилди. У ўз фаолиятини “Айтилган Сўз нашри” деб номлади. Бу нашр этилган ваъзларни сўровчилар йилдан йилга кўпайди. 1967 йил Рой Бордерс Уилльям Бранхамнинг 7 муҳр бўйича ўнта ваъзини алоҳида китоб қилиб нашр қилди. Уилльям Бранхам 7 черков даврини таҳрир қилганидай, бу ваъзларни таҳрир қилмагани сабабли, Рой Бордерс бу 7 муҳр бўйича ваъзларни сўзма-сўз нашр қилди. Бу китобни ўқишни қийинлаштирди, аммо ёзиб олинган ваъзни эшитганлар учун, уларни бу китоб бўйича ўқиб бориш енгил бўлди. 1969 йилда Рой Бордерс ўзининг нашриётчилик фаолиятини Жефферсонвиллига олиб келди ва Бранхам Чодирининг “Худо Овозини ёзиш” Корпорацияси деб номланган магнит тасмаларидан*(плёнкалар)* нусха кўчириш хизмати билан бирлаштирди.

Янги минг йиллик бошида ҳар йили Уилльям Бранхамнинг ваъзларини аудио, рақамли ва босма форматларда миллионлаб нусхаларда тарқатиляпти. Бу ваъзларнинг барча нусхаси ҳам фақат Жефферсонвиллида тайёрланмади. Уларнинг айримлари Қўшма штатларнинг Канада, Жанубий Америка, Европа, Африка, Ҳиндистон ва Узоқ Шарқдаги турли шаҳарларда тайёрланган ва тарқатилган эди. Ҳар йили Уилльям Бранхамнинг борган сари кўплаб ваъзлари инглизчадан кўплаб ўзга тилларга таржима қилиняпти. Уилльям Бранхам Библиявий ҳақиқатларга эътиборини қаратганидан ярим аср вақт ўтиб, бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ундаги ушбу Библия ҳақиқатларини очиш неъматидан ҳали ҳам дуоли бўлаяптилар.

Уилльям Бранхамнинг хизмати ҳозирги замон тарихида жуда ноёб эди. У уни ўтганлардан олмади ва ўз замондошларидан кўчирмади; у гўё янги бир йўл очди — ёки аниқроғи, у жуда эски йўлни традиция, урф-одат новдалари билан ўралиб кетганидан унда фақат айрим изларгина кўриниб қолган эди, У ўша йўлни тозалади. Энди йўл яна кўринадиган бўлди. Бу йўл унинг изидан боришлари учун озгина имони бўлган ва танланган эркак-аёллар учун очиқлигича қолади. Яъни, у қилган ишни қилишга уринмаслиги, лекин у қаёққа олиб борган бўлса, ўша ёққа — Худонинг Ҳузурига борувчилар учун бу йўл очиқлигича қолаверади.

МУАЛЛИФ ХОТИМАСИ

Мен 1970 йил Уилльям Бранхам ҳақида эшитганимдан кейин кўп ўтмай, мен унинг биографиясини ёзишни орзу қилдим. Аммо мен бор-йўғи 18 ёшда эдим ва мени бундай катта меҳнат шундай қўрқитган эдики, шу билан мен унга киришмадим ҳам. 17 йил ўтиб, қачонки вазият мени ҳаётимни ўзгартиришимга мажбур қилганида, Худо мени ёшлигимдаги орзуимни амалга оширишга киришишга ва бу буюк одам ҳаётини, мен бу лойиҳа устида фақат бўш вақтимда шуғуллана олишимга қарамай, ёзишимга уринишимга руҳлантирди. Бу 1987 йил эди. Қачонки мен бошқа одамларга лойиҳам ҳақида гапирсам, мен ҳазиллашиб: “Шу учун, агар уни тугатиш учун ўн йил керак бўлса, мен уни, у қанча вақт олишини аҳамияти йўқ, тугатмоқчиман”, — деб қўшиб қўяр эдим. Бу бепарво мулоҳазам камайтириб айтилган бўлиб чиқди.

17 йил давомида мен бу лойиҳа устида ҳафтасига 12 соатлаб ишлаб, 4 апрель 2004 йилда тугатган вақтимда 10 000 га яқин соат вақт сарфладим. Ҳақиқатда бор бўлган материалларни ўрганишнинг ўзи жуда катта иш эди. Кўп марта мен ўзимни худди чайнаб биладиганимдан ҳам катта нарсани тишлагандай ҳис қилдим, аммо барибир мен чайнашда ва ютишда давом этавердим. Нималарни билиб олган бўлсам, уни оддий гапларда ифодалаш учун, уларни ҳазм қилишга уриниб чайнайвердим. Уилльям Бранхам ҳаётини янги нуқтаи-назардан кўрсатишга уринишларимда мен 380 000 сўз ёздим ва мен барибир ўзимни қониқмаган сезаман, чунки мен унинг ҳаёти тарихини керакли тарзда акс эттиролмадим. Мен ҳақиқатдан ҳам унинг кечинмалари ва унинг мактубларининг моҳиятига чуқурроқ тушуниб етолмадим. Эҳтимол, Юҳанно ҳам дўсти Исонинг ҳаётини баён қилиб бўлгач, ўзини шундай ҳис қилгандир. У бундай ёзган эди: *“Исо бажарган бошқа бир талай ишлар ҳам бор. Булар бирма-бир ёзиб чиқилганда эди, ёзилган китоблар оламга ҳам сиғмас эди, деб ўйлайман. Омин”.* (Юҳанно баёт этган Инжил 21:25 Қирол Иаковнинг янги таржимаси)

Эҳтимол, шоир ушбу сатрларни ёзган пайтида, у мана шу Ёзув жойи ҳақида ўйлагандир:

Сиёҳ океанини олсак,
Осмонни пергаментга айлантирсак,
Перога барча ўтларнинг хасчаларини
Ва ҳамма яшайдиганларга Раббийнинг муҳаббатини таърифлашни топширсак, сиёҳ тугаб қолар эди.
Осмонларга тенг ўроғлиқ қоғоз эса ҳаммасини сиғдиролмас эди.

Мен — шу ёзувчилардан бири. Худонинг Уилльям Бранхам ҳаётида ифодаланган севгисини 17 йил давомида ёзишга уринишларимдан кейин, мен қаламимни бир четга қўяман. Мен нима ёзган бўлсам, унинг камчиликларига қарамай, энди қолиши керак. Яхшиямки, бу биография Уилльям Бранхам ҳақидаги охирги сўз эмас. Унинг ваъзлари китоб, плёнка, компакт дисклар ва бошқа форматларда, компьютер программасини ҳам айтсак, осон топилади. Сиз агар қизиқсангиз, сиз бу одам ҳақида ва унинг мактуби ҳақида кўпроқ билишингиз мумкин.

Уилльям Бранхам битта ҳам китоб ёзмади (аммо унда Битта у учун ёзилгани бор эди), у ҳеч қачон радио ёки телевизион программани олиб бормади ва у ҳеч қачон деноминация тузмади. Бугун бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар борки, улар ўзларининг Исо Масиҳ ҳақидаги ҳаёлотларини, у ваъз қилган мактуб туфайли деб ҳисоблайдилар. Ушбу Христианларда ер юзида штаб-квартиралари йўқ. Улар ҳамма таълимот билан розилар, деб ўйлаш соддадиллик бўлар эди. Аммо улар Уилльям Бранхамда Илёснинг руҳи бўлгани ва у Исо Масиҳнинг охирги черков даврига ваҳийсини қайта тиклаш учун Худо томонидан атаб қўйилгани билан рози эдилар ва шундай қила туриб у одамларни Масиҳнинг Иккинчи Келишига тайёрлашига ҳам ишонар эдилар.

Бу биографияда мен бу нуқтаи-назарни тасдиқлайдиган, инкор қилиб бўлмайдиган

исбот-далилларни баён қилдим. Албатта, сиз ўз хулосаларингизни қилишингиз керак. Аммо сиз исбот-далил ҳақида ўйлаганингизда, мана бу ҳақида бир ўйлаб кўринг: мана инсон, унинг ҳаёти у ёки бу даражада Библияда тавсифланган ҳар бир асосий хизматга мувофиқ келади. Пайғамбарини исбот қилиш учун Худо бундан ортиқ нима қилолади? Қачонки яҳудийлар Исо Масиҳми ёки йўқми деб баҳслашганларида, Юҳаннодан Хушхабарда шундай ёзилган: *"...оломондаги кўпгина одамлар Унга имон келтирди. Улар: Масиҳ келганда бундан ҳам кўпроқ мўъжиза яратармикан? — дейишарди"* (Юҳанно 7:31). Мен ҳам сизга худди шундай савол бермоқчиман. Агарда Уилльям Бранхамда Илёснинг руҳи бўлмаганида, унда қачонки Илёс мажусийларга келганида, унда бу одамдагидан кўра кўп *ғайритабиий* тасдиқлар, далиллар бўлармикин?

Малакиё 4:5-6 да Худо эълон қилади: *"Мана, Мен сизларга Раббийнинг буюк ва қўрқинчли куни олдидан Илёс пайғамбарни юбораман: Ва у... фарзандлар қалбини, Мен келиб ерни лаънат билан урмаслигим учун, уларнинг оталарига қаратади".* 1933 йилда Худо Уилльям Бранхамга деди: *"Яхё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини эълон қилиш учун юборилгани каби, сен Унинг Иккинчи Келишини хабар қиласан".*

17 йил ўрганишлардан ва уларнинг натижаларини ёзишлардан кейин, менинг хулосам шундай: агар Уилльям Бранхам Худонинг пайғамбари бўлмаса, унда ҳеч қачон пайғамбарлар бўлмаган ва шундай қилиб, Худо деган Шахс ҳам йўқ демак. Бу шундай оддий.

Шахсан мен ишонаман, Худо бор.

ҚЎШИМЧА:
УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ МАКТУБИНИНГ МОҲИЯТИ

17 йил мобайнида ўрганишим ва *"Ғайритабиийлик: Уилльям Бранхам ҳаёти"* китобини ёзишим учун мен унинг 1 110 дан ортиқ ваъзларини ўргандим. Ушбу текширишларга асосланган ҳолда, мен Уилльям Бранхам мактубининг мазмун-моҳиятигача эътибор бердимки, қайсики, менинг ўйлашимча, уни Христианиннинг ҳаётини ҳамма томонини қамраб оладиган бешта принципда ифодалаш мумкин.

Мана улар:

1. Исо Масиҳ Хушхабари оддий, бироқ беҳад таъсирчан.
2. Хушхабарнинг мақсади — одамларни яратиш бўлиб, уларда Исо Масиҳ устунликка эга бўлади.
3. Исо Масиҳ устунликка эга бўлган одамларда барча воқеалар яхшилик бўлиб хизмат қилади.
4. Энг кучсиз Христиан Худо Сўзини оддийгина имон билан ишлатиб, иблис устидан ғалаба қилиши мумкин.
5. Худо Ўзининг башоратли Сўзини, Уни бажара туриб, изоҳлайди.